

Т.З. Мирсодов

DEUTSCHE GRAMMATIK

HEMIS
TILI
GRAMMATIKASI

QITUVCHI

ТОШКЕНТ «ЎҚИТУВЧИ» 1987
TASHKENT «OQITUWTSCHI» 1987

QITUVCHI

MIRSAGATOW T. S.

DEUTSCHE GRAMMATIK

MORPHOLOGIE

(Vergleichend mit dem Usbekischen)

Verarbeitende, ergänzende II. Verlag

*Vorgeschlagen vom Ministerium
für Hoch- und Fachschulbildung der
Usbekischen SSR als Lehrbuch
für Hochschulen
(für die Studenten usbekischer Gruppen)*

TASCHKENT «OQITUWTSCHI» 1987

51.2.Кеег 873
4И(Кеег)
т 56

МИРСОАТОВ Т.З.

HEMIS TИЛИ ГPAMMATИKACИ


MOPΦOЛOГИЯ

(Ўзбек тили билан қиёсий)

*Қайта ишланган ва тўлдирилган
II нашири*

*ЎзССР олий ва ўрта махсус таълим министр-
лиги томонидан олий ўқув юртларининг ўзбек
тилида ўқитиладиган гурупулари студентлари
учун дарслик сифатида тавсия этилган*

TOШKENT «ЎҚИТУВЧИ» 1967



Махсус муҳаррирлар:
Филология фанлари доктори, проф. А. Ҳожиёв
ва филология фанлари кандидати, доц. Н. Авазбаев

На немецком и узбекском языках

МИРСАГАТОВ ТУХТАМУРАД ЗАИДОВИЧ

ГРАММАТИКА НЕМЕЦКОГО ЯЗЫКА

МОРФОЛОГИЯ

(в сопоставлении с узбекским языком)

Учебник для педагогических институтов (факультетов) иностранных языков
(для узбекских групп)

Ташкент «Ўқитувчи» 1987

Редактор Юсупова Ф. У.
Бадий редактор Адиллова Д. Д.
Техредактор Золотилова Т. Р.
Корректор Абдуллаева Д. М.

ИБ № 3235

Теришга берилди 09.09.86. Босишга рухсат этилди 03.11.87. Формати 60x90/16. Тип қозғони №1. Литературная гарнитураси. Кегли 10 шпонсиз. Юқори босма усулида босилди. Шартли б.л. 17,0. Шартли кр-отт. 17,0. Нашр л. 16,8. Тиражи 2500. Злк. № 2930. Баҳоси 85 т.

«Ўқитувчи» нашриёти. 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома 15—190—86.

Ўзбекистон ССР нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг Бош корхонаси. Тошкент Навоий кўчаси, 30. 1987.

Гос.членное предприятие ТПО «Матбуот» Государственного комитета УзССР по делам издательств, полиграфии и книжной торговли. Ташкент, ул. Навоий, 30.

М 4501(1)0000 — 259
353 (с 14) — 87

34—87

© «Ўқитувчи» нашриёти, 1987.

СЎЗ БОШИ

Мазкур дарслик «Ўқитувчи» нашриётида 1974 йилда чоп этилган Т. З. Мирсоатовнинг «Немис тили грамматикаси» (морфология) қўлланмасининг амалдаги программага мувофиқ қайта ишланган ва тўлдирилган нашридир.

Қайта ишлаш жараёнида дарслик янги илмий-назарий материаллар билан бойитилди, кўпгина морфологик ҳодисаларнинг қиқиқий моҳияти очилди, у ёки бу морфологик категорияга хос формаларнинг маъно ва функциялари тўла ва тўғри белгиланиб, студентларнинг билимлари, ўзлаштиришлари ҳисобга олинди, яъни кам қўлланадиган ва тушунилиши қийин бўлган сўз ёки гаплар амалда кўпроқ қўлланадиганлари билан алмаштирилди. Сўз туркумларига оид қуйидаги темалар қайта ишланди:

I. От туркуми бўйича: 1) отга кўчган сўз туркумларининг грамматик родининг белгиланиши; 2) икки кўплик формага эга бўлган отлар; 3) келишқларга оид маълумотлар; 4) артиклниң назифалари.

II. Сифат туркуми бўйича: 1) сифатнинг турланиш типлари; 2) сифат даражалари.

III. Олмош туркуми бўйича: 1) кишилик олмошларининг турланиши; 2) эгаллик олмошлари; 3) нисбий олмошлар; 4) олмошравчилар; 5) еш шахссиз олмоши.

IV. Фейл туркуми бўйича: 1) кучли ва нотўғри тусланадиган феъллар; 2) кучсиз ва «аралаш тур» тусланиш формаси; 3) синтетик формаларнинг тусланиши; 4) презенснинг қўлланиши; 5) претеритумнинг абсолют ва нисбий қўлланиши; 6) перфектнинг қўлланиши; 7) плюсквамперфектнинг қўлланиши; 8) футурум I ва футурум II нинг қўлланиши ва б.

V. Конъюнктивнинг ясалиши бўйича: феълнинг аниқлик майли ва шарт майлининг тусланиши ва қўлланиши.

VI. Боғловчилар бўйича: немис тили боғловчиларнинг ҳар бир турининг гапда қўлланиши.

Дарслик республикамиздаги Чет тиллар педагогика институт (факультет) ларининг ўзбек группалари I—III курс студентларига мўлжалланган.

Дарсликда немис ва ўзбек тилларининг морфологиясидаги асосий фарқ, ўхшаш ва ноўхшашликлар, мос келишлар, икки тилдан бирортасида ортиқ ёки кам бўлган грамматик формаларнинг бир тилдан иккинчисига қандай ифода этиш усулларини қиёсий тарзда очиқ беришга ҳаракат қилинди.

Қўшимча ўрганиш учун дарслик охирида тавсия этилган адабиётлар рўйхати ҳозирги кунларда нашр этилган янги адабиётлар билан тўлдирилди.

К И Р И Ш (Einleitung)

Морфология грамматиканинг бир қисми бўлиб, у сўз туркумларини, сўз туркумларига хос грамматик категорияларни, формалар системасини ва сўз формасининг ҳосил бўлиш йўлларини, сўз формасини ҳосил қилувчи воситаларни ўргатади.

Морфология грекча *морфе* — «шакл» ва *логос* — «сўз», «таълимот» деган компонентлардан ташкил топган бўлиб, «сўз формаси» ҳақидаги таълимотдир.

СЎЗНИНГ МОРФОЛОГИК СТРУКТУРАСИ

Сўзнинг морфологик структураси *морфемалардан* ташкил топди.

Морфема (грекча *morphe* — «шакл») сўзнинг бўлинмас, энг кичик маъно англатадиган қисмидир. У сўз тузилишида дастлабки морфологик элементдир.

Сўзнинг морфологик структурасини ҳосил этувчи морфемалар асосий хусусиятига кўра икки турга: ўзак морфема ва аффиксал морфемага бўлинади:

Ўзак (Wurzel). Ўзак ҳар икки тилда сўзнинг асосий лексик маъносини ифода этади. Унинг составида грамматик маънони ифода этадиган бошқа элементлар, шунингдек, сўз ясовчи морфемалар бўлмайди. Масалан, немис тилида *schön, die Schönheit, ver-schön-ern, be-schön-ig-en, âie Ver-schön-erung, âie Be-schön-ig-ung*. сўзларининг ҳаммаси учун *schön* ўзак ҳисобланади.

Ўзбек тилида эса *ишчи, ишчиларимиз, ишла, ишчан* сўзларининг ўзаги *иш* дир.

Юқоридаги мисоллар шуни кўрсатадики, немис ва ўзбек тилларида аффиксларнинг ўзакка қўшилиш характери ўзаро фарқ қилади.

Аффикслар (Affixe). Префикс ва суффикслар, одатда а ф ф и к с деб юритилади. Сўзнинг ўзаги олдида келадиган морфемалар — и р е ф и к с (о л д қ ў ш и м ч а), ўзакдан кейин қўлланадиган

морфемалар — суффикс деб аталади. Аффикслар учга бўлинади: сўз ясовчи, форма ясовчи ва сўз ўзгартувчи. Аффиксларнинг бу турлари ҳар икки тилда мавжуд.

Сўз ясовчи аффикслар (Wortbildende Affixe). Ўзакка қўшилиб, янги сўз ҳосил қилувчи аффикслар сўз ясовчи аффикслар дейилади. Масалан, *frei-die Freiheit-die Be-frei-ung*; *колхозчи, ақлли, ишла, бошла* ва б.

Форма ясовчи аффикслар (Formbildende Affixe). Ўзак-негизларга қўшилиб турли грамматик маъно ифодаловчи аффикслар форма ясовчи аффикслар дейилади. Бунга отлардаги кўплик, сифатлардаги даража, феъллардаги замон формаларини ясовчи аффикслар киради: *ge-les-en, ge-lern-t; die Jahr-e, die Straß-en, die Büch-er; stark-stärk-er — am stärk-st-en; fragen—fragte; тоғлар, кучлироқ*.

Сўз ўзгартувчи аффикслар (Flexionsaffixe). Сўзнинг ўзаро боғланишини кўрсатувчи ва шу алоқага хос маъноларни ифода этувчи аффикслар форма ўзгартувчи (сўз ўзгартувчи) аффикслар дейилади. Буларга отлардаги келишик (*Ўзбек тилида эгалик қўшимчаси ҳам*), феъллардаги шах-сон аффикслари ва шу кабилар киради: *die Flügel des Flugzeug-es; ich arbeit-e; wir arbeit-en; ишчига; (мен) ўқийман, (биз) ўқиймиз*.

Ўзбек тилида, немис тилидагидек, ўзак олдидан қўлланадиган морфемалар — префикслар йўқ. Бу эса турк тиллари системасига кирадиган ўзбек тилининг немис тилидан фарқ қиладиган морфологик хусусиятларидан бири ҳисобланади. Ўзбек тилида ўзак олдидан ишлатиладиган бир неча морфемаларни — префиксларни учратиш мумкин. Лекин улар ўзбек тилига тожик, форс тилларидан кириб келган сўзлардагина учрайди: *сер-, бе-, ба-, но-* ва бошқалар: *серҳосил, беғам, бадавлат, ноумид* каби.

Сўз негизи (Stamm). Сўзнинг морфологик белги қўшилиши учун асос бўладиган қисми негиз ҳисобланади. Негиз ўзакка тенг бўлиши ҳам мумкин: *der Tisch, die Stadt, das Glas; китоб, шаҳар, қалам*. Бундай негиз туб ёки содда негиз дейилади. Сўз ясовчи аффикслар қўшилишидан ҳосил бўлган негиз ясама негиз ҳисобланади: *der Arbeiter, die Lehrerin, das Häuschen; ишчи, уйча* каби.

Флексия (Flexion) (қўшимча). Немис тилида қўшимча худди сўз формаларини ясайдиган суффикслар каби сўзнинг грамматик формаларини ҳосил қилади. Қўшимчаларнинг сўз формаларини ясовчи суффикслардан фарқи шундаки, қўшимчалар сўз бирикмаси ёки гапдаги сўзларнинг боғланишини ифода этади:

1) От, сифат, турланадиган сон, олмош ва артикларнинг келишиклар бўйича ўзгариши: *warm-er Tag, warm-en Tag-es, warm-er Tag(e), warm-en Tag*.

2) Сифат, тартиб сон, мослашадиган олмош, артикларнинг род ва сон бўйича ўзгариши: *dies-er klein-e Garten, dies-es klein-e Haus, dies-e klein-e Stadt, dies-e klein-en Häuser, ein klein-*

er Tisch, ein klein-es Buch, ein-e klein-e Karte, klein-e Tisch-e каби.

3) Фейлларнинг шахс ва сон бўйича ўзгариши *ich geh-e, du geh-st, er geh-t, wir geh-en, ihr geh-t, sie geh-en*.

Ўзбек тилида сифатнинг от билан алоқага киришуви немис тилидан фарқ қилади. Немис тилида сифат от билан бирга қўлланганда уларнинг ҳар бири алоҳида келишик қўшимчаларини олади. Ўзбек тилида эса келишик қўшимчалари фақат отга хос бўлиб, сифат бундай алоҳида турловчи қўшимчаларни олмайди. Қиёсланиш: *warm-er Tag*—иссиқ кун; *warm-en Tag-es* — иссиқ куннинг; *warm-em Tag(e)* — иссиқ кунга; *warm-en Tag* — иссиқ кунни каби.

Немис тилида отнинг олмош (кўрсатиш олмоши) билан турланиши янада мураккаблашади. Бунда олмош ва отнинг ҳар бири алоҳида келишик қўшимчаларини олади. Бундан ташқари, немис тилида отлар уч родга эга бўлганлиги учун, бош келишикда от билан қўлланган олмош турли род қўшимчаларига эга бўлади. Ўзбек тилида эса отлар род категориясига эга эмас. Қиёсланиш:

dies-er Garten — бу боғ
dies-e Stadt — бу шаҳар
dies-es Haus — бу уй

Немис тилида от, сифат ва олмош бирга турланганда уларнинг ҳар бири тегишли келишик қўшимчаларини олади. Ўзбек тилида бу уч сўз туркумидан фақат от келишик қўшимчасини олиб, қолган олмош, сифат келишик қўшимчаларини олмайди. Қиёсланиш:

dies-er klein-e Garten — бу кичик боғ
dies-es klein-en Garten-s — бу кичик боғнинг
dies-em klein-en Garten — бу кичик боғқа
dies-en klein-en Garten — бу кичик боғни

Немис тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам феълларнинг шахс ва сон бўйича ўзгариши феъл негизига шахс-сон аффиксларини қўшиш йўли билан бўлади. Албатта, ҳар бир тилнинг турли замон формаларидаги шахс аффикслари турлича бўлади. Немис тилидаги превенс (Präsens) замон формаси ўзбек тилидаги ҳозирги-келаси замон формасига тўғри келади. Қиёсланиш:

ich schreib-e — мен ёза-ман
du schreib-st — сен ёза-сан
er schreib-t — у ёза-ди
wir schreib-en — биз ёза-миз ва б.

Немис тилида қўшимчалар ёрдамида сўз формаларининг ўзгариши процессида баъзи ўринларда қўшимчаларнинг бўлмаслик ҳолатлари ҳам учрайди. Сўз охирида мавжуд бўлмаган қўшимча ноль қўшимча деб юритилади ва унинг маъноси сақланади.

Ҳозирги замон ва аниқ ўтган замонда кучли феълнинг бирлик уч шахс (Person) бўйича тусланишини қиёсланиш:

Презенс: I. P. ich schreib-e
(Präsens) II. P. du schreib-st
III. P. er schreib-t

Претерит: I. P. ich schrieb
(Präterit) II. P. du schrieb-st
III. P. er schrieb каби.

Бу ҳолатни отларнинг турланишида ҳам кўриш мумкин: *der Tisch, des Tisch-es, dem Tisch(e), den Tisch* каби.

Немис тилида турли формаларни ясовчи омоним суффикслар ва қўшимчалар бор. Масалан, -ег морфемасининг қўлланишини олиб кўрайлик:

1) *Lehr-er, Schreib-er, Fahr-er* сўзларида -ег сўз ясовчи морфема ҳисобланади;

2) *höh-er, lieb-er, ruhig-er* сўзларида -ег қўшимча морфема саналиб, сифатнинг қиёсий даражасини ясайди;

3) *Kind-er, Ei-er, Bild-er* сўзларида -ег отларнинг кўплик формасини яшаш учун қўлланадиган қўшимча — морфема саналади;

4) *dies-er, jen-er, gut-er* сўзларида -ег мужской род отларининг бирлик бош келишигининг, женский роддаги отларнинг бирлик қаратқич ва жўналиш келишикларининг, уч роднинг кўпликдаги қаратқич келишикларининг маъноларини ифода этади;

5) Баъзан сўз ясовчи аффикс бир туркумнинг ўзига хос бўлган сўзлар ясаши мумкин.

Hamm-er, Hung-er сўзларида -ег морфема эмас. Бу сўзлар, асосан, ёлғиз ўзакдан иборат бўлгани учун ўзак -ег морфемасиз бирор маънони англамайди¹.

6) ег III шахс бирлик ва бош келишикдаги мужской родга оид кишилиқ олмошидир. У мустақил морфема бўлиб ҳам кела олади.

Ўзбек тилида ҳам омонимик характерга эга бўлган аффикслар бор, бироқ улар немис тилидаги аффикслардан камроқдир. Масалан:

1) эгалик аффиксини олган от (-м, -нг) *ука-м, ота-м, ака-нг, ота-нг*;

2) шахс-сон аффиксини олган феъл: *келди-м, ўқиди-м, ўқиди-нг* кабилар.

СЎЗ ФОРМАСИ (DIE FORM DES WORTES)

Сўзнинг маълум бир грамматик маънони ифодаловчи шакли сўз формаси дейилади. Масалан, *kam kommen* сўзининг претерит, биринчи ёки учинчи шахс бирлик формасидир; *den Ar-*

¹ Kleine Enzyklopädie. Die deutsche Sprache. Band I. Leipzig 1969, S. 428.

betlern Arbeiter сўзининг кўплик, жўналиш келишиги (Dativ) формасидир. Ўзбекча *келдим кел* сўзининг ўтган замон, биринчи шахс бирлик формасидир; *олимларимизга олим* сўзининг кўплик, биринчи шахс, жўналиш келишиги формасидир.

СЎЗ ФОРМАЛАРИНИНГ ЯСАЛИШ УСУЛЛАРИ (DIE AUSDRUCKSMITTEL DER FORMBILDENDEN WÖRTER)

Немис тилида сўзнинг грамматик формалари қуйидагича ясалди:

1) сўз негизига форма ясовчи аффикс ва қўшимча қўшиш йўли билан: *Kind-er, Bild-er, (ich) schreib-e, (du) schreib-st, (wir) schreib-en*;

Ўзбек тилида эса сўз формаси негизига форма ясовчи аффикс қўшиш йўли билан ясалади: *болалар, ёзаман, келди* каби.

2) ўзакдаги унлининг алмашилиши билан: *du trink-st, du trunk-st*.

Бу ҳолат фақат немис тилига хос бўлиб, ўзбек тилида йўқ.

3) сўзнинг морфологик формалари турли ўзаклардан ясалади: *sein — war — gewesen*. Бундай сўз формаси су п п л е т и в ф о р м а деб юритилади. Бу ҳолат ўзбек тилида йўқ.

4) сўз формалари икки сўзнинг қўшилишидан ясалади: *ich werde arbeiten, er wird lesen*. Аналитик сўз формаси ўзбек тилида қим мавжуд. Масалан: *ишлаган эдим, келган бўлса*.

Демак, немис тилида сўзнинг грамматик формалари содда (синтетик) ва мураккаб (аналитик) (*Synthetische und analytische Wortformen*) ёки қўшма бўлиб, иккига бўлинади:

а) Сўзнинг содда (синтетик) формалари ташқи ва ички флексиялар ёрдамида ясалади.

Т а ш қ и ф л е к с и я (Äußere Flexion). Ташқи флексияга а ф ф и к с л а р (п р е ф и к с л а р в а с у ф ф и к с л а р) в а қ ў ш и м ч а л а р киради. Немис тилида ташқи флексия турли сўз туркумларида бир хил эмас. Сўз туркумларининг баъзилари етарли миқдордаги ташқи флексияга эга. Отларнинг кўплик формасини яшашда қўлланадиган суффикслар кўп бўлса-да, лекин уларда келишик қўшимчалари жуда кам. Женский родга оид бўлган от бирликда тўрт келишик бўйича турланганда ҳеч қандай келишик қўшимчаси қўшилмайди:

Nominativ (бош. к.): *die Schwester*
Genitiv (қар. к.): *der Schwester*
Dativ (жўн. к.): *der Schwester*
Akkusativ (туш. к.): *die Schwester*

От фақат кўпликнинг жўналиш келишиги (Dativ) да *-n* қўшимчасини олади:

Nominativ: *die Wälder*
Genitiv: *der Wälder*

Dativ: *den Wälder-n*
Akkusativ: *die Wälder*

Юқоридаги ҳолларда сўзнинг (отнинг) формалари аналитик (мураккаб) восита, яъни артикль билан ифодаланган. Лекин бошқа ўзгарадиган сўз туркумлари тўлиқ бўлган қўшимчаларга эга (мас., сифат, олмошларнинг кўпи, феъл в. б.)

Ўзбек тили отлари, немис тили отларига қараганда, мукаммал келишик қўшимчаларига эга, қиёсланг:

N. die Stadt — бош к. шаҳар
G. der Stadt — қар. к. шаҳарнинг
D. der Stadt — жўн. к. шаҳарга
A. die Stadt — туш. к. шаҳарни
. — ўрин п. к. шаҳарда
. — чиқиш к. шаҳардан каби

Ички флексия (*Innere Flexion*). Немис тилида ички флексия кенг қўламда қўлланади. Баъзан эса у сўз формаларини яшашда бирдан-бир усул ҳисобланади. Кучли феълларнинг претерит замон формасининг бирлигидаги биринчи ва учинчи шахсларидаги феъл формалари бунга мисол бўла олади: *ich, er las-, lag-, sang-* каби. Лекин кўпинча ички флексия ташки флексия билан бириккан ҳолда қўлланади: *das Buch, die Däch-er, du nimm-st, du nahm-st, groß, größ-er* каби.

Немис тилида ички флексия уч турга эга: аблаут, умлаут ва брехунг (*Ablaut, Umlaut und Brechung*).

Аблаут ҳозирги немис тилида кучли феълларнинг уч асосий формаларини аниқлашда қўлланади: *singen — sang — gesungen, fliegen — flog — geflogen* каби. Бунда ўзакдаги унлиси ўзгаради.

Умлаут бир ўзакдаги чўзиқ ва қисқа унлиларнинг алмашинувидир. Чунончи: *a — ä (е), o — ö* га, *u — ü* га, *au* дифтонги — *äu* га кўчади.

Немис тилида умлаут ички флексия сифатида кенг қўламда ишлатилади. Умлаут қуйидаги сўз формаларини яшашда қўлланади:

- 1) Отларнинг кўплик формасини яшашда: *das Buch — die Bücher, die Bank — die Bänke, der Ofen — die Öfen*;
- 2) Сифат даражаларини яшашда: *kalt — kälter — am kältesten; warm — wärmer — am wärmsten*;

- 3) Кучли феълларнинг конъюнктивдаги (шарт майлидаги) претерит замон формасини яшашда: *ich sah — ich sähe, ich flog — ich flöge*;

- 4) Кучли феълларнинг ҳозирги замон формасининг 2- ва 3- шахслар бирлигини яшашда: *ich laufe — du läufst — er läuft* каби.

Немис тилида кучли феъл ўзагидаги *e* унлисининг *i* унлисига кўчиш ҳолати — *Brechung* деб юритилади. Масалан: *ich gebe — du gibst*.

Унлиларнинг юқоридаги каби уч хил алмашинув тури ўзбек тилида йўқ. Аммо ўзбек тилида унли товушларнинг ўзгариш ҳолати бор. Айрим сўзларга аффикс қўшилганда, о унлиси а унлига айланади: *сон — сана, санамоқ; онг — англа, англаймоқ; от — ата, аташ; сайла + в = сайлов, тўпла + в = тўплов* каби. Бу мисоллардан англашиладики, немис тилидаги аблаут билан ўзбек тилидаги унли товушларнинг ўзгариши бир хил эмас. Немис тилида аблаут биринчидан фақат кучли феълларга оид бўлиб, уч асосий форма буни очиқ кўрсатади. Иккинчидан, немис тилида унлиларнинг ўзгариш ҳолати етти тур ўзгаришни ташкил қилади, масалан: биринчи турга ўзакдаги унлиларини *ei-i-i (reiten — ritt — geritten)* га; иккинчи турга ўзакдаги унлиларини *ie-o-o (fliegen — flog — geflogen)* га ўзгартадиган феъллар киради. Бошқа қолган беш турга кирадиган феъл унлиларининг ўзгариши ҳам уч асосий формада аниқ белгиланади.

Ўзбек тилида худди немис тилидаги каби аблаут — фонетик ҳодиса йўқ. Ўзбек тилидаги унлиларнинг ўзгариши немис тилига ўхшаш фақат кучли феълларга тегишли эмас, чунки ўзбек тилида феълларнинг бундай тури йўқ. Ўзбек тилидаги унлиларнинг ўзгариши, асосан, оддан феъл негизини ясашда ёки аксинча феъл негизидан от ясашда учрайди. Демак, немис ва ўзбек тилларидаги унлиларнинг ўзгариш характери турличадир.

У н д о ш л а р н и н г а л м а ш и н у в и (Konsonantenwechsel). Қадимги немис тилида кучли феъллар системасида ундошларнинг алмашинуви кенг даражада қўлланган. Аммо, ҳозирги немис тилида буларнинг ишлатилиш доираси анчагина торайиб, фақат баъзи феъллардагина сақланган, масалан:

d—t: leiden — litt — gelitten

schneiden — schnitt — geschnitten

s — r: sein — war — gewesen каби.

б) Сўзнинг қўшма (аналитик) формалари (Analytische Formen des Wortes). Сўзнинг қўшма ёки аналитик формалари мустақил ва ёрдамчи сўзларнинг бирга қўлланишидан ҳосил бўлади. Немис тилида морфологик ёрдамчи сўзларга *haben, sein, werden* феъллари киради. Улар сифатдош II ёки мустақил маънога эга бўлган феълнинг инфинитив формаси билан феълга тегишли бўлган феълнинг замон ва нисбат формаларини ясайди. Немис тилида феълнинг қўшма (аналитик) формалари кўп ишлатилади. Масалан, аниқлик майлининг 6 замон формасидан 4 замон формаси, шарт майлининг 8 замон формасидан 6 замон формаси, мажҳул нисбатнинг ҳамма 6 замон формалари, аниқ нисбатнинг инфинитив II формаси ва мажҳул нисбатнинг инфинитив I ва II формалари қўшма (аналитик) формаларидан иборатдир.

Немис тилининг характерли хусусиятларидан бири шуки, отнинг ўзи қўшма ёки аналитик формада бўлади, чунки от икки элементдан иборат бўлиб, бири отнинг ўзи, иккинчиси эса унинг артиклидир. Немис тилида а р т и к л ь фақат аниқлик ва ноаниқ-

лик маъноларинигина ифода этмай, балки отнинг бошқа грамматик маънолари (род, сон ва келишик) ни ифода этишда ҳам муҳим роль ўйнайди.

СУППЛЕТИВ ФОРМАЛАР (SUPPLETIVE FORMEN)

Бир сўзнинг турли ўзаклардан ясалган формалари супплетив форма дейилади. Бунга *sein* феълнинг *ich bin, ich war, wir sind* каби формалари; кишилик олмошларининг *ich — mich, ich — wir, du — euch* формалари, баъзи сифат ва равишларнинг *gut — besser, viel — mehr* каби формалари мисол бўла олади.

Ўзбек тилида сўз формаси аффикслар ёрдамида, шунингдек ёрдамчи сўзлар воситасида ясалади. Масалан, отнинг сон, келишик ва эгалик формалари аффикслар ёрдамида ясалади: *китоб-лар-имиз-ни, дўст-лар-им-га* каби; феълнинг *ўқиб чиқади, тузалиб қолди, текшириб кўр* каби формалари *чик, қол, кўр* ёрдамчи феъллари воситасида ясялпти ва ҳоказо. Ўзбек тилида ҳам сўзнинг аффикслар ёрдамида ясалувчи формаси синтетик форма, ёрдамчи сўзлар билан ясалувчи формаси эса аналитик форма дейилади. Ўзбек тилида немис тилидаги каби формалар йўқ.

СЎЗ ТУРКУМЛАРИ (DIE REDETEILE, DIE WORTARTEN)

Немис тилидаги сўзлар ўзига хос хусусиятларига кўра айрим лексик-грамматик группаларга бўлинади. Уларнинг бундай группалари сўз туркумлари дейилади.

Немис тилида сўзлар қуйидаги белги-хусусиятларга кўра туркумларга ажратилади:

1) Сўзнинг умумкатегориал маъноси характерига кўра. Масалан: *die Stadt, fliegen, klein* сўзларининг умумкатегориал маъно характери турлича бўлгани учун, улар турли сўз туркумларига мансуб. Предмет маъносини англатиш отлар учун характерли бўлса, иш-ҳаракатни ифода этиш феъллар учун характерли, предмет белгисини англатиш эса сифатлар учун характерли ва ш. к. Лекин *laufen* ва *der Lauf, warm* ва *die Wärme* каби сўзларнинг қиёси шуни кўрсатадики, фақат сўзнинг лексик маъно характерининг ўзи сўз туркумларини аниқ белгилаш учун етарли белги бўла олмайди. Чунки *laufen* ва *der Lauf* сўзлари турли сўз туркумига тегишли бўлишига қарамай, ҳаракат маъносини англатади; *warm* ва *die Wärme* сўзлари белги маъносини ифодалайди. *laufen* ва *der Lauf, warm* ва *die Wärme* сўзларини бир категорияга киритиб бўлмайди. Бу сўзларнинг маънолари бир-бирига ўхшаш бўлса-да, буларнинг ҳар бири бирор бошқа сўз туркумига оид бўлган бошқа белгиларига кўра бир-бирдан фарқ қилади. Шунинг учун ҳам *laufen* ва *der Lauf* сўзларининг биринчиси феълга, иккинчиси эса отга тегишлидир.

2) Грамматик категория ва у билан боғлиқ бўлган форма яшаш системасига кўра. Юқориди қиёс қилинган *laufen* ва *der Lauf* сўзларининг грамматик категориялари турлича. *Der Lauf* оти. келишик, род, сон, аниқлик ва ноаниқлик категорияларига эга. Феъл эса шахс ва сон бўйича тусланади, у замон формаларига, уч майлга ҳам эга; ўтимли феъллар эса аниқ ва мажҳул нисбат формаларига эга.

3) Сўз туркумининг учинчи белгиси — маълум бир категорияга оид бўлган сўзнинг гапдаги асоси синтактик функциясига кўра. Масалан: *laufen* феъл бўлгани учун у тусланадиган формада қўлланганда кесим вазифасида ишлатилади. От учун энг характерли бўлган функция унинг эга ва тўлдирувчи вазифасида қўллашшидир.

4) Сўз туркумининг тўртинчи белгиси — маълум сўз туркумига хос бўлган сўз яшаш, форма яшаш системасига кўра. Чунончи ҳар бир сўз туркуми ўзининг сўз яшаш системасига эга. Масалан: *-ung, -heit, -keit, -schaft, -tum, -e* в. б. суффикслар отларга характерли; *-bar, -sam, -ig, -lich* в. б. сифатларга; *-te, -ste, -zig* сонларга характерлидир. Турли сўз туркумларининг сўз яшаш усулларининг тугган ўрни ҳам турлича.

Немис тилида отларда сўз яшаш системаси билан бир қаторда сўз қўшилиш системаси ҳам кенг кўламда қўлланади. Феъл ва сифатларда эса, аксинча, сўз қўшилиш системаси у қадар муҳим роль ўйнамайди. Сўз туркумларида сўз яшаш системаси муҳим аҳамиятга эга. Сифатлардаги сўз ясалишида энг асосий усул суффиксациядир. Лекин феъл ясалишида қўлланадиган суффикслар анчагина кам миқдорни ташкил қилади. Феълларда префиксация жуда тараққий этган, қиёсланг: **bauen** феълидан *abbauen, anbauen, miteinanderbauen, aufbauen, wiederaufbauen, ausbauen, bebauen, drüberbauen, einbauen, hineinbauen, erbauen, auferbauen, fortbauen, hinbauen, nachbauen, zusammenbauen, überbauen* каби (ясама) феъллар ясалади. Энди немис тили сўз туркумларига оид бўлган тўрт муҳим белгини ўзбек тили сўз туркумлари билан қиёс қилиб кўрайлик:

Б и р и н ч и б е л г и (Das erste Merkmal) — сўзнинг умумкатегориал маъноси. Немис тилида *die Stadt, fliegen, klein* сўзларининг маъно характери аниқланган. *Die Stadt* — шаҳар сўзи ўзбек тилида ҳам от ҳисобланиб, предмет маъносини англатади; *fliegen* — учмоқ сўзи ўзбек тилида ҳам ҳаракатни англатади; *klein* — кичик сўзи эса предмет сифатини англатади. Демак, немис ва ўзбек тилларида сўзларнинг маъно характерига кўра ўз туркумларига ажратилиш усули бир-бири билан мос тушади. Қиёсланг: *groß* — *катта*, *zehn* — *ўн*, *wir* — *биз*, *schnell* — *тез*, *das Haus* — *уй* сўзларининг ҳар бири икки тилда ҳам бир хил сўз туркумига оиддир.

И к к и н ч и б е л г и (Das zweite Merkmal) — маълум бир сўз туркумига оид бўлган грамматик категориялар ва унга боғлиқ бўлган форма яшаш системаси. Немис тилида қиёс қилинган

laufen — *чопмоқ*, *der Lauf* — *чопиш* сўзларининг феълга оид бўлган (*laufen*) биринчи сўзининг грамматик категориялари ўзбек, тили билан мос тушади, чунки феъл ўзбек тилида ҳам шахс ва сон, замон, майл ва нисбат категорияларига эга. Лекин феълдан ясалиб отга тегишли бўлган иккинчи *чопиш* (*der Lauf*) сўзининг ўзбек тилидаги грамматик категориялари ўзининг баъзи бир хусусиятларига кўра немис тилидан фарқ қилади. Чунончи, *der Lauf* немис тилида отлашган феълга оид бўлиб, отга тегишли бўлган ҳамма грамматик категорияларга эга бўлса, ўзбек тилида чопиш сўзи ўзига хос бўлган баъзи бир грамматик категориялари билан немис тилидан фарқ қилади. *Чопиш* сўзи ўзбек тилида «ҳаракат номи»-дир. Ҳаракат номи формасида қўлланувчи феълларнинг бир томондан феълга хос бўлган хусусиятларга эга бўлиши, иккинчи томондан отларга хос хусусиятларга эга бўлиши немис тилига ўхшайди. Бироқ, ўзбек тилидаги ҳаракат номининг қуйидаги ўзига хос хусусиятлари немис тилида йўқ. Ҳаракат номи биринчидан, феъллардаги нисбат хусусиятини сақлайди: *ўқиди* — *ўқимоқ*, *ўқитди* — *ўқитмоқ*, *ўқитилди* — *ўқитилмоқ*; иккинчидан, ҳаракат номи отлар каби келишик ва эгалик формантларини қабул қилиб, отлар бажарган синтактик вазифаларни бажара олади: *ўқимоқни*, *ўқимоққа*, *ўқимоқдан*, *ўқимоқнинг*, *ўқимоғингизга* каби.

Демак, кўрсатилган сўзларнинг икки тилдаги анализи шуни кўрсатадики, немис тилидаги феълдан ясалган отларнинг грамматик категориялари шу сўзнинг ўзбек тилидаги эквивалентининг грамматик категориялари билан ҳар доим мос тушмайди. Айниқса ҳаракат номининг эгалик аффиксларини қабул қилиш хусусияти немис тилидаги феълнинг отлашган формасидан кескин фарқ қилади.

Сўз туркумининг учинчи белгиси (*Das dritte Merkmal*) — сўзнинг маълум бир грамматик категориясининг синтактик функциясидир. Мас., *laufen* — *чопмоқ* сўзи немис тилида феъл бўлса, ўзбек тилида ҳам феъл бўлиб, икки тилда ҳам гапда кесим вазифасида қўлланади. *Der Lauf* — *чопиш* сўзи ҳар икки тилда ҳам гапда эга ва тўлдирувчи вазифаларини бажаради. Бундан бошқа *der Lauf* — *чопиш* сўзи ҳар икки тилда аниқловчи, от кесим вазифасида ҳам қўлланади. Аммо немис тилидаги от кесим билан ўзбек тилидаги от кесим ўртасида принципаал фарқ бор. Немис тилида от кесим қуйидаги боғлама (*Korula*) вазифасида келадиган феълларнинг бирор сўз туркуми билан (феълдан бошқа) қўшилишидан ясалади. Бунда от кесимнинг биринчи компоненти *б о г л а м а*, иккинчи компоненти *п р е д и к а т и в* (*Prädikativ*) деб юритилади: *Das ist ein Film. Ich heiße Ketter. Er wird wieder gesund. Die Sonne scheint hell (warm, golden). Er bleibt immer jung. (Schiller).* Ўзбек тилида от кесим бу хусусиятга эга эмас, қиёсланг *Das Ziel ist das Studium.* — Мақсад — ўқиш.

Англашиладики, немис тилидаги от кесим икки компонентдан иборат бўлиб, биринчиси *ё р д а м ч и ф е ъ л* (*sein*) *ist* бўлса,

иккинчиси эса das Studium от д и р. Ўзбек тилида эса от кесим фўқат ўқиш — ҳаракат номининг ўзи билан ифода этилган.

Немис тилида келтирилган иккинчи мисолдаги *warm* — *иссиқ* (сифат), *die Wärme* — *иссиқлик* (от) сўзларининг синтактик функциялари ҳар икки тилда бир-бири билан мос тушади, чунки *warm* — *иссиқ* сифатига ҳар икки тилда ҳам аниқловчи, от кесим сифатида қўлланиши характерлидир. Лекин *warm* — *иссиқ* сўзи, *die Wärme* — *иссиқлик* отига оид бўлган эга ва тўлдирувчи вазифасида қўллана олмайди.

Сўз туркумини ажратишдаги тўртинчи белги (Das vierte Merkmal) — маълум сўз туркумига хос сўз яшаш системасининг бўлиши ҳар икки тил учун умумий ҳисобланади. Масалан, немис тилида *-ung*, *-heit*, *-keit* . . . каби суффикслар ёрдамида отлар ясалса, ўзбек тилида ҳам *-чи*, *-шунос*, *-и*, *-иш*, *-лик* . . . каби суффикслар ёрдамида отлар ясалади; немис тилида *-bar*, *-sam*, *-ig*, *-lich* каби суффикслар ёрдамида сифатлар ясалса, ўзбек тилида ҳам *-ли*, *-сиз*, *-гина* . . . каби суффикслар воситаси билан сифатлар ясалади. Қолган сўз туркумлари ҳам асосан ҳар икки тилда ўзига хос бўлган суффикслар ёрдамида тузилади.

Ҳозирги немис тилида қуйидаги сўз туркумлари мавжуд бўлиб, улар умумий белгиларига кўра аввало уч катта гурпуага бўлинади¹:

I. Мустақил сўз туркумлари (Vollwörter oder selbständige Wortarten):

1. От (das Substantiv, das Dingwort, Nennwort, Hauptwort),
2. Сифат (das Adjektiv, das Eigenschaftswort).
3. Сон (das Numerale, das Zahlwort).
4. Олмош (das Pronomen, das Fürwort).
5. Феъл (das Verb, das Zeitwort).
6. Равиш (das Adverb, das Umstandswort).
7. Модал сўз (das Modalwort).


II. Ёрдамчи сўзлар (Hilfswörter, Dienstwörter, Funktionswörter):

1. Предлог (die Präposition, das Vorwort),
2. Боғловчи (die Konjunktion, das Bindewort),
3. Юклама (die Partikel),
4. Артикль (der Artikel).

III. Ундов (die Interjektion, oder das Empfindungswort).

Ўзбек тилида ҳам немис тилига оид бўлган предлогдан бошқа сўз туркумларининг ҳаммаси мавжуд. Ўзбек тилида предлоглар ўрнида кўмакчилар қўлланади. Шу сабабдан немис тилидаги предлогли конструкциялар ўзбек тилига кўмакчи сўзлар ёрдамида берилади, қиёсланг:

¹ Немис тили грамматикаларида сўз туркумлар сони турлича берилади. Бу тўғрида қаранг: О. Мәскәлскаја. Grammatik der deutschen Gegenwartssprache. Verlag «Hochschule» М. 1971. S. 47.



Sie fährt mit der Mutter in die Stadt. — У онаси билан шаҳарга боради.

Nach der Stunde gehe ich ins Kino. — Дарсдан кейин кинога бораман.

OT

(DAS SUBSTANTIV, DAS HAUPTWORT, DAS DINGWORT, DAS NENNWORT)

Предметлик маъносини ифодалайдиган ва грамматик сон, келишик, род категорияларига эга бўлган мустақил сўзлар от деб аталади: *das Buch* (китоб), *der Bleistift* (қалам) каби. Грамматик када от сўзи кенг маънода қўлланиб, у конкрет нарсаларни билдирувчи сўзларни (*der Apfel, der Stein*), географик номларни (*das Usbekistan*), мавҳум ҳодиса, ҳолат ва ш. к. тушунчаларни ифодаловчи сўзларни (*das Geschrei, die Liebe, die Bewegung, der Frieden, die Arbeit*), ўсимликларнинг номларини (*das Veilchen*), пайт маъносини англатадиган сўзларни (*der Winter*) ҳам ўз ичига олади. От туркумига оид сўзлар (*wer?*) ким? ёки (*was?*) нима? сўроғига жавоб бўлади; *das Kind spielt* (бола ўйнамоқда), *die Stadt ist groß* (шаҳар катта) каби.

Ўзбек тилида отлар сон, келишик категорияларидан ташқари эғалик категориясига ҳам эга. Аммо у ҳар бир от лексеманинг грамматик шаклланишида қатнашувчи доимий форма эмас.

Немис тилида от лексема ўзи олган келишик формасига мувофиқ эга, тўлдирувчи, номинатив гап, изоҳловчи, ундалма вазифасида келади.

ОТЛАРНИНГ СЕМАНТИК КЛАССИФИКАЦИЯСИ

(DIE SEMANTISCHE KLASSIFIKATION DER SUBSTANTIVE)

Отлар англатган маъноларига кўра дастлаб иккига бўлинади:

I. Конкрет отлар (*die Konkrete*).

II. Абстракт ёки марҳум отлар (*die Abstrakta*).

1. Конкрет отлар ўз навбатида яна қуйидаги турларга бўлинади:

1) турдош отлар (*die Gattungsnamen oder Appellativa*). Бир хил турдаги предмет, шахс ёки ҳодисаларнинг умумлаштирувчи номини англатади: *die Stadt, der Berg, der Schriftsteller* у. а.; *дарахт, олма, тош, дарё* ва б.

2) жамловчи отлар (*die Sammelnamen oder Kollektivbezeichnungen*) бирлик формада келиб, якка предметларни эмас, балки предметларнинг тўдасини, жамини, йиғиндисини бир бутун ҳолда кўрсатади). Масалан: *das Gebirge, die Geschwister, das Gefilde, das Geflügel, das Vieh* в. б.

Ўзбек тилида ҳам жамловчи (жам) отлар мавжуд. Жамловчи

отлар ўз негизига кўра кўпликни ифодалайди, шу сабабли -лар аффиксини олмайди: *куч* — *қудрат* каби.

3) дона лаб санаб бўлмайдиган отлар (*die Stoffnamen*) ҳам бир бутунга жамланган предметларни англатади. Бу хилдаги отларни доналаб санаш мумкин эмас, одатда улар бирликда қўлланади: *das Kupfer, der Stahl, der Wein, das Wasser*.

4) атоқли отлар (*Eigennamen*) бир хилдаги шахс, предмет ёки ҳодисалардан бирини ажратиб кўрсатиб, унинг махсус атамаси бўлади: улар одамларнинг номи, фамилиялари, тахаллуслари (*Werner, Karl, Hans, Irma; Акбар, Олим, Собир*); шаҳар номлари (*Berlin, Leipzig, Weimar; Москва, Уфа, Тошкент*); дарёлардан маълум бирининг махсус атамаси (*Rhein, Spree, Oder; Аму, Волга, Днепр*) ва ҳ. к.

Атоқли отлар одатда кўплик формасида қўлланмаслиги билан характерланади.

II. Абстракт отлар (*die Abstrakta*) маъхум тушунча, абстракт белги, хусусият ва ҳолатни предмет сифатида англатадиган от абстракт от дейилади: *die Liebe, die Schönheit, die Einigkeit; озошлик, туш, севги* ва ҳ. к. Ўзбек тилида абстракт отларга одатда кўплик аффикси -лар қўшилмайди.

Немис ва ўзбек тилларида отларнинг ўзаро фарқли хусусиятлари сўз ясалиши (от ясалиши) системаси ва грамматик категорияларида кўринади. Немис тилига хос бўлган айрим морфологик ҳодисалар ўзбек тилида йўқ ва, аксинча, ўзбек тилига хос айрим грамматик категориялар эса немис тилида йўқ.

Немис тили отлари род, сон, келишик категорияларига эга. Булардан род категорияси ўзбек тилида йўқ. Ўзбек тилида отларнинг сон, эгалик ва келишик категориялари мавжуд бўлиб, булардан эгалик категорияси немис тили отларига хос эмас.

Демак, ўзбек ва немис тилларининг ҳар иккаласи учун сон ва келишик категорияларигина характерлидир. Лекин немис ва ўзбек тиллари сон ва келишик маъноларининг ифодаланиши, келишикнинг турлари ҳам ўзаро фарқланади. (Булар ҳақида кейинроқ яна келишимиз).

ОТЛАРНИНГ ЯСАЛИШИ

(DIE BILDUNG DER SUBSTANTIVE)

Немис ва ўзбек тилларида отлар икки асосий усул: 1) аффиксия усули (морфологик усул), 2) композиция усули (синтактик усул) билан ясалади:

Лекин немис тилида ўзбек тилида бўлмаган сўз яшанингички усули ҳам мавжуд. Масалан:

умлаут билан: *hoch* — *die Höhe*

аблаут билан: *binden* феълидан *der Band*;

liegen феълидан *die Lage*;

ziehen феълидан *der Zug*;

ундошларнинг алмашинуви йўли билан:
frieren — der Frost.

1. От ясашнинг аффиксация (морфологик) усули (Die Mittel der Affigierung)

Немис тилида аффиксация усулида отлар махсус морфологик воситалар ёрдамида ясаллади. Масалан: *-er: der Arbeit-er, der Jäg-er, der Flieg-er;* ўзбек тилида *-чи: иш-чи, учув-чи* каби.

Немис тилида от ясовчи морфологик воситаларга префикс (олд қўшимча) ва суффикслар қиради.

Немис тилида от ясовчи префикслар қуйидагилар: *un-, miß-, ug-, erz-,* ва *ge-*.

un- префикси отга инкор маъно бериб, отнинг префиксиз формасига нисбатан антоним формасини ясайди:

Ungeduld — Geduld

Unruhe — Ruhe

Unwille — Wille каби.

un- префикси ўз хусусиятига кўра ўзбек тилининг *-сиз* ва *но-* аффиксларига яқин туради: *Geduld — сабр; Ungeduld — сабрсизлик, Ruhe — тинчлик; Unruhe — нотинчлик, Wille — эрк (ихтиёр); Unwille — эрксизлик* каби.

un- префикси инкор маъносини англатишдан ташқари бирга ишлатилган сўзнинг маъносини кучайтириш учун ҳам қўлланади.

die Unmasse — жуда катта миқдор;

die Unsumme — жуда катта маблағ

miß- префикси ҳам маъноси жиҳатдан *-un* префиксига яқин туради:

Mißernte, Mißjahr, Mißheirat каби.

miß- префиксига хос маъно ҳам ўзбек тилида инкор маъноли *но-* *-сиз* аффикслари ёрдамида ифода этилади:

Mißernte — унумсизлик, ҳосилсизлик; Mißjahr — ҳосилсиз йил, Mißheirat — муваффақиятсиз уйланиш ёки муваффақиятсиз эрга тегиш.

ug- префикси кўпинча от билдирган нарса — предметнинг қадимги, бошланғич ҳолатини англатади. *ug-* префиксига хос маъно ўзбек тилида *қадимги, бошланғич* каби сўзлар ёрдамида ишлатилади:

Urform — бошланғич форма;

Urgeschichte — қадимги тарих;

Urmensch — қадимги одам.

erz- префикси сўз маъносини кучайтириш учун ишлатилади: *Erznarr, Erzfeind* каби.

erz- префиксига хос маъно ўзбек тилида жуда (ўта кетган) каби кучайтирувчи сўзлар ёрамида ифодаланади: *Erznarr — жуда (ўта кетган) нодон; Erzfeind — ашаддий душман* каби.

ge- префикси аввал (одамларга оид бўлган) от маъносини ҳам ифода этган. Масалан: *der Gemahl (эр), Geselle (шогирд, халфа),*

Gebirge (ёрдамчи) каби. Бундай маънони англатадиган отлар мужской родга оид бўлган.

ge- префикси билан ясалган средний род отлари бошқа группани ташкил қилади ва улар коллектив маъносини ифодалайди: *das Gebirge* — *das Geflügel* каби.

ge- префиксли от ўзбек тилига таржима қилинганда кўплик формада ишлатилади: *das Gebirge* — *тоғлар* (*тоғ тизмалари*); *das Geflügel* — *ўй қушлари* каби.

Немис тилида от ясовчи суффикслар қуйидаги турларга бўлинади: 1) шахс номларини англатадиган суффикслар; 2) интернационал суффикслар; 3) нарса ва мавҳум тушунча номларини англатадиган суффикслар; 4) шахс ва предмет номларига кичрайтиш маъносини берадиган суффикслар.

Шахс номларини англатадиган суффикслар:

- er: *der Arbeiter, der Jäger, der Flieger*;
- ner: *der Schaffner, der Pförtner*;
- ler: *der Tischler, der Künstler*;
- aner: *der Kegelianer, der Venetianer*
- ling: *der Lehrling, der Liebling, der Fremdling*
- in: *die Arbeiterin, die Lehrerin, die Studentin* каби.

Интернационал суффикслар. Энг кўп қўлланидиган интернационал суффикслар қуйидагилар:

- ist: *der Kommunist, der Marxist*;
- ant: *der Aspirant, der Adjutant*.

Бундан ташқари қуйидаги суффикслар ҳам интернационал суффикслар ҳисобланади:

- ent, -ismus: *der Dirigent, der Marxismus, der Kommunismus*;
- ion: *die Revolution, die Operation*; -nom, -log, -soph, -arch, -et, -il, -at, -ot, -or, -al, -ar, -är, -an, -on, -eur, -ier: *der Agronom, der Philolog(e), der Poet, der Kandidat, der Patriot, der Direktor, der Monarch, der Philosoph* каби.

Предмет ва абстракт тушунча номларини ифода этадиган суффикслар:

- ung: *die Bildung, die Übung, die Besprechung*; -heit: *die Schönheit, die Kindheit*; -keit (-igkeit): *die Dankbarkeit, die Schnelligkeit*; -schaft: *die Wissenschaft, die Freundschaft*; -tum: *das Helldentum, das Eigentum*; -ei (-erei): *die Malerei, die Bäckerei*; -er: *der Wecker, der Zeiger, der Bohrer*; -ling: *der Schmetterling, der Frühling*, -ing: *der Hering, das Messing*; -tel: *das Drittel, das Viertel* каби.

Унумли бўлмаган суффикслар:

- el: *der Deckel, der Hebel, der Flügel*; -e: *die Güte, die Wärme, die Länge*; -t: *die Schrift, die Kunst, der Verlust*; -nis: *das Ereignis, die Erlaubnis, das Hindernis*; -sal, (-sel): *das Schicksal, die Mühsal, das Rätsel*, каби.

Қуйидаги суффикслар отга кичрайтириш маъносини беради.

- chen, -lein: *das Mädchen, das Mütterchen, das Städtchen, das Vögelchen, das Röslein, das Knäblein, das Büchlein* каби.

Ўзбек тилида отлар морфологик усулда от ясовчи аффикслар ёрламида ясалади. От ясовчи аффикслар ўз хусусиятларига кўра қуйидаги аффиксларга бўлинади:

1) шахс оти ясовчи аффикслар; 2) иш-ҳаракат ва ҳолат оти ясовчи аффикслар; 3) ўрин-жой оти ясовчи аффикслар; 4) белги (сифат) отини ясовчи аффикслар; 5) кичрайтиш ва эркалаш отини ясовчи аффикслар.

Шахс оти ясовчи аффикслар:

-чи аффикси асосан от негизларига қўшилиб, қуйидаги шахс отлари ясайди: *овчи, ишчи, хизматчи*;

-бон аффикси негиз англатган предметни сақловчи ёки қаровчи шахсни билдиради: *боғбон*,

-боз аффикси негиз англатган предмет билан шуғулланувчи шахсни билдиради: *каптарбоз, беданабоз, масхарабоз*;

-дор аффикси негиз англатаган предметга эга бўлган шахс отини ясайди: *чорвадор, мулкдор*.

-кор; -кар, -гар, -каш аффикслари маъно жиҳатидан -чи аффиксига жуда яқин туради. Бу аффикслар билан ясалган отлар ҳам касб эгасини, ишлаб чиқарувчи шахсни билдиради: *пахтакор, бинокор; мискара, заргар, меҳнаткаш* каби. Баъзан -каш аффикси шахс оти эмас, қурол, асбоб отини ясайди: *ҳаскаш, обкаш* каби.

-паз аффикси негиз англатган овқатни пиширувчи шахс отини ясайди: *ошпаз, сомсапаз* каби.

-хон аффикси ўқувчи шахсни билдиради: *китобхон, газетхон* каби.

-шунос аффикси негиз англатган соҳа билан шуғулланувчи шахс отини ясайди: *тилишunos, адабиётшunos, тарихшunos* каби.

-дош аффикси ўртоқликни, биргаликни билдиради: *йўлдош, тенгдош, фикрдош* каби.

Нарса, иш-ҳаракат ва ҳолат оти ясовчи аффикслар:

-к (-ик, -ук), қ (-иқ, -уқ) аффикси: *юрак, тароқ, ютуқ*;

-ч аффикси: *ишонч, қувонч, севинч*;

-ги, -ги; -ки, -гу, -ғу аффикслари: *севги, супурги, урғу, чолғу, тепки*;

-гин, -гин, -кин, -қин аффикслари: *босқин, ёнгин, тошқин*;

-м, -им, -ум аффикслари: *ўрим, ютим, бўлим, кийим; тузум, билим, чиқим*;

-ма аффикси: *бошқарма, уюшма, иситма, қўлланма*;

-н, -ун, -ин аффикслари: *экин, қўшин, туғун, йиғин*;

-кич, -қич, -гич, -ғич аффикслари: *очқич, сузгич, кўрсатгич, босқич, чизғич* ва ҳоказолар.

Ўрин-жой оти ясовчи аффикслар:

-хона: *ишхона, донхона, кутубхона*; -дон: *сиёҳдон, қаламдон*.

-зор: *олмазор, анорзор, анжирзор*; -истон: *Ўзбекистон, Қозоғистон*; -лоқ: *қишлоқ, тошлоқ, ўтлоқ* ва шу кабилар.

Абстракт от ясовчи аффикслар:

-лик (-лик) аффикси: *болалик, гўзаллик, оталиқ*;

-чилик: *пахтачилик, қариндошчилик* каби.

Кичрайтириш ва эркалаш оти ясовчи аффикслар:

-ча аффикси отга қўшилиб, кичрайтиш маъносини англатади:
китобча, уйча;

-чак ва чоқ аффикслари отларига қўшилганда кичрайтиш маъносини ифодалайди: *келинчак, қўзичоқ.*

Немис ва ўзбек тилларининг қуйидаги от ясовчи аффикслари асосан бир-бири билан маъно жиҳатидан мос келади:

-ег -чи: *der Arbeiter, der Jäger; ишчи, овчи;*

-ег -бон: *der Gärtner, der Pförtner; боғбон, дарвозабон;*

-аег -лик: *der Indianer; ҳиндистонлик;*

-heit -лик: *die Schönheit, die Kindheit; гўзаллик, болалик;*

-е -лик: *die Wärme, die Länge; иссиқлик, узунлик;*

-keit -лик: *die Schnelligkeit, die Fruchtbarkeit; тезлик, ҳосилдорлик;*

-schaft -лик: *die Verwandtschaft, die Freundschaft; қариндошлик, дўстлик;*

-tum -лик -чилик: *das Heldentum, das Eigentum; қаҳрамонлик, мулкчилик;*

-chen, -lein -ча: *das Häuschen, das Büchlein; уйча, китобча*
на б.

2. От ясалишининг композиция (синтактик) усули: От ясалишнинг композиция усулида бирдан ортиқ сўзнинг ўзак-негизга қўшилишидан я н г и (қ ў ш м а) о т ҳосил бўлади: *die Handuhr, die Wanduhr; гулбеор, кўрсичқон* каби.

Немис тилида қ ў ш м а о т л а р икки, уч, тўрт, ҳатто беш ва ундан ортиқ сўздан ясалиши мумкин: *Schreibtisch, Wanduhr, Untergrundbahn, Straßenbahnhaltestelle; Untergrundbahnstationsleiter, Briefmarkenverkauf.*

Ўзбек тилида эса қўшма отлар, асосан икки компонентдан ясалади. Уч компонентдан ташкил топган гултожиҳўроз каби қўшма отлар бир — иккитагина учрайди.

Немис тилида қўшма отлар тўла қўшилган ва тўла қўшилмаган (eigentliche Zusammensetzungen und nichteigentliche Zusammensetzungen) махсус кўринишга эга, бошқача қилиб айтганда қўшма отларнинг компонентлари бир-бири билан бириктирувчи элементсиз ёки боғловчи элемент ёрдамида қўшила олади. Масалан:

Lokomotivführer ва *Lokomotivenführer*

Berggipfel ва *Bergesgipfel*

Waldrand ва *Waldesrand*

Қўшма отларнинг боғловчи элементи ёрдами билан қўшилиш йўллари немис тилига хос бўлиб, ўзбек тилида бундай ҳолат йўқ.

Немис тилида қўшма отларнинг тўла қўшилмаган турига яна аниқловчи сифатида келган отнинг кўплик формада қўлланиши (Plural — komposita) ҳам киради. Масалан: *Kindergarten, Bücherschrank, Bücherregal, Wörterbuch.*

Ўзбек тилида қўшма отларнинг компонентлари ўртасида морфологик кўрсаткичлар (мас., кўплик кўрсаткичи) қўлланмайди: *кўзойнак, тоққайчи, белбоғ, отқулоқ, карнайгул.*

Немис тилида қўшма отнинг биринчи компоненти бирликни, қўшма от маъноси кўпликни англатадиган тури ҳам мавжуддир. Масалан: *Pionierfreundschaft, Pionierzimmer, Pionierlager*.

Лекин бу ўзбек тилида кўплик формада ифода этилади.

Немис тилида боғловчи элемент қўшма сўзларнинг биринчи компонентларидан кейин кучсиз турланадиган отларда ишлатилади: *Menschenkraft, Heldentat, Bärenhaut, Studentenheim*. -s, -en, -er, -e боғловчи элементлари қўшма отнинг аниқловчиси кўпликда ишлатилганини англатиши билан бирга, улар ушбу отнинг кўплик формаси билан мос тушади: *Kindergarten*. Ўзбек тилида қўшма отнинг бу тури мавжуд бўлмай, у фақат немис тили учун хосдир: *Tagebuch* — кундалик дафтар, *Pferdestall* — отхона.

Немис тилида -s боғловчи элементи ўз составида бир ёки икки унли товушга эга бўлиб, -heit, -keit, -schaft, -ung, -tum, -tion, -ion, -tät суффиксларидан кейин ишлатилади: *Freiheitsliebe, Wirtschaftsplān, Regierungserklärung*.

Бундан ташқари -s боғловчи элементи кўп компонентли қўшма отларда ҳам учраб туради: *Handwerkzeug, Sommernachts Traum, Handwerksmann*.

Демак, немис тилида боғловчи элемент ёрдамида ясалган қўшма отлар маъноси ўзбек тилида бирлик формасидаги отлар орқали ифода этилади: *Wörterbuch* — луғат; *Bärenhaut* — айиқ териси; *Tagebuch* — кундалик дафтар.

Немис тилида қўшма отнинг биринчи компоненти турли маъноларда қўлланилади:

1) Предметга оидлик маъносида: *Menschenkraft, Vaterhaus, Haustür*. Қўшма отнинг бу тури ўзбек тилида аниқловчи-аниқланмиш сўз бирикмаси типиде берилади: *уй ишиги; одам кучи*.

2) Белги маъносида: *Mannesmut, Frauenschönheit*. Қўшма сўзнинг бу тури ўзбек тилида ҳам мавжуд: *оққуш, оқсоқол, кўришана-лак*.

3) Иккинчи компонентдан англашилган маъно биринчи компонентда ифода этилган субъектга оид эканлигини англатади: *Mutterliebe, Laternenschein*. Қўшма сўзнинг бу тури ўзбек тилида ҳам аниқловчи-аниқланмиш типидеги сўз бирикмаси орқали берилади: *она севгиси, сўз боши*.

4) Иш-ҳаракатнинг тўлдирувчиси маъносида: *Kindererziehung*. Ўзбек тилида қўшма сўзнинг бу тури ҳам аниқловчи-аниқланмиш типидеги сўз бирикмаси ёрдамида ифода этилади: *болалар тарбияси*.

5) Материал ёки буюм маъносида: *Stroh hut, Weizenbrot*. Қўшма сўзнинг бу тури ўзбек тилида ҳам мавжуд: *мисбаркаш, илконток, зигирёғ*.

6) Пайтни англатади: *Julihitze, Frühlingstag, Wintertag, Sommertag*. Ўзбек тилида: *номозишомгул*.

7) Ўрин маъносини ифода этади: *Meerfisch, Waldblume*. Ўзбек тилида: *тоғолча, чўлялпиз*.

8) Мақсад маъносини билдиради: *Angriffswaffe, Haushalts-geld*. Ўзбек тилида: *тоққайчи, кўзойнак, ошпичоқ*.

9) Қурол маъносини билдиради: *Hammerschlag*. Ўзбек тилидаги икки отнинг қўшилишидан ясалиб, қурол маъносини англатадиган қўшма сўзлар от ва феълдан ташкил топади. Масалан: *беиштар, музёрап*.

10) Предметнинг ўхшатиш маъносини англатади: *Staubregen, Silberquelle*.

Ўзбек тилида ҳам ўхшатишга асосланган *туяқуш, ойболта, сиршон, тошбақа, карнайгул* каби ва ўринга хосликни англатадиган *чўлбақа, қашқареул* каби қўшма отлар бор.

Қўшма отларнинг бундай турлари немис тилида мавжуд бўлмай, улар фақат ўзбек тилига хосдир: эга + кесим муносабатидаги бирикмадан келиб чиққан: *қорёғди*; тўлдирувчи + кесим муносабатидаги бирикмадан келиб чиққан: кир ювди, кесим + ундалма *ёрилтош* кабилар. Изофали бирикмалардан келиб чиққан: *гулбор*; сўз бирикмасига сўз ясовчи аффикс қўшиш орқали ясалган қўшма отлар: *беи йиллик, темир йўлчи*; ўзак ёки негизларни қўшиш орқали ясалган қўшма отлар — *қўзиқорин, қизилиштон* ва ҳоказолар.

Қўшма отларнинг компонентлари немис тилида, шунингдек ўзбек тилида ҳам, турли сўз туркумларига оид бўлиши мумкин:

1) От + от *die Wandzeitung, die Haustür*; *қўлқоп, токилон*.

2) Сифат + от: *Jungarbeiter, Schwarzbrot, Graukopf*; *қорақурт, оқсоқол*.

3) Сон + от: *Zweikampf, Neunauge*; *мингоёқ, учбурчак*.

4) Феъл + от: *Schreibtisch, Bindeelement, ёрилтош, уртўқмоқ*.

Немис ва ўзбек тилларида қўшма отларнинг ясалиши бир хил эмас. Чунончи, немис тилида қўшма отлар ясалишида биринчидан отнинг роди, иккинчидан артикли, учинчидан боғловчи элементлар (-s, -en-, -er-, -e-) мавжуд бўлса, ўзбек тилида қўшма сўзларнинг ясалишида бу ҳолат йўқ.

Немис тилида икки отдан ясалган қўшма отнинг роди иккинчи сўзнинг артикли билан белгиланади: *der Tisch + die Lampe = die Tischlampe; die Wand + der Kalender = der Wandkalender; die Klasse + das Zimmer = das Klassenzimmer*.

Қўшма отларнинг императив (Imperativ) формаси ҳар иккала тилда мавжуд: *das Vergifmeinnicht; das Springensfeld, das Rührmichnichtan; das Tischendeckdich; ёрилтош; очил дастурхон* ва бошқалар.

Ўзбек тилида мавжуд бўлган *кайф-сафо, иззат-ҳурмат, шон-шухрат* каби жуфт сўзлар немис тилида йўқ. Бу сўзлар фақат ўзбек тилига оиддир. Ўзбек тилидаги *шода-шода, қумоқ-қумоқ* каби такрорий сўзлар ҳам немис тилида йўқ.

Қисқартма отлар ҳар икки тилда ҳам қўшма отлар турига киради.

Немис тилида қисқартма отларнинг (қисқартмаларнинг) (*Initialkurzwörter*) бир неча тури бор:

1) Қўшма сўз бирикмалари бошланадиган ҳарф (товуш) лардан тузилган қисқартмалар:

FDJ — Freie Deutsche Jugend

DIN — Deutsche Industrie Norm

VEB — Volkseigener Betrieb

DDR — Deutsche Demokratische Republik.

2) Қўшма отнинг биринчи бошланғич ҳарфларининг кейинги бўлаққа қўшилишидан ясалган қисқартмалар:

U-Bahn — *U*nter*g*ru*n*d*b*ahn.

U-Boot — *U*nter*see*boot usw.

3) Сўзларнинг бир қисмини тушириб қолдириш йўли билан тузилган қисқартмалар: *gestern Abend* ўрнига *gest. Ab.*; *gezählte Blätter* ўрнига *gez. Bl.*

Бундай қисқартмалар, асосан, ёзма ишларда ишлатилади.

4) Сўздаги унлиларнинг ҳаммасини ва ундошларнинг баъзиларини тушириб қолдириш йўли билан ясалган (конструкция) қисқартмалар. Масалан: *monatlich* ўрнига *mtl*; *Zeitung* ўрнига *Ztg.*; *Doktor* ўрнига *Dr.*; *vergleich* ўрнига *Vgl.*

5) Сўзларнинг бош бўғинларини олиш йўли билан ясалган қисқартмалар: *das Moped (motorisiertes Fahrrad)* — *Motor und Pedal*.

6) Биринчи сўз тўла сақланиб, иккинчи сўзнинг бош ҳарфи олинган қисқартмалар:

Berlin — **O** (*Berlin* — *Osten*); **Berlin** — **W** (*Berlin* — *Westen*).

Ўзбек тилида қисқартма отлар беш хил йўл билан ясалади:

1) Сўзларнинг биринчи ҳарфларидан тузилган қисқартма отлар:

МДУ — Москва давлат университети;

ГДР — Германия Демократик Республикаси;

2) Сўзларнинг бош бўғинларидан тузилган қисқартма отлар: *колхоз, обком, совхоз*;

3) Бош қисм ва бутун сўздан тузилган қисқартма отлар: *Ўз-компартия, райсовет*;

4) Биринчи сўзнинг биринчи бўғини, кейинги сўзларнинг бош ҳарфларини олиш йўли билан тузилган қисқартма отлар *Ўз ССР, Ўз КП МК* каби;

5) Аралаш йўл билан тузилган қисқартма отлар: *Ўзполиграф-комбинат*.

ОТНИНГ ГРАММАТИК КАТЕГОРИЯЛАРИ

(DIE GRAMMATISCHEN KATEGORIEN DES SUBSTANTIVS)

Немис тилида отлар қуйидаги грамматик категорияларга эга:

Отнинг род категорияси

(Das Geschlecht (das Genus) der Substantive)

Немис тилидаги отлар уч хил грамматик родга эга:

1) **das männliche Geschlecht** — мужской род. **das Maskulinum** (m) (Pl. **Maskulina**); 2) **das weibliche Geschlecht** — женский род,

das Femininum (f.) (Pl. Feminina); 3) das sächliche Geschlecht — средний род, das Neutrum (n.) (Pl. Neutra).

Отнинг грамматик роди артиклар (*der, die, das*) воситасида ифодаланади.

Отларнинг грамматик роди аниқловчи сифатида от билан мослашиб келадиган сифат, олмош, сон орқали, яъни синтактик йўл билан ҳам аниқланади. Масалан: *ein grüner Wald, ein grünes Tal, eine grüne Wiese, dieser Wald, dieses Tal, diese Wiese.*

Отларнинг грамматик родини, унинг мазмуни ҳамда формасига қараб ҳам белгилаш мумкин.

Немис тилида отнинг роди артикдан ташқари суффикс ёрдами билан ҳам аниқланади. Аниқ артикль отнинг мослашадиган кўрсаткич олмоши ва ноаниқ артикль *ein, eine, ein* сўзи (сони) нинг қўшилиши (бирикиши) асосида вужудга келган. Артикль ўз тараққиёти давомида аста-секин ўзи келиб чиққан олмош ва сондан узоқлаша бориб, родни белгилашда синтактик воситадан морфологик воситага кўчади. Шунинг учун ҳам ҳозирги замон немис тилида артикльнинг от билан қўшилиши сўз бирикмаси бўлмаб, балки сўзнинг мураккаб, аналитик формаси ҳисобланади.

Отларнинг родга оид бўлган классификацияси унинг грамматик формасига (турланишига) узвий боғлиқ.

Мужской род отларига тубандаги турланиш хиллари характерли:

1) Кучли турланадиган ва кўплик формасида **-е** қўшимчасини камроқ оладиган отлар: *der Gast, des Gastes, die Gäste, der Tag, des Tages, die Tage.*

2) Кучсиз турланадиган ва **-(е)п** келишиқ қўшимчасини қабул қиладиган отлар:
der Knabe, des Knaben, die Knaben; der Hirt, des Hirten, die Hirten.

Маълум предмет группаси ва уларнинг родини билдирадиган отлар:

1) **Шахс** билдирадиган отлар. Шахсга оид бўлган отларнинг грамматик роди асосан уларнинг жинсига қараб белгиланади. Масалан: *der Vater, die Mutter, der Sohn, die Tochter, der Bruder, die Schwester, der Onkel, die Tante, der Mann, die Frau, der Lehrer, die Lehrerin.*

Das Weib, die Wache каби отлар бу қоидадан истиснодир.

-chen, -lein, -el, -le суффикслари билан тугаб, кичрайтиш маъносини англатадиган *das Mädchen, das Fräulein, das Mädel* каби сўзлар ҳам бу қоидадан истиснодир;

2) **Ҳайвонлар** номини билдирадиган сўзлар. Ҳайвонлар номларининг грамматик роди уларнинг жинсига қараб белгиланади: *der Ochse, die Kuh, der Löwe, die Löwin; der Hahn, das Huhn.*

Бу бўлиниш овчилар тилида (нутқида) яна ҳам очиқроқ кўрилади: *der Bock, die Ricke; der Rüde, die Hündin, der Keiler, die Bache.*

Лекин кўпгина ҳайвонлар номини билдирадиган отларнинг ро-

ди уларнинг жинс бўлинишларига мос келмайди. Масалан: типра-
тиканнинг эркаги ҳам, урғочиси ҳам биргина *der Igel* (м. р.) сўзи
орқали, сичқоннинг урғочиси ҳам, эркаги ҳам биргина *die Maus*
(ж. р.) сўзи орқали берилади;

3) Нарса ва абстракт тушунча маъносини
англатувчи отлар. Бундай отлар турли родга тегишли-
дир.

Мужской род (Maskulina) га оид бўлган отлар:

а) йил фасллари, ой ва кун номларини англатувчи отлар:
der Frühling, der Winter, der Freitag, der Mittwoch. (аммо:
die Woche, das Jahr);

б) қутб номлари (шимол, шарқ, жануб ва ғарб), шамол ва
ёғингарчилик номларини англатувчи отлар: *der Norden, der Wes-*
ten, der Föhn, der Taifun, der Passat, der Schirocke, der Monsum,
der Boreas, der Hagel, der Schnee, der Regen, der Tau, der Reif, der
Nebel. (Лекин: *die Bora*);

в) ер ва тош хилларини билдирувчи отлар: *der Granit, der*
Basalt, der Kalk, der Sand, der Schiefer, der Lehm, der Ton, der
Gneis, der Kies. (Лекин: *die Gur* (Kieselgur), *die Kreide*);

г) пул номларини англатадиган кўпгина отлар: *der Heller*
der Taler, der Dollar, der Schilling, der Pfening, der Franken,
der Gulden. (Лекин: *die Mark, die Krone, die Drachme, das Pfund.*)

д) географик номларни ифодаловчи отлар: *der Balkan, der*
Sudan, der Irak, der Jemen, der Hedschas;

е) тоғ номлари асосан мужской родга оид, чунки тоғ — «*der*
Berg» сўзининг ўзи мужской род бўлгани учун унинг родлик маъ-
носи ундан ясалган бошқа сўзларга ҳам таъсир қилади: *der Brocken,*
der Großglockner, der Kieferler, der Säntis.

Жам(лик) маъносини англатадиган тоғ номлари, асосан муж-
ской родга, баъзан эса женский родга ҳам оид бўлади: *der Harz,*
der Taunus, der Himalaja; (Лекин: *die Röhn, die Hardt, die Eifel.*)

ж) чет эл дарё номларининг кўпи: *der Nil, der Kongo, der Urug-*
uaу, der Don, der Ganges.

Юлдуз номларининг роди уларнинг маъносига боғлиқ бўлмаса,
у вақтда уларнинг кўпи мужской родга тегишли бўлади: *der Algo,*
der Arktor, der Fomalhaut; (Лекин: *die Waage, die Venus, das Drei-*
eck).

Женский род (Feminina) га оид отлар:

а) дарахт ва кўпгина гул номлари: *die Ulme, die Rüster, die*
Eiche, die Tanne, die Linde, die Buche, die Lärche, die Kiefer, die
Fichte, die Erle, die Pappel, die Birke, die Espe, die Eibe, die Palme,
die Dahlie, die Narsisse, die Nelke.

(Лекин: *der Ahorn.*)

б) отлашган сонлар: *die Vier, die Zehn*;

в) -ei, -ie ёки -е қўшимчаларига тугаган мамлакат, область ва
район номлари: *die Tschechoslowakei, die Türkei, die Lombardei,*
die Walachei, die Mongolei.

г) баъзан бир -а қўшимчасига тугаган тоғ номлари: *die Scesaplana, die Marmolata* (Лекин: *der Atna*);

д) кўпгина дарё номлари: *die Weser, die Fulde, die Donau, die Spree, die Lahn, die Elbe*; (Лекин: *der Rhein, der Main, der Neckar*);

е) шаҳар ёки мамлакат номлари билан аталган кемалар номи: *Europa, Hessen, Bremen, Nautilus*.

Средний род (Neutra) га тегишли отлар:

а) кўпгина металллар ва химиявий элементлар номлари: *das Gold, das Silber, das Platin, das Blei, das Nickel, das Eisen, das Erz, das Uran, das Kupfer, das Zink, das Brom, das Neliium*. (Лекин *der Stahl, der Schwefel, die Bronze*.)

б) -chen ва -lein суффикслари ёрдамида ясалиб, кичрайтиш маъносини англатадиган отлар: *das Häuschen, das Mädchen, das Büchlein, das Tischlein, das Knäblein, das Fräulein*.

в) бошқа сўз туркумига оид бўлса ҳам отлаша оладиган, яъни от категориясига кўчиши мумкин бўладиган сўзлар: *das Schöne, das Gute, das Gedachte, das Gewünschte, das Lesen, das Schreiben; das Seine, das Vertraute; das Ja und Nein, das Drum und Dran, das Auf und Nieder, das Wenn und Aber, das Weh und Ach*.

г) ge- префиксига эга бўлиб, жамлик маъносини англатадиган отлар: *das Gebirge, das Getier, das Genüirn, das Gewässer, das Gestirn*.

д) ge- префиксли умуий процесс тушунчасини англатадиган отлар: *das Gelaufe, das Geschieße, das Geschrei*.

Жой (ўрин) номларининг кўпи средний родга оид, лекин қўшма сўз бўлганда асосий сўз руди бошқа бўлади: *das ewige Rom, das herrliche Sevilla, das schöne Salzburg*, (гарчи: *die Burg*) *das berühmte Heidelberg* (гарчи: *der Berg*).

Меҳмонхона, қаҳвахона ва кино номларини англатадиган отлар: *das Continental, das Astoria; ich gehe ins Kanzler, ins Blum*.

Отлашган ҳарфлар номи: *das A und (das) O, einem ein X für ein U vormachen*.

Қисқартириладиган отларнинг руди унинг составидаги асосий сўз ҳисобланган отнинг руди билан аниқланади: *die SED (die Sozialistische Einheitspartei Deutschlands), die CDU (die Christlich-Demokratische Union), die SPD (die Sozialdemokratische Partei Deutschlands), das BGB (das Bürgerliche Gesetzbuch)*.

Қисқартирилган сўзларнинг руди шу қисқариб бириккан сўзнинг руди билан аниқланади: *der Akku (mulator), der Trafo (der Transformator) der (Auto-, Omni-) bus, die Lok (omotive), die Kripo (Kriminalpolizei), das Auto (mobil), das Velo (ziped)*.

Баъзан қисқартирилган сўзларнинг руди бир роддан иккинчи родга кўчиши мумкин: *das Kino* (гарчи: *der Kinematograph*), *das Foto* (гарчи: *die Photographie; schweiz: die Foto*), *die Taxe, das Taxi* (гарчи: *Taxameter*).

Қўшма сўзнинг руди сўз составидаги асосий сўзнинг, иккинчи, компоненти ёки охириги сўзнинг руди билан аниқланади: *die Manns-person* (чунки: *die Person*), *das Frauenzimmer* (чунки: *das Zimmer*)

der Hausbau (чунки: *der Bau*), die Zugspitze (чунки: *die Spitze*), der Böhmerwald (чунки: *der Wald*) каби.

Қўшма сўз родини белгилашда баъзи бир қоидадан ташқари бўлган ҳолларни ҳам учратамиз. Маълум бир қўшма сўз икки турли родда ифода этилади. Бундан ташқари қўшма сўзнинг бундай турида унинг родини, одатдагидек, иккинчи компонент бўлиб келган сўзнинг роди билан белгилаш шарт эмас. Масалан: *der Mittwoch* (гарчи: *die Woche*), *die Großmut*, *die Schwermut*, *die Wehmut* (лекин: *der Mut*).

ОТНИНГ РОДИНИ БИЛДИРАДИГАН СУФФИКС ВА ҚЎШИМЧАЛАР
(DIE SUFFIXE UND FLEXIONEN, DIE DAS GENUS DER SUBSTANTIVE BESTIMMEN)

Қуйидаги суффикс ва қўшимчалар отнинг родини мужской родга оидлигини билдиради: **-ler, -ner, -el, -ing, -ich, -ig, -s**. Масалан: *der Bohrer*, *der Tischler*, *der Redner*, *der Stachel*, *der Hering*, *der Sonderling*, *der Teppich*, *der Kranich*, *der König*, *der Pfennig*, *der Essig* (лекин: *das Reisig*, *der Schnaps*).

Чет эл ва интернационал сўзларига хос бўлган суффикслар ёрдами билан ясалган мужской род отлари: **-ant**: *der Aspirant*, *der Brilliant*, *der Adjutant*, *der Musikant*, *der Konsonant*; **-är** (арап шахсни билдирса): *der Aktionär*, *der Kommissionär*, *der Parlamentär*, *der Militär* (лекин: *das Militär* als Sammelname) — арап *der Militär* сўзи средний родда қўлланса, (*das Militär*) — жамловчи маънони ифода этади: қўшин, армия; ҳарбий кишилар, ҳарбий хизматчилар; **-ast**: *der Dunast*, *der Kontrast*, *der Palast*, *der Phantast*, *der Gymnasiast*; **-eur**: *der Friseur*, *der Ingenieur*; eingedeutsch (немис тилига сингиб кетган) *der Likör*; **-ier** (- . . ie) *der Bankier*, *der Conferencier*; **-iker**: *der Fanatiker*, *der Graphiker*, *der Mechaniker*, *der Phlegmatiker*, *der Philharmoniker*, **-ikus** (griech. - lat): *der Misikus*, *der Kanonikus*, *der Luftikus*;

-ismus: *der Kommunismus*, *der Idealismus*, *der Realismus*, *der Kapitalismus*, *der Organismus*, *der Optimismus*, *der Egoismus*;

-ist: *der Kommunist*, *der Anarchist*, *der Antagonist*, *der Artist*, *der Jurist*, *der Optimist*, *der Pianist*;

-or: *der Motor*, *der Regulator*, *der Doktor*;

-us: *der Kursus*; **-ar**: *der Kommissar*; **-al**: *der General*;

-at: *der Kandidat*; **-ent**: *der Student*.

Қуйидаги суффикслар отнинг женский родга оидлигини билдиради:

-ei: *die Bücherei*, *die Jägerei*, *die Singerei*;

-in: *die Löwin*, *die Freundin*, *die Lehrerin*, *die Studentin*;

-heit: *die Entschlossenheit*, *die Einheit*, *die Kindheit*, *die Kleinheit*.

-keit (**-igkeit, -keit** суффиксининг кенгайган формаси): *die Fruchtbarkeit*, *die Bitterkeit*, *die Höflichkeit*, *die Freundigkeit*, *die Kleinigkeit*;

-schaft; die Freundschaft, die Eigenschaft, die Verwandtschaft, die Herrschaft, die Kundschaft;

-ung: die Schöpfung, die Achtung, die Fahrung, die Bildung, die Kündigung, die Vertretung, die Werbung.

-le, -tät, -tion, -ik, -ur суффикслари ёрдами билан тузилган ясам сўзлар ҳам женский род отлари қаторига киради: die Poesie, die Universität, die Revolution, die Politik, die Kultur.

Турловчи қўшимчалар ёрдами билан ясаладиган отлар ҳам женский родга оиддир:

-a: die Kamera, die Ära, die Aula, die Ballerina (die Ballerina);

-ade: die Ballade, die Fassade, die Marmelade, die Schokolade, die Kanonade;

-age (аже деб ўқилади) die Garage, die Bagage, die Etage. Немис тилида ўзлашиб кетган die Majonaise (äse), Polonaise сўзлари ҳам женский родга оиддир:

-ance: die Renaissance, die Chance;

-äne: die Fontäne, die Quarantäne;

-anz: die Bilanz, die Distanz, die Eleganz;

-elle: die Frikadelle, die Zitadelle;

-enz: die Audienz, die Existenz, die Exzellenz, die Konsequenz;

-ette: die Dublette, die Etikette, die Pinette, die Toilette;

-ie (. . . i): die Materie, die Historie, die Glorie, die Kastanie, die Kolonie, die Geographie, die Lotterie, die Kalorie, die Phantasie (Лекин: das Genie).

-(i) ere: (franz): die Misere, die Voliere, die Portiere;

-ik: die Musik, die Politik, die Lyrik, die Ethik, die Botanik, die Mathematik, die Dialektik;

-ine: die Margarine, die Blondine, die Maschine, die Vitrine, die Kabine;

-ion: die Nation, die Exposition, die Kalkulation, die Religion, die Station;

-i (tät): die Fakultät, die Qualität, die Realität;

-isse: die Kulisse, die Marzisse, die Abzisse;

-itis: die Bronchitis, die Rachitis;

-ive: die Offensive, die Alternative, die Direktive, die Kursive;

-ose: die Sklerose, die Neurose, die Tuberkulose;

-sis: die Basis, die Dosis, die Genesis;

-se: die Base, die Genese, die Analyse;

-ur: die Natur, die Kultur, die Temperatur, die Registratur, die Literatur;

-üre: die Broschüre, die Gravüre.

Қўйидаги суффикслар отнинг средний родга оидлигини билдиради:

-chen, -lein: das Mädchen, das Fräulein, das Ingelein, das Riegeln, das Ringlein, das Wasserlein;

-icht: das Dickicht, das Röhricht;

-tel: das Drittel, das Viertel;

-**tum**: das Eigentum, das Heldentum, das Volkstum (лекин der Irrtum, der Reichtum мужской родга оиддир).

-**nis, -sal, (sel)** суффиксига эга бўлган ясама отлар ҳам средний родга оиддир: das Ereignis, das Schicksal, das Rätsel.

-**i (um)**: суффиксли интернационал ясама отлар ҳам средний родга оиддир: das Datum, das Auditorium.

Кўпгина **ge-** префиксига эга бўлган отлар ҳам средний род отлари ҳисобланади (баъзан **-e** суффиксига ҳам эга): das Gewässer, das Gebirge каби.

Чет тиллардан кирган сўзлардан тубандаги қўшимчалар ёрдамида средний род отлари ясалади:

-**ett**: (Агар улар шахс номларини ифода этмаса): das Ballett, das Bankett, das Büffett, das Parkett, das Quartett;

-**in**: das Benzin, das Chinin, das Insulin, das Nikotin;

-**i (um)**: das Album, das Datum, das Plenum, das Aquarium, das Stadium;

-**ma**: das Asthma, das Paradigma, das Plasma, das Klima, das Komma, das Thema;

-**ment**: das Argument, das Dokument, das Element, das Experiment. (Лекин маълум касб ҳунарга оид терминлардан ҳам средний род отлари ясалади.) Масалан: *der Zement* қурилишда қўлланадиган *цемент*, *das Zement* эса одам тиши учун ишлатиладиган *цемент*).

-**ment (franz)**: das Appartement, das Abonnement.

Средний род отлари ҳақида тубандаги қондаларни ҳам эсда тутиш керак бўлади:

Средний род отлари кичрайтиш маъносини англатади: *das Kind, das Lamm, das Kalb*.

Отнинг турғун бўлмаган роди (schwankendes Geschlecht der Substantive). Одатда бирор сўзнинг янги роди тилда тамоман ўзлашмаган бўлса, у вақтда бу отнинг роди қатъий бир родни белгиламай, балки икки родда ҳам қўлланаверади: *der* ва *das Gummi*, *der* ва *das Meter*.

Чет эл сўзлари қайси тилдан кириб келганлиги аниқ бўлмаса, уларнинг роди ҳам кўпинча турғун бўлмайди: *der, das* ёки *die Dschungel, der* ёки *das* ҳам *die Zigarillo*.

Немис тили ёзувида ҳалигача шундай отлар борки, улар муайян бир родда ишлатилмай, балки икки ва ҳатто уч родда қўлланади. Бундай отларни турғун бўлмаган отлар (schwankende Substantive) деб юритилади.

Мисоллар:

Abscheu, **der** ёки **die**
Barock, **das** ёки **der**
Bauer (Käfig), **das** (баъзан) **der**
Bonbon, **der** ёки **das**
Filter, **der** ёки **das**
Kathedr, **der** ёки **das**

Liter, **das** ёки **der**
Matsch, **der** ёки **das**
Meteor, **der** ёки **das**
Perpendikel, **der** ёки **das**
Katapult, **der** ёки **das**
Trikot, **das** ҳам **der**

Keks, der ёки das
Soda, die ҳам (südd.) der
Teil, der (маълум оборот ва қўш-
ма сўзларда) das
Traktat, der ёки das

Tüpfel, der ёки das
Versäumnis, das ҳам die
Willkommen, der ҳам das
Pflichtteil, der ёки das
Pflugschar, die (қишлоқ хўжа-
ликда) das)

Бир хил формада бўлган отларнинг турли родда бўлиши, турли артикль билан қўлланиши уларнинг маъноларини ҳам ўзгарти-
ради ва бунинг натижасида омонимик ҳолат юзага келади. Ҳозирги
номис тилида кўпроқ тубандаги отлар омоним ҳолатида бўлади:

der Band том (китоб)
der Bauer қурувчи; деҳқон

der Bund иттифоқ
der Erbe ворис, меросхўр

der Flue даҳлиз
der Gehalt мазмун
der Hut шляпа
der Kristall кристалл
der Kunde харидор
der Leiter раҳбар
der Schild қалқон
der See кўл
die Steuer солиқ
der Tor тентак
der Tau қиров
der Verdienst иш ҳақи
die Wehr мудофаа, мудофаа қилиш
der Bord борт (кема ёки паро-
ходнинг ён чеккаси)

die Erkenntnis билиш, англаш,
тушуниш
der Gefallen марҳамат, меҳрибон-
лик
der Junge бола, ўспирин

der Kaffee кофе (ичадиган)
der Moment бир он, бир нафас
(вақт)
der Ort жой, ўрин

der Weise донишманд, доно
der Wurm қурт (ҳашарот)

das Band лента
das, der Bauer қафас (қушлар
учун)

das Bund боғлам, даста, шода
das Erbe мерос бўлиб қолган
мол-мулк

die Flur дала, дала майдони
das Gehalt (ойлик) маош
die Hut қўриқлаш, сақлаш
das Kristall биллур, ойна
die Kunde хабар, маълумот
die Leiter нарвон (шоти)
das Schild вивеска
die See денгиз
das Steuer руль
das Tor дарвоза
das Tau йўғон арқон
das Verdienst хизмат
das Wehr тўғон, ғов
das Bord китоб тоқчаси

das Erkenntnis ҳукм (суд ҳук-
ми)

das Gefallen хурсандлик, мам-
нунлик
das Junge ҳайвонларнинг бола-
лари

das Kaffee қаҳвахона
das Moment фактор, ҳол
das Ort жой (шахтада руда,
тошқўмир кабиларни қазиб оли-
надиган жой)

die Weise усул
das Wurm ҳимоячисиз, ёрдамчи-
сиз, заиф бола

Немис тилида эшитилиши бир хил, аммо роди ва маъноси турлича бўлган бир-бирига қардош бўлмаган отлар ҳам мавжуд: *der Harz* Гарц (*тоғ чизмаси*) *das Harz* смола-қатрон

der Mangel камчилик

die Mangel ўқлов (*кийимни дазмоллайдиган асбоб*)

die Mark қисқартириш

das Mark илик

der Marsch марш, юриш

die Marsch ботқоқли, унумли ер

der Mast мачта (*кемада елканлар осиладиган баланд устун*)

die Mast боқув, боқиш

der Messer ўлчаш асбоби

das Messer пичоқ, пакки

der Otter сувсар

die Otter (*зоол.*) илов

der Reis гуруч

das Reis ниш, майса

der Taube гаранг

die Taube каптар

Қуйидаги сўзларда ҳам уларнинг род, форма ва маънолари ҳозирги кунда ўзгариб келганлигини, баъзиларининг эса роди ўзгарса ҳам, маъноси ўзгармай қолганлигини сезиш қийин эмас. Масалан:

die Ecke бурчак

das Ecke жой белгиси

der Import (Einfuhr) импорт (*чет эллардан мол келтириши*)

die Importe чет элдан келтирилдиган мол

der Karren аравача

die Karre аравачада олиб бориш (*бирор нарсани*)

der Lug ёлгон

die Lüge ёлгон

der Quast кенг панжа, қўл панжа

die Quaste попук, гажим

der Quell манба

die Quelle булоқ, чашма

der Ritze ёриқ, тирқиш

die Ritze тирқиш, ёриқ

die Röhre труба, қувур; тарнов

das Rohr ҳам худди шу маънода

der Ruin хонавайрон бўлиш

die Ruine хароба, вайрона

der Schurz фартук, этак

die Schürze фартук, этак

der Spalt тирқиш, ёриқ

die Spalte тирқиш, ёриқ

der Sproß қочиш; новда, шох

die Sprosse зина, зинапоя; тўсим, яккачўп

der Stapfen оёқ изи

die Stapfe (оёқ) изи

der Tapfe оёқ изи

die Tapfe оёқ изи

der Trupp оломон, тўда, йиғин

die Gruppe труппа (*театр ёки цирк артистлари тўдаси*); ҳарбий қисм

ОТЛАШГАН СЎЗ ТУРКУМЛАРИНИНГ ГРАММАТИК РОДИ

(DAS GRAMMATISCHE GESCHLECHT BEI DER SUBSTANTIVIERUNG)

Бошқа сўз туркумларидан отлашган (отга кўчган) сўзлар қуйидаги родларда келади:

1) инфинитивлар средний родда: *das Schreiben*, *das Laufen*, *das Singen*. в. б.

2) отга кўчган равишлар (*Adverbien*), ундовлар (*Interjektionen*), предлоглар (*Präpositionen*), боғловчилар (*Konjunktionen*), сўроқ сўзлар (*Fragewörter*), оломшлар (*Pronomen*), ҳарф номлари (*Benennun-*

den von Buchstaben) средний родда: *das laute Hurra, das Heute, das Aber, das Warum, das A, das ABC* в. б.

3) отлашган сифат ва сифатдошлар мужской ва женский родда: *der Reisende, die Reisende*;

Ранг ва тилни ифода этувчи сифатлар ҳам средний родда: *das Rot, das Grün, das Usbekisch(e), das Russisch(e), das Deutsch(e)*.

4) отлашган саноқ сонлар женский родда: *die Eins, die Zwei, die Fünf*.

Қўшма сўзларнинг роди эса қўшма сўзнинг иккинчи компоненти-нинг роди билан белгиланади. Масалан: *der Arbeitstag — die Tagesarbeit, die Planwirtschaft — der Wirtschaftsplan*.

Шахсни ифода этувчи қўшма сўзларнинг роди ҳам худди шу қоидага асосан белгиланади: *das Frauenzimmer, die Mannsperson*.

Қисқартирилган отларнинг роди ҳам охириги компонент роди билан белгиланади:

die Freie Deutsche Jugend — die FDJ

die Deutsche Demokratische Republik — die DDR

Ўзбек тили отларининг род (жинс) категориясига муносабати

(*Beziehung der Substantive der usbekischen Sprache zum Problem der Kategorie des Geschlechts*)

Туркий тиллар системасига кирувчи тилларда грамматик род категорияси йўқ. Туркий тилларда, жумладан, ўзбек тилида ҳам грамматик род ҳақида гап борганда, биологик жинсларни билдирувчи сўзлар назарда тутилади. Улар эса баъзи бир кишилар, ҳайвонлар номларида учрайди: *ота, она, ўғил, қиз, кўчқор, совлиқ, хўроз, товуқ* каби.

Бундан ташқари араб ва рус тиллари таъсирида юз берган ўзбек тилидаги киши номлари ва фамилияларида эркак ёки аёл жинсини кўрсатувчи айрим формаларни учратиш мумкин.

Рус тилидан ўтган -ка аффикси: артист — артистка, машинист-машинистка, ўзбек — узбечка каби.

Ўзбек тилидаги фамилия ва исмларда аёл жинсининг морфологик кўрсаткичи -ова, -ева, -овна, -евна кабилардир: Саидов — Саидова, Алиев — Алиева, Туропов — Туропова каби.

Араб тилидан ўзбек тилига ўтган женский родга оид отларда жинсининг морфологик белгиси -а ҳисобланади. Ҳозирги ўзбек тилида унинг қўлланиш доираси жуда чегаралангандир. Араб тилидаги аёл жинсининг морфологик кўрсаткичи -а шу тилдан кирган сўзлар доирасидагина учрайди: (*чакила, раққоса* каби). Аёл жинсидаги арабча сўзлар ўзбек тилида кўпинча морфологик белги (а) сиз қўлланаверади. Шунингдек, Саид — Саида, Фарид — Фарида каби кишиларнинг атоқли отларида арабча жинс кўрсаткичи аслида жинсни англатса ҳам, ўзбек тилида бундай сўзлар бир ўзак ёки негиз сифатида ўқилади.

Ҳар икки жинс учун бир хилда бўлган Султон, Сарвар, Турсун каби отларда эркак жинс учун -бек, -бой, -жон, -қул каби, аёл жинс учун -ниса, -биби, -ой каби аффикслар қўшиш билан жинс тушунчаси англатилади.

Хуллас, ҳозирги ўзбек адабий тилида араб, рус ва герман тиллар системасига кирадиган немис, инглиз каби тиллардагидек грамматик род категорияси йўқ.

ОТЛАРДА СОН КАТЕГОРИЯСИ

(DIE ZAHLKATEGORIE DER SUBSTANTIVE)

Сон категорияси немис ва ўзбек тиллари отлари учун характерли грамматик категориялардан бири ҳисобланади. Икки тилда ҳам кўпчилик отлар бирлик ва кўплик формасида қўлланади: *студент (der Student)* — бирлик, *студентлар (die Studenten)* — кўплик.

Немис тилида ҳар қандай от ҳам бирлик ва кўплик формаларда қўллана олиш хусусиятига эга бўлавермайди. Айрим отлар фақат бирликда қўлланса *singularia tantum*, баъзилари фақат кўпликда қўлланса *pluralia tantum* терминлари билан юритилади.

Фақат саналиши мумкин бўлган тушунчани ифода этадиган отларгина икки сонга, яъни бирлик (*der Singular, die Einzahl*) ва кўплик (*der Plural, die Mehrzahl*) сонга эга. Қиёс қ.: *der Garten* — *die Gärten, das Buch* — *die Bücher, die Frau* — *die Frauen*. Лекин *Liebe, Freude* отлари маъҳум тушунчани ифода этиши сабабли кўплик формасига эга эмас.

Бирликда асосан, қуйидаги отлар ишлатилади:

1) саналмай бутуннинг қисми маъносини англатадиган турдош отлар: *Gold, Eisen, Sand, Wolle, Brot, Fleisch, Butter* каби;

2) жамловчилик маъносини ифода этадиган отлар: *Arbeiterschaft, Bürgertum, Menschheit, Publikum, Obst, Vieh* (аммо: *Heer, Heere*);

3) об-ҳавога оид бўлган маънони англатадиган отлар: *Sonnenschein, Regen, Schnee; Wärme, Kälte*;

4) гавда (одаминг) аъзоларининг номлари ҳам кўпинча бирликда ифода этилади: *Leber, Milz, Mund, Kinn, Stirn*;

5) абстракт маънони ифода этадиган отлар: *Liebe, Treue, Durst, Kälte, Wärme*, аммо: *die Schönheit, die Schönheiten*.

Отларнинг қуйидаги турлари фақат кўпликда (*Pluralia tantum*) қўлланади:

1) одам номларини ифодалаб, жамловчилик маъносини англатадиган отлар: *die Eltern, die Geschwister, die Gebrüder*;

2) бирор нарсанинг йиғинди ёки тўплами маъносини англатадиган отлар: *die Ferien, die Briefschaften*;

3) баъзи бир географик номлар: *die Alpen, die Karpaten, die Dardanellen*;

4) черковда бўладиган байрамлар ва урф-одатларни билдирадиган баъзи отлар: *die Ostern, die Weihnachten, die Fasten*;

5) баъзи бир касаллик маъносини англатадиган отлар: *die Masern, die Pocken*.

Немис тили грамматикасига оид адабиётда отларнинг бирлик ш кўплик формаларининг берилиши ва талқин этилиши бир хил эмас; Е. И. Шендельс отларнинг бирликда қўлланишини уч турга, кўпликда эса тўрт турга бўлиб кўрсатади¹; К. Дуден отларнинг бирликда қўлланишини етти турга, кўпликда қўлланишини эса тўрт турга бўлган², В. Юнг отларнинг бирликда қўлланишини тўққиз турга, кўпликда қўлланишини ўн турга бўлиб кўрсатган.³

Биз отларнинг бирлик ва кўпликда қўлланидиган муҳим турларини кўрсатдик.

ОТЛАРДА КЎПЛИК ФОРМАСИНИНГ ЯСАЛИШИ

(DIE PLURALBILDUNG DER SUBSTANTIVE)

Немис тилида отларнинг кўплик формаси қуйидаги грамматик воситалар ёрдамида ясалади:

1) артикль + суффикс (-e, -(e)n, -er, -s) ёрдами билан:

der Tisch + die Tische

die Zeitung + die Zeitungen

das Bild + die Bilder

der Klub + die Klubs

2) артикль + умлаут ёрдами билан:

der Vater + die Väter

der Bruder + die Brüder

der Vogel + die Vögel

der Ofen + die Öfen

3) артикль ёрдами билан:

das Mädchen + die Mädchen

der Wagen + die Wagen

Кўплик формасининг ясалишида қўлланидиган суффиксларнинг характериға кўра отлар асосан тўрт турга бўлинади:

I турга -e суффиксини қабул қиладиган (умлаутсиз ва умлаутли) мужской род отлари: *der Tag — die Tage, der Bleistift — die Bleistifte* бир бўғиндан иборат бўлган женский род отлари: *die Hand — die Hände, die Kraft — die Kräfte, das Wort — die Worte, das Jahr — die Jahre* каби средний родга мансуб бўлган отлар киради.

II турга -(e)n суффиксини қабул қиладиган женский род отлари киради. Улар кўпликда умлаут қабул қилмайди: *die Zeitung — die Zeitungen, die Straße — die Straßen, die Frau — die Frauen*; средний родга мансуб бўлган баъзи бир отлар: *das Ohr — die Ohren, das Auge — die Augen* мужской родга оид бўлган (-e суффиксли) отлар: *der Usbeke — die Usbeken; der Russe — die Russen*.

¹ E. Schendels. Deutsche Grammatik. Morphologie. Syntax. Moskau Vysschaja Schkola, 1979, S. 133.

² Duden «Grammatik der deutschen Gegenwartssprache». Leningrad, 1962, S. 164—170.

³ W. Jung. «Grammatik der deutschen Sprache», Leipzig, 1968, S. 278—284.

III турга **-er** суффиксини қабул қиладиган **средний** род отлари киради: *das Buch — die Bücher, das Land — die Länder* (доим умлаут олади), мужской родга мансуб бўлган отлар *der Wald — die Wälder, der Mann — die Männer* киради.

Эсдатма. Женский роддаги отлар ўз кўплигини бу тур бўйича ясамайди.

IV турга бирликда **-er, -el, -en** (умлаутли ва умлаутсиз) суффиксларига эга бўлган мужской ва **средний** род отлари: *der Nagel — die Nägel, der Vater — die Väter; -chen, -lein* кичрайтиш суффиксларига ва **-sel** суффиксига эга бўлган **средний** род отлари киради:

das Mädchen — die Mädchen, das Büchlein — die Büchlein, das Rätsel — die Rätsel.

Жамловчилик маъносини англатиб, **ge-** префикси ва **-e** суффиксига эга бўлган **средний** род отлари киради:

das Gefilde — die Gefilde, das Gebirge — die Gebirge.

Женский роддаги отлардан атиги иккитаси: *die Mutter — die Mütter, die Tochter — die Töchter* киради.

Отлар қайси родга мансублигига қараб кўплик формасида ўзига хос суффиксларга эга. Буни қуйидаги схемада очиқ кўриш мумкин:

Maskulina	Neutra	Feminina
- e	- er	- en
- en	- e	- e
- er	- en	- e
- er	- en	Nullsuffix
Nullsuffix	Nullsuffix	

ЧЕТ ТИЛЛАРДАН ҚИРГАН СЎЗЛАР (ОТЛАР) КЎПЛИК ФОРМАСИНИНГ ЯСАЛИШИДАГИ АСОСИЙ УСУЛЛАР

(DIE GRUNDLICHEN AUSDRUCKSMITTEL DER PLURALBILDUNG DER INTERNATIONALEN WÖRTER)

Немис тилига чет тиллардан қирган ёки немис тилининг ўзига оид бўлган баъзи сўзларнинг уч роди ҳам **-s** суффиксини умлаутсиз қабул қилади:

1) немис тилига англиз ва француз тилларидан қирган баъзи сўзлар: *die Boys, die Girls, die Hotels, die Chefs.*

2) немис ва чет тилларига оид бўлган отлар: *die Sofas, die Vatis, die Muttis.*

3) қисқартмалар: *die Akkus, die ZKWS.*

Немис тилида отларнинг кўплик формаси юқорида кўрсатилган турлардан бошқа яна қуйидаги йўллар билан ҳам ясалади:

1) Келиб чиқиши латин тилига оид бўлиб, средний род оти ҳисобланган баъзи бир чет тили сўзлари кўпликда **-ien** суффиксини қабул қилади:

das Kapital — die Kapitalien

das Material — die Materialien

2) Келиб чиқиши грек ва грек-латин тилларига оид бўлган средний род отлари кўпликда **-ta** суффиксини олади:

das Komma — die Kommata ёки *die Komma*

das Thema — die Themata ёки *die Themen*

3) Қўйидаги отлар кўпликда **-a** суффиксини қабул қилади:

das Nomen — die Nomina

das Maskulinum — die Maskulina

das Femininum — die Feminina

4) Бирликда **-on** суффиксига эга бўлган средний род отлари икки йўл билан кўплик формасини ясайди. Булардан баъзиладри кўпликда **-en** суффиксини, бошқалари эса **-a** суффиксини қабул қилади: *das Stadion — die Stadien*, *das Lexikon — die Lexika*.

5) Баъзи (ясама бўлмаган) бирликда **-us** суффиксига эга бўлган мужской ва средний род отлари кўпликда **-e**, **-i**, **-ora**, **-era** суффиксларини қабул қилади: *der Kursus — die Kurse*, *der Modus — die Modi*, *das Tempus — die Tempora*, *das Genus — die Genera*.

6) Маълумки, атоқли отлар турдош отларга кўчмаганда бирлик формада қўлланади. Агар улар сон билан ишлатилса, у вақтда кўплик формада кела олади: *zwei Ottos*, *drei Sophien*.

7) Немис тилига четдан кирган сўзлар кўплик формада **-en** ёки **-e** суффиксини қабул қилади:

а) Охири **-al**, **-är**, **-an**, **-on**, **-eur**, **-ier** га тугаган ва шахснинг мужской родга оид бўлганини англатадиган отлар кўпликда **-e** суффиксини олади: *der Admiral*, *Kommissar*, *Revolutionär* сўзлари ҳам **-e** суффиксини қабул қилади.

б) **-ent**, **-ant**, **-ist**, **-nom**, **-log**, **-soph**, **-arch**, **-et**, **-at**, **-ot** га тугаб, шахснинг мужской родга тегишли эканини англатадиган отлар **-en** суффиксини қабул қилади: *der Student — die Studenten*, *der Agronom — die Agronomen*, *der Aspirant — die Aspiranten*.

в) **-or** суффиксига тугаган отлар кўпликда **-en** суффиксини қабул қилади: *der Traktor — die Traktoren*, *der Direktor — die Direktoren* каби.

г) **-(t)ät**, **-ur**, **-(t) ion** суффиксларига эга бўлиб, женский родга оид бўлган чет тили отлари кўпликда **-en** суффиксини қабул қилади: *die Fakultät — die Fakultäten*, *die Kultur — die Kulturen*, *die Revolution — die Revolutionen*.

д) мужской ва средний родга оид бўлган чет тили отлари кўпликда **-e** суффиксини олади: *das Diktat — die Diktate*, *das Plakat — die Plakate*, *das Instrument — die Instrumente*.

е) **-(i)**, **-um**, **-ion** суффиксларига эга бўлган средний род, **-ismus** на **-us** суффикслари билан тугаган мужской родга оид чет тили отлари кўпликда **-en** суффиксини олади: *das Museum — die Museen*, *das Studium — die Studien*.

ж) баъзи отларнинг кўплик формаси бирликдаги сўзнинг иккинчи қисмига суффикс қўшиш йўли билан ёки бошқа сўзнинг алмашилиши билан ясалади:

der Landsmann — die Landsmänner ёки die Landsleute.

der Steuermann — die Steuermänner ёки die Steuerleute;

Бундан ташқари отнинг кўплик формаси отнинг иккинчи қисмига бошқа сўз қўшилиши билан ясалади:

der Rat — die Räte ёки die Ratschläge.

Ўзбек тилида бирликнинг махсус кўрсаткичи — аффикси йўқ. Кўплик формаси эса асосан -лар аффикси ёрдамида ясалади: китоб (бирлик) — китоблар (кўплик). Немис тилидаги кўплик формасини яшаш учун ишлатиладиган юқорида айтиб ўтилган қатор суффиксларга (-е, -ен ёки -п, -ер, -s) хос маънолар ўзбек тилида -лар аффикси билан ифодаланади.

Немис тилида баъзи отларни бирлик формаси бўлмай, фақат кўплик сон маъносини англатади: *Eltern, Geschwister*. Бундай отлар ўзбек тилидаги жуфт отларга тўғри келади: *ома-она, она-сингил*.

Ўзбек тилида отларнинг кўплик формасини ясайдиган -лар аффиксининг ўзига хос баъзи хусусиятлари борки, немис тилидаги кўплик формасини ясайдиган суффикслар бу функцияни бажара олмайди:

1) кўплик аффикси -лар абстракт отларга қўшилиб, маънони кучайтиради: Балки севинчлар . . . , балки тоғ-тоғ алам-кулфатлар (*Ҳ. О.*)

2) -лар қариндошлик маъносини ифодаловчи отларга (кўпинча эгалик аффиксидан кейин) қўшилиб, ҳурмат маъносини билдиради: онамлар, акамлар.

3) атоқли отларга -лар аффикси қўшилганда уларни умумлаштиради: Сирдарёлар энди халқ бойлиги ва фаровонлиги учун хизмат қилмоқда (*„Совет Ўзбекистони“*).

4) кўплик аффикси -лар шахс маъносини англатадиган отларга қўшилганда, баъзан пичинг, кесатиқ маъноларини ифодалайди: . . . жиянлари томонидан текин ёғоч — тахталардан кестирилиб . . . (*«Муштум»*) каби.

Немис ва ўзбек тилларида доналаб санаб бўлмайдиган нарсани билдирадиган сув, ун, нон, вино каби отлар кўпликда ишлатилганда нарсаларнинг тури, маъноси ифодаланади: *verschiedene Öle, verschiedene Weine — (турли) ёғлар, (турли) винолар* каби.

Отларнинг кўплик формаси махсус миқдор билдирадиган сўзларни, сонларни от олдида келтириш билан ҳам ифодаланади. Бундай усул синтактик усул (*syntaktisches Mittel*) дейилади, чунки миқдор билдирувчи сўз отнинг аниқловчиси бўлиб келади. Масалай: *кўп студент; олтинта дафтар; бир неча китоб*. Бунда от бирликда бўлади.

Немис тилида миқдор (бирдан ортиқ миқдор) билдирувчи сўзлар билан ишлатиладиган отлар бирлик формасида ҳам қўлланади: *drei Glas, zwanzig Pfennig* каби.

Ўзбек тилида ҳам бундай ҳолларда отлар бирлик формасида қўлланади: *уч ўғил, тўрт қиз* каби.

ИККИ КЎПЛИК ФОРМАСИГА ЭГА БЎЛГАН ОТЛАР

(DOPPELFORMEN BEI DER PLURALBILDUNG)

Немис тилида баъзи отлар кўпликнинг икки хил формасига эга. Лекин бу формалар маъно жиҳатидан фарқ қилмайди.

Отларнинг икки кўплик формаларини қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

1) маъноси бир хил бўлган икки кўплик форма (Doppelformen mit derselben Bedeutung):

das Porträt — die Porträts(e)

der Admiral — die Admirale, Admiräle

das Deck — die Decke, Decks

der Block — die Blöcke, Blocks

2) стилистик ва диалектал фарқланадиган икки кўплик форма (Doppelformen mit stilistischen und dialektalen Differenzen):

das Tal — die Tale (gehoben, poetisch)

die Täler (Neutral)

das Denkmal — die Denkmale (gehoben)

die Denkmäler (Neutral)

der Boden — die Böden (Neutral)

die Boden (älter, selten)

der Bogen — die Bogen (Neutral)

die Bögen (südd.)

der Kasten — die Kästen (Neutral)

die Kasten (älter, seltener)

der Kragen — die Kragen (Neutral)

die Krägen (südd.)

der Kran — die Kräne (Neutral)

die Krane (seltener)

der Schlot — die Schlote (Neutral)

die Schlöte (südd.)

der Wagen — die Wagen (Neutral)

die Wägen (oberd.)

der Junge — die Jungen (Neutral)

die Jungens (umgangsspr)

das Komma — die Kommos (Neutral)

die Kommata (Veraltet)

3) маъноси турли хил бўлган икки кўплик форма (Doppelformen mit Bedeutungsunterschied):

das Wort — die Worte (zusammenhängende Rede)

die Wörter (Stichwörter, Sprichwörter)

das Land — die Lande (als Sammelbegriff): die Rheinlande, Niederlande)

die Länder

4) омонимлар (Homonyme):
 die Bank — скамейка — die Bänke
 die Bank — банк — die Banken
 der Bauer — деҳқон — die Bauern
 der Erbauer — қурувчи — die Erbauer
 das Bauer — қафас — die Bauer
 die Mutter — она — die Mutter
 die Mutter — чайка — die Muttern (Schraubenmutter)
 das Band — лента — die Bänder
 das Band — алоқа — die Bande
 der Schild — қалқон — die Schilde
 das Schild — вивеска — die Schilder
 der Tor — нодон — die Tore
 das Tor — дарвоза — die Tore
 der Leiter — раҳбар — die Leiter
 die Leiter — нарвон — die Leitern
 der Flur — коридор — die Flure
 die Flur — дала майдони — die Fluren

КЕЛИШИҚ КАТЕГОРИЯСИ (DIE KATEGORIE DES KASUS)

Келишиқ отнинг грамматик формаси бўлиб, унинг гапдаги бошқа сўзларга бўлган муносабат характери белгилайди.

Келишиқ отнинг синтактик вазифасидан келиб чиқадиган маънони ҳам ифода этади.

Немис тилида тўртта келишиқ бош келишиқ — Nominativ (Werfall), қаратқич келишиғи — Genitiv (Wesfall), жўналиш келишиғи — Dativ (Wemfall) ва тушум келишиғи — Akkusativ (Wenfall) бор. Отнинг келишиқлар бўйича ўзгаришига турланиш дейилади. Булардан бош келишиқ (Nominativ) воситасиз (der gerade Kasus), қолган учта келишиқ воситали келишиқ (die oblique Kasus) дейилади¹. Отларнинг турланиш хиллари бирликда аниқланиб, улар артикль ва келишиқ қўшимчалари ёрдамида белгиланади. Бунда артикль муҳим роль ўйнайди, чунки немис тилида келишиқ қўшимчаларининг сони кам бўлиб, улар фақат -(e)s, -e, -(e)n дан иборат. Бундан ташқари кўп от формалари келишиқ қўшимчасига эга эмас: *die Frau, der Frau, der Frau, die Frau*. Отлар бирликда уч хил турланишга эга бўлиб, уларнинг кўпликдаги турланиши бир хил бўлиб, асосий вазифани артикль бажаради.

Ўзбек тилида эса олтига келишиқ мавжуд. Немис тилида келишиқлар артикль ва суффикслар ёрдамида ифода этилади. Бунда артикльнинг роли жуда катта, чунки келишиқ қўшимчаларининг сони кам бўлиб, уларнинг вазифасини ҳам қисман артикль бажаради. Масалан, *die Brille des Vaters* мисолидаги *Vater* сўзига қўшилган қўшимчаси қаратқич келишигини англатса, *er*

¹ Oblique lat. abhängig

nicht den Lehrer мисолидаги отнинг тушум келишигида келганини фақат келишик эмас, артикль ҳам англатмоқда.

Немец тилидаги отлар кучли, кучсиз ва женский род турланиш турига эга (*Starke und schwache Deklination der Substantive des Weiblichen Geschlechts*).

Бундан ташқари баъзи отлар махсус турланиш ва атоқли отларнинг турланиш турига эга.

ТУРЛАНИШНИНГ БИРИНЧИ ТУРИ ЁКИ КУЧЛИ ТУРЛАНИШ

(DER ERSTE TYP DER DEKLINATION ODER DIE STARKE DEKLINATION)

Мужской роддаги отларнинг кўпчилиги ва средний роддаги отларнинг ҳаммаси (*das Herz* дан ташқари) кучли турланишга кирлади. Кучли турланишнинг муҳим белгиси шундан иборатки, от қаратқич келишигининг бирлиги (Genitiv) да *-(e)s* келишик қўшимчасига эга бўлади: *der Tisch — des Tisch(e)s; der Mann — des Mann(e)s* каби.

Ўзаги *-s, -ß, -sch, -st, -z, -tz, -x, -ck, -pf* ундош ва ундош бирикмаларга тугаган отлар бирлик қаратқич келишигида *-es* қўшимчасини қабул қилади. Масалан:

<i>das Haus — des Hauses</i>	<i>der Satz — des Satzes</i>
<i>der Fuß — des Fußes</i>	<i>das Präfix — des Präfixes</i>
<i>der Tisch — des Tisches</i>	<i>der Stock — des Stockes</i>
<i>der Pilz — des Pilzes</i>	<i>der Sumpf — des Sumpfes</i>

Бирдан ортиқ ундошга эга бўлган отлар ҳам бирлик қаратқич келишигида *-es* қўшимчасини олади:

<i>der Sand — des Sandes</i>	<i>das Band — des Bandes</i>
<i>der Wald — des Waldes</i>	<i>das Bild — des Bildes</i>

Ўзаги *-ei, -er, -en* га тугатган отлар бирлик қаратқич келишигида фақат *-s* қўшимчасини олади. Масалан: *der Flieger — des Fliegers, der Laden — des Ladens*

Бошқа келишикларда эса отлар келишик қўшимчаларини қабул қилмайди. Фақат бир бўғинли отлар жўналиш келишиги (Dativ) да *-e* қўшимчасини қабул қилади.

Kasus	Maskulinum	Neutrum
N.	der Schüler, der Tisch	das Mädchen
G.	des Schüler-s, des Tisch-es	des Mädchen-s
D.	dem Schüler, dem Tisch	dem Mädchen
A.	den Schüler, den Tisch	das Mädchen

ИККИНЧИ ТУР ТУРЛАНИШ ЁКИ КУЧСИЗ ТУРЛАНИШ

(DER ZWEITE TYP DER DEKLINATION ODER DIE SCHWACHE DEKLINATION)

Кучсиз турланишга тегишли отлар бош келишикдан ташқари ҳамма келишикларда *-(e)n* келишик қўшимчасини қабул қилади.

Кучсиз турланишга фақат мужской роддаги отларнинг бир қисми кирази. Улар деярли ҳамма вақт шахс ёки ҳайвонларни билдиради:

1) -е қўшимчасига тугаган отлар, масалан:

der Junge; der Löwe;

der Usbeke; der Affe

2) илгари -е билан тугаб, ҳозирда уни йўқотган отлар:

der Menschen; der Hirt;

der Herr; der Bär;

3) -ist, -ent, -at, -et, -ant, -nom, -ot суффиксли чет тиллардан кирган ва ўзлашган отлар: *der Marxist, der Student, der Aspirant, der Poet, der Astronom, der Patriot, der Soldat.*

Kasus	Maskulinum		
N.	der Knabe	der Mensch	der Kommunist
G.	des Knaben	des Menschen	des Kommunisten]
D.	dem Knaben	dem Menschen	dem Kommunisten
A.	den Knaben	den Menschen	den Kommunisten

УЧИНЧИ ТУР ТУРЛАНИШ ЁКИ ЖЕНСКИЙ РОД ОТЛАРНИНГ ТУРЛАНИШИ

(DER DRITTE TYP DER DEKLINATION ODER DIE WEIBLICHE DEKLINATION)

Бу турланишга женский роддаги отларнинг ҳаммаси кирази. Женский род отларининг турланишида отлар келишик қўшимчасига эга бўлмади, фақат отнинг артикли ўзгаради холос.

Kasus	Femininum		
N.	die Tür	die Kindheit	die Solidarität
G.	der Tür	der Kindheit	der Solidarität
D.	der Tür	der Kindheit	der Solidarität
A.	die Tür	die Kindheit	die Solidarität

Женский род отлари турланишида бош ва тушум келишиклари бир-бирига мос келса, қаратқич келишиги жўналиш келишиги билан ҳам мос келади.

ОТЛАРНИНГ МАХСУС ТУРЛАНИШИ

(DIE SPEZIELLE DEKLINATION)

Отлар уч асосий турланишдан ташқари махсус турланишга ҳам эга.

Бу турга қуйидаги мужской роддаги отлардан баъзилари кирази: *der Buchstabe, der Frieden* ёки *der Friede, der Gedanke, der Name, der Wille.*

Бундан ташқари средний родга оид бўлган *das Herz* сўзи ҳам махсус турланишга киради. Бу турланишнинг асосий хусусияти шундан иборатки, отлар қаратқич келишигида **-ens**, жўналиш ва тушум келишигида **-en** қўшимчасини қабул қилади, фақат *das Herz* сўли тушум келишигида қўшимча олмайди.

Kasus	Maskulinum		Neutrum
N.	der Buchstabe	der Friede (n)	das Herz
G.	des Buchstab-ens	des Fried-ens	des Herz-ens
D.	dem Buchstabe-n	dem Friede-n	dem Herz-en
A.	den Buchstabe-n	den Friede-n	das Herz

ОТЛАРНИНГ КЎПЛИКДА ТУРЛАНИШИ
(DEKLINATION DER SUBSTANTIVE IM PLURAL)

Немис тилида барча отлар кўпликда бир хил турланади. Улар фақат жўналиш келишигида **-(e)n** келишик қўшимчасини олади. Агар от кўпликда **-en** суффиксига эга бўлса, жўналиш келишигида ҳеч қандай қўшимча олмайди.

Агар от кўпликда **-s** суффиксига эга бўлса, жўналиш келишигида **-en** келишик қўшимчасини олмасдан, ўз ҳолича қолади.

Kasus	Plural		
N.	die Leiter	Söhne	Löcher
G.	der Leiter	Söhne	Löcher
D.	den Leiter-n	Söhne-n	Löcher-n
A.	die Leiter	Söhne	Löcher

Kasus	Plural		
N.	die Frauen	Knaben	Kinos
G.	den Frauen	Knaben	Kinos
D.	den Frauen	Knaben	Kinos
A.	die Frauen	Knaben	Kinos

АТОҚЛИ ОТЛАРНИНГ ТУРЛАНИШИ
(DEKLINATION DER EIGENNAMEN)

Атоқли отлар ҳам бошқа отлардек, келишиклар бўйича турланади, фақат қаратқич келишигида **-s** қўшимчасини олади:
Seghers Werke, Heines Gedichte, Alischers Eltern, die Hauptstadt Usbekistans.

Агар атоқли отлар **-s**, **-ß**, **-sch**, **-x**, **-z** ёки **-ie** га тугаса, қаратқич келишигида **-(e)ns** қўшимчасини олади: Marie — Mariens; Max — Maxens.

Ҳозирги немис тилида атоқли отларнинг қаратқич келишигидаги -s қўшимчаси ўрнида кўпинча жўналиш келишигида қўлланадиган *von* предлоги ишлатилади: *Weinerte Gedichts* ёки *die Gedichte von Weinert*.

Келишик маънолари отнинг синтактик функциялари билан мустаҳкам боғлиқдир. Масалан, ҳар икки тилда эга функциясида келиш бош келишикдаги от учун характерлидир. Немис тилида предлогсиз қўлланган жўналиш ва тушум келишикларидagi отлар учун тўлдирувчи вазифасида келиш характерли:

Die Bourgeoisie hat das Land der Herrschaft der Stadt unterworfen. (K. Marx, Fr. Engels. «Manifest der Kommunistischen Partei»).

ОТНИНГ СИНТАКТИК ФУНКЦИЯЛАРИ

(SYNTAKTISCHE FUNKTIONEN DER SUBSTANTIVE)

Маълум бир келишикдаги от турли синтактик функцияларда кела олади. Масалан, бош келишиги формаси эга ва от кесим вазифасида кела олади.

Маълум бир гап бўлагидан отнинг турли келишикларидан орқали ифодаланиши ҳам мумкин. Масалан, тўлдирувчи тушум, жўналиш, баъзи ҳолларда эса қаратқич келишикларидан орқали ҳам ифода этилади.

Маълумки, немис тилида баъзи келишиклар ўзининг асосий вазифасини бажаришдан ташқари предлоглар билан ҳам бирга ишлатилади. Масалан: *aus* ва *von* жўналиш (Dativ) келишигидан билан ишлатилиб, ҳаракатнинг чиқиш ўрнини билдиради: *aus dem Walde, von Berlin*. Жўналиш келишигидан *nach* ва *zu* предлогларидан билан қўлланганда, иш-ҳаракат мақсадини англатади: *nach München, zu mir*.

Жўналиш келишигидан *bei* ва *mit* предлогларидан билан бирга келганда, маълум вазиятни ёки ҳолатни билдиради: *bei dem Haus, mit der Schwester*.

Демак, предлог билан қўлланган келишикларда маъно асосан келишикка эмас, предлогга боғлиқ бўлиб, келишик иккинчи ўринда туради. Шунга кўра предлог билан ёки предлогсиз ишлатилган келишиклар маъно ва вазифаси жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади.

Маълумки немис тилида баъзи предлоглар жўналиш (Dativ) ва тушум (Akkusativ) келишигини бошқаради. Бундай предлоглар ҳам келишиклар билан бирга қўлланганда турли вазифаларни бажаради. Тушум келишигидан томон (йўл) маъносини англатса, ўша предлог билан ишлатилган жўналиш келишигидан тинч ҳолатини ифода этади. Масалан: *Ich stehe auf dem Berge* (Dativ): *Ich steige auf den Berg* (Akkusativ).

Немис тилида келишиклар воситасиз ва воситали келишикларга бўлинади. Бош келишик воситасиз келишик (Der gerade Kasus — lat. casus restus); қаратқич,

жўналиш ва тушум келишиклари эса воситали келишик (Die obliquen Kasus — lat. casus obliqui abhängig) дейилади. Бош келишик предлоглар билан бирга қўлланмайди.

Немис тилида, юқорида айтиб ўтганимиздек, келишиклар тўртта бўлиб, ўзбек тилидаги икки келишик, яъни ўрин-пайт ва чиқиш келишиги немис тилида йўқ. Ўзбек тилининг бу икки келишиги немис тилида предлоглар ёрдами билан ифода этилади: *мактабда* — *in der Schule*; *мактабдан* — *aus der Schule*.

Ўзбек тилида ҳам келишиклар немис тилидаги каби отнинг ёки отлашган сўзнинг синтактик вазифасини ифодалайди ва гапнинг бошқа бўлаги билан бўлган муносабатини кўрсатади. Шунинг учун отлар гапда турли келишик формаларини олади.

Ўзбек тилида келишик аффикслари, немис тилидагидек, тўғридан-тўғри ўзакка қўшилади: *das Buch* — *китоб*, *des Buches* — *китобнинг*.

Ўзбек тилида келишик аффикслари сўзга сон ва эгалик аффиксларидан кейин қўйилади. Масалан, китобларнинг деганимизда кўплик аффикси ва келишик қўшимчаси қўлланмоқда. Бу мисол немис тили қаратқич келишиги *der Bücher* формасида ифодаланиб, ўзбек тилидаги икки белги ўрнига немис тилида кўплик суффикси ва умлаут ишлатилмоқда. Келишикни бу ерда фақат сўзнинг олдидаги артикль билдирмоқда. Ўзбек тилида эгалик аффикси билан кўплик формасида қўлланган қаратқич келишигидаги отларга немис тилида отнинг эгалик олмошлари билан ишлатилган формаси тўғри келади. Масалан, *дўстлар-им-нинг* формаси немис тилида *meiner Freunde* тарзида ифода этилади. Бу мисолдан англашиладики, ўзбек тили эгалик аффикси билан келишик қўшимчаси ўрнида немис тилида эгалик олмоши унга эквивалент бўлиб келади.

Ўзбек тилида отларнинг гапда бошқа бўлақлар билан бўладиган синтактик муносабатлари фақат келишиклар билангина эмас, балки кўмакчилар орқали ҳам ифода этилиши мумкин. Бунда кўмакчиларнинг маъноси келишик маъноларига мос келади. Масалан: *Китобни дўстимга олдим* — *Китобни дўстим учун олдим*. Ўзбек тилидаги кўмакчиларга немис тилидаги предлоглар тўғри келади. Масалан: *Das Buch habe ich für meinen Freund gekauft* — Мен китобни дўстим учун сотиб олдим.

КЕЛИШИКЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИШИ

(GEBRAUCH DER KASUS)

Келишикларнинг ҳар бири бир нечта грамматик функцияни бажаради. Лекин бу функциялардан бири шу келишик учун асосий функция бўлади.

Бош келишик немис тилида воситасиз келишик (der gerade Kasus), қолганлари эса воситали келишиклар (die obliquen Kasus) деб аталади. Воситали келишиклар предлогли ва предлогсиз қўлланиб, бунда келишик ўз моҳиятини қисман ёки тўлиқ йўқотади.

Бош келишик

(Der Nominativ, der Werfall)

Немис ва ўзбек тилларида бош келишик шахс, предмет ёки ҳодиса номларини ифода этади: *der Mensch, das Haus, die Zeit* — одам, уй, вақт.

Бош келишикдаги сўз гапда эга вазифасини бажариб, шу келишикда келган от қўйидаги функцияларда ҳам ишлатилади.

1) от кесимнинг бир қисми бўлиб келади: *Wir sind Studenten. Милтиқ — қурол. Қарим укам бўлади (Қарим — укам).*

Ўзбек тилида бу ҳолат бир оз бошқачароқ. Маълумки, немис тилида боғлама вазифасини бажарувчи *sein, werden, bleiben, heißen* каби ёрдамчи феъллар ўзбек тилида йўқ. Немис тилида от-кесим ҳамма вақт боғлама билан қўлланади. Ўзбек тилида эса ҳозирги замон маъносига боғламасиз қўлланади: *Er ist Student — У студент.*

2) бош келишикдаги от ундалма вазифасида қўлланади: *Genossen! Freunde! — Ўртоқлар! Дўстлар!*

3) бош келишикдаги от атов гапларда қўлланади: *Stille, Dunkelheit. Жимжитлик. Қоронғилик.*

4) от *als* ва *wie* боғловчилари ёрдамида қиёсланганда бош келишикда қўлланади. *Er ist älter als mein Bruder.* Бу ҳолат ўзбек тилида жўналиш келишиги ёрдамида берилади: *У менинг акамга қараганда каттароқ (У менинг акамдан каттароқ).*

Немис тилида бош келишик предлогсиз, ўзбек тилида эса қўмакчи билан қўлланади. Ўзбек тилида бош келишикдаги от ва қўмакчи билан ифодаланган маъно немис тилида бошқа келишик орқали ифода этилади. Масалан: *Ўқитувчи учун* (бош келишик) — *für den Lehrer* (тушум келишик), *бола учун* (бош келишик) — *für das Kind* (тушум келишик).

5) *als* боғловчисидан кейин келган от бош келишикда предикатив аниқловчи вазифасида келади. Масалан: *Ich ging an die Front als Hauptmann* — Мен фронтга капитан бўлиб кетдим. Ўзбек тилида ҳам бу ҳолатда от бош келишикда келади. Лекин немис тилидаги *als* боғловчиси ўрнида ўзбек тилида феълларнинг равишдош формаси қўлланади: *als Hauptmann — капитан бўлиб; als Lehrer — ўқитувчи бўлиб; als Professor — профессор бўлиб.*

6) бош келишикдаги сўз эмоционал — ҳаяжон маъносини ифода этади: *Teufel! — Шайтон! Feuer! — Ўт оқи!*

7) бош келишикдаги сўз шиорларда қўлланади: *Es lebe die Sowjetunion! — Яшасин Совет Иттифоқи! Es lebe die Sowjetfrau! — Яшасин совет хотин-қизлари!*

Немис ва ўзбек тилларидаги бош келишикни нуль формали келишик деб ҳам юритилади. Немис тилида баъзан отлар бошқа отлар билан мослашса ҳам, қўлланишда ўзгармас қолиши мумкин. Масалан: *Der Preis eines Pfundes Fleisch; Es war im Hause Doktor Kaufmanns.* Бу ерда *Fleisch* ва *Doktor* сўзлари *Pfund*

ва *Kaufmann* сўзлари билан келишик муносабатида бўлса ҳам, улар ўзгармай, яъни турланмай, ўзича қолган.

8) бош келишикдаги от изоҳловчи (die Apposition) бўлиб ҳам келади. Масалан: *der Lehrer Schmidt; Peter der Erste, Karl der Große, Generalsekretär Kurt Thime* каби.

Ўзбек тилида ҳам бош келишик шу вазифани бажаради: *Ўқитувчи Алиев*.

ҚАРАТҚИЧ КЕЛИШИГИ (Der Genitiv, der Wesfall)

Қаратқич келишиги асосан мансублик маъносини билдиради. Унинг гапдаги синтактик вазифаси аниқловчи бўлиб қўлланишидир: *Die Brille des Vaters ist neu*.

Ўзбек адабий тилида қаратқич келишиги формаси -нинг аффикс орқали ясалади ва *кимнинг? ниманинг?* сўроғига жавоб бўлади: *des Tag(e)s — куннинг, des Vaters — отанинг, des Klubs — клубнинг, des Studenten — студентнинг, der Tür — эшикнинг*.

Немис тилида қаратқич келишиги белгили ва белгисиз бўлади. Мужской ва средний родга оид отларнинг қаратқич келишиги белгили бўлади: *die Luft des Frühlings, das Spielzeug des Kindes*.

Женский родга оид отларнинг қаратқич келишиги белгисиз бўлади: *das Kleid der Frau*.

Ўзбек тилида ҳам, немис тилидагидек, қаратқич келишиги белгили ва белгисиз бўлади. Масалан: *дарахтнинг барғи, баҳорнинг шамоли (баҳор шамоли)*.

Немис тили қаратқич келишигида келган отнинг асосий вазифаси бошқа отни аниқлаб беришидир. Қаратқич келишигидаги от билан бирга келган от ўртасидаги муносабат қарашлилиқни англатади. Лекин икки от орасидаги мансублик уларнинг мазмунига кўра турлича бўлади¹:

1) эғалик маъносидаги қаратқич келишиги (genitivus possessivus). Масалан: *das Buch des Studenten, das Kleid der Frau, das Heft des Schülers*.

Ўзбек тилида бу турдаги қаратқич келишигининг эквиваленти қаралмишдан англашилган предметнинг ўзига қарашли эканлигини билдирадиган қаратқич келишик фомасидир: *Гулбаҳорнинг китоби, чинорнинг барғи*.

2) белгили, сифатли қаратқич келишиги (genitivus qualitativus): *der Wagen erster Klasse. Das Lied der Lieder*.

Ўзбек тилида ҳам қаратқич келишиги юқоридаги маънога эга. Аммо немис тили билан ўзбек тилидаги фарқ шундаки, бу маънода немис тилида белгили қаратқич, ўзбек тилида эса белгисиз қаратқич қўлланади.

3) субъектли қаратқич келишикда (genitivus subjektivus) от

¹ O. Moskalskaja. Grammatik der deutschen Gegenwartssprache. Verlag «Hochschule», Moskau, 1971, S. 190.

фёълдан ясалган отга қарашли бўлади: *der Kampf des Proletariats, die Liebe der Mutter, das Weinen des Kindes*.

Қаратқичнинг бу тури ўзбек тилида қаралмишдан англатилган иш-ҳаракатнинг бажарувчига хос эканлигини билдирадиган қаратқичли бирикма орқали ифода этилади: *булбулнинг сайраши, отнинг юриши*.

4) объектли қаратқич келишиқда (genitivus objektivus) фёълдан ясалган от-қаралмиш қаратқичга тегишли бўлиши билан бирга унга нисбатан тўлдирувчи бўлиб келади. Масалан: *die Erhöhung des Arbeitslohnes, die Erbauung der Fabrik*. Бу турдаги қаратқич келишиқ маъноси ўзбек тилига қаралмишдан англашилган предметнинг ўзига қарашли эканлигини билдирадиган қаратқичли бирикма орқали ифода этилади: *Ишчилар маошининг кўпайиши, фабриканинг қурилиши*.

5) бўлувчи қаратқич келишиги (genitivus partitivus) бутуннинг бўлагини англатади: *die Hälfte des Apfels, ein Kino des gekauften Brotes*. Ўзбек тилида ҳам бу маънодаги қаратқичли бирикма бор: *Қовуннинг тилими, узумнинг гўжуми*.

Бу қаратқич келишиқ немис ва ўзбек тилларида белгини кучайтириш даражасини орттириб кўрсатиш учун ҳам қўлланади: *der beste der Freunde, die schönste der Frauen — Гўзалларнинг гўзали, йигитларнинг султони, қизларнинг юлдузи*.

Бўлувчи қаратқич келишигининг бир тури шахс ёки предмет тўдасидан бирини ажратиб кўрсатади: *einer der Studenten, keiner der Gäste — студентларнинг бири, меҳмонларнинг ҳеч қайсиси*. Ўзбек тилида бу турдаги қаратқич келишиги ўрнида чиқиш келишиги формасини қўллаш мумкин: *студентлардан бири*.

Бўлувчи қаратқич бирикмаси синтактик нуқтаи назардан ажралмас сўз бирикмаси бўлиб, кўп сўзли гап бўлаги ҳисобланади. Масалан: *Ein Teil der Arbeit* гапида эга фақат *ein Teil* сўзининг ўзи эмас, балки *ein Teil der Arbeit* сўз бирикмасидир.

Бу ҳолат ўзбек тилида ҳам худди шундай: *Ein Teil der Arbeit — ишнинг бўлаги (қисми)*.

6) озод қаратқич келишиги (der freie Genitiv) пайт маъносини англатади: *die Feiertage des Monats, der Held des Tages*.

Пайт маъносини англатадиган қаратқич келишигининг бир қанча формалари равишга ёки турғун сўз бирикмасига кўчган. Масалан: *rechts, links, halbwegs, unterwegs* каби мисоллар бунга далил бўла олади. Бу ҳолат немис тилига хос бўлиб, ўзбек тилида йўқ.

7) қаратқич келишиги ўрин ёки пайт муносабатини англатади: *die Neubauten der Sowjetunion, die Tiere des Waldes; die Post dieser Woche, die Arbeit eines Jahres*.

8) баъзи лексик маъноси чегараланган ибораларда қаратқич келишиги ўрин (lokale, räumliche), пайт (temporale, zeitliche) ёки модал (modale) маънога эга бўлади.

Қаратқич келишигининг маъно ва вазифасида немис тилида қуйидаги форма ва конструкциялар қўлланиши мумкин:

1) қаратқич келишиги кўпгина предлоғли группалар ўрнида, кўпинча аниқловчи вазифасида келадиган *von* — *Dativ* предлоғли группа ўрнида қўлланади. Лекин қаратқич келишигининг ҳамма формалари бу вазифани бажара олмайди. Бу қуйидаги уч ҳолатда қўлланади:

а) агар аниқловчи атоқли от билан ифодаланган бўлса: *die Werke von Heine* ўрнига *die Werke Heines, Heines Werke* деб ифодаланиши мумкин;

б) агар аниқловчи вазифасида келган от кўпликда артикльсиз қўлланса: *ein Ankauf von Büchern, eine Gruppe von Menschen (eine Gruppe Menschen), eine Gruppe von aufgeregten Menschen (—eine Gruppe aufgeregter Menschen)*;

в) агар аниқловчи олдида саноқ сони келса: *die Mutter von acht Kindern — die Mutter der acht Kinder*.

Бошқа ҳолатларда қаратқич келишиги ва предлоғли группалар алмашилиши хусусиятига эга:

einer meiner Freunde — einer von meinen Freunden

2) қаратқич келишиги қўшма сўзлар (*Zusammensetzungen*) билан алмашилиши мумкин:

der Präsident des Bundestags — der Bundestagspräsident, Mitglieder des Vereins — Vereinsmitglieder.

3) қаратқич келишиги қиёс маъносини ифода этган гап билан алмашилиши мумкин. Бунда параллел форма ҳосил бўлади: *sein Gedächtnis ist wie eine Klaviatur — die Klaviatur seines Gedächtnisses (B. Kellerman)*.

Қаратқич келишигининг гапда қўлланиши

(*Gebrauch des Genitivs im Satz*)

Немис тилида қаратқич келишигидаги от предлог билан қўлланади. Қаратқич келишиги ундов ёрдами билан ҳам ифода этилиши мумкин: *Ach, ich bin des Treibens müde! (Goethe)*.

Бу предлоглар қаратқич келишиги билан қўлланганда сабаб, тўсиқ ва мақсад каби маъноларни англатади. Қаратқич келишигида қўлланган предлог сабаб, тўсиқ ва мақсад маъноларини англатади: а) *wegen des Diebstahls, infolge seiner Ankunft*; б) *trotz seiner Bemühungen, ungeachtet seiner Ankunft*, в) *zwecks weiteren Studiums*.

Қаратқич келишигидаги от, от кесимнинг ўзгармайдиган қисми ҳисобланадиган предикатив ўрнида ҳам қўлланиши мумкин. Бу ҳолатни кўпинча *sein* ёрдамчи феълнинг боғлама (*Korula*) вазифасида ишлатилганида учратамиз: *Dieses Wort ist lateinischen Ursprungs*.

Қаратқич келишиги ҳол вазифасида қўлланиб, модал маънони англата олади: *Er geht schnellen Schrittes; er kam schweren Herzens zurück*.

Ўзбек тилидаги қаратқич келишиги бундай хусусиятга эга эмас. Немис тилида бу вазифада қўлланган қаратқич келишиги ўзбек тилида бошқача усулда ифодаланади. Масалан: *Er geht*

schnellen Schrittes — У тез қадам билан бормоқда. *Er kam schweren Herzenes zurück*—У қалби вайрон ҳолда қайтиб келди; *Er ist anderen Sinnes geworden* — Унинг фикри ўзгарган. Охирги мисолнинг тажримаси шуни кўрсатадики, у олмоши немис тилида бош келишиқда ишлатилган бўлса, ўзбек тилида қаратқич келишиғида қўлланган.

Жўналиш келишиғи (DER DATIV, DER WEMFALL)

Жўналиш келишиғининг асосий маъноси ҳаракатнинг предметга бўлган муносабатини ифодалайди. Жўналиш келишиғидаги от воситасиз тўлдирувчи бўлиб келади: *Der neue Lehrer gefällt mir. Sie helfen unseren Studenten.*

Жўналиш келишиғи иш-ҳаракатнинг бирор шахсга йўлланганлигини ифода этади. Масалан: *Er hat mir einen Roman gekauft. Der Anzug ist dir zu kurz.*

Баъзан жўналиш келишиғи ўрнида тушум келишиғи ҳам ишлатилиши мумкин: *Der Vater hat mir einen Hut gekauft* ёки *Der Vater hat für mich einen Hut gekauft.*

Жўналиш келишиғининг ясалиши (Bildung des Dativs)

Бирлик (Singular)

Немис тили жўналиш келишиғида кучли турланадиган от умуман -е келишиқ қўшимчасини олади. Лекин бу қўшимча ҳар доим ва ҳар бир отга қўшилавермайди. Бу келишиқ қўшимчасини жўналиш келишиғидаги отга қўшилиш ёки қўшилмаслиғи немис тилининг нутқ такти, ритмик бўғиннинг урғули ёки урғусиз бўлишига боғлиқдир. Масалан: *im Staube liegen, dem Freunde schreiben*, лекин *bei Tag und Nacht.*

Аммо, -е келишиқ қўшимчаси баъзи сўз бирикмаларида келган жўналиш келишиғидаги отга албатта қўшилади. Масалан: *im Grunde genommen, zu Grunde gehen, nach Hause gehen.*

Кучсиз турланадиган отлар жўналиш келишиғи (Dativ) да -ен қўшимчасини олади: *dem Studenten, dem Knaben.*

Қўйидаги сўз ва отлар жўналиш келишиғидаги -е қўшимчасини олмайди:

- а) унли товуш ёки дифтонгга тугаган отлар:
der Uhr, im Schnee; auf dem Heu, mit dem Brei.
- б) олдида предлог бўлиб, артиклсиз ишлатилган отлар:
aus Holz, von Fall, im Wald und Feld.
- в) отлашган сўзлар: *in diesem Rot.*
- г) қўшма отлар составида келган отлар: *Vom Blitzstrahl getroffen, am Sonnabend.*
- д) сўзнинг кучсиз урғули бўғинидан кейин: *dem Jüngling, auf dem Teppich.*

е) жўналиш келишигида келиб, ўлчов маъносини ифода этадиган отлар: *bei einem Glas(e) kühlen Bier, mit einem Tropfen Öl*.

Женский родга оид бўлган отлар бирлик жўналиш келишигида ҳеч қандай келишик қўшимчасини олмайди, бу вазифа фақат артикль орқали ифода этилади, масалан: *der Mutter, der Tochter*.

Ўзбек тилида жўналиш келишиги - га(-ка, -қа) аффикси орқали ишлади. Охири г, ғ, к, қ товушларидан бошқа ундошларга ва унлиларга тугаган сўзларга доим -га қўшимчаси қўшилади: *мактабга, шаҳарга, элга, юртга* каби: к билан тугаган ўзакларга қўшилувчи -га ўзидан аввалги к нинг таъсири билан -ка формасини олади: *мактаб + га = мактабга, элак + га = элакка*.

-қ, -ғ билан тугаган ўзакларга қўшилувчи жўналиш келишик белгиси ўзидан аввалги товушнинг таъсири билан -қа формасини олади: *қишлоққа, сўқоққа, тўқмоққа; боғ — боққа, тоғ — тоққа*.

Жўналиш келишигининг маъноси ва кўплик формаси

(Bedeutung und Pluralform des Dativs)

Немис тилида жўналиш келишиги кўплик формасининг ясалиши унчалик мураккаб кўринишга эга эмас. Бирликдаги барча турланиш типига оид бўлган отлар жўналиш келишиги кўплигида асосан -(е)н келишик қўшимчасини олади. Фақат чет тиллардан кириб келган отлар жўналиш келишиги кўплигида -s дан бошқа ҳеч қандай қўшимча олмайди: Масалан: *Tagen, Händen, Ländern, Vögeln, Knaben, Klubs, Kasus (dem Kasus, den Kasus)*.

Жўналиш келишигининг асосий функцияси гаптаги воситали тўлдирувчини ифода этишдан иборатдир. Жўналиш келишиги қўлидаги маъноларни англатади:

1) Немис тилида маълум феъллар борки, улардан кейин қўлланидиган от жўналиш келишигида ишлатилиши зарур ва бу от гапта тўлдирувчини (Dativobjekt) ифода этади. Бундай феълларга қуйидагилар киради: *begegnen, beistehen, beistimmen, danken, dienen, drohen, erwidern, folgen, gefallen, helfen, sich nähern, trauen, winken* ва бошқалар.¹

Ўзбек тилида ҳам отнинг жўналиш келишигида қўлланишини талаб қиладиган феъллар бор: *кетмоқ, бормоқ, юбормоқ, (қаерга?) Москвага, Берлинга, шаҳарга, уйга*.

2) Жўналиш келишигидаги от (Dativobjekt) тушум келишигидаги тўлдирувчи (Akkusativobjekt) билан ҳам бирга ишлатилади: *die Mutter gibt der Tochter eine Handuhr* — *Она қизига қўл соат берапти*.

Бу ҳолат одатда гапта бир неча тўлдирувчи бўлган ҳолларда учрайди. Бунда, кўпинча, жўналиш тўлдирувчиси шахсни, тушум тўлдирувчиси эса предмет маъносини ифода этади. Масалан: *Marx zeigte den Arbeitern den Weg in die Zukunft*.

¹ W. Schmidt. Grundfragen der deutschen Grammatik, Berlin, 1966. S. 152.

Хабар-дарак маъносини англатадиган *befehlen, erlauben, erwidern, melden, mitteilen, raten* каби феъллардан кейин *Akkusativobjekt* — *Dativobjekt* формаси қўлланади.

3) *Abnehmen, anbieten, bieten, bringen, geben* каби феъллардан кейин *Dativobjekt* ва *Akkusativobjekt* формаси ишлатилади: *Er bat mit seine Hilfe an.*¹

Немис тилидаги жўналиш келишигининг тушум келишиги билан бирга ишлатиладиган формаси ўзбек тилида ҳам учраши мумкин. Буни қуйидаги мисолни таржима қилганда аниқ қўрамиз: *Marx zeigte den Arbeitern den Weg in die Zukunft* — *Маркс ишчиларга келажак йўлни кўрсатди.*

Бу мисолда *ишчиларга* сўзи ҳар икки тилда жўналиш келишигида ишлатилган, *йўл* сўзи ҳам ҳар икки тилда тушум келишигида қўлланган. Демак, немис тили жўналиш келишигининг бу тури ўзбек тили билан мос келади.

4) Маъно жиҳатдан тўлдирувчи талаб қилмайдиган феъллар учун жўналиш келишигида келган сўз тўлдирувчи вазифасини бажаради. Масалан: *Das steht dir gut. Die Zeit vergeht mir schnell.*

Бу ҳодиса ўзбек тилида йўқ.

5) Жўналиш келишигидаги от (ёки от ўрнида қўлланган кишилик олмоши) баъзи бир предикатив сифатида қўлланган сифатлар билан бирга ишлатилганда, у сифат учун тўлдирувчи бўлиб келади. Масалан: *Du bist mir wert. Das ist mir neu.*

Жўналиш келишигининг бу хусусияти ўзбек тилида ҳам бор: *Сен менга азиз (сан).*

6) Жўналиш келишигидаги олмошдан кейин келган сифат юклама билан ишлатилиши мумкин, масалан: *Das Zimmer ist ihm zu klein.*

Сифат олдида қўлланадиган *-zu* юкламаси ўзбек тилига *жуда* равиши ёрдами билан ифода этилади: *zu klein* — *жуда кичик, zu groß* — *жуда катта, zu kalt* — *жуда совуқ.*

7) Гапнинг предикатив составида от мавжуд бўлса, бунда ҳам жўналиш келишиги ишлатилади. Масалан: *Er war den Kindern ein guter Vater.*

8) Жўналиш келишигидаги баъзи ундовлардан кейин отлар тўлдирувчи вазифасида келиши мумкин. Масалан: *Wehe den Besiegten! Pfui diesem Verhalten!*

9) Немис тилида қуйидаги предлоглардан кейин ишлатиладиган отлар жўналиш келишигида қўлланади: *mit, nach, aus, zu, bei, seit, von, außer, entgegen, gegenüber.*

10) Ўзлик олмоши билан қўлланадиган *sich etwas ansehen, betrachten, merken, natieren, überlegen, verbitten* каби феъллар жўналиш келишигида келади. Мисоллар:

Ich sah mir den neuen Film an.

Ich habe es mir überlegt.

Ich verbitte mir diesen groben Ton.

¹ W. Jung. Grammatik der deutschen Sprache, Leipzig, 1967, S. 76.

11) Шахсизлик маъносини ифода этадиган баъзи гапларда ишлатилган отлар жўналиш келишигида (im Dativ) қўлланади. Масалан:

Mir graut vor diesem Menschen.

Ich hab' im Traum geweinet,

mir träumte, du lägest im Grab (H. Heine).

Лекин шахс маъносини ифода этувчи баъзи отлар жўналиш келишигида ишлатилиши мумкин. Масалан: *Der Kopf tut mir weh.*

Ўзбек тилида жўналиш келишиги асосан -га аффикси билан ифодаланиб, қуйидаги маъноларни билдиради:

а) иш-ҳаракат йўналган шахс, предмет ёки томон каби маъноларни:

Баҳорий даштларга, гул водийларга

Ой Барчин тикмишидир қаро кўзини (Ҳ. О.).

б) предметнинг бирор коллективга, шахсга аталганлигини ёки ҳаракат қаратилган предметни: *ГДР ишчиларига дўстлик саломи.*

в) мақсад ёки сабаб маъносини: *Институтни тамомлаганимдан хурсандман.*

Жўналиш келишигида келган отлар *кимга?* ёки *нимага?* сўроғига жавоб бўлади ва гапда воситали тўлдирувчи вазифасида келади:

Бодом қовоқ, юпқа томоқ, додимга етсангчи!

— Э, келинг Махсум ака, қани буёққа! (Мирмуҳсин).

Бу келишикдаги сўзлар гапда ўрин ва равиш ҳоли вазифасида ҳам келади:

Бегимжон бўлса, нима қилишини билмай, ҳар томонга аланглаб қаради (H. C.).

Ўзбек тилида предлоглар умуман ишлатилмай, уларнинг ўрнида кўмакчилар қўлланади.

ТУШУМ ҚЕЛИШИГИ

(DER AKKUSATIV, DER WENFALL)

Тушум келишигининг маъноси ва қўлланиши

(Bedeutung und Gebrauch des Akkusativs)

Тушум келишигида ҳаракат йўналган предмет ёки шахс ифода этилади. Тушум келишигининг асосий синтактик функцияси кесимга тегишли бўлган тўлдирувчини англатишдан иборат.

Немис тилида отнинг бирлик тушум келишик формасининг ясалиши унинг родига ва қайси турланишда эканлигига боғлиқ.

Мужской род отларининг бош келишикдаги *der* артикли тушум келишигида *den* формасига айланади. Бош келишикдаги *der Tag*

тушум келишигида *den Tag* формасига кўчади. Бу ерда асосан отнинг ўзи ўзгармай, фақат артикли ўзгаради ва у келишик фарқи ифода этади. Средний род отларининг бирлик тушум келишик

формаси бош келишик бир хил бўлади. Бош келишикда средний род оти *das Buch* формасида бўлса, тушум келишик бирликда ҳам

шундай формада қолади. Женский род отларининг бош ва тушум келишиги ҳам худди средний род отлари каби бир хил формада бўлади. Бош келишикдаги *die Frau* тушум келишигида ҳам *die Frau* формасида қолаверади.

Лекин средний ва женский род отларининг бош ва тушум келишиклари форма жиҳатдан бир хил бўлса-да, уларнинг фарқи маъносиди сезилади.

Юқорида кучли (мужской, средний ва женский родда) турланадиган отлар тўғрисида гапириб ўтилди. Кучсиз турланадиган мужской роддаги отларнинг ҳаммаси тушум келишигида *-(e)n*, қўшимчасини қабул қилади. Масалан: *den Student-en, den Knabe-n den Bären*.

Маълумки, немис тилида *der, die, das* аниқ артиклларидан ташқари (отлар учун) ноаниқ артиклар ҳам бор, чунончи *der* ўрнига *ein*, *die* ўрнига *eine*, *das* ўрнига ҳам *ein* артикллари ишлатилади. Отлар бирлик тушум келишигида ноаниқ артикль билан қуйидагича қўлланади: *den* ўрнига *einen*, *die* ўрнига *eine*, *das* ўрнига *ein*. Масалан: *Ich lese einen Roman. Er kaufte eine Karte. Sie nimmt ein Kleid*.

Ўзбек тилида тушум келишиги формаси *-ни* ёрдамида ясалади. Ўзбек тили тушум келишигининг немис тилидан фарқи шундаки, ўзбек тилида тушум келишиги белгили ва белгисиз формаларда ишлатилади: *Китобни олдим, китоб олдим*.

Немис тили тушум келишигидаги от кўпинча аниқ ёки ноаниқ артикль билан, баъзан эса артикльсиз ҳам қўлланади: *Ich trinke Tee*.

Тушум келишигининг кўплигидаги суффикс ва умлаутлар немис тили отларининг кўплик формасини ясадаги бўлган тўрт муҳим қоидага мувофиқ қабул қилинади. Аниқ артикль отларнинг бирлик ва кўплик формасида, ноаниқ артикль эса отларнинг фақат бирлик формасида ишлатилади: *ein Buch — Bücher, eine Karte — Karten, ein Mann — Männer*.

Тушум келишиги формаси тўлдирувчи вазифасида келиб, ҳаракатнинг тушум келишигидаги сўз билдирган объектга йўналганини кўрсатади.

Воситасиз тўлдирувчи талаб қиладиган феъллар немис тилида ў т и м л и (т р а н з и т и в) ф е ъ л л а р деб юритилади. Немис тилида феъллар тушум келишигидаги тўлдирувчини талаб қилиш ёки талаб қилмаслигига кўра ў т и м л и (т р а н з и т и в) ф е ъ л л а р ва ў т и м с и з (и н т р а н з и т и в) ф е ъ л л а р га бўлинади. Ўтимли феъллар тушум келишигидаги тўлдирувчини талаб қилади. Ўтимсиз феъллар ўзидан кейин тушум келишигидаги тўлдирувчини талаб қилмайди. Масалан: *schreiben, lesen* феъллари ўтимли бўлса, *sitzen* ва *stehen* каби феъллар ўтимсиз ҳисобланади.

Воситасиз тўлдирувчи (*Akkusativobjekt*) қуйидаги маъноларни ифода этади:

1) иш-ҳаракатдан англашилган натижани: *Er schrieb einen neuen Roman*.

2) аташ маъносини англатадиган феъллардан кейин ҳам воси-

тисиз тўлдирувчи қўлланади. Масалан: *Er ließ ihn einen Narren.*
Er nannte mich seinen Freund.

Тушум келишигининг бу тури фақат немис тилига хосдир.

3) тушум келишиги *lang, hoch, breit, weit, schwer, wert, alt* сифатлари билан қўлланилганда, улар предикатив ёки атрибутив сифатида қўлланиб, ўлчов маъносини ифода этади. Масалан: *einen Kilometer lang sein, ein Jahr alt sein, eine Tonne schwer sein.*

4) кўпинча тушум келишигидаги от предмет ёки шахсни ифода қилганда жўналиш келишиги билан бирга қўлланади: *Ich will dir meine Arbeit zeigen.* Бу ҳолат ўзбек тилида ҳам бор: *Мен сизга ўз янги ишимни кўрсатмоқчиман.*

Немис тилида бирдан ортиқ тушум келишиги ҳам қўлланади. Ўзбек тилида бу ҳолат йўқ. Шу сабабдан немис тилида бирдан ортиқ тушум келишигида ишлатилган сўзларни ўзбек тилига таржима қилинганда немис тилидаги икки тушум келишиги ўрнига тушум ва бош келишиклари ишлатилганини кўрамиз. Масалан: *Sie nannten ihn einen Künstler.* Улар уни расом деб атадилар.

Демак, тушум келишигининг бирдан ортиқ қўлланиши немис тилига хос бўлган грамматик ҳолатлардан биридир.

5) тушум келишигининг феълларнинг инфинитив формаси билан қўшилиб кела олишига тушум келишигининг махсус оброти дейилади. Тушум келишигининг бу тури ўзбек тилида тушум келишигида келган сўздан кейин турган инфинитивни ҳозирги замон сифатдошининг тушум келишиги формаси ёрдамида ифода этилади: *Wir hören ihn kommen* — *Биз унинг келаётганини эшитялмиз.* *Wir sehen die Kinder spielen.* — *Биз балаларнинг ўйнаётганини кўрялмиз.*

6) тушум келишиги ўрин ва пайт муносабатини ифода қилади. Ўрин муносабати (*räumliche Beziehungen*) давомли иш-ҳаракат маъносини англатувчи қўйидаги феъллар билан қўлланилганда ифодаланади: *steigen, gehen, laufen, springen, fahren, fliegen, stürzen, rollen* в. б.

Бундай хусусиятли отлар кўп эмас: *Straße, Weg, Pfad, Strecke, Schritt, Stück, Abhang, Treppe* в. б. Мисоллар:

Er ging (fuhr, lief) die Straße entlang.

Er stieg (sprang, lief, stürzte) die Treppe hinunter.

Man fliegt die Strecke Moskau — Leipzig in zwei Stunden.

Тушум келишидаги пайт муносабатини ифода этувчи отлар ўрин муносабатини англатувчи отларга қараганда кўпроқ қўлланади:

Ich wohne hier einen Monat (zwei Jahre).

Gestern habe ich den ganzen Tag an meinem Vortrag gearbeitet.

7) Икки бўлакли абсолют аккузатив (*absolute Akkusativ*) ҳам тушум келишиги ёрдамида ясалади:

Er trat ein, den Hut in der Hand.

Er stand, den Blick in die Ferne.

Биз немис ва ўзбек тилларидаги бош, қаратқич, жўналиш ва тушум келишикларининг ясалиши, қўлланиши ва уларнинг маънолари ҳақида тўхтаб ўтдик.

Ўзбек тилида кўриб ўтилган келишиклардан ташқари яна ўрин-пайт ва чиқиш келишиклари бор.

Ўрин-пайт келишиги -да аффикси орқали ясалади: *Москвада, шаҳарда*. Ўрин-пайт келишигидаги сўзлар қуйидаги маъноларни ифодалайди:

1) иш-ҳаракатнинг бажарилиш ўрнини билдиради: *Ўзбекистонда пахта тайёрланади*; 2) предметнинг ўрнини (жойини) англатади: *Богда мевалар кўп*; 3) пайт маъносини англатади: *Мен ёзда Ленинградга кетаман. Машина соат иккида келади*; 4) бирор ҳаракат ё ҳолатнинг нима бўйича, нима жиҳатдан эканлиги ифодаланади; *Укам ўқишда аълочи. Гулбаҳор меҳнатда чиниқди*; 5) ҳаракатнинг бажарилишида восита бўлган предметни билдиради: *Хатни қаламда ёздим*; 6) бирор шахс, предметнинг нима билан шуғулланиши, бандлигини билдиради: *Қиз уйқуда эди. Отам ишда, укаларим ўқишда эди*.

Ўрин-пайт келишигидаги от гапда тўлдирувчи (*Султонда китоб кўп*), ўрин ҳоли (*Мажлис спорт залида бўлади*), пайт ҳоли (*Ёзда келади, қишда кетади*), равиш ҳоли (*У тил учуда сўзлади*) ҳамда пайт эргаш гапларнинг кесими бўлиб келади: *Мен Қойтовур водийсига кирганимда, қуёш қорли тоғ орқасига бекина бошлаган эди (Лермонтов)*.

Ўрин-пайт келишиги ифода этадиган юқоридаги маънолар немис тилига қуйидагича берилади:

1) иш-ҳаракатнинг бажарилиш ўрни, маъноси -in предлоги орқали ифода этилади: *In Taschkent baut man neue Häuser.*— *Тошкентда янги уйлар қурилмоқда*.

2) предметнинг ўрни (жойи) маъноси -in предлогининг аниқ артикль билан қўшилган формаси ёрдамида ифода этилади: *Im Garten gibt es viele Früchte.*— *Богда мевалар кўп*.

3. пайт маъносини англатади: *Im Sommer fahre ich nach Bulgarien.*— *Ёзда мен Болгарияга кетаман*. Бу ерда ҳам пайт маъносини англатадиган ўрин-пайт келишигидаги сўзнинг маъноси немис тилига **in + dem** = от (*im Sommer*) формаси ёрдамида берилади.

4) бирор ҳаракат ё ҳолатнинг нима жиҳатдан эканлиги ифодаланади. Ўрин-пайт келишигининг бу формаси ҳам немис тилида ўзбек тилидагидек маънода қўлланади: *Mein Sohn ist im Lernen ein ausgezeichnete Schüler*— *Ўғлим ўқишда аълочидир*.

5) ҳаракатнинг бажарилишида восита бўлган предмет маъноси немис тилида жўналиш келишиги **mit** предлоги ёрдамида ифода этилади: *Ich schrieb den Brief mit dem Bleistift.*— *Хатни қаламда ёздим*.

Чиқиш келишигининг маъноси ва қўлланиши

Немис тилида махсус чиқиш келишиги мавжуд эмас. Ўзбек тилида чиқиш келишиги -дан (-тан) аффикси билан шаклланади ва немис тилига **von, aus, durch** (дан), **mit** (билан) предлогларининг

жўналиш келишиги (*Dativ*) билан бирга қўлланиши орқали ифода этилади: *Das Gebäude aus Eisenbeton.* — Бино темир бетондан; *Der Kranke wurde vom Arzt operiert.* — Қасал врач томонидан операция қилинди.

Ўзбек тилида чиқиш келишиги формаси қуйидаги маъноларни ифода этади:

1) иш-ҳаракатнинг бошланиш ўрнини, келиб чиқиш жойини англатади: *Ойшахон Чимкентдан келди. Қарим институтдан ҳозир келади.*

2) ҳаракатнинг бошланиш пайтини, ўтган муддатини англатади: *Бугун эрталабдан ёмғир ёға бошлади.*

Чиқиш келишигидаги сўз бери, кейин, сўнг, аввал, илгари ва бурун кўмакчилари билан келганда ҳам пайт маъносини билдиради: *Рашид 1980 йилдан бери босмаҳонада ишлайди.*

Чиқиш келишигидаги сўз жўналиш келишигидаги сўз билан жуфт бўлиб келганда ҳам пайт маъносини англатади: *Мактабимиз кундан-кунга яшнамоқда.*

3) предметнинг нимадан ишланганлигини, материалини билдиради: *Муҳаббатхон байрамга атласдан кўйлак тиктирляпти.*

4) ишда, ҳаракатда восита бўлган предметни англатади: *У деразадан қаради.*

5) сабаб маъносини англатади: *Ҳалимбобо меҳмонлар келишидан жуда хурсанд бўлди.*

6) чоғиштиришни англатади: *Кўзлари тонгенинг юлдузи, асалдан шириндир сўзи («Қундуз билан Юлдуз»).*

7) тўдадан бирини билдиради: *Студентлардан бири сўзлади.*

8) сон ва миқдор билдирган сўзлар чиқиш келишигида келганда баробар бўлинганликни англатади: *Ўқувчилар тўрттадан дафтар, иккитадан қалам олдилар.*

9) предметнинг қимматини билдиради: *Беш сўмлик китоб сотиб олдим.*

10) қиёс маъносини билдиради: Бу китобдан у китоб қизиқроқ. Чиқиш келишигининг бундай тури немис тилида сифатнинг чоғиштирма даражада ва *als* боғловчиси ёрдами билан ифода этилади: *Dieses Haus ist größer als jenes.* — Бу уй у уйдан каттароқ.

Чиқиш келишигидаги сўзлар гапта: 1) тўлдирувчи бўлиб келади: *Ҳар кимнинг ҳам оқшом файзидан кутаётган армони бордир.*

2) ўрин ҳоли бўлиб келади: *Яна беш-олти ой ўтгач, Ўзбекистон боғларидан бепоеън мамлакатимизнинг турли шаҳарларига юз-юз тонналаб ширин-шакар мевалар юборилади.*

3) сабаб ва пайт ҳоли бўлиб келади: *У . . . гўзал ҳаёт ишқа билан ёнади, ҳаётга ташна, бу ташналиқдан унинг ҳалқумлари қуриydi, ҳайратидан товба деб ёқа ушлайди . . . (У.).*

Ўрин-пайт келишиги немис тилининг жўналиш (*Dativ*) келишигида икки келишикни (жўналиш ва тушум) бошқарадиган предлоглар ёрдами билан ифодаланади: *столда (стол устида) — auf dem Tisch.* Чиқиш келишиги эса немис тилининг фақат жўналиш келишигида ишлатиладиган предлоглар ёрдами билан ифода эти-

лади. Масалан: *биринчи апрелдан бошлаб* — *ab ersten April, уйдан бошқа* — *aufser dem Haus; темирдан* — *aus dem Eisen*; Лекин фақат жўналиш келишигида ишлатиладиган махсус предлогларнинг ҳар бирининг қўлланиши ўзбек тилининг чиқиш келишигига мос келавермайди. Масалан: *nach, aus, von, entgegen* каби предлогларнинг ишлатилишидаги маънолари чиқиш келишиги билан мос келади:

nach der Stunden — *дарсдан кейин*, (лекин: *nach Moskau* — *Москвага*); *aus dem Eisen* — *темирдан*; *von deinem Vortrag* — *сенинг докладингдан* (*сенинг докладинг ҳақида*); *entgegen seinem Befehl* — *унинг буйруғига қарамадан*. Аммо немис тили жўналиш келишигида қўлланадиган баъзи предлогларнинг маънолари чиқиш келишиги маъносига мос келмайди. Масалан: *mit* ва *zu* каби жўналиш келишиги билан қўлланадиган предлог маъноларини таққослаб кўрайлик:

Mit dem Vater — *отам билан*; баъзан *mit* предлоги чиқиш келишиги маъносига тўғри келиши ҳам мумкин: *Er ist zufrieden mit seiner Gesundheit.* — *У ўзининг соғлигидан хурсанд*; *zu seinem Freund* — *ўз дўстига*.

Чиқиш келишигининг англатадиган маънолари қуйидагилардир:

1) иш-ҳаракатнинг бошланиш, келиб чиқиш жойини англатади. Бу ҳолат немис тилида тавҷуддир. Немис тилида предлог билан қўлланган *Dativ* нинг (жўналиш к.) маъноси ўзбек тилида чиқиш келишиги орқали ифода этилади. Масалан:

aus dem Saal — *залдан*; *aus der Schule* — *мактабдан*;

2) иш-ҳаракатнинг бошланиш пайтини, ўтган муддатини англатади. Чиқиш келишигининг бу маъно тури немис тилида ҳам қўлланади: *Er war vom Morgen bis zum Abend beschäftigt.* — *У эрталабдан кечгача банд бўлди*;

3) предметнинг нимадан ишланганлигини билдиради. Чиқиш келишигининг бу маъно тури ҳам немис тилида ўз эквивалентига эга: *aus der Baumwolle* — *пахтадан*; *aus dem Eisen* — *темирдан*; *aus der Seide* — *ипакдан*;

4) иш-ҳаракатни англатиш учун восита бўлган предметни англатади.

durch den Wald gehen — *ўрмондан* (*ўрмон орқали*) *ўтиб бормоқ*; *durch das Fenster sehen* — *деразадан* (*дераза орқали*) *кўрмоқ*;

5) сабаб маъносини англатади: *Wegen seiner Krankheit liegt er zu Zeit im Krankenhaus.* — *У касаллиги учун (касаллигидан) ҳозир касалхонага ётибди*;

6) тўдадан бирини, бутундан бўлагини билдиради. Чиқиш келишигининг бу маъно тури ҳам немис тилида мавҷуд: *Einer von den Studenten legte seine Prüfung ausgezeichnet ab.* — *Студентлардан бири имтиҳонни аъло баҳо билан топширди*; *einen Schluck vom Tee nehmen* — *чойдан бир қултум ичмоқ*.

7) қурол-яроғ воситалари ҳаракатини билдиради: *Nach Feinden mit Kanonen schließen.* — *Тўплардан душманларга қариши ўт очмоқ*.

Артикль

(DER ARTIKEL, DAS GESCHLECHTSWORT)

Немис тилида отлар асосан артикль билан қўлланади. Ўзбек тилидаги отлар бу хусусиятга эга эмас. Артикль ҳамма вақт от олдида келади.

Немис тилида артиклар икки хил бўлади: аниқ артикль (der bestimmte Artikel): **der, die, das** ноаниқ артикль (der unbestimmte Artikel): **ein, eine, ein**.

Аниқ артикль **der** кўрсатиш олмошидан келиб чиққан бўлса, ноаниқ артикль **ein** сондан келиб чиққан. Артикль қуйидаги вазифани бажаради: а) отнинг родини аниқлайди: *der (ein) Mann, die (eine) Frau, das (ein) Kind*; б) отнинг келишигини аниқлайди: *der Mann, des Mannes, dem Mann, den Mann* (бирлик), *die Männer* (кўплик); в) отнинг сонини аниқлайди: *ein Mann, eines Mannes, einem Mann, einen Mann* (бирлик); *Männer* (кўплик).

Бошиқ сўз туркумлари отлашганда, албатта, артикль қабул қилади. Отлашган сўз туркумларининг артикль билан қўлланиши муҳим грамматик белгилардан бири ҳисобланади: *krank — der Kranke, das Grün, das Blühen, die Dreizehn, rot — das, Rot lesen — das Lesen* в. б.

Артикль аниқлик ва ноаниқлик маъноларини ҳам ифодалайди: *Dort steht ein Mann. Der Mann ist jung.*

Ноаниқ артикльнинг кўплик формаси йўқ, шунинг учун бирликда ноаниқ артикль билан қўлланган от кўпликка кўчганда артикльсиз ишлатилади: *Ich möchte Hefle haben. Kinder sehen draußen. Sie bringen Bücher*. Аниқ артикль илгаридан маълум бўлган отлар билан бирга ишлатилади: *Der Lehrer kommt. Die Studenten stehen auf.*

Нутқда тилга олинган предмет ёки от иккинчи марта қайтарилса, у биринчи марта ноаниқ артикль билан, иккинчи марта эса аниқ артикль билан қўлланади:

Ein Junge steht im Korridor. Was will der Junge?

Ich erhielt zu meinem Geburtstag eine Armbanduhr.

Die Armbanduhr ist schön.

Отдан кейин ёки олдин келган аниқловчи кўпинча аниқ артикль билан талаб қилади: *der Inhalt des Buches, das neue Taschkent*. (аммо: *ein schönes Buch*). От олдида келган аниқловчи қаратқич келишигида келса, артикль ишлатилмайди. Масалан: *Goethes Gartenhaus, Peters Rede*.

Аниқ артиклар кўрсатиш олмошларидек турланади:

Kasus	Singular			Plural
	Maskulinum	Femininum	Neutrum	(Ҳамма родлар учун)
N.	der	die	das	die
G.	des	der	des	der
D.	dem	der	dem	den
A.	den	die	das	die

Ноаниқ артиклар эгалик олмошлари каби турланади:

Kasus	Singular		
	Maskulinum	Femininum	Neutrum
N.	ein	e ine	ein
G.	eines	einer	eines
D.	einem	einer	einem
A.	einen	eine	ein

1. Артиклниг вазифалари (Funktionen des Artikels).

Артикль грамматик маънога эга бўлиб, ўзи тегишли бўлган отнинг грамматик категорияларини ифодалайди. Артиклниг асосий вазифаларидан бири отнинг аниқлик ва ноаниқлик маъносини билдиришдир. Унинг келиб чиқиши ҳам мана шу функцияни бажаришдан бошланиб, артиклниг бошқа вазифалари аста-секин унга қўшила борган.

Артиклниг қўлланиши немис тилида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу тилни тўғри ўрганишда катта ёрдам беради. Артиклни қўллада қуйидаги қоидаларни эсда тутиш ва унга риоя қилиш зарур:

1) шахс номларини англатадиган атоқли отлар артикلسиз ифода этилади:

W. I. Lenin ist der Begründer des ersten sozialistischen Staats.

Агар от олдида унвон ёки қариндошлик маъносини англатадиган сўз қўлланса, бундай отлар ҳам артикلسиз қўлланади:

Sie schrieb einen Brief an Tante Risolat.

Professor K. Große las uns eine interessante Vorlesung vor;

2) агар шахс номи келиши ёки родни очик кўрсатса, аниқ артикль билан бирга қўлланади: *die Schriften des Sokrates.*

Атоқли отлар олдида аниқловчи келса, от аниқ артикль билан ишлатилади: *der kleine Kurt; das alte Moskau;*

3) аниқ артикль авлод ва уларнинг фамилияларини англатадиган отлар билан кўплик формада қўлланади, масалан: *die Grimms;*

4) географик номларнинг кўпи средний родга оид бўлиб, қоида бўйича артикلسиз қўлланилади. Лекин улар олдида аниқловчи келса, артикль ишлатилади: *das sonnige Usbekistan, das windige Kokand;*

5) дарё номлари средний родга оид бўлмай, уларда доим аниқ артикль ишлатилади: *die Elbe, die Spree, die Oder, die Weser;* ammo: *die Wolga, der Donau; der Amu—Darja, der Syr—Darja, der Rhein, der Mein, der Neckar.*

6) денгиз, кўл, тоғ ва тоғ тизмаларининг номлари артикль билан ифода этилади: *der Atlantische Ozean, der Atlantik, das Mittelmeer, die Ostsee, der Bodensee, der Kaukasus, der Harz, die Alpen, das Erzgebirge;*

7) гул, ҳайвон, паррандалар номлари артикль билан қўлланилади: *der Tiger, die Nachtigal, die Kuh, die Rose;*

8) буюмни ифода этувчи отлар артиклсиз қўлланади: *Löffel und Gabeln gebrauchen wir beim Essen; Wasser, Kaffee trinken;*

9) ҳолат ёки абстракт маъноли сўзлар асосан артиклсиз ифода этилади. Лекин абстракт маъно билдирувчи сўзларда индивидуаллик тасаввури кучли бўлса, у вақтда уларнинг кўпи аниқ артикль билан ёзилади: *die Natur, das Schicksal, die Vorsehung, die Ehe, der Tod;*

10) отнинг фақат ёлғиз номини аташда, шунингдек чақириқ ёки мурожаат маъносиди қўлланган сўзларда артикль қўлланмайди: *Wie heißt Staat auf usbekisch? Hilfe! Feuer!*

11) касб маъносини билдириб, от-кесим составида предикатив бўлиб келганда отлар артиклсиз ишлатилади: *Mein Onkel ist Arzt. Ich werde Agronom;*

12) от предикатив тўлдирувчи сифатида феъл билан қўшилиб яхлит маънони билдириб келса, артикль қўлланмайди. Шу қоидага предлоглар билан бирга ишлатиладиган баъзи бир отлар кирди ва улар ҳам артиклсиз қўлланади: *Beifall klatschen; zu Hause, nach Hause; bei Nacht und Nebel; Schulter an Schulter, Schritt für Schritt;*

13) мақол ва ибораларда артикль қўлланмайди:
Eile mit Weile.

Fleiß bringt Brot, Faulheit Not.

Durch Fragen wird man klug.

Tag und Nacht.

14) кўпинча газета сарлавҳалари артиклсиз қўлланади: *Sowjetnote an Westmächte, Schwerindustrie—Grundlage für den Aufbau des Sozialismus.*

15) агар от олдидаги орттирма даражада келган сифат абсолют маънода қўлланса ва ифода этилса, от артиклсиз ишлатилади: *Dieser Betrieb besitzt modernste Maschinen.*

Es war tiefster Winter.

Орттирма даражадаги сифат билан қўлланган от аниқ артикль билан қўлланади: *Er ist der klügste Schüler in der Klasse.*

16) баъзан шеърятда отлар артиклсиз қўлланиши мумкин: *Suppe kocht, und siedet ein, Braten will verbrennen (Goethe).*

Knabe sprach; ich breche dich, Röslein sprach; ich steche dich (Goethe);

17) нарса, буюм номларини (Stoffnamen) англатадиган отлар артиклсиз қўлланади, лекин от конкретлаштирилса, аниқ артикль билан қўлланилади. Таққосланг:

Nehmen Sie Brot mit.

Das Brot von heute ist weich.

18) феълдан ясалган отлар предлог билан қўлланганда кўпинча артиклсиз ишлатилади: *seit Beendigung des Krieges; auf Befehl des Direktors.*

Аниқлик ва ноаниқлик категорияси. (Die Kategorie der Bestimmtheit und Unbestimmtheit). Немис тилида аниқлик ва ноаниқлик категорияси аниқ ва ноаниқ артиклар ёрдамида ифода эти-

лади. Аниқ артикль бирлик ва кўпликнинг ҳамма келишикларида қўлланади. Ноаниқ артикльнинг кўплик формаси йўқ. Шунинг учун унинг кўплиги артикльсиз (Nullartikel) қўлланади. Отнинг аниқлик ва ноаниқлик категорияси отга хос бўлган сўзни умумлаштирувчи хусусиятига боғлиқдир. Масалан: *das Haus* сўзи умуман «уй» маъносини билдирса, айни бир вақтда, уйларнинг ҳар бири маъносини ҳам билдиради.

Отларнинг аниқлик ёки ноаниқлик маъноларини белгилашда артикль бирдан-бир грамматик восита саналади.

Eine ноаниқ артикли бу мисолда предметнинг номаълум, яъни эшитувчига шу вақтгача маълум бўлмаганидан дарак беради.

Es gibt оборотидан сўнг ҳам ноаниқ артикль ишлатилади:

In unserem Institut gibt es einen Sportzirkel.

Es gibt иборасидан кейин келган от тушум келишигида (Акку-сатив) қўлланади.

Агар сўз аниқ ва таниш предмет ҳақида борса, бундай предметни билдирувчи от *аниқ артикль* билан ёзилади. Бу маълум предмет ўзи билан бир хил бўлган предметлардан қандайдир бирор-та белги орқали фарқ қилади.

От томонидан кўрсатилган предметнинг аниқлик ва ноаниқлик хусусияти турли кўринишларда ифода этилиши мумкин:

1) агар предмет олдинги контекстда ҳам аталган бўлиб, яъни бу айтилиши иккинчи маротаба бўлса, охириги галда предмет аниқ артикль билан ифода этилади:

Im Kanal lag ein Boot. Sie mieteten das Boot und schwammen dahin. Ein Schwan kam ihnen entgegen. Der Schwan und das Boot glitten lautlos aneinander vorüber. (H. Mann).

Das Boot отининг аниқ артикли *das* бир тарафдан аниқликни ифода этса, иккинчи томондан дарак составида бўлиб, унинг манбаи ҳисобланади. *Das* артикли аниқ предметни, яъни бундан олдинги гапда тилга олинган предметни билдириб келяпти.

2) ўзидан кейинги контекстда артикль қайтарилганда ҳам аниқ артикль ишлатилади:

Ich glaube an den Tag, da kein Mensch mehr den Menschen ausbeuten wird; an den Tag, da es weder weiße, noch schwarze, noch gelbe, weder männliche noch weibliche Sklaven geben wird. (B. Keller-lermann);

3) ситуация талабига кўра артикльнинг мавжудлиги ва сўзлар боғланишида унинг зарурати бўлганда ишлатилади. Масалан:

Er hatte nach dem Krieg in einem Hüttenwerk gearbeitet. Ist der Vorgesetzte schon gekommen? Nein, wer ist noch nicht gekommen.

4) аъзо бўлақларининг номи ва шахсга оид кийимлар, уларнинг шахсга тегишлилиги аниқ бўлганда аниқ артикль қўлланади:

Der Mann stretke die Hand aus. Er verzog den Mund zu einem Lächeln. Er zuckte die Achseln. *Das Mädchen* senkte den Kopf. Er zog den Mantel an und setzte den Hut auf. Er kam, den Hut in der Hand. Wo sind die Gummischeue?

5) дунёда танҳо бўлган предметлар аниқ артикль билан ишлатилади:

die Sonne, der Mond, die Erde, die Natur.

6) баъзи аниқловчилар маълум предметни шу предмет билан бир хил бўлган бошқа предметлардан махсус белгилар орқали ажратиб кўрсатади. Бундай аниқловчилар билан келган предмет олдинга қўйидаги ҳолларда аниқ артикль қўйилади:

а) жой ва вақт маъносини англатувчи от аниқловчи билан келганда:

Sehen Sie das Haus rechts? Die Straße hier ist ganz ruhig. Der Weg zum Tor ist gepflastert. Am künftigen, verflossenen Sonntag, am folgenden Tag.

б) от тартиб сонлар билан бирга келганда:

Er stieg bis zum vierten Stock.

Кўпинча аниқланмиш от предметни шу қадар конкретлаштириб берадики, бу гапда аниқ артикльни қўллаш жуда ҳам зарур бўлиб қолади: Oben war die blaueidene Deske des Himmels (Heine).

Аниқлик ва ноаниқлик категориясини тушуниш учун артикльнинг қўлланиши билан гапдаги сўз тартиби ва интонация орасида ўзаро алоқа ва муносабатни ҳисобга олиш зарур.

Гапда қўлланилган артикль отнинг аниқлик ва ноаниқлик маъносини англатиши билан бирга, унинг коммуникатив вазифаси орасида қандай муносабат, алоқа борлигини ҳам ифода этади.

Ҳар икки функция конкрет ситуация, предмет, ёки воқеа ҳақида гапирувчи томонидан тингловчиларнинг фикрини ҳисобга олиш йўли билан белгиланади. Шунга кўра юқорида эслатиб ўтилган отнинг икки функцияси гапда кўпинча мос келиб қолади.

Лекин отнинг аниқлик ва ноаниқлик маъноси ва унинг гапда коммуникатив мазмун англатувчи роли бир-бири билан доим мос келавермайди. Шунга кўра отнинг қайд қилиб ўтилган икки функциясини бир хил деб қараш тўғри бўлмайди.

Гапда артикль фақат коммуникатив ролини бажариш учун қўлланган бўлса, ноаниқ артикльнинг нима учун ишлатилганлиги ҳам тушунарли бўлади: Масалан: Das ist ein Bild. Hier gibt es einen Stuhl. Ich habe einen Bruder.

Бундай гапларда ноаниқ артикль предмет ёки отнинг ноаниқлигини эмас, балки гапдаги отнинг коммуникатив ролини билдиради.

Шундай қилиб, отнинг аниқлик ва ноаниқлик мазмунини белгилаш билан унинг гапда коммуникатив ролини бажариш функцияси ўртасидаги ўзаро муносабатни — алоқани уч асосий қоидага келтириш мумкин:

1) Артикль гапда дарак манбаи ҳисобланиши билан бирга, у аниқлик ва ноаниқлик маъносини ҳам ифода этади.

2) Артикль аниқлик-ноаниқлик маъносини билдирмай, гапда фақат коммуникатив вазифасини бажаради.

3) Артикль бир вақтнинг ўзида отнинг аниқлик маъносини ва

гапда дарак бериш маъносини билдира олмайди, чунки баъзан бир артиклниги ўзи бу икки маънони ифода эта олмайди.¹

Артиклниги умумлаштириш ва ажратиш хусусияти (Die Besonderheit des Artikels in der Verallgemeinerung und der Trennung der Substantive). Юқоридаги фактлардан кўринадики, ноаниқ ва аниқ артикль бир хил бўлган отлардан бирини, уларни маълум ёки номаълум эканлигини кўрсатиб келади. Лекин артикль фақатгина предметни ажратиш хусусиятигагина эга бўлмай, балки предметни умумлаштирув хусусиятига ҳам эга. Масалан: **Das Kind** (ёки **ein Kind**) beginnt erst mit einem Jahr zu sprechen, гапида сўз бир бола ҳақида бўлмай, балки умуман «бола» тўғрисида бўляпти. Артикль умумлаштирувчи маънога эга. Қуйидаги мисоллар буни очиқ кўрсатади:

Die Taube ist das Symbol des Friedens.

Das Tier benutzt die Natur, **der Mensch** beherrscht sie.

Аниқ ва ноаниқ артиклниги ҳар иккаласи ҳам умумлаштирув маъносига эга бўла олади:

Ein Kämpfer muß tapfer sein. **Der Kämpfer** muß tapfer sein.

Қиёс маъносини англатувчи от билан қўлланганда ноаниқ артикль ҳам умумлаштириш маъносини билдиради. Масалан:

Ich war müde wie ein Hund und schlief wie ein Gott (H. Heine).

Er bewegte sich zwischen ihnen wie ein launenhafter Pascha (H. Mann).

Mein Herz ist wie eine Welke Blume (H. Heine).

Haben ёрдамчи феълидан кейин ишлатилган ноаниқ артикль ҳам умумлаштириш маъносига эгадир:

Haben Sie einen Vater? Ich habe eine Zweizimmerwohnung.

Артиклниги саналадиган ва саналмайдиган отлар билан қўлланиши

(GEBRAUCH DES ARTIKELS MIT DEN ZÄHLBAREN UND UNZÄHLBAREN SUBSTANTIVEN)

Род маъносини англатадиган конкрет отларда артикль: 1) отнинг аниқлик — ноаниқлигини белгилаш ва 2) отнинг гапдаги коммуникатив родини аниқлаш учун қўлланади. Бундай турдаги отларнинг кўп қисми саналадиган отлар бўлиб, улар аниқ артикль билан ҳам, ноаниқ артикль билан ҳам қўллана олади. Бундай отларнинг аниқ ёки ноаниқ артикль билан қўлланиши уларни қайси маънода ва гапда қандай вазифада қўлланганига боғлиқдир, масалан: **Ein Schüler** hebt **die Hand** ва **Eine Hand** hebt sich.

Биринчи мисолдаги *die Hand* (қўл) сўзи маълум шахсга тегишли бўлганлиги учун, аниқ артикль билан қўлланган. Иккинчи мисолдаги *eine Hand* (қўл) сўзи қайси шахсга тегишли эканлиги номаълум бўлганлиги учун ноаниқ артикль билан ишлатилган.

¹ О. Москальская. Грамматика немецкого языка. Теоретический курс. Морфология, Москва, 1956, 117 — 127-бетлар.

Нарса (буюм) ва абстракт маънони англатувчи отлар с а н а л м а й д и г а н о т л а р қаторига киради. Тилга олинган предмет (нарса, буюм) ўзининг умумий миқдорини англатмаса, артикلسиз қўлланилади:

Es ist nicht alles Gold, was glänzt (Sprichwort). Als Georg in das Büffett eintrat und Kaffee und Suppe roch und hinter Glas Brot und Schalen mit Essen sah, vergaß er vor Hunger und Durst, Furcht und Hoffnung (A. Seghers). Walter erfuhr gute Kameradschaft (W. Breidel). Trocken es Brot aß er, aber er lernte und arbeitete (W. Breidel).

Юқорида айтиб ўтилганидек, нарса-буюм номларини англатадиган отлар, одатда, артикلسиз ишлатилади. Лекин нарса номини билдирадиган от конкретлаштирилмоқчи бўлса, маълум бир тур бошқа шу каби турлардан ажратилиб, унинг фарқи кўрсатилмоқчи бўлса, нарса-буюм отлари ҳам аниқ артикль билан ишлатилади. Масалан: Die Milch, die du gekauft hast, ist sauer. Das Wasser in dieser Quelle ist mineralreich.

ПРЕДЛОГ БИЛАН АРТИКЛНИНГ БИРИКИШИ

(DIE VERSCHMELZUNG VON PRÄPOSITIONEN UND ARTIKEL)

Немис тилида предлоглар аниқ артикль билан бирикиб, қулай ва қисқа формани ташкил қилади. Предлог билан артиклнинг бирикиши қуйидаги тартибда бўлади:

Предлоглар мужской ва средний роднинг аниқ артикллари жўналиш келишиги (Dativ) даги dem ва тушум келишиги (Akkusativ) даги das артикли билан бирикади:

Dativ: an + dem = am: Am Fenster steht ein kleiner Schreibtisch; in + dem = im: Die Kinder spielen im Garten; von + dem = vom: Er sprach vom hohen Baum; zu + dem = zum: Er will zum Arzt gehen; bei + dem = beim: Meine Schwester stört ihn beim Lesen; zu + der = zur: Ich gehe zur Stunde;

Akkusativ: an + das = ans: Sie trat ans Fenster.

Предлогларнинг артикль билан бирикишида auf + das = aufs; durch + das = durchs; für + das = fürs каби формалар одатда камроқ қўлланади.

Қуйидаги ибораларда артиклнинг предлог билан қўшилиб қўлланиши шарт: am Morgen, am Tage, am Abend; im Sommer, im Herbst, im Winter, im Frühling; im Gegenteil; im Vergleich zu; zum ersten Mal, zum letzten Mal ва ҳоказо.

СИФАТ

(DAS ADJEKTIV, DAS EIGENSCHAFTSWORT, DAS BEIWORT)

Сифат предметнинг ранги, шакли, мазаси ва бошқа белгиларини ифодалайдиган сўз туркумидир. Одатда сифатлар англатган маъноларига кўра иккига: аслий (qualitative Adjektive) ва нисбий сифатлар (relative Adjektive) га бўлинади.

Аслий сифатлар (qualitative Adjektive) предметнинг ўз асл белгисини, унинг ташқи формаси (schlank, rund — ҳушбичим, (юмалоқ), ўлчови (groß, klein — катта, кичик), ранги (schwarz, weiß — қора, оқ), ижобий ёки инкор маъноси (gut — яхши, schlecht — ёмон), ва ҳолатини (krank, gesund — касал, соғлом) билдиради.

Немис тилида аслий сифатларнинг кўпи тўла парадигмага эга: улар турланади, даража формаларига эга, гапда аниқловчи ва предикатив вазифасида қўлланади.

Немис тилида аслий сифатлар қисқа (турланмайдиган) формага ҳам эга: *Sie ist gesund. Der Himmel ist blau.*

Нисбий сифатлар (Die relativen oder beziehungsweisenden Adjektive, Beziehungsadjektive (предметдаги белгини унинг бошқа бирор предметга бўлган турлича муносабатига кўра билдиради. Улар предметнинг ўзи ясалган материали: (*goldene Uhr, hölzerne Tafel; олтин соат*), воқеанинг пайт ёки жойга бўлган муносабати (*nächtliche Arbeit, städtliches Leben; тушқи овқат, унутли ер*) каби маъноларни ифодалайди.

Немис тилида нисбий сифатлар қисқа формага эга бўлиб, белгини даражалаб кўрсатмайди ва улар равишга кўча олмайди. Ўзбек тилида ҳам нисбий сифат белгини даражалаб кўрсатмайди.

Нисбий сифатлар сифат ясовчи турли аффикслар ва бошқа сўз туркумларидан ясалган бўлади. Масалан: *gold-en, hölz-ern, nächt-lich, hör-bar; тарих-ий, омма-вий, тош-симон, шимшадек, олдуз-дай* каби.

Немис тилида сифат от каби род, сон ва келишик формасига эга. Лекин бу грамматик форма отга тегишли бўлган грамматик формадан фарқ қилади. Отларда ҳар бир от учун алоҳида род белгиланган; сифатларнинг роди эса отнинг қандай родда бўлишига боғлиқдир. (Мас.: *großer Tisch, große Tafel, großes Buch* каби).

Сифатнинг келишик ва сон формалари ҳам аниқланмиш отнинг келишик ва сонига боғлиқдир. Шунинг учун сифатнинг грамматик формаси отнинг «абсолют» формасига нисбатан «нисбий» категория деб юргизилади. Сифатлар гапда от олдида аниқловчи вазифасида қўлланганда отнинг роди, келишиги ва сони билан мослашади. Бу хусусият немис тили сифатларига оид бўлиб, ўзбек тили сифатларига хос эмас.

Ўзбек тилидаги аслий (туб) сифатлардан таркиб топадиган *аччиқ-чучук, яхши-ёмон, маза-бемаза, енгил-елпи* каби жуфт сифатлар немис тилида йўқ.

Немис тилида аслий сифатлар ҳам турланадиган, ҳам ўзгармайдиган формаларда қўлланаверади: Ein kleines Haus (турланадиган форма); Das Haus ist klein (ўзгармайдиган форма).

Немис ва ўзбек тилларидаги сифатлар асосан сифат ясалиши ва айниқса, сифатга хос даража категорияси билан ўзаро фарқ қилади.

Немис тилида сифатлар суффикслар ёрдамида ясалади. Префикслардан энг кўп қўлланиладиган *un-* префикси (масалан: *untreu,*

unreif); *ig-*, *miß-*, *erz-* префикслари **-un-** префиксига қараганда камроқ инплатилади: *uralt*, *mißliebig*, *erzfaul*.

Немис тилида суффикслар сони у қадар кўп эмас. Лекин суффикслар ёрдами билан сифат яшаш энг маҳсулдор усуллардан бири ҳисобланади. Сифат яшашда қуйидаги суффикслар кўпроқ қўлланади: *-ig*, *-lich*, *-isch*, *-bar*, *-sam*, *-haft* (*-haftig*), *-en* (*-ern*): *bergig*, *eckig*; *männlich*, *weiblich*; *irdisch*, *logisch*, *kindisch*; *wunderbar*, *fruchtbar*; *sparsam*, *langsam*, *wahrhaft*, *krankhaft*; *seiden*, *silbern*.

Қўшма сифатлар миқдори немис тилида қўшма отларга қараганда камроқдир. Қўшма сифатларнинг биринчи компоненти турли сўз туркумларидан, иккинчи компоненти эса сифат ёки сифатдошдан ташкил топади: *altklug*, *lebenswichtig*, *friedliebend* ва б.

СИФАТНИНГ ТУРЛАНИШ ТУРЛАРИ (DIE DEKLINATIONSPORTEN DES ADJEKTIVS)

Сифат мослашган отнинг род, келишик ва сонини кўрсатади. Сифатнинг турланиш тури унинг аниқловчи сифатида қўлланадиган сўз бирикмаси составига боғлиқ. Сўз бирикмасининг состави қуйидагича бўлади:

1) етакчи сўз + сифат + от (*Das Begleitwort (Artikel, Pronomen, Zahlwort) + (Adjektiv + Substantiv)*);

2) сифат + от (*Adjektiv + Substantiv*).

Сўз бирикмасининг асосий ёки бош компоненти (*das Kernwort, das Zeitwort*) отдир.

Немис тилида отлар кучли, кучсиз ва женский турланиш турига эга. Бундан ташқари баъзи отлар махсус турланиш ва атоқли отларнинг турланиш турига эга.

КУЧЛИ ТУРЛАНИШ (DIE STARKE DEKLINATION)

Кучли ёки прономинал (*Die starke oder pronominale Deklination*) турланишда келишик қўшимчалари очиқ кўрсатилиб, улар аниқ артикль ёки кўрсатиш олмошларининг келишик қўшимчалари билан мос тушади.

Kasus	Бирлик (Singular)		
	Maskulina	Neutra	Feminina
N.	klug-er Mann	neu-es Dorf	schön-e Stadt
G.	klug-en Mannes	neu-en Dorfes	schön-er Stadt
D.	klug-em Mann (e)	neu-em Dorf	schön-er Stadt
A.	klug-en Mann	neu-es Dorf	schön-e Stadt

Kasus	Кўплик (Plural)		
N.	klug-e Männer,	neu-e Dörfer	schön-e Städte
G.	klug-en Männer,	neu-er Dörfer,	schön-er Städte
D.	klug-er Männern,	neu-en Dörfern,	schön-en Städten
A.	klug-e Männer,	neu-e Dörfer,	schön-e Städte

Демак, сифатлар қаратқич (Genitiv) бирликдаги мужской ва средний род отларининг -es келишиқ қўшимчаси ўрнига -en қўшимчасини олади.

Сифат олдида етакчи сўз бўлмай, унинг ўрнига турланмайдиган *etwas, genug, allerlei, vielerlei, lauter, viel, wenig, mehr allerlei* каби сўзлар келса, у бирликда кучли турланади.

Кўпликда сифат ноаниқ кўплик маъносини ифода этувчи *einige, manche, viele, wenige, mehrere, etliche, verschiedene* сўзлардан кейин кучли турланади.

КУЧСИЗ ТУРЛАНИШ (DIE SCHWACHE DEKLINATION)

Сифатнинг кучсиз ёки номинал (Die schwache oder nominale Deklination) турланиши отнинг кучсиз турланиши билан мос тушади. Сифат кучсиз турланишда ҳам, худди отнинг кучсиз турланиши каби, -e, -en келишиқ қўшимчаларини олади. Фақат сифатнинг кучсиз турланишида род, келишиқ ва сон, кучли турланишдагидек, очиқ ифода этилмайди. Сифатнинг кучсиз турланишида етакчи сўз, яъни аниқ артикль сифат олдида қўлланади. Бунда сифат билан турланган отнинг грамматик роди очиқ кўрилади.

Kasus	Sin ular		
	Maskulina	Neutra	Feminina
N.	der klug-e Mann	das neu-e Dorf	die alt-e Stadt
G.	des klug-en Mannes	des neu-en Dorfes	der alt-en Stadt
D.	dem klug-en Mann	dem neu-en Dorf	die alt-en Stadt
A.	den klug-en Mann	das neu-e Dorf	die alt-e Stadt

Kasus	Plural		
N.	die klug-en Männer,	die neu-en Dörfer	die alt-en Städte
G.	der klug-en Männer,	der neu-en Dörfer,	der alt-en Städte
D.	den klug-en Männern,	den neu-en Dörfern,	den alt-en Städten
A.	die klug-en Männer,	die neu-en Dörfer,	die alt-en Städte

Сифатлар бирликда *der, dieser, solcher, jener, jeder, derselbe, derjenige, welcher, aller, macher, folgender, gleicher* каби кўрсатиш олмошларидан кейин кучсиз турланади.

Сифат кўпликда: *alle, beide, sämtliche, welche, keine* сўзларидан кейин ва *meine, deine, unsere* каби эгалик олмошларидан кейин ҳам кучсиз турланади.

АРАЛАШ (ПАРАДИГМА)
(GEMISCHTES PARADIGMA)

Сифат олдидан ноаниқ артикълар (*ein, eine, ein*), эгалик олмошлари (*mein, dein, sein, unser*) ёки *kein* олмоши турса, сифат ҳам кучли, ҳам кучсиз турланади, буни аралаш турланиш (парадигма) деб юритилади. Бу етакчи сўзлар сифат билан турланганда баъзи келишикларда ҳеч қандай қўшимча олмайди.

Масалан, средний роднинг бирлик бош ва тушум келишикларда, мужской роднинг бирлик бош келишигида, қолган келишикларда қўшимча олади. Шунга кўра сифат гоҳ прономинал, гоҳ номинал келишик қўшимчаларини олади. Шу асосга кўра аралаш парадигма ҳосил бўлади.

		Singular	
Kasus	Maskulina		
N.	ein heiß-er Tag	прономинал қўшимча номинал қўшимчалар	
G.	eines heiß-en Tages		
D.	einem heiß-en Tag		
A.	einen heiß-en Tag		

Kasus		Neutra	
N.	mein neu-es Heft	прономинал қўшимча номинал қўшимчалар прономинал қўшимча	
G.	meines neu-en Heftes		
D.	meinem neu-en Heft		
A.	mein neu-es Heft		

Сифат женский род оти билан турланганда барча келишикларда кучсиз турланиш қўшимчасини олади.

Kasus		Feminina	
N.	keine gut-e Tinte keiner gut-en Tinte keiner gut-en Tinte keine gut-e Tinte		
G.			
D.			
A.			

Немис тилида ноаниқ артиклнинг кўплик формаси бўлмаганлиги учун сифат кўпликда кучли турланади, лекин *keine, meine, deine* каби етакчи сўзлардан сўнг кучсиз турланади: *kein, guter Bleistift — keine guten Bleistifte; unser neues Haus — unsere neuen Häuser*.

Сифат кишилик олмошларидан кейин сифат + от (Adjektiv — Substantiv) бирикма составида келса, у кучли турланади. Бунда баъзи келишикларда қўш формаларнинг қўлланиши ҳам мумкин.

Kasus	Maskulina	Neutra	Feminina
N.	du klug-er Mann	du fleißig-es Mädchen	du schön-e Frau
D.	die klug-em Mann	dir fleißig-em Mädchen	die schön-en Frau
A.	dich klug-en Mann	dich fleißig-es Mädchen	dich schön-e Frau

Сифат кўрсатилган бирикмада қўлланганда, қаратқич келишиги (Genitiv) ишлатилмайди.

Kasus	Plural		
N.	ihr klug-en (klug-e) Männer	ihr schön-en Frauen	ihr fleißig-en Mädchen
D.	euch klug-en Männern	euch schön-en Frauen	euch fleißig-e Mädchen
A.	euch klug-en Männern	euch schön-en Frauen	euch fleißig-en Mädchen

Охири *-el: edel, dunkel; -en: eigen, vollkommen; -er: finster, munter, bitter* каби қўшимчаларга тугаган сифатлар от билан бирга қўлланганда, кўпинча улардаги *-ein* унлиси тушиб қолади: *edler, Mensch, finstre Mächte, dunkles Glas, aus dunklem Glas*.

СИФАТНИНГ АСОСИЙ ФОРМАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИШИ (DIE GRUNDFORMEN DES ADJEKTIVE UND IHR GEBRAUCH)

Сифат қуйидаги синтактик вазифаларда қўлланади:

1) сифат предикатив, ҳол ёки кесим вазифасида қўлланганда: *Die Kirschen sind rot und saftig. Der Junge läuft schnell. Sie trinkt den Tee warm.*

Предикатив вазифасида қўлланган сифат турланади: *Ein neues Buch ist nicht immer ein gutes (Buch). Dieser Schüler ist der begabteste (Schüler). Diese Frage ist eine politische (Frage);*

2) сифат аниқловчи вазифасида қўлланганда. Бунда у отдан кейин келиб, ажратилган ҳолда қўлланади:

Кирсчен, рот und саftиг, lagen im Korb.

Ein Mann, älter als ich, trat auf mich zu;

3) сифат баъзи ҳолларда қўшимчасиз аниқловчи сифатида қўлланади. Сифатнинг бу асосий формаси қадимда қўлланган формалардан бири ҳисобланади. Бундай формалар баъзи ибораларда қўлланиши мумкин: *mit jemand gut Freund sein; auf gut Glück, ein gut Stück;*

4) сифат эга вазифасида қўлланганда. Буни сифатларнинг бир-бири билан яқиндан боғланишда ва мақолларнинг қўлланишида ҳам учратиш мумкин.

Масалан: *Ehrlich währt am längsten. Gut ist gut, und besser ist besser. Jung und alt füllen die Straßen;*

5) баъзи сифатлар турланмайди. Булар: а) немис тилига бошқа тиллардан кирган сифатлар: *lila, rosa, beige, creme, orange, Oliv; Prima;* б) -er суффикси билан ясалган сифатлар: *Moskauer, Leipziger, Berliner, Taschkenter;* в) баъзи предикатив вазифасида қўлланган сифатлар: *quitt, zugetan, ein Prima Spiel, ein lila Band, ein rosa Kleid; die Leipziger Messe; Wir sind quitt. Ich bin ihm zugetan;*

б) икки сифат дефис ёрдамида боғланган бўлса, улардан фақат иккинчиси турланади: *das deutsch-russische Wörterbuch; ein Kleid mit schwarz-weißen Streifen; das deutsch-sowjetische Jugendfestival.*

СИФАТ ДАРАЖАЛАРИ, УЛАРНИНГ МАЪНОСИ ВА ҚЎЛЛАНИШИ

(DIE STEIGERUNGSSTUFEN (VERGLEICHSTUFEN, GRADUIERUNG) DER ADJEKTIVE, IHRE BEDEUTUNG UND GEBRAUCH)

Немис тилида сифатлар, ўзбек тилидаги каби уч даражага эга: оддий даража (der Positiv) (lat. positivo—normale Stellung), қиёсий даража (der Komparativ) (lat. positivo-normale Stellung), орттирма даража (Der Superlativ) (lat. superlativum — das über etwas Hinausgetragene).

Сифат оддий даража (der Positiv) да бўлганда предмет сифатини абсолют кўрсатиб, бошқа предметнинг сифатига нисбатсиз ҳолда ифодалайди: *klein, groß, lang, kurz, schmal.* Бу даража одатда қиёсни ифода этмайди: *Der Anzug ist neu.* Оддий даража фақат қиёсни ифода этадиган *so-wie, ebenso-wie* боғловчилари ёрдамида қиёсни англатиши мумкин:

Er studiert ebenso gut, wie sein Bruder.

Er studiert nicht so gut wie sein Bruder.

Қиёсий даража (der Komparativ) формаси сифатга -e(r) суффиксини қўшиш ясалади: *heiß — heißer, klein — kleiner, schön — schöner, groß — größer.*

-e, -er, -el, -en га тулаган сифатлардан қиёсий даража ясашда кўпинча -e унлиси тушиб қолади: *edel — eine edlere Tat; bitter — der bitterere — oder bittrere Pfeffer, verwegen — verwegener oder verwegnere Streiche.*

Негизда а, о, и унлилари бўлган сифатларнинг баъзилари

қиёсий даража яшашда умлаут қабул қилса, баъзилари умлаут қабул қилмайди. Бундай сифатларнинг айримларида ҳар икки ҳолат ҳам бўлади. Аммо уларнинг маънолари ўзича қолади. Масалан: қиёсий даражадаги *glätter* ёки *glatter* сифатининг умлаут қабул қилган ва қабул қилмаган формаси ҳам бир хилда «текисроқ» деб ифода этилаверади: *groß — größer — größt; klug — klüger — klügst; lang — länger — längst; jung — junger — jüngst; fromm — frömmen — frömmest oder frommer, frommest; gesund — gesünder, gesündest oder gesunder, gesundest; glatt — glätter — glättest oder glatter, glattest.*

Қиёсий даража белгининг нормал даражага бўлган муносабатини қиёсий, чоғштириб ифодалайди: *kleiner, stärker*. Икки бир-бирига қиёс қилинган сифатнинг тенг эмаслигини англатади.

Als боғловчиси сифатнинг қиёсий даражасини англатишда қўлланади:

Er ist stärker als sein Freund.

Қиёсий даражани ифодалашда икки шахс ёки икки сифатнинг қўлланиши шарт эмас:

Er studiert besser, als ich dachte.

Лекин қиёсий даражани ифодалашда икки сифатни қиёслаш ҳам мумкин: *Er ist weniger begabt als fleißig.*

Сифатнинг қиёсий даража формаси ўзбек тилида -роқ аффикси ёрдамида ясалади: *кичик-кичикроқ, яхши-яхшироқ, узоқ-узоқроқ.*

Сифатнинг қиёсий даражасини яшашда *mehr, weniger* равишлари қўлланади. *Karim ist mehr (weniger) fleißiger als sein Bruder.*

Ўзбек тилида қиёсий даражага хос маъно қараганда, нисбатан, кўра каби сўзлар ёрдамида ҳам ифодаланади. Булардан қараганда, нисбатан сўзлари қўлланганда чоғштирилувчи сўз жўналиш келишиги формасида бўлади: *Қўқон Тошкентга қараганда кичик (роқ).* Агар қиёс кўра сўзи ёрдамида ифодаланса, чоғштирилувчи предмет чиқиш келишиги формасида бўлади: *Тоғвуқ куркадан кўра кичик(роқ).*

Ўзбек тилидаги қараганда, нисбатан ва кўра сўзлари ёрдамида ифода этиладиган қиёсий даражага хос маъно немис тилида *als* боғловчиси билан ҳам ифода этилаверади: *Du bist größer als ich.— Сен менга қараганда (нисбатан) каттасан;*

*Dieses Haus ist schöner als jenes.—*Бу уй у уйдан кўра чиройли(роқ).

Демак, ўзбек тилидаги қараганда, нисбатан, кўра сўзлари ёрдамида ифодаланадиган маъно немис тилида -er суффиксидан ташқари *als* боғловчиси ёрдамида ҳам ифодаланади.

Немис тилида *wie* сўзи билан қиёснинг тенглик маъноси аниқланади: *Du bist so groß wie ich.—*Сенинг ёшинг худди меникидек (мен билан мен). *Heute ist es nicht so warm wie gestern.—* Бугун кечагидек иссиқ эмас.

Wie сўзининг маъноси ўзбек тилидаги худди сўзининг ва -дек аффиксининг маъносига яқин келади: *Er ist wie sein Vater.—* У худди отасидек (худди отасининг ўзи).

Орттирма даража

(Der Superlativ — gradus superlativus)

Сифатнинг орттирма даража формаси немис тилида *-(e)st* суффиксини қўшиш билан ясалади ва у кўпинча аниқ артикль билан бирга ишлатилади: *schön — der schönste, böse — der böseste, neu — der neu(e)ste*.

Негизи *-b, -t, -s, -ß, -sch, -z* га тугаган сифатларнинг орттирма даражаси *-est* суффикси ёрдамида ясалади: *mild — der mildeste, frisch — der frischeste, aber: groß — der größte*.

Бундан ташқари, немис тилида орттирма даража **am** юклагаси *am* *-(e)sten* суффикслари ёрдами билан ҳам ясалади. Бу форма ўзгармайдиган формалардан ҳисобланади: *heiß — am heißesten; neu — am neu(e)sten*. Таркибида **a, o, u** унлилари бўлган бир бўғинли сифатларнинг орттирма даражаси ясалишида, шу унлилар умлаут қабул қилади: *lang — länger — am längsten, groß — größter — am größten, kürz — kürzer — am kürzesten*.

Сифатларнинг қуйидаги турлари орттирма даражада умлаутсиз қўлланади: 1) **au** дифтонгига эга бўлган сифатлар: *laut — lauter — am lautesten*; 2) *-el, er-, -bar, -,sam -haft, -ig, -lich, -e* га тугаган икки ва ундан ортиқ бўғиндан ташкил топган сифатлар: *dunkel, offen, furchtbar, folgsam, schuldig, staatlich, gerade*;

3) бир бўғинли сифатлар: *froh, falsch, klar, rasch, rot, satt, schlaff, stark, stolz, voll, wahr; rasch — rascher — am raschesten, voll — voller — am vollsten, plump — plumper — am plumpsten*.

Баъзи сифатларда даража ясалиши умумий қондага мувофиқ бўлмай, одатдаги даража яшаш усулларида бир оз фарқ қилади. *Nah* ва *hoch* сифатларидан даража ясалганда, улардаги негиз ундоши ўзгаради: *nah — näher — am nächsten, hoch — höher — am höchsten*.

Немис тилида сифатлар турли ўзакдан ҳам ясалиши мумкин. Буни **с у п п л е т и в** с и ф а т л а р деб юритилади. *Gut* сифатининг даражаси супплетив тарзида ясалади. Масалан: *gut — besser — am besten, viel — mehr — am meisten*.

Орттирма даража (der Superlativ) да қўлланган сифат қиёс қилинган сифатга нисбатан энг юқори даражани англатади:

Der älteste Sohn am Bötöfen sagte fest: «sicher nicht der Bruder». (A. Seghers.)

Немис тилида орттирма даража одатда аниқ артикль билан қўлланади: *der älteste*.

Немис тилида орттирма даража, қиёсий даража каби, **а б с о л ю т** (absolut) қўлланади. Бунда орттирма даражадаги сифат бирор бошқа сўз билан қиёс қилинмайди. Орттирма даражадаги сифатнинг абсолют қўлланишини **э л а т и в** (der Elativ) (lat. elatum — das Hervorgehobene) деб ҳам юритилади: *liebster Freund, teuerste Mutter* каби.

Ўзбек тилида орттирма даража формаси белгининг нормал ҳолатдан (ортиқлигини кўрсатади ва у морфологик ҳамда синтактик усул билан ясаллади.

1. Морфологик усул ёрдамида белгининг ортиқлигини ифодалаш учун кўпинча:

а) сўзнинг биринчи очиқ бўғини ажратилиб, унга п, м, баъзан т ундош товушлари орттирилади ва кетидан асл ўзак қайтарилади: *оп-поқ, кўм-кўк, бут-бутун*.

б) баъзи сўзларда белгининг ортиқлигини ифодалаш учун ҳосил қилинган янги бўғиндаги п, м ундоши қўш ундошга айланиб, а унли товуши орттирилади, натижада кучайтирувчи қисм икки бўғиндан иборат бўлади: *тўппа-тўғри, оппа-осон*;

в) баъзан, кўп бўғинли сифатларда, сўзнинг биринчи очиқ бўғинли бўғини шу сўз таркибида ўзидан кейин келган бўғин бошидаги ундош билан биргаликда такрорланади: *пак-пакана, яп-япалоқ, дум-думалоқ*.

2. Лексик усул билан белгининг ортиқлиги тубандагича ифодаланади:

а) *энг, тим, жуда, ҳаммадан* каби сўзлар ёрдамида: *энг баланд тоғ, жуда гўзал манзара, тим қора кўз, ҳаммадан оғир*.

б) сифатларни такрорлаш йўли билан: *силлиқ-силлиқ, катта-катта*. Баъзи ҳолларда маънони янада кучайтириш учун такрорий сўзларнинг биринчиси чиқиш келишиги кўрсаткичини олади: *тўғридан-тўғри, янгидан-янги*.

Ўзбек тилидаги юқорида кўрсатиб ўтилган орттирма даражани ифодаловчи формаларга хос маяно немис тилида ёки юқорида кўрсатилган даража формалари, ёки махсус сўзлар ёрдамида ифодаланади. Масалан: *оппоқ — am weißesten, кўм-кўк — am grünsten; оппа-осон — ganz leicht, тўппа-тўғри — ganz richtig, дум-думалоқ — ganz rund, жуда гўзал — sehr schön, тим қора — sehr schwarz, янгидан-янги — ganz neu*.

Немис тилида баъзи сифатлар фақат қиёсий ва орттирма даражага эга:

der innere — der innerste
der obere — der oberste

Бундай сифатлар ўрин равишларидан ясалган бўлади: *innen, oben, hinten*.

Ўзбек тилида сифатлар (айниқса, ранг-тус билдирувчи сифатлар) белгининг ортиқлигини ифодаловчи ўзига хос шаклга — интенсив формага эга: *қип-қизил, қоп-қора*. Немис тилида сифатлар бундай формага эга эмас.

Ўзбек тилидаги интенсив формага хос маъно немис тилида орттирма даража формаси билан ифода этилаверади: *қоп-қора — am schwarzesten, кўм-кўк — am grünsten, яп-янги — am neusten, қип-қизил — am rotesten*.

Ҳамма сифатлар даража яшаш нуқтаи назардан иккига бўлинади: 1) даража ясовчига эга сифатлар (*steige-*

ungs-fähig — graduierbare) ва 2) даража ясовчига эга бўлмаган сифатлар (steigerungsunfähige). *hiesig, dortig, gestrig, heutig, täglich, stündlich, englisch, russisch, (nachtlos, Strümpfte), erzeugbar* каби сифатлар баъзи бир *taub, stumm, blind tot, ganz, halb* каби аслий сифатлар ҳамда ранг тушунчасини ифода этилган ва турланмайдиган *lila, rosa, beige, orange, reseda* каби сифатлар ҳам даража формаларига эга эмас.

Немис тилида сифатлик хусусиятига эга бўлган сифатдошлар, қўшма сифат ва қўшма сифатдошлар ҳам сифат даражаларига эгадир.

Сифат олдида келадиган турли аниқловчи сўзлар ёрдами билан ҳам даража ифода этилади: *baum — lang, blitz — schnell, stein — reich.*

Қиёсий ва орттирма даражада маъно кучайтирадиган *viel, weit- aus, denkbar* сўзлари сифат олдида қўлланади: *viel bedeutend, erheblich, weitaus, wesentlich) schneller, weitaus, (bei weitem) der Schnellste, der denkbar schnellste, der allerschnellste (der schnellste von allen).*

СИФАТЛАРНИНГ ОТЛАШУВИ (DIE SUBSTANTIVIERUNG DER ADJEKTIVE)

Сифатлар икки тилда ҳам отлашиши ёки бутунлай от туркумига кўчиши мумкин. Немис тилида отлашган сифатлар доим катта ҳарф билан ёзилади: *der Alte — мўйсафид (кекса), die Alte — кампир, der Kranke — касал (одам).*

Немис ва ўзбек тилларидаги сифатларнинг отлашиши бир хил эмас. Немис тилида сифат отлашганда грамматик белгиларга эга бўлса, ўзбек тилида сифат аксинча грамматик белгисиз отлашади. Бу эса сифатнинг гапда бажарган синтактик вазифасида очиқ кўринади:

У касал. Касал келди. Касал ўқувчи врачга мурожаат қилади

Немис тилида отлашган сифатлар абсолют характерга эга бўлиб, отга хос грамматик категорияларга, яъни род, келишик ва сонга эга. Сифатлар отлашганда отлар каби аниқ артикль билан қўлланади. Булар аниқловчи отларга тобе бўлмайди ва ана шу хусусияти билан отлашмаган сифатлардан фарқ қилади, масалан: *das Neue, der Alte, die Crüne.*

Отлашган сифатлар турланишининг турли типларига эга: *der Junge (бола маъносиди) — кучсиз турланади, der Oberst (полковник маъносиди) — кучсиз ва кучли турланади.*

Отлашган сифатларнинг қайси родга оидлигида маълум қонуният бор. Сифат ёки белги номлари, яъни маъхум номлар маъносини англатадиган сифатлар (отлашган) средний родга оид бўлади: *das Gute, das Schöne, das Nähere.*

Жонли предметлар номини ифодалайдиган сифатлар отларнинг биологик родларига мос келади: *der, die Bekannte.* Болалар номини англатишда қўлланадиган отлашган сифатлар средний родда ишлатилади: *das Kleine, Kleines.*

Немис тилида баъзи сифатлар тўла равишда отга кўчиб, отлар каби турланади. Масалан: *der Greis* (кучли турланиш), *der Junge* (кучсиз турланиш), *das Junge* (кучли турланиш).

Баъзи (*das Ganze, das Innere, das Äußere* каби) сифатлар эса от группасига кўчмоқда.

Немис тилида отлашган сифатларнинг средний родга оидлиги махсус формага эга бўлиб, келишик қўшимчасисиз бир негиздан ташкил топган бўлади. Улар қуйидаги ҳолатларда қўлланади:

а) ранг номларини англатганда: *Das Blau des Himmels, Dieses Grün entsteht aus der Mischung hellen Gelbs und dunklen Blaus.*

Бундай отлашган сифатлар стларнинг кучли турланишидек турланади.

б) тиллар маъноларини англатганда, турланишда булар ўзгармайди. *das moderne Deutsch: das Schweizer — Deutsch; ein gutes Französisch.*

в) қўшма сўзларда: *das Immergrün, das Tausendschön, das Berggrün.*

Отлашувнинг кўпроқ туб сифатларда юз бериши ҳар иккала тилда ҳам мос келади: *яхши, ёмон: das Gute, das Böse.*

Ўзбек тилида ҳам сифатлар отлашиши мумкин. Бунда сифат ўзининг белгилик вазифасини йўқотиб, предмет маъносини ифодалаш учун хизмат қилади.

От (ҳайвон) тусини англатувчи сифатлар отлашади: *саман, тўриқ, қашқа.*

Лақаб учун ишлатиладиган баъзи сифатлар ҳам отлашади: *чиноқ, маймоқ, чутир.*

Сифатлар отлашиб киши исмлари бўлиб қўлланади: *Яхшивой, Оқой, Гўзал.*

Шунингдек, *бой, камбағал, касал, соғ, катта, кичик, ёш, қари* каби белги хусусиятини билдирувчи сўзлар ҳам от ўрнида қўллана олади.

Сифатлар отлашганда отнинг бутун морфологик белгиларини, яъни келишик, кўплик, эгалик қўшимчаларини олади: *Ёмондан қоровул қўйсанг, ёв етти бўлур. (Мақол).*

СИФАТЛАРНИНГ ГАПДАГИ ВАЗИФАЛАРИ

(DIE SYNTAKTISCHE FUNKTION DES ADJEKTIVS)

Сифатлар гапда кўпинча аниқловчи ёки кесим вазифасида қўлланади. Масалан: *die schöne Stadt, der kalte Winter; die Vorlesung ist gut, das Haus ist neu.*

Сифатлар от олдида аниқловчи бўлиб келганда, улар отнинг келишиги, сони, роди билан мослашади ва турланади: *der fleißige Student — die fleißigen Studenten, das kluge Mädchen, des klüßen Mädchens — die klüßen Mädchen.*

Сифатлар кесим вазифасида қўлланганда боғлама вазифасида қўлланган *sein* феъли билан мослашмайди ва ўзгармайди: *Die Rose ist schön — die Rosen sind schön.*

Немис тилида сифатларнинг турланадиган формаси, асосан, отга аниқловчи бўлиб қўлланади. Масалан; *das väterliche Haus, die schwarze Tafel*¹ каби.

Сифатларнинг кучсиз ёки кучли турланиш турига эга бўлиши ҳозирги немис тилида артикль ёки олмошнинг сифат билан бирга ишлатилиши ёки ишлатилмаслигига боғлиқдир. Агар аниқловчи бўлиб келган сифат от олдида аниқ артикль ёки тўла олмош қўшимчасига эга бўлган ва сифатлашган олмош билан келса, у вақтда сифатнинг кучсиз формаси ишлатилади. Масалан:

Maskulina

Neutra

Feminina

N. der warme Tee, das warme Wasser, die warme Milch.

G. des warmen Tees, des warmen Wassers, der warmen Milch.

D. dem warmen Tee, dem warmen Wasser, dem warmen Milch.

A. den warmen Tee, das warme Wasser, die warme Milch.

Бу ҳолат сифатнинг барча даражаларига тегишлидир. Масалан: Ein kleiner alter Mann holte ihn ein (*A. Seghers*). Scharführer Zillich, der in Westhofen für den schrecklichsten und blutigsten unter allen schrecklichen und blutigen Henkern galt, hatte seinen Dienst um vier Uhr nachmittags beendet (*A. Seghers*). Alle diese liebenswürdigen Grausamkeiten (*J. W. Goethe*)—jene unwahrscheinlichen Verbrechen (*G. E. Lessing*).

Аслий сифатлар ҳар қандай даража формасида ўзининг қисқа формаси ёрдами билан гапда от кесим вазифасида кела олади. Масалан: *Die Nacht war lang, die Nacht war kalt* (*H. Heine*).

Лекин сифатнинг турланмайдиган формаси баъзан аниқловчи-вазифасида келиши ҳам мумкин: Масалан: *Er war gut Freund mit allen* (*H. Mann*).

Немис тилида баъзи сифатлар фақат кесим вазифасида қўлланади. Шу сабабдан улар флектив формасига эга эмас. Бундай сифатлар на турланиш формасига ва на сифат даражаларига эга. Бундай сифатлар аниқловчи вазифасини бажарадиган аслий сифатлардан фарқ қилиб, фақат кесим вазифасида келади: *es ist schade, es tut mir leid, er ist mir kund*.

Шахсиз оборотларда қўлланадиган *es ist Zeit, es ist grün, es ist kalt* каби предикативлар ҳам шулар қаторига киради.

Немис тилида кесим бўлиб қўлланган сифатлар бошқариш хусусиятга эга. Бунда кесим вазифасида келган сифат ё воситали келишиқ формасида предлогсиз ёки предлог билан бирга келган тўлдирувчини талаб қилади. Масалан:

Das Kind ist der Mutter ähnlich.

Die Mauer ist drei Meter hoch.

Unser Land ist reich an Bodenschätzen.

Wir sind stolz auf unsere sozialistische Heimat.

Лекин бошқариш хусусиятига эга бўлган кўпчилик сифатлар фақат кесим вазифасида қўлланади: *angst, feind, freund, schade*,

¹ *Duden. Grammatik der deutschen Gegenwartssprache. Len., 1962, S. 204.*

ansichtig, gewahr, unlerntan, zugetan. Бу сифатларнинг ҳеч бири турланмайди.

Ўзбек тилида ҳам сифатлар гапда асосан аниқловчи ва кесим вазифасида қўлланади: *kamta boғ; boғ kamta.*

Ўзбек тилида сифатлар отлашганда, отларга хос эга, тўлдирувчи каби вазифасида ҳам келади. Масалан: *Илғорлар камта муваффақиятларга эришиди. Илғорларни табриклайдилар.*

Ҳар икки тилда ҳам сифатлар аниқловчи вазифасида от олдида қўллаб-санда, улар грамматик белгиларига кўра бир-биридан кескин фарқ қилади. Ўзбек тилида аниқловчи аниқланмишнинг сони, келишиги билан мослашмаса, немис тилида, аксинча, аниқловчининг сони, келишиги ва роди билан бирликда мослашуви шарт. Масалан: *kamta шаҳар — die große Stadt (N.), kamta шаҳарнинг — der großen Stadt (G.), kamta шаҳарларга — den großen Städten.*

Ўзбек тилида сифат ҳаракатнинг белгисини билдириб, гапда ҳол ва кесим бўлиб ҳам кела олади: *Яхши уй (аниқловчи) — Яхши гапирди (ҳол).*

Ўзбек тилидаги сифат + феъл каби бирикувлар немис тилида қўлланмайди.

Ҳар икки тилда ҳам сифат от кесим бўлиб қўлланади. Ленин немис тилида от кесим албатта боғлама билан қўллansa, ўзбек тилида у боғламасиз ҳам ифодаланади: *Dieses Haus ist neu. — Бу уй янги (дир) — Diese Straße ist breit. Кўча кенг(дир).*

ОЛМОШ

(DAS PRONOMEN, DAS FÜRWORD)

От, сифат, сон, равиш ўрнида қўлланадиган сўзлар туркуми олмош дейилади.

От, сифат, сон, равиш туркумига оид сўзлар ўрнида қўллагувчи олмошлар жуда оз миқдорни ташкил этади. Масалан: немис ва ўзбек тилларида номларни билдирувчи сўзлар юзлаб учрагани ҳолда, улар ўрнида қўлланувчи туб олмошлар немис тилида: *ich, du, er, sie, es, wir, ihr, sie, Sie* дан; ўзбек тилида: *мен, сен, у, биз, сиз, улар* ва бошқалардан иборат.

Олмошнинг тилдаги роли ҳақида гапирганда айрим олмош ифодалайдиган маънони шу олмошсиз қандай ифодалаш мумкинлигини тасаввур этиш қийин. Масалан, предмет ранги жуда кўп бўлиб, бу ранг немис ва ўзбек тилларида алоҳида сўз ёки сўз бирикмалари орқали ифодаланади. Бирор предметнинг мазкур ранглардан қайси бирига эғалигини сўраш учун эса немис тилида *was für ein*, ўзбек тилида эса қандай ёки қанақа олмошларини қўллаш кифоя.

Олмошлар алоқа воситасида жуда муҳим роль ўйнайдиган сўзлар ҳисобланади ва бошқа туркумдаги сўзларга нисбатан жуда кенг қўлланиши билан характерланади. Бу ҳодиса уларнинг абстракт характерга эғалигидан келиб чиқади.

Нимани кўрсатишига қараб олмошларни немис ва ўзбек тилларида икки асосий гурпуга бўлиш мумкин:

1) Умумлашган предметни кўрсатувчи олмошлар: *ich — мен,*

du — сен, wir — биз, ihr — сиз, wer — ким, was — нима, niemand — ҳеч ким, jemand — аллаким, irgendetwas — нимадир.

2) Умумлашган белгини кўрсатадиган олмошлар: *das — бу, шу; was für ein — қандай, welcher — қайси, einige, manche — баъзи, баъзи бир, irgendein — аллақандай.*

ОЛМОШЛАРНИНГ МАЪНОГА КЎРА ТУРЛАРИ (DIE SEMANTISCHE GLIEDERUNG DER PRONOMEN)

Немис тилида олмошларнинг маънога кўра қуйидаги турлари бор:

1. Кишилик олмошлари (persönliches Fürwort, Personalpronomen) *ich, du, er, sie, es; wir, ihr, sie.*

2. Ўзлик олмоши (reflexives Pronomen, rückbezügliches Fürwort);

3. Эгалик олмошлари (Possessivpronomen, besitz-eigendes Fürwort) *mein, dein, sein, ihr, unser, euer.*

4. Кўрсатиш олмошлари (Demonstrativ pronomen, hinweisendes Fürwort); *der, es, dieser, jener, derjenige, derselbe, solcher.*

5. Сўроқ олмошлари (Interrogativpronomen, fragendes Fürwort): *wer, was; welcher, was für ein.*

6. Нисбий олмошлар (Relativpronomen, bezüchtiges Fürwort): *der, welcher, wer, was.*

7. Шахсиз олмош (unpersönliches Pronomen): *es.*

8. Гумон олмошлари (Indefinitivpronomen, unbestimmtes Fürwort): *man, einer, etwas, jemand, jedermann, mancher, jeder, etlicher, all, viele, wenige.*

9. Бўлишсизлик олмошлари (Negativpronomen) *niemand, nichts, kein;*

10. Муносабат олмоши (Reziprokpronomen, wechselbezügliches Fürwort): *einander.*

Ўзбек тилида эса қуйидаги олмош турлари мавжуд:

1. Кишилик олмошлари: *мен, сен, у, биз, сиз, улар.*

2. Кўрсатиш олмошлари: *бу, шу, у, ўша.*

3. Ўзлик олмоши: *ўз (ўзим, ўзинг, ўзи, ўзлари).*

4. Сўроқ олмошлари: *ким? нима? қанча? қачон? қандай? қайси? нега? нечанчи?*

5. Белгилаш олмошлари: *ҳамма, барча, бари, баъзи, ҳар ким, ҳар нима, ҳар қандай, ҳар қайси, ҳар бир, ҳар нарса.*

6. Гумон олмошлари: *аллаким, алланима, аллақандай, алланечук, кимдир, биров, нимадир, қандайдир.*

7. Бўлишсизлик олмошлари: *ҳеч ким, ҳеч нима, ҳеч қанақа, ҳеч қандай, ҳеч қайси, ҳеч нарса.*

Немис тилида ўзбек тилида мавжуд бўлган олмошларнинг асосан ҳаммаси бор бўлиб,¹ улардан ташқари немис тили яна уч олмош турига, яъни муносабат олмоши, шахсиз олмош ва нисбий олмошларга эга.

¹ Ўзбек тилида, немис тилида бўлмаган, белгилаш олмоши ҳам мавжуд (*ҳамма, барча, бари* ва б.)

КИШИЛИК ОЛМОШЛАРИ

(PERSONALPRONOMEN, PERSÖNLICHES FÜRWORD)

Шахсни билдирадиган олмошлар кишилик олмошлари дейилади. Кишилик олмошлари сўзловчи шахсни (*ich, wir*), тингловчини (*ihr*) ва ўзгани (*er, sie, es, Sie*) билдиради.

Немис тилидаги кишилик олмошлари формасининг ясалиши отлардан, адъектив олмошлардан фақат турли ўзакдан ясалиши билангина фарқ қилмай, бошқа сўзларда бўлмаган махсус келишиқ қўшимчалари билан ҳам ажралади. Бу хусусият фақат кишилик олмошлари ва ўзлик олмошига хосдир.

Немис тилида кишилик олмошлари уч шахс, бирлик ва кўплик формаларига эга:

Биринчи (сўзловчи) шахс: *ich, wir*, Иккинчи (тингловчи) шахс: *du, ihr, Sie* — (*Sie* — учинчи шахс кўплик формасида қўлланади); учинчи (ўзга) шахс: *er, sie, es; sie*

Немис тилининг кишилик олмошлари бирлик ва кўплик бўйича тўққиз формага эга.

Немис ва ўзбек тили кишилик олмошларининг бирлик биринчи шахси — мен ҳар икки тилда ҳам ёлғиз формага эга бўлиб, бир-бири билан мос тушади. Ҳар икки тилда ҳам у инсонга нисбатан ишлатилади. Масалан:

Ich studiere Deutsch. — Мен немис тили ўрганяпман.

Кишилик олмошларининг бирлик иккинчи шахси *du* — сен ҳам ҳар икки тилда битта формага эга бўлиб, ўз хусусиятига кўра бир-бири билан мос тушади. Бу олмош ҳам немис тили ва ўзбек тилларида инсонга нисбатан қўлланади, масалан:

Du spielst Dutar sehr gut. — Сен дуторни жуда яхши чаласан.

Кишилик олмошининг бирлик учинчи шахси ўзбек тилида битта «у» формага эга бўлса, немис тилида бирлик учинчи шахс отларнинг родига кўра *er, sie, es* каби уч формага эга. Немис тили ҳар бир роднинг ўрнида қўлланадиган махсус олмошга эга, чунончи: мужской род оти ўрнида бирлик учинчи шахсда *er*: *Der Vater ist nicht gekommen. Er ist nicht gekommen* (der Vater ўрнига *er* келган), женский род учун *sie*: *Die Mutter ist alt. Sie ist alt* (die Mutter ўрнида *sie* келган), средний род учун *es*: *Das Buch ist interessant. Es ist interessant* (das Buch ўрнида *es* келган). Немис тилида учинчи шахсининг уч формага эга бўлиши албатта, фақат бирликдадир.

Es кишилик олмоши тарихан *er* олмошининг средний роди ҳисобланиб, у қуйидаги вазифаларда қўлланади:

1) средний род оти ўрнида гапда эга ёки тўлдирувчи от вазифасида ишлатилади:

Das Buch liegt in der Mappe. Es liegt in der Mappe.

2) *es* олмоши *sein* билан бирга қўлланганда, бирликда мужской ва женский род отлари ҳам мавжуд бўлса, у вақтда эга сифатида ҳар икки род ўрнида алмашиб кела олади:

Kennst du diesen Herrn? Es (auch: er) ist ihr Vater.

Dort ist ihre Mutter. Es (auch: sie) ist eine vortreffliche Frau.

3) гапда от-кесим иккинчи қисми от ёки сифат билан ифодаланганлиги ҳақида олдиндан дарак берилса, es олмоши, *sein, werden, scheinen, bleiben* феъллари билан ишлатилганда, шу гаптаги от ёки сифат ўрнига алмашиб келади:

Er wird Lehrer, Ich werde es auch. Bist du müde? — Ja, ich bin es. Wir blieben unverletzt, er blieb es nicht.

Немис тилида кишилик олмошининг биринчи шахс кўплик формаси *wir* кўплик маъносини ифода этишдан ташқари яна бирлик шахс ҳақидаги улуғворлик, камтарлик маъноларини ифода этиш учун битта шахсга нисбатан ҳам қўлланади:

Wir kommen damit zu einer sehr wichtigen Frage, auf die wir etwas näher eingehen müssen (d. h. ich und meine Zuhörer: der Sprechende will in der Menge aufgehen¹).

Ўзбек тилида *бизнинг* кишилик олмоши биринчи шахс кўплик формаси немис тилига қараганда маъно доираси кенгроқ.

Ўзбек тилида *биз* олмоши биринчи шахс кўплигини ифода этиш билан бирга қуйидаги маъно оттенкаларини ҳам билдиради:

1) биринчи шахснинг — сўзловчининг шу коллектив ичида эканлигини англатади: **Биз** мана шуни тушунмасак, шу талабларни кўрмасак, шунга қараб оёқ олмасак, обрў орттира олмаймиз (А. Қ.).

2) сўзловчининг шу коллектив номидан гапираётганини англатади: Сизга-ку ҳеч нарса эмас, бу ер бўлмаса, бошқа колхозга раис бўлиб ишлайверасиз, лекин **бизга** — колхозчиларга қийин (А. Қ.).

3) камтарлик маъносини ифодалайди ва сўзловчи ёлғиз бўлса-да, ўзини **биз** олмоши орқали кўрсатади: Сиз бизни танимайсиз-да, **биз** сизни таниймиз (А. Қ.). **Биз** томонга ҳам кирар экансиз-ку (А. Қ.).

4) биз олмошининг ўзи кўплик маъносини билдиргани ҳолда, яна-лар аффиксини ҳам қабул қилади: *бизлар, бизларга, бизларни*.

Немис тилида кишилик олмошининг иккинчи шахс кўплик формаси *ihr* (**сиз — сизлар**) бўлиб, коллективга мурожаат қилиш маъносини ифода этади.

«Nun Kinder, sagt, was ihr auf dem Herzen habt. Hier ist Genosse Schönhasen, den ihr so dringend sprechen wolltet. (Bredel).

Бундан ташқари ҳолатда *ihr* олмоши кўплик шахсга оид бўлган чақириқ, хабар ва ҳарбий командани англатишда ҳам қўлланади: **Proletarier aller Länder, vereinigt euch!**

Ihr кишилик олмоши ҳам биринчи шахс кўплик олмоши каби инсонга нисбатан қўлланиб, бирлик маъноларида ҳам қўлланади, масалан:

«... Er langweilte sich sehr. Und ihr möchtet doch Sonntag kommen». «Wer ihr?» «Na, du und Vater» (W. Bredel). Deutsche!

¹ Duden. Grammatik der deutschen Gegenwartssprache. L., 1962, S. 239.

Ihr wollt das nicht. Ihr wolltet niemals ohne Ruhm und Ehre sein . . . (H. Mann).

Ўзбек тилида иккинчи шахснинг кўплиги сен ва сиз олмошларига -лар аффиксини қўшиш орқали ҳам ифодаланади. Сиз олмоши -лар аффикси билан қўлланганда, шахснинг бирдан ортиқлиги, коллектив ифодаланади.

Демак, немис тилида кишилик олмошларининг иккинчи шахс кўплиги икки формага: **ihr, euch** га эга бўлса, ўзбек тилида кишилик олмошининг иккинчи шахс кўплиги *сиз, сенлар, сизлар* формаларига эгадир. Ўзбек тилидаги, *сенлар* ва *сизлар* немис тилига **ihr** кишилик олмоши билан ифода этилади.

Немис тилида кишилик олмошининг учинчи шахс кўплиги икки олмошдан иборат. Уларни талаффузда фарқ қилиш жуда қийин, чунки улар нутқда бир хил эшитилади: **sie, Sie**. Булардан кичик ҳарф билан ёзиладиган **sie** кўпинча феъллар билан қўлланиб, доим кўплик маъносини англатади:

Sie kommen bald. — Улар тезда келади.

Учинчи шахс кўплик формасида ишлатилиб, доим катта ҳарф билан ёзиладиган **Sie** ҳурмат форма саналади ва асосан бирлик маъносини ифода этади:

W e n e r: Frauenzimmerchen, kennen sie denn meinen Major?

F r a m z i s k a: Den Major von Tellheim? Jawohl kenn ich den braven Major. (*G. E. Lessing*).

Немис ва ўзбек тилларида кишилик олмошларининг келишиклар билан турланишини қиёсланг:

Немис тилида тўртта келишик бўлиб, ўзбек тилидаги келишикларнинг иккитаси, яъни ўрин-пайт ва чиқиш келишиклари йўқ. Ўзбек тилининг ўрин-пайт ва чиқиш келишикларида турланган отлар немис тилида жўналиш келишиги — предлог ёрдамида ифода этилади: менда — **bei mir**, мендан — **von mir** каби.

III шахс кўплигидаги **Sie** кишилик олмоши ҳурматни билдириб, у ҳар доим бош ҳарф билан ёзилади.

НЕМИС ТИЛИДАГИ КИШИЛИК ОЛМОШЛАРИНИНГ ТУРЛАНИШИ (Deklinationstabellen der Personalpronomen)

Kasus	Singular		Plural	
	I Person	II Person	I Person	II Person
N.	ich	du	wir	ihr
G.	meiner	deiner	unser	euer
D.	mir	dir	uns	euch
Ak.	mich	dich	uns	euch

III шахс бирлик (Singular III. Person) III шахс кўплик (Plural III. Person).

Kasus	Maskulina	Neutra	Feminina	Plural (Für alle Geschlechter) III Person)
	III. Person Singular			
N.	er	sie	es	sie
G.	seiner	ihrer	seiner	ihrer
D.	ihm	ihr	ihm	ihnen
Ak.	ihn	sie	es	sie

Höflichkeitsform (ҳурмат формаси) Sie, Ihnen, Ihnen, Sie.

Юқорида берилган жадвалдан англашиладики, кишилик олмошларининг турланиши турли ўзаклардан ташкил топган. Шунинг учун уларнинг турланишини супплетив (suppletiv) формадаги турланиш дейилади.

Ўзбек тилидаги кишилик олмошларининг турланиши

Келиш-лар	I шахс		II шахс		III шахс	
	бирлик	кўплик	бирлик	кўплик	бирлик	кўплик
Б. к.	мен	биз	сен	сиз	у	улар
Қ. к.	менинг	бизнинг	сенинг	сизнинг	унинг	уларнинг
Т. к.	мени	бизни	сени	сизни	уни	уларни
Ж. к.	менга	бизга	сенга	сизга	унга	уларга
Ў. п. к.	менда	бизда	сенда	сизда	унда	уларда
Ч. к.	мендан	биздан	сендан	сиздан	ундан	улардан

ЎЗЛИК ОЛМОШИ

(REFLEXIVES PRONOMEN, RÜCKBEZÜGLICHES FÜRWORD)

Немис тилида *sich* ўзлик олмоши фақат учинчи шахснинг бирлик ва кўплигида қўлланади. Бошқа шахслар учун ўзлик олмоши ўрнида тегишли кишилик олмоши формалари тушум ёки жўналиш келишигида қўлланади:

Kasus	Singular			Plural		
	I. P.	II. P.	III. P.	I. P.	II. P.	III. P.
D.	mir	dir	sich	uns	euch	sich
A.	mich	dich	sich	uns	euch	sich

Тушум келишиги: (Akkusativ)

Бирлик: Ich erhole **mich** gut.
(Singular) Du erholst **dich** gut.
Er erholt **sich** gut.

Кўплик: Wir erholen **uns** gut.
(Plural) Ihr erholt **euch** gut.
Sie erholen **sich** gut.

Жўналиш келишиги: (Dativ)

Бирлик: Ich stelle **mir** meine Aufgabe klar vor.
(Sing.) Du stellst **dir** deine Aufgabe klar vor.
Er stellt **sich** seine Aufgabe klar vor.

Кўплик: Wir stellen **uns** unsere Aufgabe klar vor.
(Pl.) Ihr stellt **euch** eure Aufgabe klar vor.
Sie stellen **sich** ihre Aufgabe klar vor.

Немис тилида ўзлик олмошининг предлогли формаси ҳам мавжуд бўлиб, у махсус маънони ифода этади: *an sich* (*ўзича*), *das Ding, an sich* (*предмет ўзича*). Ўзлик олмошининг предлогли формаси гапда ҳол вазифасида ҳам кела олади:

Das Kleid ist **an sich** nicht teuer.

Sich ўзлик олмоши қўйидаги хусусиятларга эга:

1) sich ёрдами билан ўтимли феъл ўтимсиз феълга кўчади. Масалан:

setzen — **sich** setzen, legen — **sich** legen, verstecken — **sich** verstecken, zeigen — **sich** zeigen, erheben — **sich** erheben, beugen — **sich** beugen, stützen — **sich** stützen.

Бунда, яъни феъл ўтимсиз бўлганда, ҳаракат ишнинг бажарувчисига йўналган бўлади:

er kleidet **sich** — у кийинмоқда (ўзлик).

Sich ўзлик олмоши баъзан феълга мажҳул нисбат оттенкасини ҳам бера олади. *Etwas linden, begreifen, lesen* феълларининг қўйидаги қисман мажҳул нисбатда қўлланганлигини қиёсланг:

Diese Hausaufgabe **begreift sich** schwer.

¹ Duden. Grammatik der deutschen Gegenwartssprache. Leningrad, 1962, S. 252 — 253.

Der Roman liest sich leicht.

Немис тилида ўзлик олмоши ёрдамида ясалган ўзлик феъллар ўзбек тилига ё ўзлик даража ёрдамида, ёки ўтимсиз феъллар орқали берилади.

2) *sich* олмоши жуфт формага эга бўлмаган феъллар олдида келиб ўтимсиз феъллар ясайди, масалан:

sich erholen, sich sehnen, sich schämen, sich erinnern.

Sich ўзлик олмоши ёрдамида ясаладиган ўтимиз феъллар маъно жиҳатидан ўзбек тилида ҳам ўтимсиз феъл ҳисобланади, қиёслани:

sich erholen — дам олмоқ, *sich sehnen* — соғинмоқ — *sich erinnern* — эсламоқ.

Ўзбек тилида ўзлик олмоши эгаллик ва кўплик аффикслари билан келиб, *ўзим* (мен *ўзим*), *ўзинг* (сен *ўзинг*), *ўзи* (у *ўзи*), *ўзлари* каби шахснинг танҳолигини билдиради.

Ўзлик олмоши эгаллик аффиксларини олиб, учала шахс ўрнида ҳам ишлатилади (*ўзим* — мен, *ўзинг* — сен, *ўзи* — у) ва предмет оти ўрнида кела олади. Масалан:

Бу соат жуда тўғри юради. *Ўзи* (соат) қиммат эмас.

Ўзлик олмошининг учинчи шахс кўплик (*ўзлари*) формаси иккинчи шахсга нисбатан хурмат ёки кесатик маъносини ифодалаш учун ҳам қўлланади: Ана Матқурбон отамнинг *ўзлари* ҳам келаяптилар, — деди Норжон («*Муштум*»). Бу иш *ўзлари* томонидан бажарилган бўлса керак.

Ўзлик олмоши ўзбек тилида гапнинг бош ва иккинчи даражали бўлаклари вазифасида кела олади: Қип-яланғоч тақирда қизларнинг *ўзи* қолади. Уларнинг ғамхўри ҳам *ўшанинг ўзи* (*И. Р.*) Ҳамма машинаси, *ўз* трактори, *ўз* аравасини ўтказишга тиришади (*И. Р.*).

Немис тилида ўзлик олмошининг махсус кўплик формаси йўқ бўлгани учун учинчи шахс бирликда ҳам, учинчи шахс кўпликда ҳам *sich* ўзлик олмоши қўлланаверади: *Er wäscht sich* — у ювинмоқда. *Sie waschen sich* — Улар ювинмоқда.

Ўзбек тилида кишилик олмоши ўрнида ўзлик олмошининг ишлатилиши мумкин бўлган ҳолати немис тилида йўқ. Бу ҳолат немис тилида *selbst* кўрсатиш олмоши ёрдамида ифода этилади: мен олдим — *ўзим* олдим — *ich habe selbst bekommen*.

3) *sich* олмоши субъект феъллари билан бирга қўлланганда махсус маънога эга бўлиб, қуйидагича ифода этилади:

а) умумлашган — шахсиз маънони ифода этадиган шахсиз конструкцияда:

Es hört sich hier deutlicher. — Бу ерда аниқроқ эшитилади.

Es schreibt sich gut auf diesem Papier. — Бу қоғозда яхши ёзилади.

Немис тилида *sich* олмоши шахсиз конструкцияда субъект феълларнинг бирлик учинчи шахс формаси қўлланганда ўзбек тилига мажҳул даража ёрдамида берилади: *spricht sich* — гапирилади, *schreibt sich* — ёзилади, *hört sich* — эшитилади.

б) баъзи бир шахсиз оборотларда:
es handelt sich um — gan . . . ҳақида кетяпти.

Bei diesen Kandidaten handelt es sich um Fachleute — Бу кандидатлар мутахассис ҳисобланади(лар).

es traf sich, daß . . . — . . . шундай бўлдики . . .

es begab sich, daß . . . — . . . шундай содир бўлдики . . .

в) *sich* олмоши тушум ва жўналиш келишикларида қўлланганда мустақил маънога эга бўлиши мумкин:

Es sieht im Spiegel. Sie ist mit sich selbst unzufrieden.

Немис тилида жўналиш (Dativ) келишигида ишлатилган *sich* олмоши ўзбек тилига чиқиш ёки ўрин-пайт келишиги ёрдамида, тушум келишигида қўлланган *sich* олмоши эса тушум келишиги орқали ифода этилади, масалан:

Sie ist mit sich selbst unzufrieden — У ўзидан хафа.

Es sieht sich im Spiegel — У ўзини ойнада кўряпти.

4) агар жўналиш ёки тушум келишигида келган логик эга ўзлик олмоши билан тузилган инфинитив билан қўлланса, шу инфинитив составида *sich* ҳам ишлатилади:

Er befahl dem Jungen, sich zu entschuldigen.

Wir baten sie, sich zu entfernen.

5) *sich* ўзлик олмоши дарак гапда феълдан кейин, кўпинча қўшма гапнинг *das, bis* боғловчилари билан бошланган эргаш гапда шу боғловчидан кейин, сўроқ гапда эса олмошдан кейин қўлланади. Қуйидаги мисолларда ишлатилган *sich* ўзлик олмошининг ўрнини қиёсланг:

Oft mußten sich die Völker ihre Freiheit erst erkämpfen. Wir hoffen, das sich die Friedenskräfte in der Welt durchsetzen. Dann klangen die Saiten allein, bis sich wieder die Stimme leise in gekrochenen Lauten darein mischte (Goethe). Wäschst du dich mit kaltem Wasser?

Ўзбек тилида ҳам ўзлик олмоши турланганда ҳамма шахсларда эгалик қўшимчаларини қабул қилиб ўзгаради: *ўзим, ўзинг, ўзи, ўзимиз, ўзингиз, ўзлари.*

Баъзан немис тили ўзлик феълнинг учинчи шахси ва унинг бошқа шахсларида қўлланадиган шахс олмошлари ўзбек тилидаги ўзлик олмоши «ўз» билан мос тушади. Лекин буларнинг фарқи шундаки, немис тилида учинчи шахсдан бошқа шахсларда ишлатилган кишилик олмошлари ўзгариб борса, ўзбек тилида «ўз» олмоши ҳамма шахсларда ўзгармай — ўзича қолаверади:

Die Vergleichendetabelle der Deklination des Reflexivpronomens «sich» und «ўз» in der deutschen und usbekischen Sprachen.

Немис тилида
(Deutsch)

Ўзбек тилида
(Usbekisch)

Ich putze **mir** die Zähne.

— Мен **ўз** тишларимни тозалаяман.

Du putzest **dir** die Zähne.

— Сен **ўз** тишларингни тозалаясан.

Er putzt **sich** die Zähne.
Wir putzen **uns** die Zähne.

— У ўз тишларини тозалаяпти.

— Биз ўз тишларимизни тозалаяпмиз.

Ihr putzt **euch** die Zähne.

— Сизлар ўз тишларингизни тозалаяпсиз.

Sie putzen **sich** die Zähne.

— Улар ўз тишларини тозалаяпти каби.

«Ўз» олмоши ташқи кўринишдан ўзгармаган кўринса-да, немис тили турланишидаги ўзгаришлар ўзбек тилида кўплик аффикси, эгалик ва келишик қўшимчалари ёрдамида акс эттирилади: ўз тиш-ла-рим-ни.

б) **sich** ўзлик олмоши баъзи турғун ибораларда шахсга оидлик маъносини англатади:

Sie hat **sich** krank **geweint**.

Er hat **sich** die Füße wund **gelaufen**.

Wir haben **uns** schief **gelacht**.

Бу ҳолат ўзбек тилига ўтимсиз феъллар ёрдамида берилади, қиёсланг:

Wir haben **uns** schief **gelacht**. — Биз хаҳолаб кулдик.

Ўзлик олмоши **sich** нинг ўзбек тилидаги эквиваленти ўз олмошига нисбатан қўлланиш доираси қуйидагича:

а) немис тилида **sich** юқорида айтиб ўтилганидек, фақат учинчи шахс формасигагина эгадир. Ўзбек тилида эса ўзлик олмоши ҳамма шахслар бўйича эгалик ва келишик аффиксларини қабул қила олади.

б) ўзбек тилида ўзлик олмоши ўрнида шахс олмошини қўллаш мумкин: мен ишлайман — ўзим ишлайман каби. Немис тилида бундай эмас. Шахс олмоши қўлланган форма немис тили билан мос келса-да, эгалик аффикслари билан қўлланган ўзлик олмошининг формаси немис тилига **selbst** (ўзи) сўзи ёрдамида ифода этилади, қиёсланг: Мен ишлайман — **ich** arbeite, ўзим ишлайман — **ich** arbeite selbst.

в) ўзбек тилидаги ўзлик олмошининг эгалик ва келишик ёки шахс олмоши — келишик аффиксларини олган формаларига хос маъно немис тилида шахс олмошлари ёрдамида ифода этилади, қиёсланг:

mir — менга, *ўзимга*; *dir* — сенга, *ўзинга*; *uns* — бизга, *ўзимизга* каби.

Бу ҳолатдаги **sich** ва ўз олмошлари бир-бирдан кескин фарқ қилади. Немис тилида **sich** келишиклар бўйича ҳеч қандай аффикс қабул қилмай, фақат кишилик олмошининг ўзлик олмошига тегишли бўлган формаси ўзгариб боради. Ўзбек тилида бу ҳолат анча мураккаб бўлиб, ўзлик олмоши ҳам эгалик, ҳам келишик суффиксларини қабул қилиш йўли билан турланади.

ЭГАЛИК ОЛМОШЛАРИ

(POSSESSIVPRONOMEN, BESITZANZEIGENDES FÜRWORD)

Немис тилида *mein, sein, ihr, unser, euer* эгалик олмошлари бир предметнинг маълум бир шахсга тегишли эканини англатади.

Ihr олмоши женский род отларнинг III шахс бирлигида, III шахс кўплигида ва ҳурмат формасида (die Höflichkeitsform) қўлланади:

Sie kocht sich jeden Morgen ihre Suppe. Sie macht ihre Einkäufe erst am späten Abend. Ihre Kinder wurden ungeduldig. Diese Ihre Erklärung befridigt mich nicht (W. Bredel).

Sein олмоши мужской ва средний роднинг бирлик III шахсида ва *man* гумон олмоши билан келган гапларда ҳам қўлланади:

Der Student nimmt seine Karte. Das Kind zieht seinen Mantel an. Man kennt nichts immer seine wahren Freunde.

Эгалик олмошлари бирликда ноаниқ артиклга, кўпликда аниқ артиклга ўхшаб турланади.

Эгалик олмошларининг турланиши (Deklinationstabellen der Possessivpronomen)

Singular		
Maskulinum	Femininum	Neutrum
N. mein Vater	meine Mutter	mein Kind
G. meines Vaters	meiner Mutter	meines Kindes
D. meinem Vater	meiner Mutter	meinem Kind
A. meinen Vater	meine Mutter	mein Kind

Plural		
N. meine Väter, Mütter, Kinder		
G. meiner Väter, Mütter, Kinder		
D. meinen Vätern, Müttern, Kindern		
A. meine Väter, Mütter, Kinder		

Ўзбек тилидаги эгалик олмошлари кишилиқ, ўзлик, кўрсатиш ва сўроқ олмошларига *-ники* аффиксини қўшиш билан ясалади. Масалан: *мен + ники = меники, сен + ники = сеники*;¹ *бу + ники = буники; ким + ники = кимники; ўз + и + ники = ўзиники*.

ЭГАЛИК ОЛМОШЛАРИНИНГ МАЪНОСИ ВА ҚЎЛЛАНИШИ (BEDEUTUNG UND GEBRAUCH DER POSSESSIVPRONOMEN)

Ўзбек тилида эгалик олмошлари аниқловчи вазифасида қўлланмайди. Немис тилида, аксинча, от билан қўлланганда, асосан, аниқловчи вазифасида қўлланади. Масалан: *Er nimmt sein Buch.*— У ўзининг китобини оляпти гапидаги *sein* эгалик олмоши *Buch* сўзига аниқловчи бўлиб келмоқда.

¹ Кишилиқ олмошларидан биринчи, иккинчи шахснинг бирлик шаклига *-ники* аффикси қўшилганда, олмош таркибидаги «*n*» товуши тушиб қолади.

Ўзбек тилида кишилик олмошидан ясалган эгалик олмоши эга вазифасида қўлланганда -лар қўшимчасини олиши мумкин. Бу ҳолат немис тилида артикль билан қўлланадиган -ig суффикси, келишик қўшимчасини олган ва отлашган эгалик олмоши билан ифода этилади. Кўпликда бирор шахсинг оила аъзоларини белгилаш учун қўлланади. Ўзбек тилида берилган мисол билан қиёс қилинг: **Бизникилар** шу кунгача менга бирор хат ҳам ёзишгани йўқ. — *Die Meinigen haben mir bis heute noch keinen Brief geschrieben.*

Немис тилидаги от олдида ишлатиладиган эгалик олмоши ўзбек тилига предмет билдирувчи сўз — эгалик қўшимчаси — келишик қўшимчаси формасида ифода этилади. Қўйидаги немис ва ўзбек тилларида берилган мисолларни қиёсланг:

Singular

Plural

Ich nehme **mein** Buch
Du nimmst **dein** Buch
Er (es) nimmt **sein** Buch
Sie nimmt **ihr** Buch

Wir nehmen **unsere** Bücher
Ihr nehmt **eure** Bücher
Sie nehmen **ihre** Bücher

Бирлик

Кўплик

Мен китоб-и-м-ни оламан
Сен китоб-и-нг-ни оласан
У китоб-и-ни олади

Биз китоблар-имиз-ни оламыз
Сиз китоблар-ингиз-ни оласиз
Улар китоблар-и-ни олади.

Эгалик олмошлари кесим бўлиб келганда, турланмайдиган ҳолда ҳам қўлланиши мумкин. Улар ўзбек тилига -ники суффикси орқали таржима қилинади. Масалан: *Dieses Buch ist mein.* — Бу китоб **меники**.

Немис тилида эгалик олмошлари мужской роднинг бош келишик бирлик ва средний роднинг бош ва тушум келишикларига эга эмас. Мужской ва средний роднинг учинчи шахс бирлиги учун бир хил формада бўлган sein эгалик олмоши ишлатилади. Қиёсланг:

Der Knabe nimmt sein Buch. Das Kind nimmt sein Buch.

Женский роднинг учинчи шахси учун **ihr** эгалик олмоши қўлланади. Масалан: *Die Lehrerin nimmt ihr Buch.* Бу эгалик олмоши учинчи шахс кўпликка нисбатан омонимлик хусусиятига эга. *Die Studenten lesen ihr Lehrbuch. Dein, sein, euer, ihr* эгалик олмошлари ҳам худди шундай турланади. -es, -e, -er олмош қўшимчалари бўлган euer эгалик олмоши негизидаги -e қўшимча тушиб қолади: *eures Buches (eures Buches эмас), eure Bücher (eure Bücher эмас), eurer Bücher (eurer Bücher эмас).*

Unser эгалик олмошида ҳам бу қўшимча тушиб қолади. Масалан: *unseres — unseres Buches; unsere — unsre Bücher, unserer — unserer Bücher.*

Эгалик олмошлари адектив олмошларга ўхшашдир. Албатта, булар отлашган формада ҳам қўлланади. Юқорида кўрсатиб ўтил-

ган олмошлар ҳамма келишикларда тўла олмош қўшимчаларига эга бўлади:

Das ist **sein** Platz. Und wo ist **deiner**?

Das ist **mein** Lehrbuch. Hast du **deines** mit?

Немис тилида эгалик олмоши от билан ёки усиз ҳам қўлла-нади. От олдида келган эгалик олмоши ўзбек тилига кишилик олмоши — қаратқич келишик қўшимчаси — эгалик қўшимчасини олган от билан ифода этилади: Das ist **mein** Buch.—Бу менинг китобим. Das ist **dein** Buch.— Бу сенинг китобинг.

Немис тилида эгалик олмоши от ўрнида қўлланиб, аниқ артикль билан келганда, сифатдек кучсиз турланади: *der (die, das), meine, der (die, das) seine*.

Эгалик олмошлари аслий олмошлар бўлиб, отлар билан қўлланганда предикатив функцияда камроқ ишлатилиб, асосан аниқловчи функциясини бажариб келади.

Эгалик олмошлари аниқловчи вазифасини бажаришда шахс, сон мослашувига, учинчи шахс бирликда эса роднинг ҳам шахсга тегишли бўлган предмет билан мослашувига эга бўлади. Олмошнинг флексияси аниқланмиш отнинг род, сон ва келишиклари билан мослашади. Қиёсланг:

Ich nehme **mein** Heft, **meinen** Bleistift, **meine** Bücher.

Du nimmst **dein** Heft, **deinen** Bleistift, **deine** Bücher.

Биринчи мисолдаги бирлик тушум келишигида фарқ қилаётган *mein Heft, meinen Bleistift* эгалик олмошлари ўзбек тилига бир хил, яъни *дафтаримни, қаламимни* деб ифода этилаверади, чунки немис тилидаги бу фарқланиш родга боғлиқ. (*meinen* Bleistift — муж. род: *mein* Heft — средний род). Қўплик тушум келишиги эса ўзбек тили билан мос тушади: *meine Bücher* — *китобларимни*.

Эгалик олмошлари аниқ артикль билан ишлатилганда сифатнинг кучсиз турланиши каби турланади.

Эгалик олмошлари от кесим сифатида қўлланганда флексия сақланиб қолади ва гапда эга вазифасида *es* ёки *das* ишлатилади: *Wem gehört das Buch? Das Buch ist mein. Es ist mein (e)s*. Шунга ўхшаш: *Es ist meiner. Es ist meine. Das sind meine*.

Эгалик олмошлари флексиясиз ишлатилади:

1) дарак гап маъносига қўлланганда:

Aber der Stoff ist doch **mein** (*W. Schäfer*).

Du bist unser (*F. Schiller*).

2) отлашган эгалик олмошлари **und** боғловчиси билан боғланганда:

Mein und dein verwechseln oder nicht unterscheiden können . . . wenn Verwandte *und Mein und Dein* gefühllos hadern (*Goethe*).

Флексиясиз ишлатиладиган олмошлар ўзбек тилига кишилик олмошларига -**ники** суффиксини қўшиш орқали ифода этилади, қиёсланг:

Aber der Stoff ist doch **mein**. — Лекин материал меники, ахир.

Du bist **unser** — Сен бизники.

Маълум бир эгалик олмоши бошқа эгалик олмоши билан бир-бирини қўлланиши ҳам мумкин, масалан: **meine und deine Verwandten**.

Эгалик олмошлари ўз негизи маъносига кўра бирор предмет қарашли бўлган эгаликнинг шахс, род ва сон маъноларини ифода этади, масалан:

Er pflegt **seinen** Garten (Er ist der Besitzer). Er pflegt **meinen** Garten (Ich bin der Besitzer). Sie pflegt **ihre** Blumen (Sie ist die Besitzerin, oder mehrere Personen sind Besitzer). Ihr arbeitet in **unserem** Garten (Wir sind die Besitzer)¹.

Эгалик олмошлари ўз қўшимчалари орқали келишик ва сон маъноларини ҳам ифода этади:

Er pflegte **seinen** Garten, **seine** Wiese, **sein** Feld, **seine** Beete.
Эгалик олмошлари равиш маъносида қўлланганда ҳеч қачон ўзгирмайди:

Er, **sie**, es war **seiner** Zeit in Dresden. **Meine** Kinder besuchten **ihn** **seiner** Zeit.

Немис тилида эгалик олмошлари асосан отнинг етакчи сўзлари назифасида (als Begleitwörter des Substantivs) қўлланади. Баъзан улар предикатив сифатида қўлланиб, эга билан мослашади:

Er ist **meins**.

Wessen Buch liegt hier? Es ist das **meine**.

Es ist das **meinige**.

Эгалик олмошлари кўп маъноли бўлиб, улар икки тушунча орасидаги хосликни ифода этади. Булар қуйидагилар:

1) предметни бирор шахсга қарашли эканини аяглади: **meine** Karte, **mein** Anzug.

2) шахс ва унинг ташқи аъзолари ўртасидаги муносабатни аяглади: **ihre** schönen Augen, **seine** schönen Hände.

3) шахс ва унинг ички туйғуси ўртасидаги муносабатни аяглади: **sein** Charakter, **seine** Freude, **ihre** Freude.

4) ўрин-жой муносабатини аяглади: **sein** Dorf — das Dorf, in dem er geboren ist oder in dem er lebt.

5) автор билан унинг асари ўртасидаги муносабатни аяглади: **seine** Gedichte, **ihre** Werke.

6) кишилар ўртасидаги турли муносабатларни аяглади: **meine** Frau, **ihre** Freundin, **meine** Eltern.

7) пайт муносабатини аяглади: in **meinen** Jahren, in **seiner** Jugend, **ihre** letzten Tage.

8) коллективга бўлган хосликни аяглади: **unsere** Kollektivwirtschaft, **eure** Delegation, **ihr** Institut.

9) эгалик олмошлари ундамаларда ҳам қўлланади: **Meine** lieben Genossen! **Meine** lieben Studenten und Studentinnen!

Эгалик олмошларининг турли маънолари кенгайтирилган ёки

¹ W. Jung. Grammatik der deutschen Sprache, Leipzig, 1968, S. 340.

ёйиқ ҳолда қўлланиши мумкин. Бунда асосий тушунчани англатадиган сўз битта бўлиб, у муҳим сўз ҳисобланади. Масалан: DDR, ihre Industrie und Landwirtschaft, ihre Geschichte, ihre Natur, ihre Städte, ihre Fünfjahrpläne . . .

Ўзбек тилида от билдирган нарса — предмет уч шахсдан бирига оид бўлиши мумкин. Ўзбек тилида бу маънони билдирувчи махсус аффикслар эгаллик аффикслари деб аталади.

Эгалик аффикслари билан турланган *китобим*, *китобинг*, *китоби* сўзларидаги *-им*, *-инг*, *-и* аффикслари *китоб* сўзи билан ифодаланган предметнинг сўзловчи (биринчи шахс), тингловчи (иккинчи шахс) ёки ўзга (учинчи шахс) га қарашли эканлигини билдиради. Демак, эгалик категорияси предметнинг уч шахсдан бирига — сўзловчи, тингловчи ёки ўзга тегишли эканини кўрсатадиган грамматик категориядир. Шунингдек, эгалик аффикслари предмет тушунчасини конкретлаштириш, маъно доирасини торайтириш каби маъноларни ҳам англатади: *китоб* (умуман), *китобим* (менинг).

Ўзбек тилида отнинг эгалик формалари қуйидаги аффикслар ёрдамида ясалади:

Бирлик

Унлидан сўнг

Ундошдан сўнг

I шахс -м: отам

-им: китобим

II шахс -нг: отанг

-инг: китобинг

III шахс -си: отаси

-и: китоби

Кўплик

Унлидан сўнг

Ундошдан сўнг

I шахс -миз: отамиз

-имиз: китобларимиз

II шахс -нгиз: отангиз

-ингиз: китобларингиз

III шахс -си: отаси

-и: китоблари

Ўзбек тилида ҳар қандай от, сон нуқтаи назардан албатта бирлик ёки кўпликда ва бирор келишиқ формасида бўлади. Лекин унинг доим бирор эгалик формасида бўлиши шарт эмас. Масалан, *китоб* — бирлик ва бош келишиқ формасида: *китобларни* — кўплик ва тушум келишиги формасида. Лекин иккала ҳолатда ҳам *китоб* сўзи эгалик формасига эга эмас.

Немис тилида эгалик аффикслари йўқ. Ўзбек тилидаги эгалик аффиксларига хос маънолар немис тилида эгалик олмошлари ёрдамида ифода этилади. Эгалик аффиксларининг биринчи шахси ўрнида эгалик олмошининг биринчи шахси, иккинчи шахси ўрнида иккинчи шахс эгалик олмоши ва учинчи шахс ўрнида эгалик олмошининг учинчи шахси ишлатилади:

китобим — *mein Buch*, *китобинг* — *dein Buch*,

китоби — *sein (ihr) Buch*.

Ўзбек тилида қаратқич формасидаги олмош қўлланган ҳолатлар ҳам немис тилида эгалик олмошлари билан ифода этилади:

менинг китобим — *mein Buch*, сенинг китобнинг — *dein Buch*, унинг китоби — *sein (ihr) Buch*.

Ўзбек тилида эгалик аффикслари билан қўлланган отларни немис тилига таржима қилишда уларнинг немис тилида қандай родга тегишли эканини аввал аниқлаш керак, чунки бирликда уч шахс бўйича женский родга оид бўлган отлар олдидан ишлатилган эгалик олмоши -е қўшимчасини қабул қилади, яъни *mein* эмас, *meine* формасида ишлатилади:

meine Schwester, deine Schwester, seine (ihre) Schwester.

Бу ерда *die Schwester* — (она) сўзи женкий родга оид бўлган отлардандир.

Ўзбек тилидаги *ona* ёки *сингил* сўзлари немис тилига *die Schwester* сўзи билан берилаверади. Лекин *die Schwester* сўзи қўлланган гада унинг қайси маънода ишлатилганлигини контекстдан англаб олиш қийин эмас.

Ўзбек тилида эгалик аффиксини олган от кўпликда келса, немис тилида отларнинг қандай родда бўлишидан қатъи назар, бирлик формасидаги эгалик олмошларининг уч шахсида ҳам -е унлиси орттирилиб, отлар кўплик формада қўлланади. Масалан: *менинг китобларим (китобларим) — meine Bücher, сенинг китобларинг (китобларинг) — deine Bücher, унинг китоблари (китоблари) — seine (ihre) Bücher.*

Эгалик қўшимчасининг кўплик турини олган от сон жиҳатдан бирлик формада бўлганда, шахснинг кўплигини, предметнинг эса бирлигини ифодалаш мумкин. Бу ҳолатда немис тилида ўзбек тили эгалик қўшимчасининг кўплик тури ўрнида эгалик олмошларининг кўплик формаси ва бирлик формадаги от ўрнида худди шундай отнинг бирлик формаси қўлланади: *китобимиз — unser Buch, китобингиз — euer Buch, китоблари — ihr Buch.*

Ўзбек тилидаги эгалик аффиксларининг кўплик турини олган отнинг кўпликда ишлатилган формаси немис тилида ҳам худди шундай формада, яъни шахс ҳам, предмет ҳам кўплик формада қўлланади. Бу ҳолатда эгалик олмошларининг уч шахси ҳам -е унлисини қабул қилади:

китобларимиз — unsere Bücher, китобларингиз — eure Bücher, китоблари — ihre Bücher.

Ўзбек тилида 3- шахснинг бирлиги кўплик учун ҳам қўлланади. Бошқача қилиб айтганда шахс билдирувчи сўз кўпликда бўлиб, предметни билдирувчи сўз бирлик формасида ишлатилади: уларнинг китоби — *ihr Buch*.

Бундан ташқари, ўзбек тилида 1- ва 2- шахс кўплик формалари бирлик учун ҳам қўлланади: *бизнинг китобимиз, сизнинг китобингиз.*

Немис тилида эгалик олмоши отлашган формада артикль билан ишлатилади. Унинг қандай артикль билан қўлланиши ўзидан кейин келадиган отнинг родига боғлиқдир.

КЎРСАТИШ ОЛМОШЛАРИ

(DEMONSTRATIVPRONOMEN, HINWEISENDES FÜRWORD)

Шахс, предмет ва уларнинг белгисини кўрсатиш учун ишлатиладиган олмошлар кўрсатиш олмоши дейилади.

Немис тилида қуйидаги кўрсатиш олмошлари мавжуд: *der, die, das, es, dieser, diese, dieses; jener, jene, jenes; derjenige, diejenige, dasjenige; selbst, selber, derselbe, dieselbe; dasselbe; solcher, solche, solches.*

Немис тилидаги кўрсатиш олмошлари келишиклар билан ўзгаришига кўра: а) турланадиган; б) турланмайдиган кўрсатиш олмошларга бўлинади.

Кўрсатиш олмошлари турланганда уларнинг сони, келишиги ва роди аниқланмиш сўзига боғлиқ бўлади. Масалан:

Kasus	Singular		
	Maskulinum	Femininum	Neutrum
N.	dieser Lehrer	diese Blume	dieses Land
G.	dieses Lehrers	dieser Blume	dieses Landes
D.	diesem Lehrer	dieser Blume	diesem Land
A.	diesen Lehrer	diese Blume	dieses Land

Kasus	Plural		
N.	diese Lehrer,	Blumen, Länder	
G.	dieser Lehrer,	Blumen, Länder	
D.	diesen Lehrern,	Blumen, Ländern	
A.	diese Lehrer,	Blumen, Länder	

Юқорида кўрсатилган кўрсатиш олмошларининг турланиши прономинал турланиш дейилади; бу олмошлар ўрнида аниқ артикль келеа, у ҳам шундай турланади. Бундай турланишда кўрсатиш олмошларининг олган келишик қўшимчалари жуда равшан кўринади.

Derjenige, derselbe каби қўшма олмошларнинг биринчи қисми *der* артикль ҳисобланиб, иккинчи қисми олмош бўлиб, сифатнинг кучсиз турланиши каби турланади:

Kasus	Singular			
	Maskulinum	Neutrum	Femininum	Plural
N,	derjenige	dasjenige	diejenige	diejenigen
G.	desjenigen	desjenigen	derjenigen	derjenigen
D.	demjenigen	demjenigen	derjenigen	denjenigen
A.	denjenigen	dasjenige	diejenige	diejenigen

Der кўрсатиш олмошининг қаратқич келишик формаси der нинг артиклнинг қаратқич келишик формасидан фарқ қилади.

Singular				
Kasus	Maskulinum	Femininum	Neutrum	Plural
N.	der	die	das	die
G.	dessen	deren	dessen	deren, derer
D.	dem	der	dem	den
A.	den	die	das	die

Ўзбек тилида эса бу, шу, у, ўша, ушбу, ана, мана, ана шу, мана шу, анави олмошлари кўрсатиш олмошлари турига киради.

КЎРСАТИШ ОЛМОШЛАРИНИНГ МАЪНОСИ ВА ҚЎЛЛАНИШИ (BEDEUTUNG UND GEBRAUCH DER DEMONSTRATIVPRONOMEN)

Немис тилидаги *der* кўрсатиш олмоши ўзбек тилига *ўша*, *die* *у* (*уни*), *das* — *бу*, *шу*, *die* кўплиги—*улар* кўрсатиш олмошлари орқали ифода этилади. Куйидаги мисолларни қиёсланг:

*Ich bin der und der. Ich habe die und die getroffen, das und das gehört.*¹—*Мен ўша ва ўша (одам). Мен уни ва уни (аёл) учратдим, шуни ва шуни эшитдим.*

Der кўрсатиш олмошининг отлашган ҳолати кишилик олмошларига қараганда аниқловчи вазифасида кенг қўлланади, масалан:

Er besuchte seinen Freund und dessen Bruder. Sie war gestern mit ihrer Schwester und Tochter im Theater (W. Bredel).

Der олмоши отлашиб бош келишикдан бошқа келишикда қўлланганда ҳам ўзбек тилида у кўрсатиш олмоши билан ифода этилаверади. Ўзбек тилида ҳам у олмоши келишик қўшимчаларини қабул қилаверади. Юқорида берилган немис тилидаги мисолларни ўзбек тилида ифода этилишини қиёсланг: *У ўз дўсти ва унинг (dessen) укасини кўриб келди. У кеча ўз опаси ва унинг (deren) қизи билан биргаликда театрда бўлди.*

Отлашган ҳолатда қўлланган (*der*) кўрсатиш олмошининг қаратқич келишиги нутқда эса олинган шахс ёки предметнинг ўзаро муносабатини аниқ ифодалашга ёрдам беради, қиёсланг: *Sein Freund und sein Bruder* ва *Sein Freund und dessen Bruder*.

Der кўрсатиш олмошининг қаратқич келишигида қўлланадиган икки *deren* ва *derer* формаларидан фарқи шундан иборатки, бир томондан женский родга оид бўлган отлар ўрнида келганда бирлик қаратқич келишигида ишлатилса, иккинчи томондан худди шу

1. *Duden Grammatik der deutschen Gegenwartssprache*. Leningrad, 1962. S. 250.

форманинг ўзи кўплик қаратқич келишигида ҳам қўлланади. Буларнинг фарқи контекстан сезилиб туради, формаси эса фақат кўплик қаратқичда қўлланади.

Ўзбек тилида кўрсатиш олмошининг кўплик қаратқич келишигидаги, *deren*, *derer* формалари ўзининг асли маъноларида — *унинг, уларнинг* бўлиб ифода этилаверади. Мисолларни қиёсланг: *Meine Mutter und deren (бирлик, қаратқич) Freundin haben lange Zeit miteinander gesprochen.* — *Онам ва унинг дугонаси бир-бири билан узоқ вақт суҳбатлашди.* *Der* кўрсатиш олмошининг *dessen* ва *deren* формалари ўзгармайди ва турланмайди:

Ohne dessen Tochter, mit dessen Tochter, von dessen wundervollem Spiel; ohne deren Rat, mit deren Rat.

Немис ва ўзбек тилларида у (*der, die*) кўрсатиш олмошининг бу (*das*) кўрсатиш олмошидан фарқланувчи асосий хусусияти шундан иборатки, у олмоши узоқ вақтда бўлиб ўтган ҳодисани ёки узоқ масофадаги ўрин, макон ва шунингдек вақтни кўрсатади ва бу олмошлар кетма-кет ҳам қўлланади.

Ўша (*der*) кўрсатиш олмоши ҳар икки тилда асосан, узоқдаги нарсани, вақт жиҳатдан эса анча илгари бўлиб ўтган воқеа-ҳодисани кўрсатиш билан у олмошига ўхшайди ва *бу, шу (dieser)* олмошидан фарқ қилади.

Бирор нарса ёки воқеа сўзловчига аввалдан маълум бўлгандагина *ўша* олмошини қўллаш керак. Акс ҳолда *ўша* олмошини қўллаш тўғри бўлмайди.

Dieser, diese, dieses; diese кўрсатиш олмошлари ўзбек тилига *бу, шу* олмошлари ёрдамида ифода этилади:

Dieser Mensch war unser Lehrer. — *Бу одам бизнинг ўқитувчимиз бўлган.*

Diese Frau ist die Mutter meines Freundes. — *Шу (бу) аёл дўстимнинг онаси.*

Dieses Buch gehört mir. — *Бу китоб меники.*

Diese sind die Studenten unseres Instituts. — *Шулар (булар) институтимизнинг студентларидир.*

jener (jene, jenes; jene) олмоши ҳам *dieser* кўрсатиш олмоши каби кўрсатиш маъносини ифода этади:

Sie wundern sich über die Veränderung meines Aufenthalts und beklagen sich über mein Stillschweigen. Der Grund von diesem liegt in jenen, der Grund von jener aber in hundert kleinen Zufällen (J. Gethe).

Jener кўрсатиш олмоши ўзбек тилига у (*ўша*) кўрсатиш олмоши ёрдамида ифода этилади. Немис тилидаги бирликдаги уч родга оид форма ўзбек тилига бир хил ифода этилаверади: *jener Mann* — у (*ўша*) одам, *jene Frau* — у (*ўша*) аёл, *jenes Haus* — у (*ўша*) уй.

Лекин немис тилидаги бу олмошининг кўплик формаси ҳам ўзбек тилида бирлик форма билан ифода қилинади:

jenes Haus — у (*ўша*) уй

jene Häuser — у (*ўша*) уйлар.

Немис тилида **selber, selbst** олмошлари ўзи маъносида ишлатилиб, гапда аниқловчи бўлиб келади. Бунда у аниқланмиш сўздин кейин туради:

Der Professor **selbst** (**selber**) führte heute das Experiment durch.— Экспериментни профессорнинг ўзи ўтказди. Der Vortrag **selbst** war ziemlich interessant, obwohl das Thema nicht neu war.— Гарчи теманиги бўлмаса-да, докладнинг ўзи қизиқарли бўлди

Selber, selbst олмошлари ўзгармайдиган сўзлар бўлиб, ҳаракатнинг бошқа шахс ёрдамисиз, ўзи тарафидан ижро этилишини ифода этади.

Selbst, selber кўрсатиш олмошларига хос маъно ўзбек тилида ўзлик олмоши + эгалик қўшимчаси ёрдамида ифода этилади. Қуйидаги мисолларни қиёсланг:

Der Doktor kam **selbst**. — Докторнинг ўзи келди. Diesen Brief hat sie **selbst** geschrieben. — Бу хатни ўзи ёзган.

Solch кўрсатиш олмошининг **solcher, solche, solches** ва кўпликадаги **solche** формалари ўзгарувчи формалардир:

Solche Lust zu reisen!

Solche Menschen wird man selten finden.

Die Werke **solcher** großen Künstler.

Solchen Roman wollte ich kaufen.

Лекин **solche** олмоши ноаниқ артикль билан қўлланганда ўзгармайди:

solch ein Artikel, **solch** eine Frage, **solch** ein Buch.

Агар ноаниқ артикль **ein** кўрсатиш олмоши **solcher** дан илгари қўлланса, бу олмош яна ўзгарадиган формада ишлатилади:

ein **solcher** Mensch, eine **solche** Lehrerin, ein **solches** Haus.

Ўзбек тилига **solcher, solche, solches** кўрсатиш олмошлари шундай, шу, шунақа сўзлари ёрдамида ифода этилади: **solcher Tisch** — шундай стол, **solche Tafel** — шундай доска, **solches Haus** — шундай уй, **solche Städte** — шундай шаҳарлар.

Немис тили кўрсатиш олмошларидан **es, selber, selbst** олмошлари турланмайди. Булардан бошқа турланадиган олмошларнинг сони, келишиги ва роди аниқланмиш сўзга боғлиқдир. Бу олмошларнинг турланиши артикль учун ҳам характерлидир. Средний роднинг бош ва тушум келишигидаги олмошлар қисқартирилган формада қўлланиши ҳам мумкин: **dies, derselbe** (**dieselbe, dasselbe**) кўрсатиш олмоши:

а) худди ўзи маъносида қўлланади:

Ich wohne in demselben Bezirk. Die Zeit zwischen meiner Heimkehr ins Vaterhaus und meinem Verlassen desselben . . .

б) **derselbe** кишилик олмоши маъносида ишлатилганда қўлланмайди:

Er nahm seinen Füller und legte ihn (nicht: denselben) neben das Heft;

в) эгалик олмоши маъносида қўлланганда **derselbe** ишлатилмайди.

Derjenige, diejenige, dasjenige; diejenigen кўрсатиш олмошлари ўзбек тилига ўша- худди ўша, ўшанинг ўзи сўзлари билан таржима қилинади.

Derselbe, dieselbe, dasselbe; dieselben кўрсатиш олмоши ҳам *derjenige* олмоши маъносида қўлланади, қиёсланг:

Ah, du bist also *derjenige*, welcher (das getan hast). Das sagen Sie! Sie sind *derjenige*, welcher und haben immer gegen ihn gehetzt (*H. Mann*).

Wir saßen um *dasselbige* Tischchen (*Goethe*).

Ўзбек тилидаги ўрин-пайт ва чиқиш келишиклари немис тилида предоголар ёрдамида ифода этилади:

Auf diesem Platz war früher ein Dorf. ((ўрин-пайт келишиги).

Aus dieser Bibliothek habe ich viele Bücher genommen. (чиқиш келишиги).

Das ist der Fichtelberg. Seine Höhe (nicht: die Höhe desselben) beträgt;

г) *deren* кўрсатиш олмоши қўлланганда ҳам *derselbe* олмоши ишлатилмайди:

Sie besuchte ihre Freundin und deren Tochter (nicht: die Tochter derselben).

д) *dergleiche (diegleiche, dasgleiche)* формаси *derselbe (dieselbe, dasselbe)* маъносида қўллана олади:

Wir benutzten dasselbe oder das gleiche Buch (eben dasselbe Buch, ein Exemplar).

Немис тилидаги *derselbe* (ўша, ўшанинг ўзи, худди ўзи) кўрсатиш олмоши ҳамда шахс, эгалик, кўрсатиш олмошларининг ҳаммаси ҳам ўзбек тилига кўрсатиш олмошлари ёрдамида ифода этилади, қиёсланг:

Das ist dasselbe Haus, wo ich in meiner Kindheit gewohnt habe.—
Бу мен ёшлик чоғимда яшаган ўша уй — худди ўша уйнинг ўзи.

Немис ва ўзбек тилларида кўрсатиш олмошларининг қиёсий турланиш жадвали

(Vergleichungstabelle der Deklination der Demonstrativpronomen der deutschen und usbekischen Sprachen.)

Келиш	Singular			Бирлик	Plural	Кўплик
	Maskulinum	Femininum	Neutrum	Ўзбек тилида	Немис тилида	Ўзбек тилида
N.	der	die	das	бу	die	улар
G.	dessen	deren	dessen (des)	бунинг	deren derer (der)	уларнинг
D.	dem	der	dem	бунга	denen	уларга
A.	den	die	das	буни	die	уларни

Келишек	Singular			Бирлик	Plural	Кўплик
	Mas kulinum	Femini- num	Neutrum	Ўзбек тилида	Немис тилида	Ўзбек тилида
N.	dieser	diese	dieses (dies)	шу	diese	шулар
G.	dieses	dieser	dieses	шунинг	dieser	шулар- нинг
D.	diesem	dieser	diesem	шунга	diesen	шуларга
A.	diesen	diese	dieses	шуни	diese	шуларни
N.	derjenige	diejenige	dasjenige	ўша (ўша- нинг ўзи)	diejenigen	ўшалар
G.	desjenigen	derjenigen	desjenigen	ўшанинг	derjenigen	ўшалар- нинг
D.	demjenigen	derjenigen	demjenigen	ўшанга	denjenigen	ўшалар- га
A.	denjenigen	diejenige	dasjenige	ўшани	diejenigen	ўшалар- ни

СЎРОҚ ОЛМОШЛАРИ

(INTERROGATIVPRONOMEN, FRAGENDES FÜRWORD)

Сўроқ олмошлари предмет, унинг белгиси ёки сон ҳақидаги сўроқни англатади.

Ҳозирги немис тилида сўроқ олмошлари қуйидагилардан иборат: *wer, was, welcher (welche, welches), was für ein (was für eine, was für ein)*.

Мисоллар: *Wer sitzt auf dem Sofa? Auf dem Sofa sitzt Karls Großvater. Was hängt an der Wand? An der Wand hängt eine Karte. Welcher Student fehlt heute? — Karimow. Welche Aufgabe erfüllen Sie? — Die Aufgabe 10. Welches Buch nehmen Sie mit? — Ein interessantes Buch. Was für ein Regal ist das? — Das ist ein Bücherregal. Was für eine Übung schreibt er? — Er schreibt eine Übung zum Gebrauch des bestimmten Artikels.*

Ўзбек тилида эса сўроқ олмошларининг сони немис тилидагига қараганда кўпроқ бўлиб, улар қуйидагилар: *ким, нима, нега, нечук, неча, нечта, қандай, қанақа, қалай, қай, қайси, қани, қанча, қачон*.

Wer — ким олмоши икки тилда ҳам фақат шахсга белгиланган сўроқни ифода этади. Шу белгиси билан у *нима* сўроғига қарама-қарши туради. Бу сўроқ фақат шахс номига йўлланган бўлмай, унинг қариндошликка оид бўлган белгисини ҳам англатади:

Wer kommt? — mein Vater, meine Mutter — Ким келяпти? — отам, онам.

Was — нима олмоши ҳар икки тилда нарса предмет ҳақидаги сўроқни билдиради, яъни у шахсдан бошқа нарсаларга — ҳайвон ва предметларга, воқеа-ҳодисаларга нисбатан қўлланади:

Was hast du gesehen? Ich habe eine Kuh gesehen.

Was ist zu Ende? Die Stunde ist zu Ende.

Нима кўрдинг? Сигир кўрдим. Нима тугади? Дарс тугади.

Немис ва ўзбек тилларидаги wer — ким, was — нима сўроқ олмошлари қуйидагича турланади, қиёсланг:

N. wer	— ким	was	— нима
G. wessen	— кимнинг	wessen	— ниманинг
D. wem	— кимга	(wem)	— нимага
A. wen	— кимни	was	— нимани

Wer, was сўроқ олмошлари кўплик формага ва родга эга эмас.

Ўзбек тилининг қолган икки (чиқиш ва ўрин-пайт) келишиклари немис тилида с ў р о қ о л м о ш и + п р е д л о г ёрдамида ифода этилади: von, wem, wovon, woraus — кимдан, нимадан, нима ҳақида.

Ўзбек тилида жонли ва жонсиз предметга оид бўлган сўроқлар ҳамма келишикларда турлича бўлса, немис тилида қаратқич ва жўналиш келишикларидаги сўроқ олмошлари жонли ва жонсиз предметга нисбатан бир хилдир. Бу ҳам немис тили сўроқ олмошининг ўзбек тилидан фарқли хусусиятларидан бири ҳисобланади.

Немис тилида was олмоши ўзбек тилидагидек нима олмошининг билан кўмакчиси орқали қўлланмай, яъни mit was деб ишлатилмай, балки womit, wofür ҳолида қўлланади, қиёсланг:

Womit (nicht: mit was) beschäftigst du dich? — Сен нима билан шуғулланаясан? Sie gab den Kindern eine Mark, womit sie zufrieden waren. Ich frage mich, womit er das Verdient hat. (H. Mann.)

Wofür (nicht: für was) schaffen wir? — Нима учун тузамиз?

Wir fragten ihn, wofür er sich qualifizieren wollte. — Биз ундан нимадан мутахассис бўлмоқчи эканлигини сўрадик.

Welcher — қайси сўроқ олмоши немис тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам предметнинг умумий белгиси ҳақидаги сўроқни англатмай, балки бир-бирига яқин бўлган бир группа предметлардан ажраладиган бир предметнинг белгиси ҳақидаги сўроқни ифода этади, қиёсланг:

Welches Buch nehmen Sie? Dieses Buch.— Қайси китобни олаясиз? Бу китобни.

Welcher сўроқ олмоши dieser (бу, шу), jener (у, ана у), solcher (шундай, шунча) кўрсатиш олмошлари каби турланади.

Welcher сўроқ олмоши уч родда турланади. Улар ўзбек тилида бир хил ифода этилади:

welcher Tisch	— қайси стол;
welche Tafel	— қайси доска;
welches Buch	— қайси китоб.

Бу олмошнинг кўплик формаси ҳар икки тилда ҳам бор: немис тилида *welche*, ўзбек тилида *қайсилар*.

Welcher сўроқ олмоши қуйидагича турланади.

(Deklinationstabelle des Interrogativpronomens *welcher*)

Kasus	Singular			Plural
	Maskulinum	Femininum	Neutrum	
N.	welcher	welche	welches	welche
G.	welches	welcher	welches (en)	welcher
D.	welchem	welcher	welchem	welchen
A.	welchen	welche	welches	welche

Welches средний род формаси ҳисобланган сўроқ сўзи уч роднинг бирлиги учун ишлатилади. Лекин кўплик учун *welche* сўроқ формаси қўлланади. Масалан:

Welches ist der größte (Tisch)?

Welches ist die schönste (Frau)?

Welches ist das jüngste (Kind)?

Welche sind die schönsten (Bilder)?

Баъзан *welcher* сўроқ олмошининг *welches* формаси кўплик учун ҳам ишлатилади:

Welches (ёки welche) sind die schönsten (Bilder)?

Сўроқ олмошининг *welch* ўзгармайдиган формаси чақириқ, ундов гапларида *ein* дан олдин ва аниқловчи сифат олдидан қўлланади, масалан: *Seht, welch ein Mensch! Welch düstere Härte . . . (Langgässer). Welch ein würdiger Mann ist doch der . . . verspot-tete Christian Wolf (Schopenhauer).*

Сўроқ олмошининг бу ўзгармайдиган *welch* формаси отнинг ноаниқ артикли *ein* билан қўлланганда ўзбек тилида қандай сўроқ олмоши билан ифода этилади:

Seht, welch ein Mensch ist er! Қаранг, у қандай одам!

Was für ein сўроқ олмоши фақат предметга оид бўлган белги ва унинг сифатини аниқлаш учун қўлланади, қиёсланг:

Was für eine Geschichte ist das? — Бу қандай воқеа?

Ўзбек тилида қандай сўроқ олмошининг маъно доираси немис тилидаги *was für ein* га қараганда кенгроқ.

Қани, бу ерда қандай гаплар бор? (*З. Фатхуллин*).

Нега олмоши бирор нарсанинг сабабини англатиш учун ишлатилади. *Нега* келдинг? *Нега* айтмадинг? в. б. Бу олмош келиб чиқиш жиҳатидан не олмошининг жўналиш келишиқ формасидир. Ҳозирда бу олмош морфемаларга бўлинмайди. *Нега* олмошининг маъноси ҳозирги ўзбек тилида *нимага* олмоши ҳамда *нима учун*, *нима сабабдан* каби сўз бирикмалари ёрдамида ҳам ифода этилади.

Нечук олмоши ҳам сабаб ҳақидаги сўроқ ифода этади: **Нечук**-, **нечук** китобдаги гап-у, худди кўз олдингизда бўлгандай-а. (П. Турсун.)

Ҳозирги ўзбек тилида **нечук** сўроқ олмошининг нега маъносида қўлланиши кам. У сабаб тўғрисидаги сўроқни ифода этиш билан бирга сўзловчининг ажабланиши, маъқуллаши ёки мақташ маъноларини ҳам ифода этади:

Сенинг ҳам қадаминг биз томонга тушар кун бор экан. **Нечук**. (П. Турсун.)

Нечук олмоши қандай олмоши маъносида ҳам қўлланади. Лекин бу ҳолат ўзбек тилида кам учрайди:... Пахта **нечук**, пахта (К. Яшин.)

Неча олмоши саноқ ҳақида сўроқни ифода этиш учун ишлатилади: **неча** киши? **неча** кун? в. б. Ҳозирги ўзбек тилида **неча** олмоши ўрнида **нечта** олмоши ҳам қўлланади. Лекин уларнинг бир-биридан фарқланадиган хусусиятлари ҳам бор.

Нечта олмоши доналаб санаш мумкин бўлган предметларга нисбатан қўлланса, **неча** олмоши ҳам санаш мумкин бўлган, ҳам санаш мумкин бўлмаган предметларга нисбатан қўлланади. Масалан: **Неча** йил дейиш тўғри, лекин, **нечта** йил? дейилмайди.

Қанақа олмоши қандай олмоши каби предмет, ҳаракат ва ҳолат белгиларини аниқлаш учун сўроқни ифода этади, масалан: Уйдан Ўрмонжоннинг хотини чиқиб ... Сидиқжон билан кўришди-да . . . — Меҳмон келган эди, — деди. **Қанақа** меҳмон? (А. Қаҳҳор.) «Ж» нинг каттасини кўрсатиб бермадингиз, эртага домла сўрайдиган эдилар. **Қанақа** ёзилади? (А. Қаҳҳор.)

Қанақа олмоши кўпроқ оғзаки нутқда ишлатилади.

Қай олмоши предметнинг ранги, ҳолати ва формаларини аниқлаш учун сўроқ маъносида қўлланиб, унинг маъноси баъзан қандай олмошига, баъзан **қайси** олмошига яқин туради: Отага қай сўз билан тасалли беришини билмас эди у. (Ойбек).

Қай олмоши ҳаракат белгисини-ҳолатини аниқлаш учун сўроқ формасида ишлатилганда қандай, қалай, қанақа олмошларидан фарқ қилади. Бу олмош ҳаракатнинг конкрет белгисини кўрсатадиган сўзлар билан ҳам қўлланади. Қай тарзда ишляпти? **Қандай**, **қанақа**, **қалай** олмошлари пайтни ва ҳаракат содир бўладиган ўрнини аниқлаш учун сўроқ маъносида ишлатилмайди. **Қай** олмоши эса ўрин келишигида келган сўзлар билан ҳамда ўрин-пайт ва пайт маъноларини англатадиган сўзлар билан қўлланади: **Қай** томонда? — **Қай** вақтда?

Қани олмоши предметнинг ўрнини англатиш учун қўлланади: Тоғам қанилар? **Қани** сўзи мустақил маънога эга бўлиб, гапда гап бўлаги бўлиб кела олади. **Қани** олмоши билан ифода этилган сўроққа ё ўрин келишигида келган от ёки **ана**, **мана** олмошлари жавоб бўлиб кела олади. **Қани** олмошининг **қаерда** ва **қайда** олмошларидан фарқи шундаки, бу олмош ҳаракат содир бўлган жойни белгилаш учун сўроқ сифатида қўлланмай, балки, кўз билан кўриш мумкин бўлган предмет ҳақидаги сўроқни ифода этиш учун қўлланади.

Қанча олмоши сон ва миқдор маъносини аниқлашда қўлланади. Қанча одам келди? Қанча вақт кетди? Қанча олмоши баъзи хусусиятлари билан сон маъносини аниқлайдиган неча сўроқ олмошидан фарқ қилади, чунки неча олмоши, асосан, нумеративлар билан қўлланади. Қанча олмоши эса нумеративлар билан ишлатилмайди. Қанча олмоши предметнинг умумий сони тўғрисидаги савол маъносида қўлланади, лекин предметнинг донда ёки бирлик ҳисобини белгилаш учун ишлатилмайди, масалан: Мажлисга неча одам келди? деган гапда одамнинг сони, миқдори аниқланмоқда. Агар биз: Қанча одам келди? десак у вақтда бу сўроқ гапдан одамлар сонини белгилаш маъноси англашилмай, балки кўп ёки кам одам келдими деган сўроқ маъноси англашилган бўлади.

Қачон олмоши ҳаракатнинг бажарилиш пайтини белгилаш учун ишлатилади: Энди бизникига қачон меҳмон бўласиз, бек ака? (А. Қодирий.)

Ҳаракатнинг бажарилиш пайтини белгилаш учун қай пайт, қай вақт каби сўз бирикмалари ҳам қўлланади. Лекин қачон олмоши бу бирикмалардан конкрет пайт, момент ҳамда ой, йил, ҳатто аср ҳақида сўроқни ифода этиш хусусияти билан фарқ қилади: Қачон? — Соат учда. Қачон? — Йигирманчи асрда.

Қай вақт, қай пайт сўз бирикмалари конкрет маълум бўлган ва чегараланган пайтни ифода этиш учун қўлланади.

Нега олмошига хос маъно немис тилида *warum*, *wozu* сўроқ олмош — равишлар ёрдамида ифода этилади: Негача келдинг? Негача ҳеч нарса айтмадинг? Негача у бугун кечикиб келди? *Warum bist du gekommen?* *Warum hast du nichts gesagt?* *Wozu ist er heute spät gekommen?*

Нечуча олмошига хос маъно учун ҳам немис тилида сўроқ олмош-равиши *warum* қўлланади: Негача сен бундай қайғулисан? — *Warum bist du so traurig?*

Ўзбек тилидаги нечта сўроқ олмошининг формасига мос келадиган эквивалент немис тилида бўлмаганлиги учун, неча, нечта, (саналадиган, саналмайдиган) сонларнинг ҳаммасини ифода этишда *wieviel* сўроқ равиши қўлланади: Нечта киши? — *Wieviel Menschen?* неча кун? — *wieviel Tage?* нечта қалам? — *wieviel Bleistifte*. Масалан: Кечача қанча студент ўз имтиҳонларини топширди? *Wieviel Studenten haben gestern ihre Prüfungen abgelegt?*

Лекин баъзи вақтларда *wieviel* ўрнида *wie lange* равиши (пайтга оид бўлганда) қўлланади: Сиз мени қанча вақтдан бери кутяпсиз? — *Wie langa warten Sie auf mich?*

Ўзбек тилидаги қандай ва қанақа сўроқ олмошлари маъносидан *für ein* сўроқ олмоши қўлланади: У ерда қандай уй турибди? У бизнинг янги клуб. *Was für ein Haus steht drühen?* *Das ist unser neuer Klub*. У қандай (қанақа) ашула айтмоқда — У украин халқ ашуласини айтмоқда, — *Was singt sie?* — *Sie singt ein ukrainisches Volkslied*.

Қалай, қай, қандай ва қанақа олмошларининг ҳар бирига мос

келадиган сўроқ олмоши немис тилида йўқлиги сабабли бу олмошлар ўрнида асосан ҳолат равиши *wie* ишлатилади: *Wie arbeitet er? Er arbeitet gut.* У қандай (қанақа) ишлапти? У яхши ишляпти.

Қачон сўроқ олмошига хос маъно немис тилида пайт маъносини аниқлашда қўлланадиган *wenn* сўроқ равиши ёрдамида ифода этилади: Яна қачон келасан? *Wann kommst du wieder?*

Сўроқ олмошлари немис тилида ҳам ўзбек тилида ҳам турли келишикларда қўлланиб, гапда қуйидаги синтактик вазифаларни бажаради:

Эга: **Wer (was) ist das?**

Аниқловчи: **Wessen Haus ist es?**

Тўлдирувчи: **Wem gehört diese Maschine?**

Бунда *welches* сўроқ олмоши бирлик ва кўпликда бир хилда қўлланаверади:

Welches ist das neue Papier?

Welches sind die wichtigsten Merkmale des Satzes?

НИСБИЙ ОЛМОШЛАР

(RELATIVPRONOMEN, BEZÜGLICHES FÜRWORDT)

Немис тилида нисбий олмошларга *der, die, das, welcher, welche, welches, wer, was* олмошлари киради. Булар аслида кўрсатиш олмоши ва сўроқ олмошидан келиб чиққан. Нисбий олмошлар кўрсатиш, сўроқ олмошларига ўхшаб турланади ва асосан эргаш гапларда қўлланади:

Unter mancherlei Gesprächen waren sie in den Wald gekommen, in **welchen** Wilhelm sehr verstimmt eintrat. (J. W. Goethe). Ich traf einen Bauern, bei dem ich mich nach dem Wege erkundigte.

Der, die, das нисбий олмошлари аниқловчи эргаш гапда қўлланданда, ҳамма роднинг бирлигида ва қаратқич келишигида ишлатилганда ўзбек тилига феълнинг сифатдош формаси ёрдамида ифода этилади. Қуйидаги мисолларни қиёсланг: *Der Schreibtisch, der im Zimmer steht, ist neu.*— Хонада турган ёзув столи янги. *Die Mappe, die er gestern gekauft hat, ist schwarz.*— Унинг кеча сотиб олган папкаси қора. *Das Lineal, das auf dem Tisch liegt, ist lang.*— Стол устида ётган чизғич узун. *Der Garten, dessen Besitzer ich kenne, ist groß.*— Мен эгасини таниган боғ каттадир. *Die Frau, deren Kinder dort lernen, ist unsere Nachbarin.*— Болалари у ерда ўқиётган аёл бизнинг қўшнимиз бўлади.

Was нисбий олмоши билан бошланган эргаш гап ўзбек тилига сифатдош + эгалик + келишик аффикслари қўшилган форма билан ифода этилади, қиёсланг: *Das, was du gesagt hast, was ganz richtig.*— Сени айтганинг жуда тўғри экан. *Er erzählte einiges davon (darüber), was er im Krieg erlebt hatte.*— У ўзининг урушда кечирган баъзи бир кечинмаларини сўзлаб берди.

Was нисбий олмоши тубандаги ҳолларда қўлланади:

а) средний родга оид бўлган олмош ёки сон билан муносабатда бўлганда:

Etwas, was viel Spaß bereitete vieles, was ich vorbereitet hatte.

б) средний роддаги сифат билан муносабатда айниқса ортирма даража формасида бўлганда:

Das schönste, was ich je gesehen habe.

Der, die, das нисбий олмошлари гапда ёлғиз сўз формасида қўлланади. Нисбий олмошлар ҳам келишиклар бўйича турланади. Улар кўрсатиш олмошлари каби турланиб, қаратқич келишигида женский род ва кўпликда *deren* шаклида, мужской ва средний родда *dessen* шаклида бўлади.

Kasus	Singular		
	Maskulinum	Femininum	Neutrum
N.	der, welcher	die, welche	das, welches
G.	dessen	deren	dessen
D.	dem, walchem	der, welcher	dem, welchem
A.	den, welchen	die, welche	das, welches

	Plural
N.	die, welche
G.	deren
D.	denen, welchen
A.	die, welche

Фақат *welcher (welche, welcher)* нисбий олмоши қаратқич келишигида *dessen* (мужской ва средний род учун) ва *deren* (женский род ва кўплик учун) шаклида бўлади.

Нисбий олмошлар бош келишикда (im Nominativ) эга ёки боғловчи сўз вазифасида қўлланади:

Wer sich nicht selbst befiehlt, bleibt immer Knecht (J. W. Goethe).

Alles, was hier erzählt wurde ist wahr. Er ist ein Mann, der (welcher) nie weicht.

Нисбий олмошлар жўналиш келишигида воситали тўлдирувчи (als indirektes Objekt) вазифасида қўлланади:

Wem nicht zu raten ist, dem ist auch nicht zu helfen (Sprichwort).

Нисбий олмошлар тушум келишигида (im Akkusativ) воситасиз (als direktes Objekt) тўлдирувчи вазифасини бажаради:

Hier ist der Mann, den Sie erwarten.

Der ва *welcher* нисбий олмошлари аниқловчи эргаш гапни бош гапга боғловчи элемент вазифасида ҳам қўлланади. Бунда улар қаратқич келишигида келади:

Der Genosse, dessen Vortrag du gehört hast, . . .

Wer ва *was* нисбий олмошлари кўпинча мақол ва маталга оид бўлган нисбий гапларда қўлланади:

Wer einmal lügt, dem glaubt man nicht, und wenn wer auch die Wahrheit spricht. Welcher сўроқ — нисбий олмоши, *welcher* сўроқ олмоши ва *dieser, jener*, кўрсатиш олмошлари каби тўла олмош қўшимчаларига эгадир. Аммо *welcher* олмоши қаратқич келишиги формасига эга эмас.

Кўпликда уч род бир хил формага эга.

Welcher нисбий олмоши бош, жўналиш ва тушим келишикларида кўрсатиш-нисбий олмоши *der* билан параллел қўлланса-да, қаратқич келишигида фақат *der* олмоши ўзига тегишли формага эга:

Der Genosse, *welcher (der)* hier arbeitet, . . .

Der Genosse, *welchem (dem)* du es versprochen hast, . . .

Der Genosse, *welchen (den)* du gestern gesprochen hast, . . .

Der Genosse, *dessen* Vortrag du gehört hast, . . . (dessen)

Die Genossen, *deren* Vortrag du gehört hast, . . .

Die Genossin, *deren* Arbeiten sie gelesen haben, . . .

Ҳозирги замон немис тилида ва оғзаки нутқда сўроқ-нисбий олмоши билан *welcher* эскирган ҳисобланиб, унинг ўрнида кўпинча кўрсатиш-нисбий олмоши *der* қўлланади.

ОЛМОШ — РАВИШЛАР (PRONOMINALADVERBIEN)

Олмош — равишлар ҳам олмошлик, ҳам равишлик хусусиятига эга бўлиб, жонсиз предмет маъносини англатган отлар ўрнида қўлланади. Масалан: Ich warte auf die Straßenbahn ўрнига Ich warte darauf дейиш мумкин.

Лекин: Ich warte auf die Schwester гапида auf die Schwester ўрнига darauf олмош-равишини қўллаб бўлмайди. Бу ерда кишилик олмошини қўллаш тўғри бўлади. Масалан: Ich warte auf sie.

Олмош-равишлар *wo* ёки *da* равишларига тегишли предлогнинг қўшилиши билан ҳосил бўлади. Агар предлог унли билан бошланса, *wo* ёки *da* равишларига *г* ундоши қўшилиб, *dar—wor* — формалари ишлатилади; агар предлог ундош билан тугаса, *da*, *wo*- равишлари ўзгармай ўзича қўлланади.

Мисоллар: Woran denkst du? — нима тўғрисида ўйлаяпсан? Das Haus grenzte daran (an den Wald). — Уй унга (ўрмонга) чегарадош

(одн). **Worauf** er entgegnete? нимага (нима тўғрисида) у эътироз билдирди? **Die Lampe steht darauf.** — Лампа (унинг) устида турибди (auf dem Tisch — стол устида). **Woraus** schließt du es? Нимага асосан бундай хулоса чиқаряпсан? **Ich werde nicht klug daraus.** — Бунин (бу масалани) мен тушуна олмайман. **Wodurch** hat er sein Ziel erzeicht? — Ниманичг натижасида у мақсадига эришди? **Dadurch** wirst du nichts erreichen. — Бу билан ҳеч нарсага эришмайсан.

Олмош-равишлар *da(r)-, wo(r)-* — равишларга предлог қўшиш йўли билан (*aus den Adverbien da(r)-, wo(r)-* — Präposition) ясалади: *woran, daran; worin, darin; darüber; damit, womit; dabei, wobei; dafür, wofür.*

Немис тилида ҳамма предлоглар олмош-равишларнинг компоненти бўла олмайди. Бир тарафдан олмош-равишларга қўшила оладиган ва иккинчи тарафдан улардан ажралганда ўзининг равиш функциясини бажара оладиган предлогларгина олмош-равишлар компоненти ҳисобланади. Улар: *an, auf, aus, bei, durch, für, gegen, hinter, in, mit, nach, neben, über, unter, um, von, wieder, zu, zwischen* предлогларидан иборат.

Лекин, юқорида қайд қилиб ўтганимиздек, *ohne, infolge, trotz* каби предлоглар олмош-равишлар компоненти бўла олмайди.

Wobei hat der Schüler seinem Kameraden geholfen? — Нимага асосан ўқувчи ўртоғига ёрдам қилади? **Er ist begabt und dabei fleißig.** — У талантли, шу билан бирга тиришқоқ ҳам. **Wofür** sorgt unsere Regierung? Бизнинг ҳукуматимиз нима ҳақида ғамхўрлик қилмоқда? **Unsere Regierung sorgt dafür, daß unser Volk gut lebt.** Бизнинг ҳукуматимиз халқимиз яхши яшаши ҳақида ғамхўрлик қилмоқда. **Womit** haben Sie die Tür geöffnet? — Сиз эшикни нима билан очдингиз? **Worüber** sprechen sie? — Нима тўғрисида гапиряпсизлар? **Wir** sprechen **über** die Ankunft der Studenten unserer Fakultät vom Baumwolle. **Darüber** erstaunts sich längst niemand mehr — Бу тўғрисида ҳеч ким (узоқ вақтгача) бошқа ажабланмади.

Олмош-равишлар қўшма гапларда эргаш гапни бош гапга боғлаш вазифасини ҳам бажаради.

Ўзбек тилида бундай олмош-равишлар каби хусусиятга эга бўлган сўзлар йўқ.

Олмош-равишлар гапда қуйидаги вазифаларни бажариб келади:

Ҳол: **Darauf** steht geschrieben: Apotheke.

Аниқловчи: Die Antwort **darauf** ist nicht leicht.

Тўлдирувчи: Ich bin **damit** einverstanden.

Hier сўзи предлог билан қўшилиб қўшма сўз ясади. Бунин ҳам олмош-равишлар қаторига қўшиш мумкин: *hierbei, hiermit, hierauf.*

Олмош-равишлар кўп маънолидир. Масалан, *davon* қуйидаги маъноларни ифода этади:

1. Бирор тушунчанинг тўла маъносини. Von allen Offizieren des Regiments lebten nur noch sechs; zwei davon waren Krüppel. (B. Kettermann.)

2. Предмет маъносини:

Sie sammelte Blumen, davon wollte sie einen Kranz winden.

3. Ұрин-жой маъносини:

Ein Dorf. Links davon dehnt sich ein Wald.

Олмош-равишларнинг маънолари феълларнинг бошқарувида конкретлашади: warten auf — warten **darauf**; denken an — denken **daran**; sprechen über — sprechen **darüber**.

Олмош-равишлар пайт маъносида қўлланганда, от ёки равиш билан бирга келади:

am Tage **darauf** (danach) — tags **darauf** (danach) — den Tag **darauf** (danach), kurz **darauf** (danach) — bald **darauf** (danach); gleich **darauf** (danach) — unmittelbar **darauf** (danach).

ШАХССИЗ ОЛМОШ

(DAS UNPERSÖNLICHE PRONOMEN)

Немис тилида *es* шахссиз олмоши мавжуд бўлиб, бу олмош шахссиз гап ва ибораларда қўлланади, у ўзбек тилига таржима қилинмайди. Масалан: *es ist heiß, es regnet, es schneit*.

Es шахссиз олмоши кишилик олмошига нисбатан омонимлик характерига эга, масалан: *Wo ist dein Buch? Da liegt es ja. Was macht das Kind? Es schläft.* (*es* кишилик олмоши сифатида қўлланган). Қийёсланг: *Es donnert, es regnet* (*es* шахссиз олмош вазифасида қўлланган).

Шахссиз олмош *es* кўрсатиш олмошига нисбатан ҳам омонимлик характерига эга: *Es klopfte leise. Wer möchte es (das) wohl sein?*

Эгаси шахссиз олмош *es* билан ифодаланган гап шахссиз гап дейилади. *Es* шахссиз олмоши қуйидаги ҳолатларда эга вазифасида қўлланади:

1) Маъно жиҳатдан эганинг борлиги ҳақида фикр юргизилмайдиган табиат ҳодисаларида: *es blitzt, donnert, regnet, schneit, dämmernt, tagt, friert, dunkelt*.

2) Табиат ҳодисаларига нисбатан ҳолат ёки ҳолатнинг вазиятини аниқлашда: *Es ist kalt, spät, dunkel*.

3) Баъзи тусланидиган феъллар шахссиз форма сифатида *es gibt, es geht, es steht* каби (турғун бирикмаларда) қўлланганда бу феъллар янги, абстракт ёки умумлашган бир маънони англатади, масалан: *Es gibt in unserer Fakultät einen Lesesaal und einen Fachraum. Wie steht es dir?*

4) Шахснинг ташқи муҳит билан боғлиқ бўлган ҳис-туйғуларини ифодалашда:

Es dürstet, hungert, friert, fröstelt mich, jammert mich, es bangt mir, es graut mir (se l t e n e r: mich).

5) Баъзан одамнинг ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ички сезги, туйғу, ҳаяжон маъносини англатувчи феъллар билан:

Es zerbröckelt etwas. Es zerbröckelt unaufhörlich, ich fühle es, ich höre es, es zerbröckelt um mich, in mir. In meinem Kopfe jagt es. Ich sehe auf. Es dreht mich im Kreise (B. Kellermann).

Қўпинча *es* шахссиз олмошнинг гапдаги вазифаси кейинги гапда анчагина конкретлашади:

Pfötzlich zischte es, eine Rakete fuhr zu den Sternen empor. (B. Kellermann.)

Man hörte es knarren, dann knallen . . . Endlich zeigte sich Masetti auf seinem Kutschbock. *(H. Mann.)*

6) *Es* шахссиз олмоши ўтимсиз феъл қўлланган мажҳул дарижада ҳам ишлатилади. Бу грамматик форма эса *es* шахссиз олмоши билан бошланади. Агар гап бошқа гап бўлаги билан бошланса, у вақтда *es* тушиб қолади:

Es darf geraucht werden. Hier darf geraucht werden.

Es wurde ihnen geholfen. Ihm wurde geholfen.

Баъзи ҳолатда гапда эга маъноси аниқ бўлса ҳам шахссиз конструкция қўлланиши мумкин:

Nun kamen auch die Geräusche zurück. Stimmen murmelten, es hustete, alle Arten von Husten, vom pfeifenden Frauenhüstein bis zum brütenden Husten erkälteter Männer. *(B. Kellermann.)*

7) *Es* шахссиз олмоши *sich* олмоши қўшилган ва мажҳул нисбат маъносини англатадиган конструкцияда ҳам қўлланиши мумкин:

Es schreibt sich gut auf diesem Papier.

Es fährt sich bequem in dieser Straßenbahn.

Es шахссиз олмошининг шахссиз гапда доим эга вазифасида қўлланиши фақат немис тили учун хосдир. Ўзбек тилида немис тилидаги шахссиз олмошга мос келадиган олмош йўқ. Немис тилидаги шахссиз гап ўзбек тилида, аксинча, шахсли гап форма-сида ифода этилади, қиёсланг:

Es regnet — ёмғир ёғмоқда:

Es schneit — қор ёғмоқда.

Es ist heiß — кун (ҳаво) иссиқ.

ГУМОН ОЛМОШЛАРИ

(INDEFINITPRONOMEN, UNBESTIMMTES FÜRWORD)

Немис тилида гумон олмошлари номаълум шахс, предмет ва уларнинг ноаниқ бўлган сони, белгисини ифода этиш учун қўлланади. Қуйидаги олмошлар гумон олмошлари ҳисобланади: *man, einer, etwas, jemand, jedermann, mancher, jeder, etlicher, alle, viele, wenige.*

Ўзбек тилида гумон олмошлари қуйидаги йўллар билан яса-лади:

1) Сўроқ олмошларига алла — префиксини қўшиш йўли билан: *аллаким, алланарса, алланима, аллақандай*.

2) Баъзи сўроқ олмошларига -дир аффиксини қўшиш билан: *кимдир, нимадир, қандайдир*.

3) Нарса, нима олмошларидан кейин ҳам сўзини келтириш йўли билан: ҳа, айтгандай, ғалати туш . . . билмайман қаер экан . . . ёнимда ким ҳам бор экан. Ой иккита чиққан эмиш. (*А. Қаҳҳор.*)

4) Бир сўзига -ов, -он, -ор аффиксларини қўшиш йўли билан: *биров, бирон, бирор*.

Немис ва ўзбек тилларининг қуйидаги гумон олмошлари бири-бири билан мос тушади: 1) *einer (eine (ein(e) s — биров, бирон (киши): Einer den Arbeiter wird Ihnen helfen.*—Ишчилардан бирон киши сизга ёрдам қилади; 2) *etwas (irgend etwas) — алланарса, алланима, нимадир, қандайдир, бир нима: Er ging ohne etwas zu sagen — у бирор нарса айтмасдан кетиб қолди; 3) gewiß (қандайдир): ein gewisser Jemand — қандайдир бир одам; 4) jemand — аллаким, кимдир: Irgend jemand — кимдир, аллаким, ein gewisser Jemand — кимдир бир киши; 5) irgend ein (irgend eine, irgend ein) — аллақандай, аллақайси, алланечук:*

Irgend ein Mensch stand in der Ecke. — Бурчакда аллақандай одам турган эди.

Немис тилининг қолган гумон олмошлари ўзбек тилига мос келмаслигини ва уларнинг ўзбек тилида қандай ифода этилишини немис тили гумон олмошларининг қўлланишида кўриш мумкин:

1) *alle* олмоши ёлғиз ёки бутуннинг бўлаги маъносини англатмай, балки кўплик, яъни ҳамма ёки барча маъносини ифода этади. У гапда от олдида келганда аниқловчи бўлиб, от ўрнида келганда эга, тўлдирувчи ёки предикатив вазифасида келади: *Alle sind da (эга). Mein Bruder hilft allen (тўлдирувчи). Alle Studenten dieser Gruppe sind gesund (аниқловчи). Die Briefmarken sind alle verbraucht (предикатив).*

Alle олмошидан кейин келган предмет билдирувчи сўз бирликда келса, унинг ўрнига *ganz* олмоши қўлланади, масалан: *die ganze Welt (das Universum); alle* олмоши мавҳум нарса отлари маъносида ҳам қўлланади: *allen Mut, alle Energie anbieten! alles Gold, mit allem Golde.*

Alle олмошига *jeder, jede, jedes* олмошлари қарши маънода қўлланади: *alle Menschen — jeder Mensch; aller Anfang ist schwer — Jeder (einzelne) Anfang ist schwer.*

Alle олмоши мужской ва средний род отларининг бирлик қаратқич келишигидан олдин келганда кучеиз турланади:

Es bedurfte allen Mutes, allen Vertrauens.

Alle олмоши сифат билан биргаликда ишлатилганда у сифат олдида келади:

Alle gewählten Vertreter, die Namen aller guten Studenten

Баъзи ҳолатларда *alle* олмоши *lede* кўрсатиш (ҳар бир) олмоши маъносига яқин маънода ҳам қўлланади:

Die Straßenbahn fährt *alle* (*jede*) sechs Minuten.

Баъзан *alle* олмошининг қисқа формаси ҳам учрайди:

Wozu *all* das laute Treiben, *all* das Gelaufe?

Немис тилининг *all*, *alle* гумон олмошлари ўзбек тилида белгилаш олмошлари ёрдамида ифода этилади:

all — ҳамма, барча, бери, бор;

alle — бутун, буткул, тамом, бутунлай;

Мисолларни қиёсланг:

Alle Welt — бутун дунё; *ihm ist aller Appetit vergangen* — унинг иштаҳаси бутунлай бўғилди; *an allen Gliedern zittern* — бутун аъзойи бадани билан титрамоқ; *mit aller Kraft* — бутун (барча) кучи билан. Ўзбек тилида ҳам бундай олмошлар мавжуд бўлиб, улар немис тилидагидек гумон олмошлари деб юритилмай, балки белгилаш олмошлари деб аталади. Улар қуйидагилар: *ҳамма, барча, бари, баъзи, ҳар ким, ҳар нима, ҳар қандай, ҳар қайси, ҳар бир, ҳар нарса.*

Ўзбек тилининг белгилаш олмошлари немис тилига гумон олмошлари ёрдамида ифода этилади.

Барча олмоши *ҳамма* олмошига кўп жиҳатдан ўхшайди, лекин у кўпроқ китобий услубга хос. Бу олмош кўп предметнинг умумлашган маъносини ифода этади.

Бари олмоши худди, *ҳамма* олмош маъносида ишлатилади. Лекин бу олмош диалектал характерга эга: *бари одам келди; бари ерга пахта эдик.*

Бутун олмоши ҳам умумлашган ва бирор предметнинг тўла қолатини ифода этиш учун қўлланади:

Нафисанинг бўйи ўсиб, кўкраги тўлишиб, бутун гавдаси қизлик латофати билан ясанган чоғда, бойвачча уни кўз тагига олиб қўйган эди. (*Ойбек.*)

Буткул олмоши ўз хусусияти ва англатадиган маъноси жиҳатидан *бутун* олмоши билан мос келса-да, ҳозирги ўзбек тилида ҳам ишлатилади.

Жами олмоши бирор предметни бутунлик сифатидаги маъносини ифода этмай, балки кўп предметнинг умумлашган белгисини англатиш учун қўлланади:

Тақсир, оламда гап кўп. Ер юзиде бўлган жами воқеаларни ҳар кун газеталар етказиб туради. (*Ойбек.*)

Бор олмоши предметнинг умумлашган белгисини ва унинг умумий миқдорини англатиш учун қўлланади: бор санъатини ишга солмоқ; бор пулини сарфламоқ. *Бор* олмоши ўз хусусиятига кўра *бутун* олмоши маъносига яқин туради.

Тамом олмоши предметнинг умумлашган (жамлаш) ва *бутун* сифатида бўлган белгисини англатиш учун қўлланади. Бу олмош предметнинг умумлашган белгисини ифода қиладиган олмошларга

нисбатан камроқ ишлатилади: Қисқаси, **тамом** йигирма кишининг калласини узиб битирди (*Эртақлар*).

Ҳар ким олмоши бирлашган шахс маъносидан битта шахсни ифода этади.

Ҳар нима олмоши фақат предметларга нисбатан қўлланиб, ҳозирги ўзбек тилида белгилаш олмоши вазифасида жуда кам қўлланади. Бу олмош кўпинча «*Нимаши*» сўзи маъносида ишлатилади: Энди маслаҳат шокалонларда, мин деса минамиз, тур деса турамыз, ҳар нима буюрса қиламиз. (*Ф. Йўлдош.*)

Ҳар бир, *ҳар қайси* олмошларнинг айрим маъносини ифода этиш, шу группага оид олмошларнинг айириш маъносини ифода этишига қараганда анча кучлироқдир:

Фестивалнинг ҳар бир куни улкан ва шодиёна байрамга айланади. («*Қизил Ўзбекистон*».) *Ҳар қайси* совет республикасининг меҳнаткашлари бир-бирларига доимо беғараз ёрдам бериб келмоқдалар. («*Ўзбекистон маданияти*».)

Ҳар қандай, *ҳар қанақа* олмошлари турли белгиларга эга бўлган шахс ёки предметни айириш (ажратиш) маъносини англатади. Бу олмошларнинг ажратиш маъносини ифода этиши, шу группага оид бошқа олмошларнинг ушбу вазифани бажаришига нисбатан кучсизроқ.

Немис тилидаги қуйидаги олмошлар ўзбек тилидаги белгилаш олмошларига хос маъноларни ифода этади.

Jeder гумон олмоши ёрдамида *ҳар*, *ҳар бир*, *ҳар қайси* белгилаш олмошларига хос маъно ифодаланади:

Jede zehh Schritte hieit er an.— Ҳар ўн қадамдан кейин у тўхтаб олди. *Jedes dritte Wort ist bei ihm falsch.*— Унинг ҳар бир учинчи сўзи нотўғри. *Jedes dieser Bücher kostet zehh Mark.*— Бу китобларнинг ҳар қайсиси ўн маркадан туради.

Jeder олмоши немис тилида от ўрнида кела олади ва у ўзбек тилига *ҳар ким* белгилаш олмоши билан ифода этилади:

Allen und jedem — *ҳаммага ва ҳар кимга* каби.

Бундан ташқари *ҳар ким* немис тилига гумон олмоши *jeder-mann* билан ҳам ифода этилиши мумкин. Лекин *jedermann* олмоши *jeder* (~) олмошига қараганда кам ишлатилиб, у ҳозир эскирган олмош формаларидан ҳисобланади.

Ўзбек тилининг *ҳар қандай*, *ҳар қанақа* белгилаш олмошлари немис тилидаги *jeder* гумон олмоши, *beliebig* сўзи ёрдамида ифода этилади: *zu jeder (beliebigen) Zeit* — *ҳар қандай пайтга*, *im jeden Preis* — *ҳар қандай (ёки ҳар қанақа) йўл билан (бўлса ҳам)*.

Ўзбек тилида *ҳамма*, *бари*, *барча*, *жами* олмошлари сифат хусусиятларига эга бўлиб, гапда аниқловчи вазифасини бажаради, отлашганда эса тўлдирувчи бўлиб келади.

Бутун, *тамом*, *буткул*, *бор* олмошлари отлашмай, гапда аниқловчи вазифасини бажариб келади.

Ҳамма, *бари*, *барча* олмошларини немис тилига гумон олмоши ёрдамида ифода этилиши кўрсатиб ўтилди. Лекин *жами* белгилаш олмошини немис тилига *alle* олмоши маъносида ифода этиб бўл-

майди. *Жами* олмошига хос маъно немис тилида *ganz* равиши ёрдамида ифода этилади. Бунда *in* предлоги ҳам жўналиш (*Dativ*) келишигида қўлланиб, *ganz* сўзи олдидан ишлатилади:

Im ganzen — жами, *im ganzen genommen* — жами бўлиб, жамини олганда.

Бундан ташқари *ganz* сўзи равиш вазифасида қўлланганда жуда маъносини ҳам ифода этади, масалан:

ganz bequem — жуда қулай

Das schmeckt ganz gut. — Бу жуда мазали.

Бутун, тамом, буткул, бор олмошлари немис тилида *ganz*, ёрдамида ифода этилади, масалан:

von ganzem Herzen — бутун қалбдан (чин қалбдан)

den ganzen Tag — бутун кун

die ganzen Leute — бор одамлар

Мисоллар:

Den ganzen Tag hat es geregnet. Er hat die ganze Zeit gearbeitet. Er hat ganze Arbeit geleistet (es blieb nichts zu tun übrig) (Th. Mann).

Ҳар олмоши отлашмайди ва шунинг учун у гапда аниқловчи вазифасида келади ва *томон, ер, вақт* каби сўзлар билан қўшилиб тўлдирувчи ёки ҳолга оид сўз бирикмаси ясайди.

Ҳар ким, ҳар нима олмошларининг грамматик хусусиятлари отларнинг грамматик хусусиятларига ўхшайди.

Ҳар бир, ҳар қайси олмошлари сифатларга яқин бўлганлиги учун улар гапда аниқловчи вазифасини бажаради, отлашганда эса— ё тўлдирувчи, ё ҳол вазифасини бажариб келади. Бу олмошлар ҳам кўплик ва бирликнинг биринчи шахс аффиксларини қабул қилмайди.

Ҳар қандай, ҳар қанақа олмошлари сифатларга жуда яқин туради ва гапда аниқловчи вазифасини бажаради.

Баъзи, айрим, бир хил олмошлари гапда аниқловчи вазифасида, отлашганда эса ҳол ва тўлдирувчи бўлиб кела олади. Бу олмошлар кўплик ва бирлик биринчи шахсдан бошқа ҳамма шахсларда эгалик аффиксларини қабул қилади.

Баъзи олмоши немис тилига *einige* сўзи ёрдамида ифода этилади: *Er hat einige Erfahrung darin.*— У бу ишда баъзи тажрибага эга.

Айрим олмоши немис тилига *einzelн* сўзи ёрдамида ифода этилади: *Diese gefährliche Stelle kann man nur einzeln passieren.*— Бу хатарли ердан фақат айрим-айрим (ёлғиз-ёлғиз) ўтиш мумкин.

Бир хил олмоши немис тилига *gleich, identisch* сўзлари ёрдамида ифода этилади: *fleich zu gleich stehen* — бир хил ҳуқуққа эга бўлмоқ. *Mir ist alles gleich.* — Менга ҳамма нарса бир хил (*бари бир*). *Die Handschriften sind nicht identisch.* — Қўл ёзмалар *бир хил* эмас (*бир-бирига ўхшамайди*).

2) *einer (eine, ein(e)s)* гумон олмоши *eins* саноқ сонидан келиб чиққан бўлиб, у от вазифасида, ноаниқ артикль каби сифат ўрнида ҳам қўлланади. От ўрнида ишлатилганда *einer* оломоши *jemand* ва *man* олмошлари маъносига яқин бўлган маънода қўлланади.

нисбатан камроқ ишлатилади: Қисқаси, тамом йигирма кишининг калласини узиб битирди (*Эртақлар*).

Ҳар ким олмоши бирлашган шахс маъносидан битта шахсни ифода этади.

Ҳар нима олмоши фақат предметларга нисбатан қўлланиб, ҳозирги ўзбек тилида белгилаш олмоши вазифасида жуда кам қўлланади. Бу олмош кўпинча «*Нимаики*» сўзи маъносида ишлатилади: Энди маслаҳат шокалонларда, мин деса минамиз, тур деса турамиз, ҳар нима буюрса қиламиз. (*Ф. Йўлдош.*)

Ҳар бир, ҳар қайси олмошларининг айрим маъносини ифода этиш, шу группага оид олмошларнинг айириш маъносини ифода этишига қараганда анча кучлироқдир:

Фестивалнинг *ҳар бир* куни улкан ва шодиёна байрамга айланади. («*Қизил Ўзбекистон*».) *Ҳар қайси* совет республикасининг меҳнаткашлари бир-бирларига доимо беғараз ёрдам бериб келмоқдалар. («*Ўзбекистон маданияти*».)

Ҳар қандай, ҳар қанақа олмошлари турли белгиларга эга бўлган шахс ёки предметни айириш (ажратиш) маъносини англатади. Бу олмошларнинг ажратиш маъносини ифода этиши, шу группага оид бошқа олмошларнинг ушбу вазифани бажаришига нисбатан кучсизроқ.

Немис тилидаги қуйидаги олмошлар ўзбек тилидаги белгилаш олмошларига хос маъноларни ифода этади.

Jeder гумон олмоши ёрдамида *ҳар, ҳар бир, ҳар қайси* белгилаш олмошларига хос маъно ифодаланади:

Jede zehh Schritte hielt er an.— Ҳар ўн қадамдан кейин у тўхтаб олди. *Jedes dritte Wort ist bei ihm falsch.*— Унинг ҳар бир учинчи сўзи нотўғри. *Jedes dieser Bücher kostet zehh Mark.*— Бу китобларнинг ҳар қайсиси ўн маркадан туради.

Jeder олмоши немис тилида от ўрнида кела олади ва у ўзбек тилига *ҳар ким* белгилаш олмоши билан ифода этилади:

Allen und jedem — ҳаммага ва ҳар кимга каби.

Бундан ташқари *ҳар ким* немис тилига гумон олмоши *jeder-mann* билан ҳам ифода этилиши мумкин. Лекин *jedermann* олмоши *jeder* (~) олмошига қараганда кам ишлатилиб, у ҳозир эскирган олмош формаларидан ҳисобланади.

Ўзбек тилининг *ҳар қандай, ҳар қанақа* белгилаш олмошлари немис тилидаги *jeder* гумон олмоши, *beliebig* сўзи ёрдамида ифода этилади: *zu jeder (beliebigen) Zeit* — *ҳар қандай пайтга, ит jeden Preis* — *ҳар қандай (ёки ҳар қанақа) йўл билан (бўлса ҳам).*

Ўзбек тилида *ҳамма, бари, барча, жами* олмошлари сифат хусусиятларига эга бўлиб, гапда аниқловчи вазифасини бажаради, отлашганда эса тўлдирувчи бўлиб келади.

Бутун, тамом, буткул, бор олмошлари отлашмай, гапда аниқловчи вазифасини бажариб келади.

Ҳамма, бари, барча олмошларини немис тилига гумон олмоши ёрдамида ифода этилиши кўрсатиб ўтилди. Лекин *жами* белгилаш олмошини немис тилига *alle* олмоши маъносида ифода этиб бўл-

майди. *Жами* олмошига хос маъно немис тилида *ganz* равиши ёрдамида ифода этилади. Бунда *in* предлоги ҳам жўналиш (*Dativ*) келишигида қўлланиб, *ganz* сўзи олдидан ишлатилади:

Im ganzen — жами, im ganzen genommen — жами бўлиб, жамини олганда.

Бундан ташқари *ganz* сўзи равиш вазифасида қўлланганда жуда маъносини ҳам ифода этади, масалан:

ganz bequem — жуда қулай

Das schmeckt ganz gut. — Бу жуда мазали.

Бутун, тамом, буткул, бор олмошлари немис тилида *ganz*, ёрдамида ифода этилади, масалан:

von *ganzem* Herzen — бутун қалбдан (чин қалбдан)

den *ganzen* Tag — бутун кун

die *ganzen* Leute — бор одамлар

Мисоллар:

Den *ganzen* Tag hat es geregnet. Er hat die ganze Zeit gearbeitet. Er hat ganze Arbeit geleistet (es blieb nichts zu tun übrig) (*Th. Mann*).

Ҳар олмоши отлашмайди ва шунинг учун у гапда аниқловчи вазифасида келади ва *томон, ер, вақт* каби сўзлар билан қўшилиб тўлдирувчи ёки ҳолга оид сўз бирикмаси ясади.

Ҳар ким, ҳар нима олмошларининг грамматик хусусиятлари отларнинг грамматик хусусиятларига ўхшайди.

Ҳар бир, ҳар қайси олмошлари сифатларга яқин бўлганлиги учун улар гапда аниқловчи вазифасини бажаради, отлашганда эса — ё тўлдирувчи, ё ҳол вазифасини бажариб келади. Бу олмошлар ҳам кўплик ва бирликнинг биринчи шахс аффиксларини қабул қилмайди.

Ҳар қандай, ҳар қанақа олмошлари сифатларга жуда яқин туради ва гапда аниқловчи вазифасини бажаради.

Баъзи, айрим, бир хил олмошлари гапда аниқловчи вазифасида, отлашганда эса ҳол ва тўлдирувчи бўлиб кела олади. Бу олмошлар кўплик ва бирлик биринчи шахсдан бошқа ҳамма шахсларда эгалик аффиксларини қабул қилади.

Баъзи олмоши немис тилига *einige* сўзи ёрдамида ифода этилади: Er hat einige Erfahrung darin. — У бу ишда баъзи тажрибага эга.

Айрим олмоши немис тилига *einzel* сўзи ёрдамида ифода этилади: Diese gefährliche Stelle kann man nur einzeln passieren. — Бу хатарли ердан фақат айрим-айрим (ёлғиз-ёлғиз) ўтиш мумкин.

Бир хил олмоши немис тилига *gleich, identisch* сўзлари ёрдамида ифода этилади: *fleich zu gleich stehen* — бир хил ҳуқуққа эга бўлмоқ. *Mir ist alles gleich.* — Менга ҳамма нарса бир хил (*бари бир*). *Die Handschriften sind nicht identisch.* — Қўл ёзмалар *бир хил* эмас (*бир-бирига ўхшамайди*).

2) *einer (eine, ein(e)s)* гумон олмоши *eins* саноқ сонидан келиб чиққан бўлиб, у от вазифасида, ноаниқ артикль каби сифат ўрнида ҳам қўлланади. От ўрнида ишлатилганда *einer* оломоши *jemand* ва *man* олмошлари маъносига яқин бўлган маънода қўлланади.

Einer олмоши *jemand* олмошига қараганда оғзаки нутқда кўпроқ қўлланади. *Einer* олмоши *jemand* ва *etwas* олмошига қараганда кўпроқ ноаниқликни англатади:

Eines schickt sich nicht für alle (Goethe).

Sie tranken noch *ein(e)s*, noch einen.

Ўзбек тилига *einer* (*eine, eines*) гумон олмоши *кимдир, аллаким* гумон олмошлари ёрдамида ифода этилади. Гумон олмошининг бу тури икки тилда бир-бири билан мос тушади, қиёсланг.

Einer muß mit guten Beispiel vorangehen. — Қимдир яхши мисол билан (доскага) чиқиши керак, ахир.

Einer von ihnen muß heute nach Moskau fliegen. — Улардан бири бугун Москвага учиб кетиши керак.

3) *etwas* (*irgend, etwas*) гумон олмоши қисман гумон маъносини англатиб, от ва сифат ўрнида қўллана олади: *etwas Interessantes, etwas Gutes, etwas Schönes*.

Sie ging fort, ohne etwas «zu sagen. Wer vieles bringt, wird manchem etwas bringen. (J. W. Goethe.)

Etwas олмоши (конкрет) ноаниқ шахсни англатиш учун эмас, балки ноаниқ предметни ифода этиш учун ишлатилади:

Sie wird heute *etwas* kaufen. Gib ihm *etwas*.

Бу олмош миқдори аниқ бўлмаган маънони ҳам ифода этади: *etwas Geld, etwas Käse*.

Etwas гумон олмоши гапда кўпинча эга ва тўлдирувчи вазифасида келади: масалан: *Dort liegt etwas* (эга); *Hören sie etwas* (тўлдирувчи).

Etwas олмоши ўзгармайди ва турланмайди.

Etwas (*irgend etwas*) гумон олмоши ўзбек тилида *бир нима, бирор нарса, бир оз* сўзлари ёрдамида ифода этилади, қиёсланг:

Auf dem Tisch(e) liegt *etwas*. — Стол устида бирор нарса ётибди.

Siehst du *etwas*? — Сен бирор нарсани кўряпсанми? Geben Sie *etwas* zu essen. — Ейиш учун бирор нарса беринг.

4) *jeder, jedermann* (*ҳар бир, ҳар ким*) гумон олмоши фақат бирлик формага эга бўлиб, улар кучли турланади: *Jeder ist seines Glückes Schmied; zu jeder Stunde*.

Jemand олмоши гапда эга ва тўлдирувчи вазифасида қўлланади:

Im Hof ist *jemand* (эга).

Gibst du *jemand* diese Bücher?

Jeder ва *jedermann* (*ҳар, ҳар бир, ҳар ким*) гумон олмошлари ҳозирги немис тилида анчагина эскирган формалардан ҳисобланади.

Jeder олмоши аниқ артикль каби турланади.

Jedermann олмоши эса фақатгина бирлик қаратқич келишигида -s келишиқ қўшимчасини олади: *Die Arbeit ist jedermanns Pflicht und Bedürfnis*.

Jeder олмошининг уч родда қўлланишини қуйидаги мисоллардан кўриш мумкин:

Jeder leiseste Ton war hörbar.

Jede Studentin muß deutsche Grammatik haben.

Jedes Zimmer muß in Ordnung sein.

Jeder олмоши от вазифасини ҳам бажариб келиши мумкин.
Бунда у фақат бирликда ишлатилади: Der versteht jeder.

Jeder олмоши ноаниқ артикль билан ҳам қўлланиши мумкин:
Das versteht jeder.

Ўзбек тилида *jeder* — ҳар, ҳар бир; *jedermann* — ҳар ким.
Белгилаш олмошлари ёрдамида ифода этилади, қиёсланг:

jede zehn Schritte — ҳар ўн қадам;

all und jeder — ҳамма ва ҳар бир.

Er war zu jedermann freundlich. — Унинг ҳар кимга бўлган муносабати дўстлик муносабатдан иборат эди.

Jeder олмошининг кўплиги йўқ; унинг кўплиги ўрнида *alle* олмоши қўлланади, қиёсланг: *Jedermann kennt ihn. Alle Welt kennt ihn. Das ist nicht jedermanns Sache. (Balerl.)*

Jedermannn гумон олмошининг кўплик формаси ўрнида ишлатиладиган *alle* сўзи ўзбек тилига ҳамма, бутун, барча, бари белгилаш олмоши ёрдамида ифода этилади:

Jedermann kennt ihn. — Уни ҳар ким билади. *Alle Welt kennt ihn.* — Уни бутун дунё билади.

Jedermann олмоши фақат от ўрнида қўлланади: *Sie war zu jedermann nicht freundlich.*

5) *Jemand* олмоши кимдир, бир кимса маъноларида қўлланади. У мужской ёки женский родга оид бўлган шахслар ҳақидаги фикрни англатиш учун хизмат қилади. Бу олмош ё кучли турланади ёки флексиясиз ўзгармаган ҳолда қолади:

Jemand, jemanden, jemand oder jemandem, jemand oder jemanden; Jemand klopft an der Tür, hat gerufen. Ich warte auf jemand, jemanden (Lenz). Ein gewisser Jemand möchte dich sprechen. (Tralow.)

Jemand олмоши гапда эга ва тўлдирувчи вазифасида қўлланади. Масалан: *Im Hof ist jemand (эга). Gibst du jemand diese Bücher? (тўлдирувчи).*

6) *Man* олмоши родга эга бўлмай, фақат бош келишида ишлатилади. *Man* гумон олмоши гапда эга вазифасида қўлланади ва ҳаракатни ижро этувчи шахсни ифода қиладиган *jemand* олмошига синоним бўлади. Қуйидаги мисолларда *man* эга вазифасида келган:

Man bittet dich ans Telefon. Man öffnet das Fenster. Man klopft an die Tür. Man sagt, das du krank seist, wärest (H. Mann). Man denkt heute anders darüber (Th. Mann).

Немис тилида *man* олмошидан кейин келган кесим доим учинчи шахс бирликда туради. Лекин у ўзбек тилида кўпликда ифода қилинади, қиёсланг:

Man baut — қурмоқдалар. *Man spricht* — гапирмоқдалар.

7) *Mancher (manche, manches)* (баъзи, баъзи бир) олмоши ноаниқ шахс ва предметлар сонини ифода этади. У ноаниқ артикль билан, ёки усиз сифат каби қўлланади. *Mancher* олмоши *dieser* кўрсатиш олмоши каби турланади. *Er hat schon in manchem schwie-*

7rigen Fall gehalten (*Droste — Hülsh*). Manche ungeklärte(n) Fragen blieben noch übrig (*M. Walser*). So wie, ganz равишлари бу олмош билан ишлатилганда олмошнинг маъносини кучайтирувчи аниқловчи сифатида қўлланади, масалан:

so *mancher* — *bimta эмас, балки кўн*: *Wie so mancher mußte das ausstehen.* — Буни қанча одамлар ўз бошларидан кечиришлари зарур бўлган эди. Бу олмошлар от ва сифат ўрнида келиб, кучли турланади.

БЎЛИШСИЗЛИК ОЛМОШИ

(NEGATIVPRONOMEN, VERNEINENDES FÜRWORD)

Ҳозирги немис тилида *kein(er)*, *niemand*, *nichts* сўзлари б ў л и ш с и з л и к о л м о ш л а р и бўлиб, улар инкор маъносини ифода этади.

Ўзбек тилида бўлишсизлик олмошлари ҳеч сўзининг сўроқ олмошларига қўшилишидан ҳосил бўлади: *ҳеч ким, ҳеч нима, ҳеч қандай, ҳеч қайси, ҳеч қанча, ҳеч нарса* ва б.

Ўзбек тилида ҳам бўлишсизлик олмошлари инкор маъносини билдиради.

Ўзбек тилидаги *ҳеч қанча* олмоши немис тилида йўқлиги сабабли, у *gar nicht*, *nicht im geringsten* равишлари ёрдамида ифода этилади: *niemand* ва *keiner* олмошларининг эквиваленти *ҳеч ким, nichts* олмоши ўрнига ўзбек тилида *ҳеч нима, ҳеч нарса* олмошлари ишлатилади, *kein(er)* олмоши ўрнида *ҳеч қандай, ҳеч ким* олмоши қўлланади.

Бўлишсизлик олмошларининг немис тилида қўлланиши қуйидагича: *niemand* — *ҳеч ким* маъносида қўлланади: *Niemand ruft sie an; Ich habe niemand bemerkt. Er war niemandes Freund. Wir haben niemand, niemanden gesehen (Kisch); nichts* — *ҳеч нарса* маъносида ишлатилади, — *nichts liegt hier; Ich kann dir nichts geben; Ich tue ihm nichts. Er will von ihm nichts wissen (lehnt ihn ab). Dabei haben wir uns nichts gedacht (A. Seghers); kein(er)* предмет тушунчасини инкор қилиш учун қўлланади; *Keine Stille herrschte dort; keiner von uns war da. Kein* от ўрнида қўлланиши мумкин. Қийёсланг:

Keiner wußte das. Keiner von uns war gestern frei.

Бундай ҳолатда *keiner* олмоши гапда эга ёки тўлдирувчи бўлиб келади, масалан: *Keiner von den Studenten fehlt heute (эга). Sag es keinem* (тўлдирувчи).

Niemand олмошига хос маъно ўзбек тилига *ҳеч ким, nichts* олмошига хос маъно эса *ҳеч нима, ҳеч нарса* олмошлари ёрдамида ифода этилади: *Er ist niemandes Feind* — *У ҳеч кимнинг душмани эмас;*

Hier liegt nichts. — Бу ерда *ҳеч нарса* йўқ.

Nichts олмоши гумон олмошига нисбатан антоним ҳисобланади. Иккала олмош ҳам ўзгармайдиган формага эга бўлиб, улар турланмайди.

Niemand олмоши эса *jemand* олмошига нисбатан антоним ҳисобланиб, у *jemand* олмоши каби турланади.

Niemand, nichts олмошлари гапда эга, тўлдирувчи ёки аниқловчи вазифасида қўллана олади.

Mir ist dort **niemand** bekannt. Ich kenne dort **niemand(en)**. Ich weiß **nichts** davon. **Nichts** Lebendes wird hier erblickt (*F. Schiller*).

Einer (eine, eines) олмоши *keiner* олмошига нисбатан антонимдир.

Kein олмоши *хеч ким, хеч қандай, хеч қайси* маъносини ҳам билдириб, предмет ва шахсларни инкор этиш учун қўлланади: Das ist **kein Auditorium**; das ist **keine Frage**. Бу олмош от ўрнида қўлланганда аниқ артиклдек турланади.

Бундай ҳолларда уни баъзан инкор артикли деб ҳам аталади. У отлар билан қўлланганда, ҳамма келишикларда тўла равишда олмош қўшимчаларига эга бўлади. Масалан:

Maskulinum	Femininum	Neutrum
kein Student	keine Studentin	kein Auditorium
keiner	keine	keines

Kein олмоши сифат ўрнида қўлланганда бирликда ноаниқ, кўликда эса аниқ артиклдек турланади:

Kasus	Singular			Plural
	Maskulinum	Femininum	Neutrum	m, f, n
N.	kein	keine	kein	keine
G.	keines	keiner	keines	keiner
D.	keinem	keiner	keinem	keinen
A.	keinen	keine	kein	keine

Ein ноаниқ артиклини *kein* олмоши инкор қилади.

*Kein*нинг маъносини янада кучайтириш мақсадида *kein* дан сўнг *einzig* сўзи келтирилади:

Kein einziger ist da geblieben.

Kein олмоши *ander* ва *dieser* олмошлари билан бирга қўлланиши ҳам мумкин:

Keiner will vom **anderen** etwas wissen бошқача айтганда: Diese oder **keine** will er.

Средний род формасидаги *kein(e)s* олмоши турли родда ишлатилиши мумкин:

Keines wagte, das Liche anzuzünden (*H. Stehr*).

Keines der Vierte steckt in dem Tiere (*J. W. Goethe*).

МУНОСАБАТ ОЛМОШИ

(RAZIPROKPRONOMEN, WECHSELBEZÜGLICHES FÜRWORD)

Немис тилидаги *einander* ва унинг турли предлоглар билан қўшилган *miteinander*, *zueinander*, *füreinander* каби ўзгармайдиган бирикмалар муносабат олмошига киради, масалан:

Diese Menschen haben **einander** seit langem gekannt.

Diese Frauen haben viele Jahre **miteinander** gelebt.

Die beiden blickten **einander** an.

Бу олмош иш-ҳаракатнинг бир-бирига бўлган муносабат характери англатади ва унга хос маъно ўзбек тилида бир-бирини, бир-бирига, бир-бири билан каби, такрорий сўзлар ёрдамида ифода этилади. Қиёсланг: *einander lieben* — бир-бирини севмоқ, *einander grüßen* — бир-бири билан кўришмоқ (саломлашмоқ).

Miteinander олмоши бир-бири билан, бир-биридан, бирга маъноларида қўлланади. Қиёсланг: *miteinander kämpfen* — бир-бири билан курашмоқ, *miteinander spielen* — бирга ўйнамоқ, *miteinander zufrieden sein* — бир-биридан мамнун бўлмоқ.

Füreinander олмоши бир-бири учун маъносида қўлланади, қиёсланг: *etwas füreinander tun* — бир-бири учун бирор нарса қилмоқ, *füreinander sorgen* — бир-бири учун ғамхўрлик қилмоқ.

Zueinander олмоши бир-бири билан маъносида ишлатилади, қиёсланг «*du*»:

«*du*» *zueinander sagen* — бир-бири билан «сен» деб гаплашмоқ.

ОЛМОШЛАРНИНГ КўП МАЪНОЛИК ВА ОМОНИМЛИК ХУСУСИЯТИГА ЭГАЛИГИ

(VIELDEUTIGKEIT UND HOMONYMIE DER PRONOMEN)

Немис тилида олмошлар кўп маънолик хусусиятига эга. Бунда *es* олмошининг қуйида кўрсатилган маъно турлари мисол бўла олади:

1) *es* кишилик олмоши (das Personalpronomen *es*). Das Buch ist offen, mach es zu.

2) *es* кўрсатиш олмоши (das Demonstrativpronomen *es*):

Erzähl mir darüber nicht, ich habe es (dies, das) schon gehört.

3) *es* коррелат (das Korrelat *es*) (коррелат — муносабатдош сўз, тушунча):

Es freut mich, Sie zu Last einzuladen.

4) *es* шахсиз олмоши (das unpersönliche Pronomen *es*):

Es blitzt. Es donnert. Es regnet. Es schneit.

5) *es* юклама (die Partikel *es*):

Es zwischern die Vögel:

Юқорида кўрсатилган *es* олмошининг беш туридан тўрттаси (1, 2, 4, 5) омоним ҳисобланади.

Сонлар предметнинг сон-саногини, миқдорини, шунингдек сон жихатдан бўлган тартиб белгисини билдирувчи сўз туркумидир. Масалан: *zwei Bücher, drei Bleistifte, das zweite Haus. беш студент, шкинчи хона, олтинчи уй.*

Сон саналадиган предмет билан бирга қўлланмаганда, яъни математик сон маъносида келганда у сон оти ҳисобланади. Бундай вақтда соннинг маъноси мавҳум характерга эга бўлади. Масалан: *drei, fünfzehn, ein Viertel* каби сонлар от билан бирга қўлланмаганда фақат сонларнинг номи ҳисобланади.

Немис тилида сонлар ўз маъносига кўра: саноқ сонлар (*die Kardinalzahlen — Grundzahlen*), тартиб сонлар (*die Ordinalzahlen — Ordnungszahlen*), каср сонлар (*die Bruchzahlen*), тақсим сонлар (*die Verteilungszahlen*), кўпайтирувчи сонлар (*die Vervielfältigungszahlen*) ва қайтарилувчи сонлар (*die Wiederholungszahlen*) га бўлинади.¹

Ўзбек тилида эса сонлар маъно ва грамматик жихатдан 7 хил бўлади: *саноқ сон, тартиб сон, доналик сон, жамловчи сон, чама сон, каср сон ва тақсим сон.*

1. Саноқ сонлар (*Grundzahlwörter oder Grundzahlen Kardinalia*) бир хилда бўлган предмет ёки воқеа-ҳодисанинг саногини, сонини ифода этиб: *қанча? нечта? (wieviel?)* сўроғига жавоб бўлиб келади: *zwei, drei, vier, Bücher.*

Немис тилида саноқ сонлар қуйидагича ясалади:

а) бирдан ўн иккигача (1—13) бўлган саноқ сонлар туб сонлардир: *eins, zwei, drei, vier, fünf, sechs, sieben, acht, neun, zehn, elf, zwölf.*

б) 13 дан 19 гача бўлган қўшма сонлар *zehn* сони олдида *drei, vier* каби сонларни қўшиш билан ясалади: *dreizehn, vierzehn, fünfzehn, sechzehn* (лекин *sechszehn* эмас), *siebzehn (siebenzehn* эмас), *achtzehn, neunzehn*. Қўшма сонлар доим қўшилиб ёзилади.

в) туб сонлар негизига - *zig* суффиксини қўшиш билан ясама сонлар ясалади. Лекин йигирма сонининг негизи -*zwan* (*zwei* эмас), ўттиз сонининг суффикси -*ßig* формасига эга, олтмиш ва етмиш (60—70) сонларининг негизи ҳам шундай: *zwanzig, dreißig, vierzig, fünfzig, sechzig (sechszig* эмас), *siebzig (siebenzig* эмас), *achtzig, neunzig*:

г) 21 дан бошлаб 99 гача ҳар ўнлик сонлари орасидаги сонларни ифода этишда олдин бирлик сон -*ein*, кейин иккинчи ўринда -*und* боғловчиси ва ниҳоят охирги ўринда ўнлик сони қўлланади: *einundzwanzig = 21, zweinundzwanzig = 22, dreiundzwanzig = 23, vierundzwanzig = 24*. Катта сонлар қуйидагича ифода этилади:

¹ О. Москальскаја, «Grammatik der deutschen Gegenwartssprache», Verlag «Hochschule», М., 1971.

1000 (*das*) *Tausend*, 5786 — *fünftausendsiebenhundertsechundachtzig*; *Миллион* — (*die*) *Million*; *Миллиард* — (*die*) *Milliard*.

Ўзбек тилида актив ишлатиладиган йигирма учта содда сон бўлиб, бошқа сонлар шу сонларнинг қўшилишидан ҳосил бўлади; *ноль, бир, икки, уч, тўрт, беш, олти, етти, саккиз, тўққиз, ўн, йигирма, ўттиз, қирқ, эллик, олтмиш, етмиш, саксон, тўқсон, юз, минг, миллион, миллиард*.

2. **Тартиб сонлар** (*Ordnungszahlwörter Ordinalia*) предметнинг санокдаги тартибини билдириб, санок сонлардан ясалади: Улар *нечанчи?* (*der wievielte?*) сўроғига жавоб бўлиб келади.

Немис тилида 2 дан 19 гача бўлган санок сонларига *-te* суффиксини, 20 дан юқори бўлган санок сонларга *-ste* суффиксини қўшиш билан тартиб сонлар ясалади, масалан: *der zweite, der vierte, der zwanzigste*.

Немис тилида тартиб сонлар турланиб, сифатлар каби қўлланади, яъни гапда аниқловчи ва кесим вазифасида келади. Одатда, тартиб сонлар асосан аниқ артикль билан ишлатилади ва сифатларнинг кучсиз турланишидек турланади: *der erste Mai, der siebzehnte Oktober, wer ist der erste?*

Drei санок сонидан ясалган *dritter* тартиб сони фонетик ўзгариш, яъни *ei* дифтонгини қисқа *i* унлига кўчиш ҳолатига эга: *drei — der dritte*. Тартиб сонлар қўш формага ҳам эга: *der siebente, der siebte*.

Немис тилида тартиб сонлардан кейин нуқта қўйилади. Нуқта тартиб сон белгисидир: *der 8. März, der 1. Mai, der 25. Parteitag*.

Тартиб сонлар оддан кейин келса нуқта қўйилмайди:

Kapitel 5, Band 2, Haus 3 — Kapitel fünf, Band zwei, Haus drei;

Шахс номларидан кейин рим рақами нуқта билан келса, ёзувда нуқта қўлланмай тартиб сони олдида аниқ артикль қўлланади;

Peter 1. — Peter der Erste; Heinrich IV. — Heinrich der Vierte; Katharina II. — Katharina die Zweite.

Ўзбек тилида тартиб сон предметнинг санокдаги тартибини билдиради. Тартиб сон унли товуш билан битган санок сонга *-нчи*, ундош билан битган сонга *-инчи* қўшимчасини қўшиш билан ҳосил бўлади. Тартиб сонлар арабча рақамлар билан ифодаланса, *-инчи, -нчи, қўшимчалари ёзилмай, рақамдан кейин чиқиқча қўйилади*. Агар бундай сонлар рим рақамлари билан ифодаланса, *чиқиқча ҳам қўйилмайди, аммо улар тартиб сон тарзида айтилади, масалан: 2- звено, II синф*.

Ўзбек тилида тартиб сон предметнинг санокдаги тартибини, сирасини билдиришдан ташқари, предмет сифатини, даражасини ҳам ифодалаши мумкин. Бундай ҳолларда кўпинча, биринчи, иккинчи, учинчи сонлари *нав, сорт, разряд* каби сўзлар билан бирликда қўлланади. Етиштирилган отбор, биринчи, иккинчи ва учинчи сорт пилланинг ҳар килограммига икки сўм, қорапачоқ пиллага эса бир сўм тўланади. («Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журнали.)

Составли сонларда **-инчи -ичи** тартиб сон аффикси энг охиригки ўзакка қўшилади: *бир минг тўққиз юз олтмиш учинчи йил, икки юз олтмиш бешинчи хона.*

3. **Қаср сонлар** (die Bruchzahlen) ҳар икки тилда ҳам бутуннинг бир бўлагини, улушини ифодалайди: *ein drei Viertel Kilo Brot; ein drei Zehntel der Summe; ўндан бир, бешдан икки, йигирмадан бир.*

Немис тилида 19 гача бўлган қаср сонлар саноқ сонларга **-tel**, 19 дан юқори бўлган сонларга **-stel** суффиксларини қўшиш билан ясалади, масалан: *Viertel, fünftel, zwanzigstel*; 1) *1 100 — ein Hundertstel, 5 400 — vier Hundertfünfstel*. Лекин $\frac{1}{2}$ *anderthalb* ва $\frac{1}{3}$ *ein Drittel* формалари қаср сонларининг махсус формаларидир. Бундай сонлар аралаш сон деб юритилади.

Ҳозирги ўзбек тилида қаср сон икки хил бўлади:

а) икки сондан биринчисини чиқиш келишиқ қўшимчаси **-дан** билан қўллаш орқали ҳосил қилинади: *ўндан бир, бешдан икки, ўндан бир каби;*

б) ўз ҳолича қасрни англатадиган сўз бўлади: *ярим, чорак, нимчорак.*

Бутун сон билан қаср сон биргаликда ишлатилса, аралаш сон бўлади: *бир ярим, икки бутун ўндан беш*. Аралаш сонлар ажратиб ёзилади.

4. **Тақсим сонлар** (die Verteilungszahlen) саноқ сонлар олдиға *je* равиши — саноқ сони — *ўрни* (*je Grundzahlwort — Substantiv*) келтириш йўли билан ясалади, масалан: *je zwei von ihnen wurden hereingeführt. Die beiden Söhne erhielten von ihm je fünf Mark: Hier Stengel hatte alles vergessen und befahl seiner Haushälterin, den Schülern Buddenbrook, Kröger und Giesecke je eine Tasse Kaffee zu verabreichen, worauf er die jungen Herren wieder entließ ... (Th. Mann).*

Ўзбек тилида тақсим сонлар миқдор сонға **-тадан** қўшимчасини қўшиш билан ясалади: *ўчтадан, ўнтадан* каби. Тақсим сон ўзбек тилида ҳам, немис тилидаги каби, предметларнинг тенг тақсим этилганини, группаланиш миқдорини кўрсатади. Мисол: *Ҳамма бўлимдаги сарбозлар милтиқларини елкаларига кўтардилар ва бошқа бир команда билан тўрттадан қатор бўлдилар (С. А.).*

Ўзбек тилида тақсим маъносини ифодалашда миқдор жиҳатдан бир хил сон жуфт ҳолда қўлланиши ҳам мумкин. Мисол: *бошлиқ ўз қўл остидаги навкарларни тўртта-тўрттадан бўлиб, қочоқ сарбозни қўлга олиш учун чўлга юборди (С. А.).*

Немис тилида тақсим сонлар бу типда қўлланиш хусусиятиға эға эмас.

5. **Кўпайтирувчи сонлар** (Vervielfältigung, Vervielfältigungszahlen).

Саноқ сонларға **-mal, -fach** ярим суффикс қўшиш билан кўпайтирувчи сонлар ясалади: *dreimal, zehnmal; zweifach, dreifach, zwanzigfach.*

Юқорида кўрсатилган сон турларидан ташқари сонлар қуйидаги кўринишга ҳам эга:

а) саноқ ва тартиб сонларининг **zu** предлоги билан қўлланишидан биргалик маъносини ифода этадиган равишларга яқин бўлган бирикмалар ясалади, масалан: *zu zwei — zu zweit* (иккита бўлиб, икковимиз), *zu drei — zu dritt, zu vier — zu viert, zu fünf — zu fünft*.

б) **-ens** суффикси ёрдамида тартиб сонлардан предметларни ҳисоблаб чиқиш ёки санаб чиқишда қўлланадиган тенг боғловчилар ясалади, масалан: *erstens* (биринчидан), *zweitens* (иккинчидан), *drittens, viertens, fünftens, sechstens*.

ein сонининг қўлланишида қуйидаги ҳолларни ҳисобга олини зарур:

1) Мужской роднинг бош келишиги ва средний роднинг бош ва тушум келишикларида *ein* аниқловчи сифатида қўлланиб келса, *einer* ва *eines* формалари ўрнига унинг қисқартирилган *ein* формаси ишлатилади ва бу формалар отнинг ноаниқ артикли билан ҳар хил бўлади. Масалан: *ein Schüler. Sie waren ein Herz und eine Seele.*

Агар *ein* ёлғиз ишлатилса, у вақтда унинг тўла формаси қўлланилади:

Das Ganze ist wichtig, einer ist nichts (Burte.) Nur einer kann den Vorsitz führen. Auch nicht einer der Burschen rührte sich. Eines schießt sich nicht für alle. (Goethe.)

2) *ein* нинг тўла формаси қаторида *eins* формаси ҳам қўлланади: *Eins tut not. Auf eins muß ich noch aufmerksam machen. eins — einig — яқдиллик ва gleichgültig — фарқи йўқ, барибир* маъноларида ҳам қўлланади: *Und doch war sein Geist zu jener Stunde ganz eins mit dem Geiste Englands (A. Scheffer). Es ist mir alles eins.*

Саноқ соннинг *ein(e)s* формаси қуйидаги ҳолларда қўлланади:

а) гапда шу соннинг ўзи ёлғиз ишлатилганда: *eins plus drei*;

б) қўшма сонлар охирида: *hundert (und) eins, tausendundeins*;

в) пайт маъносини (соат сўзисиз) ифода этганда: *um eins, gegen eins, halb eins.*

Einmal eins ist eins. Eins, zwei, drei! ... und als die Glocke schlug eins (Münchhausen); 2, 1 — zwei Komma eins деб ўқилади.

eins олдида *юз, минг* каби сонлар келганда ҳам у шу формада қўлланаверади: *hundert(und)eins, tausend(und)eins.*

Қўшма сонларда *ein* сони турланмайди: *einundzwanzig, einhundert, eintausend.*

3) Агар *ein* сони олдида катта сонлар ва улардан сўнг боғловчи *und* ишлатилса, у вақтда *ein* турланади: *Er hatte tausendundeinen Grund (Zschokke); hundertundeine Seite, ein Märchen aus Tausendundeiner Nacht.*

Отлар кўплик маънода ишлатилганда ҳам *ein* сони қўлланади, лекин бу ҳолатда *ein* турланмайди ва ўзгармайди. Бундан ташқари, бирликдаги катта сон билан *ein* ўртасида келган *und* боғловчиси

тушиб қолади: *mit hundert(und)ein Salutschüssen, mit tausend(und)-ein Weizenkörnern.*

4) *ein* сони каср сон ва *Uhr* оти олдида келганда ўзгармайди: *Ein Sechstel multipliziert mit ein Viertel. Wir treffen uns nach ein Uhr.*

5) *ein* одатда *oder, bis, und, zwei* ва *ander(e)* сўзлари билан боғланиб келганда турланмайди:

Gedulden sie sich noch ein bis zwei Tage. Du mußt noch ein oder zwei Wochen warten. Ein und dem andern kann man es schon sagen: ein «mehrere» сўзи билан бирга қўлланганда у ўзгаради: mit einer oder mehreren Nuten versehen; für einen oder mehrere Betriebe.

6) *derselbe ein* ва *und* сўзлари билан боғловчи сифатида қўлланса, у гапда маънони кучайтиради. Бу ҳолатда *ein* турланади: *Sie wohnen in ein(er) und derselben Stadt. Es ist ein(e) und dieselbe Größe. Sie schneiden mit ein (em) und demselben Messer.*

Немис тилида сонлар ёзувда битта сўз бўлиб ифода этилади: *135-hundertfünfunddreißig.* Саноқ сонлар асосан турланмайди. Булардан фақат *ein* турланади:

Hast du Hefte mit? — Nur eins.

Hast du Zeitungen mit? — Nur eine.

Hast du die beiden Romane gelesen? — Nur einen.

Ein саноқ сони каср сонлар билан қўлланганда, у турланмайди:

Ein Drittel von einhalb bleibt ein Sechstel.

Немис тилида саноқ сонлар тарихан турланадиган сўз туркумларидан ҳисобланган: *zweier, zweien; dreier, dreien.*

Лекин ҳозирги немис тилида кўрсатилган каби саноқ сонларининг эски турланиш формалари ўрнига кўпроқ предлогли саноқ сонлар қўлланмоқда: *zweier Männer* ўрнига — *von zwei Männern* каби.

Немис тилида баъзан сонлар қўш формага эга. Улар баъзан саноқ сон бўлиб келса, баъзан отлашиб келади:

hundert — das Hundert; tausend — das Tausend.

Саноқ сонлар гапда кўпинча математика фанида мустақил қўллана олади:

$3 + 4 = 7$ 3 plus und 4 ist (macht) 7

$12 - 4 = 8$ 12 minus weniger 4 ist (macht) 8

$6 \times 2 = 12$ 6 mal 2 ist (macht) 12

$20 : 4 = 5$ 20 dividiert (geteilt) durch 4 ist 5.

$3^2 = 9$ 3 hoch 2 ist 9 (3 zum Quadrat ist 9).

2,3 zwei Komma drei.

Саноқ сонлар пайт маъносини ифода этишда ҳам қўлланади: *Der Zug fährt 16. 15 von Berlin ab (sechzehn Uhr fünfzehn).*

Es ist Viertel nach acht (vor acht).

7) Қайтариловчи сонлар саноқ сонга *-mal* ярим суффиксини қўшиш йўли блан ясалади. У соннинг қайтарилиш маъносини ифода этади. Масалан: *einmal, zweimal, dreimal* и. а. Соннинг бу турининг ўрнини сон билан равиш ўртасида деб ҳисоблаш мумкин.

8) Кўп маъноли сонлар (Gattungszahlen) саноқ сонга -erlei ярим суффиксини қўшиш йўли билан ясалиб, у *тур, хил* маъносини ифода этади: *einer lei* — бир хил, *zwei er lei* — икки хил, *икки турдаги, dreier lei* — уч хил, *уч турдаги*. Бундай сонларнинг ўрнини сон билан сифат ёки сон билан равиш ўртасида деб ҳисоблаш мумкин.

9) Ноаниқ сонлар (Als unbestimmte Zahlwörter) *alle* (ҳамма), *vielerlei* (кўп), *einige, manche* (баъзи, баъзи бир), *beide* (иккалови) сўзлари билан ифода этилади.

Die Tabelle der Kardinal-, Vervielfältigungs-, Wiederholungs- und Gattungszahlen.

Kardinalzahl	Vervielfältigungs- zahl	Wiederholungs- zahl	Gattungszahl
zwei	zweifach	zweimal	zweierlei
drei	dreifach	dreimal	dreierlei
hundert	hundertfach	hundertmal	hunderterlei
viel	vielfach	vielmals	vielerlei
alle	—	allemaal	allerlei
manche	mannigfach	manchmal	mancherlei
mehrere	mehrfach	mehreremal	mehrerlei

СОНЛАРНИНГ ОТЛАШУВИ

(SUBSTANTIVIERUNG DER NUMERALIEN)

Немис ва ўзбек тилларида сонлар отлашади. Немис тилида отлашган сонлар бирлик, кўплик, келишик формантларига эга бўлади: *eine Million* бирлик, *hundertmillionen, Tausend und eine Nacht* — бош келишик, *aus Tausend und einer Nacht* — жўналиш келишиги.

Немис тилида отлашган сонлар отлар каби аниқ ва ноаниқ артикларга ҳам эга бўлади: *die Eins, die Zwei, die Drei; einhundert Menschen*, баъзан артикلسиз ҳам қўлланиши мумкин: *Hundert Menschen*.

Саноқ сонларга -er суффиксини қўшиш билан ҳам улар отга кўчиши мумкин: *die Einer, Lehrer, Hunderter*.

Немис тилида сонлар отлашганда асосан женский родга тегишли бўлади. Масалан: *eine Drei, eine Fünf* ва бошқалар.

Ўзбек тилида ҳам отлашган сонлар эгалик ва келишик қўшимчаларига эга бўла олади. Масалан: *Иккови бир-бирларига тикилиб қадди, юзда йилларнинг таъсирини очиқ кўрдилар (О.) Иккисига айна даражада муҳаббат қўйдим (Ойбек.)*

Немис ва ўзбек тилларида сонлар асосан аниқловчи ва кесим вазифасида келади: *Drei Städte, zwei Bücher, sie sind fünf; emni йигит, икки шаҳар*; яхшилигимни унутмасин, *сўз битма (Ойбек)*. Москвада соат икки, Тошкентда — беш (*Парда Турсун.*) Отлашганда эса сонлар эга вазифасида кела олади: *Drei ist eine ungerade*

Zahl. Die Ersten werden die Letzten sein; иккалалари ораларидан қил ўтмайдиған дўст эдилар.

Немис тилида сонлар гапда от кесим составида предикатив бўлиб келади, масалан: Das ist fünf. Das ist neun. Бу мисолдаги *ist fünf, ist neun* от кесимлари ҳисобланиб, унинг составидаги *fünf, neun* саноқ сонлари предикатив вазифасида келган.

ФЕЪЛ

(DAS VERB, DAS ZEITWORT, DAS TÄTIGKEITSWORT)

Феъллар предметнинг ҳаракат ёки ҳолатни билдирувчи сўзлардир. Грамматикада ҳаракат тушунчаси жуда кенг маънога эга бўлиб, *schlafen* (ухламоқ), *liegen* (ётмоқ), *stehen* (турмоқ) каби феъллар ифодалайдиған ҳолатларни; *sich fürchten* (қўрқмоқ), *zusammensucken* (чўчимоқ), *sich begeistern* (эвқланимоқ) каби феъллар билдирадиган ҳис-туйғуларни, *aufblühen* (гулламоқ), *wachsen* (ўсмоқ) каби феъллар билдирадиган биологик процессларни ва шу каби ҳодисаларни ўз ичига олади. Буларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятига эга бўлиши билан бирга уларнинг ҳаммаси учун умумий бўлган томони ҳам бор.

ФЕЪЛЛАРНИНГ СЕМАНТИК, СИНТАКТИК ВА МОРФОЛОГИК КЛАССИФИКАЦИЯСИ

(DIE SEMANTISCHE, SYNTAKTISCHE UND MORPHOLOGISCHE KLASSIFIKATION DER VERBEN)

Немис тилида феъллар англатган маъноларига кўра (семантик нуқтаи назардан) қуйидаги турларга бўлинади: 1) мустақил феъллар (die Vollverben); 2) модал феъллар (die Modalverben); 3) боғлама феъллар (die kopulativen Verben); 4) ёрдамчи феъллар (die Hilfsverben).

1. Мустақил феълларга бирор ҳаракатни ифода этадиган (*laufen, gehen, fahren*), бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш процессини ифода этадиган (*sich erkälten, erkranken*) ва бирор ҳолатни ифода этадиган (*ruhen, schlafen, liegen*) феъллар киради.

2) Модал феъллар *sollen, wollen, müssen, können, dürfen, mögen, lassen* феълларидан ташкил топиб, маъно жиҳатидан асосий мустақил феъллардан кескин фарқ қилади. Модал феъллар фақат сўзловчининг воқеликка бўлган муносабатинигина англатиб қолмай, балки гапдаги эганинг ҳаракат ёки ҳолатга бўлган муносабатини ҳам ифодалайди:

«Sie können sich setzen» sagte der Vorsitzende und blickte in den Saal». (L. Frank.)

3) *sein, werden, bleiben, heißen, scheinen* каби феъллар гапда боғлама (Копула) сифатида қўлланиб, предикативни эга билан боғлаш учун хизмат қилади.

4) Ёрдамчи феълларга *haben, sein* ва *werden* феъллари киради. Ёрдамчи феъллар ўз лексик маъноларини йўқотиб, феълларнинг аналитик формаларини ясовчи элементларга айланган: *Er hat gewartet. Sie ist gekommen. Er wird gerufen.*

Бу ёрдамчи феъллар мустақил феъллардан келиб чиққанлиги учун ҳозирда улар билан бир хил кўринишга эга.

Haben, sein ва *werden* ёрдамчи феълларнинг асосий вазифаси феълларнинг аналитик формаларини ясашдан иборат бўлса-да, лекин улар баъзан мустақил маънода ҳам қўлланади.

Қуйидаги мисоллардаги феълларни ёрдамчи ва мустақил маънода қўлланганлигини қиёсланг:

Ich habe dieses Buch (haben — мустақил феъл сифатида);

Ich habe dieses Buch schon gelesen — (haben ёрдамчи феъл сифатида);

Er ist Student (sein от кесимнинг бир қисми); *Er ist verreist (sein — ёрдамчи феъл сифатида); Es wird kalt (werden — мустақил маънода) — Er wird diesen Artikel übersetzen (werden — ёрдамчи феъл сифатида).*

Ўзбек тилида мустақил ва ёрдамчи феъл турлари бор. Мустақил феъллар гапнинг бирор бўлаги вазифасида қўллана олади. Масалан: *ишламоқ, бормоқ, келмоқ, ўқимоқ, кетмоқ.*

Немис тилидаги каби турли грамматик, модал маъноларни ифодалашда ва шунингдек боғлама вазифасида қўлланувчи ўзбек тилидаги ёрдамчи феъллар қуйидагилардир:

1) Феълларга бирикиб турли маъноларни ифодалайдиган, аналитик форма ҳосил қилувчи ёрдамчи (кўмакчи) феъллар; 2) от кесим составида қўлланиб, боғлама вазифасини бажарувчи ёрдамчи феъллар; 3) феълнинг турли грамматик ва модал маъно ифодаловчи формаларини ясайдиган тўлиқсиз феъллар.

Ҳозирги замон ўзбек тилида қўшма феъл (аналитик форма) таркибида кўмакчи феъл вазифасида қўлланадиган ўттизга яқин феъл бор. Улар қуйидагилар: *юрмоқ, турмоқ, ўтирмақ, ётмоқ, олмоқ, бермоқ, келмоқ, кетмоқ, бўлмоқ, демоқ, бошламоқ, қолмоқ, қўймоқ, юбормоқ, тушмоқ, чиқмоқ, ташламоқ, ўтмоқ, кўрмоқ, қарамоқ, боқмоқ, ёзмоқ, бормоқ, билмоқ, солмоқ, ётмоқ, битмоқ, тугамоқ, ўлмоқ ва бошқалар.*

Бу кўмакчи феълларни маъно ва вазифаларига кўра қуйидаги гурппага ажратиш мумкин:

1) Ҳаракат процессини билдирувчи кўмакчи феъллар.

2) Модал маъноларни ифодаловчи кўмакчи феъллар.

1. Ҳаракат процессини билдирувчи кўмакчи феъллар маъно ва вазифаларига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

а) ҳаракатнинг бошланғич фазасини билдирувчи кўмакчи феъллар;

б) ҳаракатнинг бажарилиш фазасини билдирувчи кўмакчи феъллар;

в) ҳаракатнинг тўла (тугал) бажарилиш фазасини билдирувчи кўмакчи феъллар;

г) ҳаракатнинг юқори фазасини (интенсив фазасини) билдирувчи кўмакчи феъллар.

а) Ҳ а р а к а т н и н г б о ш л а н ғ и ч ф а з а с и н и б и л д и р у в ч и к ў м а к ч и ф е ъ л л а р б о ш л а , к е л кабилардир.

Бошла кўмакчи феъли юра бошлади, ўқий бошлади, ишлай бошлади каби, ҳаракатнинг бошланиши, субъектнинг ҳаракатни бажаришга киришиш маъносини билдиради.

Кел кўмакчи феъли баъзи феъллар билан бириккандагина ҳаракатнинг бошланғич фазаси юзага келаётганини билдиради: *пишиб келяпти, гуллаб келяпти, ўрганиб келяпти, қоронғилашиб келяпти.*

Кет кўмакчи феъли баъзи феъллар билан бирикканда ҳаракатнинг бошланғич фазасини билдиради: *мақтай кетди, гапириб кетди, суриштириб кетди, ишлаб кетди.*¹

Ўзбек тилидаги ҳаракатнинг бошланғич фазасини кўрсатувчи феълларнинг маъноси немис тилига икки асосий феъл ёрдамида ифода этилади. Булардан биттаси, яъни *beginnen* — *бошламоқ, бошла, кел* каби феълларнинг маъносини ифода этишда қўлланаверади. Иккинчи феълнинг қандай бўлиши ўзбек тили етакчи феълига боғлиқдир. Ўзбек тили кўмакчи феълларига хос маъно немис тилида ифодаланганда, ҳар икки тилдаги грамматик форма турлича бўлади. Чунончи, ўзбек тилида етакчи феъл равишдош формасида бўлиб, кўмакчи феъл тусланса, немис тилида, ўзбек тили кўмакчи феъли ўрнида ишлатиладиган *beginnen* феъли тусланиб, иккинчи асосий феъл *zu* юкламаси инфинитив формасида ифода этилади, қиёсланг: *У гапира бошлади* — *er begann zu sprechen; ишлай бошлади* — *er begann zu arbeiten; қоронғилашиб келяпти* — *es beginnt zu dunkeln; гуллаб келяпти* — *es beginnt zu blühen; гапира кетди* — *er begann zu sprechen; ўйнай кетди* — *sie begann zu tanzen.*

б) Ҳ а р а к а т н и н г б а ж а р и л и ш и д а г и ф а з а с и н и к ў р с а т у в ч и к ў м а к ч и ф е ъ л л а р г а *ёт, тур, юр, бор, кел, бер, (вер)* кўмакчи феъллари киради. Бу кўмакчи феъллар субъектнинг ҳаракат—ҳолатни бажариши ва бажаришда давом этишини билдиради.

Немис тилида *ёт, тур, юр, ўтир* каби кўмакчи феълларга мос келадиган ёрдамчи феъллар йўқ. Шунинг учун бу кўмакчилар маъносига яқин бўлган маънони ифодаланишида немис тилида феъл олдида равиш, сифат каби сўз туркумлари келади, масалан: *ишлаб ётмоқ* — *viel (immer) arbeiten; ишлаб юрмоқ* — *arbeiten (nicht an einer Stelle); ишлаб турмоқ* — *arbeiten (heute, zeitlich).*

Бор ва *кел* кўмакчи феъллари субъектнинг ҳаракат — ҳолатни бажариш процесси билан бирга, шу ҳаракат — ҳолатнинг бошланиш ва тугаш пунктларига муносабатини ҳам ифодалайди, яъни

¹ А. Ҳожиев. Феъл, ЎзССР «Фан» нашриёти, Тошкент, 1973, 18 — 27-бетлар.

ҳаракатнинг йўналиш бошланган ва йўналиш қаратилган пунктлар бўйлаб давом этганини билдиради: *тарбиялаб бормоқ, тарбиялаб келмоқ*.

Бор ва *кел* кўмакчи феълларига мос маъно немис тилида феъл олдидан равиш келтириш йўли билан ифодаланиши мумкин, қиёсланг: *тарбия қилмоқ — erziehen, aufziehen; тарбиялаб бормоқ (келмоқ) — immer erziehen*.

Бер (*вер*) кўмакчи феъли равишдошнинг -а, -й аффикси билан ясалган формасига бирикканда, субъектнинг ҳаракатни бажариш процессида бўлиши маъносини (давомлилиқ маъносини) билдиради.

в) Ҳаракатнинг тўла бажарилиши фазасини кўрсатувчи кўмакчи феъллар группасига *бўл, бит, битир, чиқ, ёт, ўт, ол, қўй, кет, юбор, сол, туш* каби кўмакчи феъллар киради. Булар ичида энг кўп қўлланувчиси *бўл* кўмакчи феълдир.

Ҳаракатнинг тўла бажарилиш фазасини кўрсатувчи *ёт, ўт, ол, бер, қўй, кет, юбор, сол, туш, чиқ* кўмакчи феълларининг ҳар бири ўзига хос маъно нозикликлари билан бир-бирдан фарқланади. Шунинг учун кўп ҳолларда уларнинг бири ўрнида иккинчисини қўллаб бўлмайди. Қўйидаги мисолларга эътибор беринг: *мевалар пишиб етди; номларини кўрсатиб ўтди; кўчириб олди, билиб олди, ўқиб берди, ёзиб берди, ёмғир уриб берди; синдириб қўйди, тайинлаб қўйди; қичқириб юборди, қулиб юборди, тўқиб солди, узилиб тушди, гулдай сўлиб тушди; йиғлаб чиқди, ўйлаб чиқди, юриб чиқди, ўқиб чиқди*.

Ҳаракатнинг тўла бажарилиши фазасини кўрсатувчи кўмакчи феълларга хос маъно немис тилида феъл билан бошқа сўз туркумига оид сўзни қўллаш ёрдамида ифода этилади, қиёсланг: *еб битирмоқ — bis zu Ende essen, чойингни ичиб қўй — trinke deinen Tee aus*.

г) Ҳаракатнинг юқори фазасини (интенсив фазасини) кўрсатувчи кўмакчи феъллар группасига *кет, юбор, ташила* каби кўмакчи феъллар киради: *семириб кетди, семиртириб юборди; чарчатиб юборди*.

Юқорида берилган мисоллар асосий ва кўмакчи феъллардан иборат бўлиб, қўшма феъл формасини ясади.

Немис тилида бундай қўшма феълларнинг маъноси ёлғиз феъл маъноси билан ифода этилади. Масалан:

сотиб олмоқ — kaufen
олиб келмоқ — bringen
ушлаб олмоқ — fangen ва б.

2. Модал маъноларни ифодаловчи кўмакчи феъллар. Кўмакчи феълларнинг маълум бир группаси сўзловчининг ҳаракатга бўлган турли муносабатини кўрсатувчи маъноларни, яъни модал маъноларни ифодалайди.

Ол кўмакчи феъли равишдошнинг -а, -й аффикслари орқали ясалган турига бирикиб, ҳаракатни бажаришга қодирлик маъносини ифодалайди: *қила олади, ёза олади, ўқий олади*.

Ол кўмакчи феълига хос маъно немис тилида *können* модал феъли ёрдамида ифодаланган:

У ёза олади — *er kann schreiben*; у ўқий олади — *er kann lesen*.
Сен куйлай оласан — *du kannst singen*.

Бил кўмакчи феъли -а, -й формантлари билан ясалган равишдошга қўшилади ва имкон, қодирлик маъносини ифодалаш учун хизмат қилади: *кела билади, бора билмайди, ўқий билади* каби. Бу кўмакчи феълга хос маънони ҳам немис тилида: *können* модал феъли ёрдамида ифода қилиш мумкин: *У ишлай билади — Er kann arbeiten*; *сен ёза биласан — du kannst schreiben*.

Бўл кўмакчи феъли ҳаракатнинг бажарилиши учун объектив имкониятнинг мавжудлиги (мумкинликни) ни билдиради: *ўқиб бўлади (ўқиши мумкин), ўтиб бўлади (ўтиши мумкин), ўтиши имконияти (бор)*.

Бўл кўмакчи феълига хос маъно немис тилида *man kann* (мумкин) ибораси ёрдамида ифода этилади. Қиёсланг:

ўқиб бўлади — man kann lesen; эшитиб бўлади — *man kann hören*; келтириб бўлади — *man kann bringen*; ҳисоблаб бўлади — *man kann zahlen*.

Қол кўмакчи феъли равишдошнинг -(и)б аффикси билан ясалган турига бирикканда уч хил модал маънони ифодалайди:

а) Ҳаракатнинг тасодифан, кутилмаганда юз бериши маъносини билдиради: қандай қилиб бу ҳам қўлингга тушиб қолди? (*Ойбек*.) *Қол кўмакчи феълининг бу маъноси немис тилида асссий феъл ва plötzlich (бирдан, тасодифан) равиши ёрдамида ифода этилади, қиёсланг: кўриб қолди — plötzlich sah er; келиб қолди — plötzlich kam er an; кетиб қолди — plötzlich ging er fort.*

б) Ҳаракатнинг тезлиги билан, бирдан бажарилиши ифодаланган. *Қол кўмакчи феълининг бу модал маъноси немис тилида «in einem Augenblick — «бирпасда» ибораси ёрдамида ифода этилади. Масалан: Мени кўрди шекилли, бирпасда йўқ бўлди-қолди. (С. Анорбоев.) — Vielleicht hat er mich gesehen, er ist in einem Augenblick verschwunden.*

в) Ҳаракатни бажариш учун имкон берувчи шароит ўткинчи (ганимат) шароит эканлигини билдиради: Юр тезроқ, вагондан жой олиб қолайлик. (*З. Фатхуллин*.)

Немис тилида *wollen* (хоҳламоқ, истамоқ) модал феъли ёрдамида қол кўмакчи феълининг шу маъносига яқин маъно ифодалангани мумкин: Юр тезроқ, вагондан жой олиб қолайлик — *Komm schneller, wollen wir doch im Wagen einen Platz besetzen.*

Қўй кўмакчи феъли ҳаракатнинг хоҳиш — ихтиёридан ташқари юз бериши маъносини билдиради: Мени кечиринг, Эъзозхон, кўнглингизга озор бериб қўйдим. (Ҳ. Фулом.)

Немис тилида *schon* равиши ёрдамида *қўй кўмакчи феълининг маъносига яқин бўлган маъно ифода этилади, қиёсланг: У айтиб қўйди. — Er hat schon gesagt.*

Бола стаканни синдириб қўйди. — *Das Kind hat schon das Glas zerbrochen.*

Бер (*вер*) кўмакчи феъли равишдошнинг -а, -й аффикслари билан ясалган турига бирикканда, ҳаракатнинг тўсиқсиз, монеликсиз бажарилиши ҳаракатнинг бажарилиши учун тўсиқ, монеликнинг йўқлиги каби модал маъноларни билдиради: *еверади, кетаверади, беравер, олаверди*.

Немис тилида ҳозирги — келаси замон (*Präsens*) феълнинг такрорланиши ва *und* (*ва*) боғловчисини қўллаш йўли билан *бер* кўмакчи феъли маъносига яқин маъно ифода этилади, қиёсланг: *erzählt und erzählt* — *ҳикоя қила беради, läuft und läuft* — *чопа беради*.

Ҳозирги замон ўзбек тилида боғлама вазифасида қўлланувчи феъллар қаторига асосан *қил, бўл* ёрдамчи феъллари киради: *ўқитувчи қилиб тайёрладик, ўқитувчи бўлмоқ*. Боғлама вазифасида қўлланадиган *қил* феъли немис тилига *machen* (*қилмоқ*), *ausbilden* (*тайёрламоқ*) ёки *werden* каби феъллар ёрдамида берилади: *ўқитувчи қилиб тайёрламоқ — als Lehrer ausbilden; ўқитувчи бўлмоқ — Lehrer werden* каби.

Феълларнинг синтактик классификацияси

(Die syntaktische Klassifikation der Verben)

Феъллар синтактик жиҳатдан **шахсли** ва **шахсиз** (*Persönliche und unpersönliche Verben*), **субъект** ва **объект** (*subjektive und objektive Verben*) феъллар, **ўтимли** (*transitive*) ва **ўтимсиз** (*intransitive*) феъллар турига бўлинади.

Шахсли ва шахсиз феъллар

(Die persönlichen und unpersönlichen Verben)

Шахсли феъллар ҳаракатнинг бирор предмет ёки шахсга ёки ҳаракат, ҳолат эгасига қўлланганлигини ифода этади: *sprechen, sich bewegen, leben, arbeiten, sich entwickeln, wachsen* ва б. Шахсли феъллар ҳар учала шахсда қўлланади.

Шахсиз феъллар ҳаракатнинг бирор предмет ёки шахс томонидан бажарилишини билдирмайди. Бу феълларда ҳаракат бажарувчи шахс шахсли феъллардагидек маълум ва аниқ бўлмайди. Шахсиз феъллар табиатда юз берадиган воқеа-ҳодисаларни ифодалайди. Шахсиз феъллар фақат III шахс бирликда қўлланиб, *es* шахсиз олмоши билан ишлатилади: *es regnet, es dunkelt, es zieht, es schneit, es blitzt, es donnert* в. б. Буларнинг қўлланиши гапнинг махсус структураси ва эганинг махсус тури билан боғлиқдир.

Ўзбек тилида ҳам шахсли феъллар мавжуд бўлиб, улар ҳам ҳаракатнинг бирор предмет ёки шахсга ёки ҳаракат-ҳолат эгасига йўлланганлигини ифода этади, қиёсланг:

sprechen — *гаплашмоқ, sich bewegen* — *ҳаракат қилмоқ, leben* — *яшамоқ, arbeiten* — *ишламоқ, wachsen* — *ўсмоқ*.

Шахсиз феъллар ўзбек тилида ҳам бор. Лекин у немис тилига қараганда бошқачароқ ифода этилади, яъни у мажҳул нисбатда ифода этилади (*ювилди, таралди, кўрилди*).

Субъект феъллар (*arbeiten, fliegen, kommen, gehen*) фақат субъект (эга) ҳолатини ифода этадиган ва тўлдирувчини талаб қилмайдиган феъллардир: *ich komme, du kommst, er (sie, es) kommt.*

Объект феъллар (*lesen, schreiben, rufen, trinken, essen*) ҳаракатнинг бирор шахсга ёки предметга қаратилганлигини ифода этиб, ўзидан кейин тўлдирувчи талаб қиладиган феъллардир: *Ich schreibe einen Brief. Du liest ein Buch.*

Феълнинг ўзидан кейин келган тўлдирувчини қайси келишикда туришини талаб қилишига ёки бошқаришига кўра тўлдирувчи воситасиз тўлдирувчи ва воситали тўлдирувчи (*direktes Objekt und Indirektes Objekt*) га бўлинади.

Тушум келишиги ёрдамида ифода этиладиган тўлдирувчи воситасиз тўлдирувчи дейилади: *Ich lese einen Roman.*

Қаратқич ва жўналиш келишиги ёрдамида ифода этиладиган тўлдирувчи воситали тўлдирувчи дейилади. Масалан: *Ich helfe meinem Freund bei der Arbeit.*

Ўзидан кейин тўлдирувчини фақат тушум келишигида талаб қилувчи феъллар ўтимли феъллар (*transitive Verben*) деб юритилади: *rufen, nehmen, lesen, tragen.*

Бу хусусиятга эга бўлмаган бошқа феъллар ўтимсиз (*intransitive Verben*) феъллар деб юритилади: *fahren, gehen, kommen, liegen, spazieren, ruhen.*

Баъзи феъллар ҳам объект, ҳам субъект феъллари сифатида қўлланиши мумкин. Бу эса феълдан кейин тўлдирувчининг қўлланиши ёки қўлланмаслигига боғлиқдир. Масалан:

Ich rauche — Ich rauche eine Zigarette.

Er wartet schon lange — Er wartet auf die Straßenbahn.

-an, -be, -er префиксли феъллар ўтимли феъллар ҳисобланиб, улар префиксиз ўтимсиз феъл саналади. Қуйидаги ўтимли феъллар кўрсатилган ўтимсиз феъллардан ясалган:

Ўтимсиз феъллар

Ўтимли феъллар

(intransitive Verben)

(transitive Verben)

lassen

anlassen

legen

anlegen

lernen

anlernen

kämpfen

bekämpfen

kleiden

bekleiden

arbeiten

erarbeiten

blicken

erblicken

denken

erdenken

Кўрсатилган префикслар ўтимсиз феълларнинг ўтимли феълларга айлантиришда бирдан-бир грамматик восита бўлиб ҳисоб-

ланмайди, чунки феъллар бу префикслар билан қўлланганда янги маънони ифода этади: *schreiben* — ёзмоқ, *beschreiben* — тасвирлаб ёзмоқ.

Баъзан феъллар тўлдирувчи билан ёки усиз қўлланишга кўра уз маъноларини ўзгартади:

Die Schwester kocht die Kohlsuppe. — Опам боршч пиширмақда.

Die Milch kocht. — Сут қайнамоқда.

Ҳозирги замон ўзбек тилида ҳам субъект ва объект феъллар мавжуд, аммо улар немис тилидагидек, ўзбек тили грамматикаларида ҳозирча бундай турларга бўлиб кўрсатилмаган, холос. Масалан: *бормоқ, турмоқ, ётмоқ, чопмоқ, яшамоқ, уйғонмоқ* каби феъллар субъект феъллари ҳисобланса, *кутмоқ, ёзмоқ, чақирмоқ, ўқимоқ* каби феъллар объект феъллари дидир.

Немис тилида тузилишига кўра феъллар содда, ясама ва қўшма феълларга бўлинади:

1. Содда феъллар (*einfache oder Stammverben*). Содда феъллар биргина ўзакдан иборат бўлиб, феълнинг негизига *-en* суффиксини қўшиш орқали ясалади: *arbeit-en, les-en, geb-en, reit-en* ва б.

2. Ясама феъллар (*abgeleitete Verben*). Немис тилида ясама феъллар аффиксация (префикс ва суффикс) йўли билан ёки аффиксиз ясалади.

Феъл ясовчи префикслар икки турга бўлинади: 1) ажралладиган префикслар ва 2) ажралмайдиган префикслар.

Феълларнинг ажралмайдиган префиксларига (*die untrennbaren Vorsilben*) қуйидагилар киради: *be-, ge-, er-, ver-, zer-, ent-, emp-, miß-* (*bekommen, gelingen, erzählen, verstehen, zerstören, empfangen, entsprechen, mißlingen*). Бу префиксларнинг *ge-* ва *emp-* дан бошқалари ҳозирги немис тилида маҳсулдор префикслардан ҳисобланади. Ажралмайдиган префикслар урғуга эга эмас: *beschreiben*.

Феълларнинг ажралладиган префиксларига (*die trennbaren Vorsilben*) қуйидагилар киради: *ab-, an-, auf-, aus-, bei-, ein-, mit-, nach-, vor-,* (*ablegen, anziehen, aufstehen, ausgehen, bewohnen, einsteigen, mitbringen, nachdenken, vorlesen, zu machen*). Ажралладиган префикслар урғуга эга бўлади.

Durch-, über-, unter-, um-, wider- префикслари ҳам ажралладиган, ҳам ажралмайдиган характерга эга. Қиёсланг: *'übersetzen* — қирғоқдан қирғоққа ўтказмоқ; *über'setzen* — таржима қилмоқ.

Бу олд қўшимчалар урғу олгандагина феълдан ажралади, урғу алмашганда ажралмайди.

Немис тилида *-ier* суффикси маҳсулдор суффикслардан ҳисобланади: *studieren, marschieren, deklinieren, konjugieren, korrigieren* ва б. Қуйидаги суффикслар сон жиҳатдан у қадар кўп бўлмаган феъллар ясаиди: *-el: lächeln, frösteln; -er eltern los, fol-*

gern; s(sch): grinsen, herrschen, -z: schluchzen; -ig: reinigen, besichtigen.

Баъзи ясама феъллар ҳам префикс, ҳам суффикс ёрдамида ясалади: *befriedigen, verteidigen* каби.

Аффиксиз ясаладиган баъзи феълларнинг негизи (унли) умлаут қабул қилади: *kürzen, wärmen*.

Ҳозирги ўзбек тилида қуйидаги аффикслар ёрдамида феъллар ясалади:

-ла аффикси. Бу аффикс феъл ясовчилар ичида энг маҳсулдор бўлиб, феълдан бошқа барча туркумга оид сўзлардан феъл ясай олади. Унинг ёрдамида отлардан ясалган феъллар асосан, қуйидаги умумий маъноларни билдиради:

а) ўзак — негиздан англашилган нарса-предмет билан таъминлаш, шу предметга эга қилиш маъносини билдиради: *ўғитла, мойла, бетонла* каби; б) асбоб-қуролни билдирувчи отларга қўшилганда шу асбоб билан бажариладиган ишни қилиш маъносини билдиради: *рандала, қайчила, аррала, зеговла* каби; в) ўзак-негиздан англашилган нарса-предметни юзага келтириш (пайдо қилиш) маъносини билдиради: *уруғла, шонала* каби.

Сифат ва равишлардан -ла аффикси ёрдамида ясалган феълларда ўзак-негиздан англашилган тусга, ҳолатга эга қилиш, шу ҳолатни олиш ифодаланади: *тикла, текисла, тозала* каби.

Тақлид сўзлардан -ла аффикси ёрдамида ясалган феълларда тақлид сўз билдирган товуш ёки бирор ҳолатнинг юз бериши ифодаланади, яъни бундай феълларнинг маъноси асосан, тақлид сўз ва «этмоқ» сўзининг маънолари йиғиндисига тўғри келади: *шитирламоқ (шитир этмоқ), гумбурламоқ (гумбур этмоқ)* каби.

-илла аффикси. Бу аффикс маълум бир товушга тақлид билдирилган сўзларга қўшилиб, ўша товушга хос бўлган феъл ясайди: *чирқилла, пиқилла, гувилла, шувилла* ва б.

-ира аффикси. Бу аффикс ҳам ярқ, ялт, йилт каби сўзларга қўшилиб, шу сўзлар англатган маъноли феъллар ясайди: *ярқирамоқ, милтирамоқ* каби: Уларнинг ҳар бир деталигача *ярқираб* туриши шарт. (*Ж. Абдуллахонов.*)

-а аффикси. Бу аффикс от, сифат ва тақлид сўзлардан уларга тааллуқли иш-ҳаракатни англаувчи феъллар ясайди: *ўйна (ўйин-а)’, шилдира (жилдир-а)* ва б.

-й (ай) аффикси. Бу аффикс санокли даражадаги сифат ва равишлардан феъл ясайди. Унли билан тугаган сўзларга -й, ундош билан тугаган сўзларга -ай қўшилади: *пасай (паст-ай), қорай, торай, кўнай, озай* каби (отлардан ясалиши фақат куч сўзида учрайди: *кучай*). -(а)й аффикси ёрдамида ясалган феълларда унинг асоси (сифат ва равиш) билдирган белги — ҳолатга ўтиш маъноси ифодаланади; *қора — қорай, кўп — кўнай*.

-р(-ар) аффикси. Бу аффикс айрим сифатларгагина қўшилиб, сифатдан англашилган тусга ёки ҳолатга кириш маъносини билдирувчи феъллар ясайди: *оқар, кўкар, қисқар, эскир* каби.

-сира, -са аффикси. Бу аффикс баъзи отлар ва *сен, сиз* оллоҳиларидан феъл ясайди. Отлардан ясалган феълларда ўзак негиздан англашилган нарса — предметга эҳтиёж, шуни исташ, унга мойнлик ифодаланади: *сувсира, сувса, тузсирамоқ* ва б. *Сен* ва *сиз* оллоҳиларидан ясалган феълларда эса *сен* ёки *сиз* деб гапириш ифодаланади: *сенсираб гапирмоқ, сизсирамоқ*.

-(и)к, -(и)қ аффикси. Саноқли сўзлардангина феъл ясайди: *бирикмоқ, кечикмоқ, зўриқмоқ*. -й аффикси, уч-тўртта сўзлардангина феъл ясайди: *олаймоқ, қораймоқ* каби.

Ҳозирги ўзбек тилида кўпгина феъллар борки, уларни морфемаларга ажратиш мумкин. Лекин булар таркибидаги аффикс фақат шу биргина феъл ёки иккита феълдагина учрайди. Шу сабабли бу аффиксларни тўла маънода феъл ясовчилар қаторига киритмаса ҳам бўлади: *бошқармоқ, ғивирсимок, йўқолмоқ, гарангсиромок* ва б.

3. Қўшма феъллар (Die zusammengesetzten Verben) икки ёки ундан ортиқ сўздан ясалган бўлади.

Ҳозирги немис тилида қўшма феълларнинг сони жуда чегараланган. Асосий феъл иштирокида келган қўшма феъллар компонент характерига кўра тубандаги турлардан иборат.

а) биринчи компоненти от негиздан (von einem Substantivstamm) иборат бўлади: *teilnehmen, stattfinden* каби.

Немис тилида қўшма феълнинг от негиздан ясалган биринчи компоненти мустақил қўлланганда, одатдагидек, бош ҳарф билан, қўшма феъл составида эса кичик ҳарф билан ёзилади, қиёсланг: *teilnehmen — der Teil, stattfinden — die Stätte* каби;

б) биринчи компоненти сифат негиздан (von einem Adjektivstamm) иборат бўлади: *freisprechen, loslassen* каби;

в) биринчи компонент равишдан (von einem Adverb) иборат бўлади: *schiefgehen, kaltstellen* ва б.

г) биринчи компоненти инфинитивдан (von einem Infinitiv) иборат бўлади: *kennen lernen, stehenbleiben*.

4. *sich* билан қўлланадиган феъллар феълларнинг махсус тури ҳисобланиб, уларни ўзлик феъллари (reflexive Verben) деб юритилади. Бу феъллар ҳаракатнинг бажарувчи шахсга қайтишини ифода этади: *sich erholen, sich ausziehen, sich erinnern, sich befinden, sich freuen* ва б.

Ўзбек тилида қўшма феъллар қуйидагича ясалади:

1) феъл бўлмаган сўзларни феълга қўшиш билан: *тасдиқ бўлмоқ, ҳимоя қилмоқ*;

2) феълларни қўшиш билан: *сотиб олмақ, олиб келмоқ*.

Немис тилида қўшма феъллар қўшиб ёзилади, ўзбек тилида эса ажратиб ёзилади.

Феълларнинг морфологик классификацияси
(Die morphologische Klassifikation der Verben)

Морфологик нуқтаи назардан феъллар қуйидаги турларга бўли-
нади:

1) кучли феъллар (die starken Verben); 2) кучсиз феъллар (die schwachen Verben); 3) презенсда умлаутга эга бўла оладиган кучсиз феъллар (die schwachen Verben mit dem Präsensumlaut); 4) претеритопрезентиа феъллари (Die Verben Präterito Präsens); 5) нотўғри тусланадиган феъллар (Die unregelmäßigen Verben).

1. Кучли феъллар (Die starken Verben)

Немис тилидаги кучли феълларнинг уч асосий формаси (die drei Grundformen) феъл негиздаги унли товушни ўзгартириш йўли билан ясалади. Ана шу маълум фонетик қоидага кўра кучли феъллар негиздаги унлиларнинг маълум тартибда ўзгариши аблаут (Ablaut) деб юритилади. Феълнинг асосий формалари: инфинитив, претеритум, партицип II (Partizip II) формаларидан ташкил топади. Бунда претерит формасидаги феъл негизи ноль суффиксга эга, партицип II формасидаги феъл негизи -en суффиксига эга бўлади.

Infinitiv	Präteritum	Partizip II
find-en	fand	ge-fund-en
erfind-en	erfand	er-fund-en
schreib-en	schrieb	ge-schrieb-en
beschreib-en	beschrieb	be-schrieb-en
halt-en	hielt	ge-halt-en
enthalt-en	enthielt	enthalt-en

Кўпинча кучли феълларда жарангли **d** ундошининг жарангсиз (t) -tt ундош билан алмашиниш ҳолати учрайди: *schneiden—schnitt—geschnitten, leiden—litt—gelitten*.

Кучли феъллар негиздаги унли товушларнинг ўзгаришига, бошқа унли билан алмашинишига кўра бир қанча группаларга бўлинади. Бундай группалар аблаут қаторлари (die Ablautsreihen) деб юритилади. Ҳозирги немис тилида 8 та аблаут қаторлари мавжуд.

Биринчи қаторга (Zur ersten Ablautreihe) презенс формаси негизда **ei** дифтонги бўлган феълларнинг кўп қисми (қолганлари VII турга) киради.

Биринчи қаторга оид феъллар икки группага бўли-
нади:

1) Биринчи группага оид феълларнинг асосий белгиси претерит (аниқ ўтган замон) ва партицип II негизларида еі дифтонгининг чўзиқ -ie га эга бўлишидир: *ei — ie — ie*

schreiben — schrieb — geschrieben, bleiben — blieb — geblieben
каби.

Қуйидаги феъллар ҳам шу группага киради:

leihen, meiden, preisen, reiben, scheiden, scheinen, schweigen, speien, steigen, treiben, weisen, gedeihen.

2) Иккинчи группага претерит (аниқ ўтган замон) ва сифатдош II негизларида қисқа *i* унлисига эга бўлган феъллар киради: *ei — i — i*

schreiten — schritt — geschritten, greifen — griff — gegriffen.

Бу группага қуйидаги феъллар ҳам тегишлидир:

beißen, gleichen, gleiten, kneifen, leiden, pfeifen, reißen, reiten, schleichen, schleifen, schleißен, schmeißen, schneihen, streichen, streiten, weichen.

Иккинчи қаторга (zur zweiten Ablautsreihen), инфинитив негизида *ie* ва баъзи *au* дифтонги бўлган феъллар киради. Бу феъллар ўз ичида уч группага бўлинади:

1) Биринчи группага презенс негизида чўзиқ *ie* га эга бўлган претерит (аниқ ўтган замон) ва партицип II негизларида чўзиқ ёки қисқа *o* унлисига эга бўлган феъллар киради: *ie — o — o*

fliegen — flog — geflogen, ziehen — zog — gezogen.

Қуйидаги феъллар ҳам шу группага тегишлидир:

biegen, bieten, fliehen, frieren, schieben, stieben, wiegen, verlieren.

2) Иккинчи группага кирадиган феъллар худди биринчи группа феъллари каби презенс негизида чўзиқ *ie* унлисига эга, лекин претерит ва партицип II негизларида бу феъллар қисқа *o* унлисига эга: *ie — o — o*

gießen — goß — gegossen, schießen — schoß — geschossen.

Қуйидаги феъллар ҳам шу иккинчи группага оиддир: *fließen, kriechen, riechen, schließen, sieden, sprießen, triefen, genießen, verdrießen.*

Булардан *sieden* феъли асосий формасининг ясалишида *d* ундоши *tt* ундошлари билан алмаштирилади:

sieden — sott — gesotten.

3) Учинчи группага кирадиган феъллар презенс негизида *au* дифтонгига, претерит ва партицип II негизларида ё чўзиқ, ёки қисқа *o* унлиларига эга бўлади: *saugen — sog — gesogen.*

Учинчи қаторга (Zur dritten Ablautsreihen) негизи *l, g* жарангли ундош билан шовқинли ундош бирикмасига тугаган феъллар (*helfen, werfen*) ва негизи *ng, m, n* жарангли ундош товушларига тугаган феъллар киради. Бу феълларнинг ҳаммаси феълнинг асосий уч формаси (инфинитив, претерит, партицип II) нинг ясалишида ҳамма формаларда фақат қисқа унлига эга. Учинчи турга оид феъллар тўрт группага бўлинади:

1) Биринчи группага негизи **l** ёки **g** жарангли ундошининг шовқинли ундош билан қўшилган бирикмасига тугаган феъллар киради. Бу феъллар презенс негизида **e** унлисига, претерит негизида **u** унлисига, партицип **ll** негизида **esa** о унлисига эга бўлади: **e — a — o**

helfen — half — geholfen; werfen — warf — geworfen.

Қуйидаги феъллар ҳам шу группага тегишлидир: *gelten, schellen, bergen, sterben werben.*

2) Иккинчи группага негизи **nd**, **nk**, ва **ng** бурун ундоши бирикмасига тугаган феъллар киради. Бу феъллар презенс негизида **i**, претерит негизида **a**, партицип **ll** негизида **u** унлисига эга бўлади: **i — a — u**.

finden — fand — gefunden, sinken — sank — gesunken, singen — sang — gesungen каби.

Қуйидаги феъллар ҳам иккинчи группа феълларига тегишлидир: *binden, schwinden, winden, trinken, dringen, klingen, ringen, schlingen, schwingen, springen, zwingen, gelingen, mißlingen.*

3) Учинчи группага негизи **mm** ёки **nn** қўш бурун ундош товушига тугаган феъллар киради.

Учинчи группа феъллари иккинчи группа феълларидан шу билан фарқ қиладики, бу феъллар партицип **ll** негизида, биринчи группа феъллари каби, о унлисига эга бўлади ва унлилар қуйидаги алмашинади: **i — a — o**

schwimmen — schwamm — geschwommen; beginnen — begann — begonnen; rinnen, sinnen, gewinnen, spinnen феъллари ҳам учинчи тур феълларнинг учинчи группасига оид феъллардир.

4) Тўртинчи группага негизи жарангли ундош билан шовқинли ундош бирикмасига ёки жарангли ундошга тугаган (ёзувда қўш ундош бўлиб ифода этиладиган) феъллар киради.

Шундай қилиб негизи жарангли ва шовқинли ундош бирикмага ёки жарангли ундошга тугаган феълларнинг иккинчи ва учинчи асосий формалари қисқа унлига эга бўлади: **e — o — o**
schmelzen — schmolz — geschmolzen; melken, quellen, schwel-len ҳамда *dreschen, fechten, flechten, klimmen* феъллари ҳам феълнинг асосий формаларини шундай тузади.

Тўртинчи қаторга (*zur vierten Ablautreihen*) оид феъллар ўз хусусиятларига кўра икки группага: негизи **l**, **g**, ёки **m**, **n** сонор товушларига тугаган феъллар ва негизи шовқинли ундош ва **g** сонор товушининг қўшилишидан тузилган бирикма билан бошланиб, шовқинли ундошга тугайдиган феъллар группасига бўлинади:

1) Биринчи группага тегишли феъллар феълнинг уч асосий формасида ҳам чўзиқ унлига эга бўлади: **e — a — o**

befehlen — befahl — befohlen; empfehlen ва *stehlen* феъллари ҳам феълнинг асосий формаларини шундай тузади. *Nehmen* феъли партицип **ll** негизида чўзиқ унли ўрнига қисқа унлига эга: *nehmen — nahm — genommen.*

2) Иккинчи группага тегишли бўлган феълларнинг биринчи

группага оид бўлган феъллардан фарқи шундаки, булар феълнинг биринчи ва учинчи асосий формаларида қисқа унлига эга бўлади: е — а — о

sprechen — sprach — gesprochen.

brechen, treffen ва *erschrecken* феълларининг уч асосий формаси ҳам худди шундай тузилади: *treffen — traf — getroffen.*

Бешинчи қаторга (*zur fünften Ablautsreihen*) негизи шовқинли ундошга тугайдиган феъллар киради. Бундай феъллар ўзаро уч группага бўлинади:

1) Биринчи группага тегишли бўлган феълларда партицип II негизидаги унли феълнинг инфинитив негизидаги унли билан бир хил бўлади: е — а — е

lesen — las — gelesen; geben, sehen, genesen, geschehen феъллари ҳам шу группага тегишлидир.

2) Бу қаторнинг иккинчи группасига оид феъллар биринчи группа феълларидан феълнинг биринчи ва учинчи асосий формаларида унлининг чўзиқ, қисқа бўлиши билан фарқланади: е — а — е. *essen — aß — gegessen; fressen, messen* ва *vergessen* феъллари ҳам феълнинг уч асосий формаларини худди шундай тузади.

3) Учинчи группага оид феълларнинг презенс негизида ё чўзиқ, ёки қисқа і унлиси бўлиб, булар партицип II формасида чўзиқ е ёки қисқа е га эга бўлади:

ie, i	a	e
liegen	lag	gelegen
bitten	bat	gebeten
sitzen	saß	gesessen

Олтинчи қаторга (*zur sechsten Ablautsreihen*) претерит (аниқ ўтган замон) негизида чўзиқ а унлига, инфинитив ва Partizip II негизларида ё чўзиқ а, ёки қисқа а унлисига эга бўлган феъллар киради. Бу феъллар икки группага бўлинади:

1) Биринчи группага оид феъллар феълнинг биринчи ва учинчи формаларида чўзиқ а унлисига эга: а — и — а
fahren — fuhr — gefahren.

Бу группага *graben, laden, schlagen, tragen* феъллари ҳам тегишлидир.

2) Иккинчи группага оид бўлган феъллар феълнинг биринчи ва учинчи формаларида қисқа а унлисига эга бўлади: а — и — а
waschen — wusch — gewaschen.

Бу группага *backen, schaffen, wachsen* феъллари ҳам тегишлидир.

Еттинчи қаторга (*zur siebten Ablautsreihen*) икки группа феъллар: 1) претерит негизида чўзиқ ie унлисига ва 2) претерит негизида қисқа і унлисига эга бўлган феъллар киради.

1) Биринчи группага оид бўлган феълларда унли товушлар қуйидагича (а, и, о, аи, еі — ie, і—а, и, о, аи, еі) ўзгаради:

- a) a — ie — a
b lasen — blies — geb lasen
j allen — jiel — gefallen
halten — hielt — gehalten
- b) o — ie — o
stoßen — stieß — gestoßen
- c) u — ie — u
rufen — rief — gerufen
- d) ei — ie — ei
heißen — hieß — geheißen
- e) au — ie — au
laufen — lief — gelaufen

2) Иккинчи группага оид феъллар претерит негизда қисқа унлига эга:



fangen — fing — gefangen; hängen — hing — gehangen

Саккизинчи қаторга (zur achten Ablautsreihen) негизи шовқинли ундош ёки сонор товушга тугаган ҳамда феълнинг барча асосий формаларида чўзиқ унлига эга бўлган феъллар киради: е — о — о

heben — hob — gehoben; pflegen, weben, bewegen ҳамда негизи сонор товушига тугайдиган *scheren* ва *gären* феъллари ҳам шу саккизинчи қаторга оиддир.

Бир қанча феъллардаги унлиларнинг алмашилиши саккизинчи қаторга оид бўлган феълларнинг унли алмашилишидан фарқ қилади, чунончи:

- a) a — a — o
kommen — kam — gekommen
- b) ü — o — o
lügen — log — gelogen
betrügen — betrog — betrogen
- c) ö — o — o
schwören — schwor — geschworen;
erlöschen — erlosch — erloschen

2. КУЧСИЗ ФЕЪЛЛАР (DIE SCHWACHEN VERBEN)

Тарихан немис тилидаги феълларнинг жуда кўп қисми кучсиз тусланиш системасига мансуб бўлган. Тусланишнинг бу турига кўпчилик феъллар ва бошқа сўз туркумлари негиздан ясалган феъллар киради.

Кучсиз тусланадиган феъллар ўзининг бир қанча махсус белгиларига эга:

а) кучсиз феъллардан уч асосий форма ясалганда, ўзаги ўзгармайди; уларда ички флексия йўқ, қиёсланг:

fragen — fragte — gefragt, ich frage — du fragst — er fragt.

б) Кучсиз феълларнинг тусланишдаги муҳим белгиси шундан иборатки, улар претерит формасини **-(e) te**, партиципни **-(e)t** каби дентал суффикслари ёрдамида тузади:

	Singular	Plural
I. P.	ich frag- te	wir frag- te-n
II. P.	du frag- te-st	ihr frag- te-t
III. P.	er, sie, es frag- te	sie frag- te-n

Partizip II; ge-frag-t, ge-sag-t, ge-lern-t,

be-, ge-, er-, ver-, zer-, emp-, ent-, miß-, — префикслари бўлган ва **-ier** суффиксига тугаган феълларнинг партицип II формаси ясалишида **ge-** префикси тушиб қолади. Масалан:

begegnen — begegnete — begegnet;

erlernen — erlernte — erlernt;

entnehmen — entnahm — entnommen;

existieren — existierte — existiert.

Агар феъл ўзаги **d, t** ёки бир ундошнинг **m, n** бурун товушлар бирикмаси билан **(dm, tm, dn, gn, chn** га) тугаса, у вақтда **ete** ва **et** суффикслари ишлатилади, масалан:

begegn-ete — begegn-et, arbeit-ete — ge-arbeit-et, zeichn-ete — ge-zeichnet.

Қуйидаги феъллар ҳам шу қоидага бўйсунди:

achten, antworten, atmen, baden, fürchten, laden, öffnen, ordnen, rechnen, reden, trocknen, warten, widmen. Лекин бу қоида ўзаги **gn, gm** билан тугаган феълларга тегишли эмас.

Кучсиз феъллар сони кучли феълларга нисбатан кўпдир, чунки янгидан ясалаётган ҳамма феъллар кучсиз феъллар группасига киради ва кучсиз тусланади. Масалан:

filmen — filmte — gefilmt; wässern — wässerte — gewässert; automatisieren — automatisierte — automatisiert.

Презенс умлаутли кучсиз феъллар

(Die schwachen Verben mit dem Präsens — Umlaut)

Немис тилида етти феъл бир группани ташкил қилиб, уларни грамматикада презенс умлаутли феъллар дейлади. Бу феълларнинг уч асосий формада ўзгаришда ҳеч қандай умлаут кўринмайди. Бу феъллардаги унлиларни ўзгариши **e — a — a**. Е унли тарихан **a** умлаутга тенг бўлган. Шу сабабдан бу группа феъллари презенс умлаутли кучсиз феъллар деб юритилади. Улар:

Infinitiv	Präteritum	Partizip II
<i>brennen</i>	<i>brannte</i>	<i>gebrannt</i>
<i>kennen</i>	<i>kannte</i>	<i>gekannt</i>
<i>nennen</i>	<i>nannte</i>	<i>genannt</i>
<i>rennen</i>	<i>rannte</i>	<i>gerannt</i>
<i>wenden</i>	<i>wandte</i>	<i>gewandt</i>
<i>senden</i>	<i>sandte</i>	<i>gesandt</i>
<i>denken</i>	<i>dachte</i>	<i>gedacht</i>

Кучсиз феълларнинг уч асосий формалари
(Die Grundformen der schwachen Verben)

Infinitiv	Imperfekt, Präteritum	Partizip II
reden	redete	geredet
warten	wartete	gewartet
widmen	widmete	gewidmet
atmen	atmete	geatmet
rechnen	rechnete	gerechnet
sagen	sagte	gesagt
fragen	fragte	gefragt
spielen	spielte	gespielt
lernen	lernte	gelernt
lachen	lachte	gelacht

Немис тилида маълум миқдорда шундай феъллар борки, улар ҳам кучсиз, ҳам кучли феъллар белгисига эга. Шу сабабдан уларни, «а р а л а ш т у р» (ein Mischtyp) деб юритилади. Бундай феълларнинг уч асосий формада ўзгариши қуйидагича бўлади:

Infinitiv	Imperfekt, Präteritum	Partizip II
weben	webte wob	gewebt gewoben
sieden	siedete sott	gesiedet gesotten
saugen	saugte sog	gesaugt gesogen
glimmen	glimmte glomm	geglimmt geglommen

klimmen	klimmte klomm	geklimmt geklommen
schnauben	schnaubte schnob	geschnaubt geschnoben
stieben	stieberte stob	gestiebert gestoben

3. Претерито-презентиа феъллари

ва бошқалар.

(Die Verben Präterito — præsentia)

Претерито — презентиа феъллари ҳозирги замон феъл негизда ўз унлиларини алмаштириш хусусиятига эга, бу эса презенс феълнинг бирлик ва кўплик негизда содир бўлади.

Бу феълларнинг презенсда тусланиши кучли феълларнинг претерит (имперфект) формаси билан мос келади. Шунинг учун ҳам бу феъллар претерито — презентиа феъллари деб юрнтилади.

Бу феъллардан асосий форма ясалганда претерит ва сифатдош II да инфинитивдаги умлаут тушиб қолади. Фақат *mögen* феълнинг «g» ундоши ҳар иккала формада *ch* га, *wissen* феълнинг негиздаги *i* — *u* га айланади.

Немис тилида модал феъллар сони 7 та бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

dürfen — *durfte* — *gedurft*; *ich darf*, *wir dürfen*;

können — *konnte* — *gekonnt*; *ich kann*, *wir können*;

müssen — *mußte* — *gemußt*; *ich muß*, *wir müssen*;

wollen — *wollte* — *gewollt*; *ich will*, *wir wollen*;

mögen — *mochte* — *gemocht*; *ich mag*, *wir mögen*;

wissen — *wußte* — *gewußt*; *ich weiß*, *wir wissen*.

Феълнинг асосий формаси негиздаги унлини ўзгартмайдиган *sollen* феъли ҳам шу группа феъллари қаторига киради:

sollen — *sollte* — *gesollt*; *ich soll*, *wir sollen*.

Бу феълларнинг ҳозирги замон бирлигидаги биринчи ва учинчи шахсларда бир хил бўлиши ҳам буларнинг ҳозирдаги презенс формаси илгари претеритум формаси бўлганлигидан дарак беради. Қиёсланг: *ich*, *er*, *darf*, *kann*, *mag*, *muß*, *soll*, *weiß*; *ich*, *er kann*, *mag*; *du darfst*, *kannst*, *magst*, *mußt*, *sollst*, *weißt*.

Претерито — презентиа феълларининг презенс кўплик формаси инфинитив негизига мос келади: *wir dürfen*, *können*, *mögen*, *müssen*, *sollen*, *wissen*, *wollen*.

Бу феъллар претеритум формасида кучсиз тусланади ва негиздаги унли умлаут қабул қилмай, фақат *wissen* феъли перетеритумда ўз унлисини алмаштиради: *ich durfte*, *konnte*, *mochte*, *mußte*, *sollte*, *wußte*.

Немис тилида модал феъллар гапда модалликни ифода этади. Ҳамма бошқа феълларнинг презенс формаси инфинитив ўзагидан ясалса, модал феълларнинг презенс формаси кучли феълларнинг претерит ўзагига мос келади.

Немис тилида модал феъллар мажҳул нисбатга, буйруқ майлига эга эмас. Фақат *wissen* модал феълдан буйруқ майли яшаш мумкин: *wisse! bil!* Лекин бу жуда кам қўлланади.

4. Нотўғри тусланадиган феъллар

(Die unregelmäßigen Verben)

Феълнинг асосий формасини яшашда тусланиш системасидаги умумий қоидадан ташқари ясалувчи феъллар нотўғри тусланадиган феъллар дейилади. Бу группага *sein, haben, werden, stehen, gehen, tun, bringen* феъллари киради. Қоидадан ташқарига чиқиш турли феълларда турлича характерга эга: булардан баъзиларида феъл формасининг ясалиши кучсиз тусланадиган феълларга яқин келса, бошқалари кучли феълларга яқин келади. Баъзи феълларнинг уч асосий формалари ясалишида турли ўзакларнинг қўлланишини ҳам кўриш мумкин:

1) *gehen, stehen* кучли феълларни уч асосий формасини яшашда уларнинг таркибидаги ундош ўзгаради: *gehen — ging — gegangen, stehen — stand — gestanden*.

sein феълнинг уч асосий формаси қуйидагича бўлади: *sein — war — gewesen*.

sein феълнинг уч формаси ҳам турли ўзакдан ясалгани учун супплетив деб юритилади.

tun феълнинг уч асосий формаси қуйидагича бўлади: *tun — tat — getan*.

Лекин баъзан биринчи ва учинчи шахс кўплик формаларида бу феълнинг *tuen* формасида ҳам учраб қолиши мумкин.

Haben, werden феъллари ҳам нотўғри тусланадиган феъллар қаторига киради. Бу феълларнинг уч асосий формалари қуйидагича ифода этилади: *haben — gehabt; werden — wurde — geworden;*

Нотўғри тусланадиган феълларнинг уч асосий формалари

(Die Grundformen der unregelmäßigen Verben)

Infinitiv	Imperfekt, Präteritum	Partizip II
sein	war	gewesen
haben	hatte	gehabt
werden	wurde	geworden
stehen	stand	gestanden
gehen	ging	gegangen
tun	tat	getan
bringen	brachte	gebracht

ФЕЪЛНИНГ ГРАММАТИК КАТЕГОРИЯЛАРИ
(DIE GRAMMATISCHEN KATEGORIEN DES VERBS)

Феълнинг ўзига хос грамматик категориялари бор ва улар ҳар икки тилда маълум ўхшашлик ва бир-биридан фарқланувчи хусусиятларга эга.

Немис тилида феъллар шахс, сон, замон, нисбат, майл каби категорияларга эга.

Феъллар шахс ва сон (Die Person und die Zahl) грамматик хусусиятларига кўра шахс кўрсатадиган (Verbum finitum) ва шахс кўрсатмайдиган феъллар (Verbum infinitum) га бўлинади.

Шахс кўрсатадиган феъллар ва шахс кўрсатмайдиган феъллар ҳар икки тилда ҳам ўз шаклланиш хусусиятларига эга:

1) Феълларнинг шахсли формасини кўрсатадиган (ёки тусланадиган) тури маълум бир предмет ёки шахсга тўғридан-тўғри қаратилган бўлиб, ҳаракатнинг бажарилишини, вақтини, воқеликка бўлган муносабатини билдиради.

Шахс кўрсатадиган феъллар уч шахсга эга: I шахс (сўзловчи — die erste Person — die Redende), II шахс (тингловчи — die zweite Person — die Angeredete), III шахс ўзга — die dritte Person — die Person, von der geredet wird).

Немис тилида феъллар бирлик сон (der Singular — die Einzahl) ва кўплик сон (der Plural — die Mehrzahl) турларига эга.

Singular	Plural
ich suche	wir suchen
du suchst	ihr sucht
er, sie, es sucht	sie suchen.

Шахс-сон билан тусланадиган феъллар (infinite Formen der Verben) гапда кесим бўлиб келиши (*Arbeiter arbeiten*) ёрдамчи ёки боғловчи феъл сифатида бирор бошқа компонент билан бирга қўлланиши мумкин: *Er hat gearbeitet. Er ist Student.*

2) Феълнинг шахс-сон билан тусланмайдиган, яъни инфинитив, сифатдош (*Partizip I und Partizip II*) формалари (die Nominalformen der Verben) маълум предмет ёки шахсга қаратилган бўлиб, бажарувчи шахсни, ҳаракат вақтини, воқеликка бўлган алоқасини кўрсатмайди, масалан: *lesen, lesend, gelesen.*

Ўзбек тилида грамматик шахс учта: I шахс (сўзловчи), II шахс (тингловчи), III шахс (ўзга — суҳбатда бевосита иштирок этмайдиган шахс).

Грамматик шахс грамматик сон (бирлик ёки кўплик) билан ифодаланади.

ЗАМОН КАТЕГОРИЯСИ (DIE KATEGORIE DER ZEIT, DES TEMPUS)

Феъллардаги замон категорияси ҳаракатнинг нутқ моментига бўлган муносабатини билдиради. Нутқ моментига бўлган муносабатга кўра феъл замонлари ўтган замон (*die Vergangenheit*), ҳозирги замон (*die Gegenwart*) ва келаси замон (*die Zukunft*) га бўлинади.

Немис тилида ҳозирги замонда бўлган иш-ҳаракат презенс формаси (*das Präsens*) ёрдамида ифода этилади. Ўтган замонда содир бўлган воқеа, ҳодиса, иш-ҳаракат претерит (*das Präteritum*), перфект (*das Perfekt*) ва плюсквамперфект (*das Plusquamperfekt*) формалари орқали берилади. Келаси замонни ифода этишда футурум I ва футурум II (*Das Futurum I und das Futurum II*) формалари қўлланади.

Ўзбек тилидаги феъллар иш-ҳаракат сўзлашиб турган пайтдан олдин, у билан бир вақтда, ундан кейин бажарилишига кўра феъл уч замон (*ўтган, ҳозирги ва келаси замон*) дан бирида бўлади.

НИСБАТ КАТЕГОРИЯСИ (DIE KATEGORIE DES GENUS)

Феъл ёрдамида ифодаланувчи ҳаракатнинг субъект ёки объектга бўлган ҳар хил муносабатини ифодаловчи феъл формалари феъл нисбати дейилади.

Нисбат фақат ўтимли феълларгагина хосдир.

Немис тилида феъл нисбати иккита аниқ нисбат (*Das Aktiv — Tätigkeitsform*) ва мажҳул нисбат (*Das Passiv — Leideform*).

Ўзбек тилида феълнинг беш нисбат тури бор: 1. *Аниқ нисбат*. 2. *Ўзлик нисбати*. 3. *Мажҳуллик нисбати*. 4. *Биргалик нисбати*. 5. *Орттирма нисбат*.

МАЙЛ КАТЕГОРИЯСИ (DIE KATEGORIE DES MODUS)

Майл ҳаракат билан субъект орасидаги алоқанинг воқеликка муносабатини кўрсатади. Бу алоқа ва муносабатнинг турлича бўлишига қараб, майлнинг ҳам бир неча турлари мавжуд. Ҳар бир тур учун хос бўлган маънолар махсус формалар орқали ифодланади.

Немис тилида феъл майллари учта: *der Indikativ* (аниқлик майли), *der Imperativ* (буйруқ майли) ва *der Konjunktiv* (шарт майли).

Ўзбек тилида ҳам феълнинг уч майл тури бор: *аниқлик майли, буйруқ-истак майли ва шарт майли*.

1) *Der Indikativ* (аниқлик майли) ҳаракат ёки ҳолатни реал ҳодиса сифатида кўрсатади. Бу майл бирор иш-ҳаракатнинг

бажарилаётганини, бажарилганини, бажарилишини ёки бажарилмаслигини ифода этади. Масалан:

Die drei Jungen Mädchen schlossen rasch einen Freundschaftsbund, sie gehörten der gleichen Unterrichtsklasse an und bewohnten gemeinsam den größten der Schlafräume im oberen Stockwerke. (Th. Mann.)

Ҳозирги немис тилида индикатив олти замон формасига эга: презенс, претерит, перфект, плюсквамперфект, футурум I ва футурум II. Бу замон формаларининг ясалиш ва қўлланиши юқорида кўриб ўтилди.

Немис тилида индикатив системасининг формаларида майлини кўрсатадиган махсус морфемалар йўқ, масалан: *Er kommt* формаси ҳозирги замонни ифодалаши билан бирга аниқлик майли формаси ҳам ҳисобланади.

Индикатив ўзбек тилининг аниқлик майли формасига мос келади. Ўзбек тилида ҳам феъл майлининг бу тури ҳаракатни ўз ижроси (бажарилиш тушунчаси) билан, бажарилиш вақти билан боғлиқ ҳолда ифодалайди. Қиёсланг: *Sie singt — У ашула айтмоқда, Sie sang. — У ашула айтди.*

Ўзбек тилида бундай ҳаракат аниқ ёки гумон тарзда бўлиши мумкин: *эртага келади — эртага келар.*

Бу ҳолат немис тилида ўзбек тилидагидан фарқ қилади. Ҳаракат аниқ бўлганда феъл тўғридан-тўғри аниқлик майлида бериллади: лекин *эртага келар* каби гумон тарзда қўлланган ўзбек тилидаги феъллар немис тилига *vielleicht — балки* деган модал сўзининг шу майлда қўшимча ишлатилиши билан ифода этилади, қиёсланг: *У келади — Er kommt; У келар — Vielleicht kommt er.*

Аниқлик майлидаги феълнинг ўтган замон, ҳозирги замон ёки желаси замонга оид бўлиши немис тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам бир хилдир, қиёсланг: *Ich habe diesen Artikel gelesen. — Мен бу мақолани ўқиб чиқдим. Ich werde diesen Artikel lesen. — Мен бу мақолани ўқимоқдаман. Ich werde diesen Artikel lesen. — Мен бу мақолани ўқийман.*

Ўзбек тилида ҳам аниқлик майли махсус кўрсаткичга эга эмас.

2) Der Imperativ (буйруқ майли) ҳар икки тилда ҳам ҳаракатга қўзғатиш, буюриш, ундаш каби маъноларни билдиради: *komm! — кел! nimm! — ол! geht! — кетинглар! gebt — беринглар!*

Буйруқ майли ҳар икки тилда ҳам замон маъноси ва замон формаларига эга эмас, чунки бу майлда ҳаракатнинг ўзи эмас, балки ҳаракатга ундаш, буюриш ифодаланади.

ФЕЪЛНИНГ ЗАМОН ФОРМАЛАРИ

(DIE ZEITUNG DES VERBES)

Аниқлик майли замон формаларининг ясалиши ва қўлланиши

(Bildung und Gebrauch der Zeitformen des Indikativs)

Ҳозирги немис тилида замон формаси мавжуд бўлиб, улардан иккитаси (Präsens, Präterit) синтетик форма ва тўрттаси (Perfekt, Plusquamperfekt, Futur I, Futur II) аналитик формадир.

Ҳозирги ўзбек адабий тилининг замон формалари уч асосий группага бўлинади:

1) ўтган замон формалари (*борди, борган, борибди, борган эди* в. б.);

2) Ҳозирги замон формалари (*боряпти, бормоқда, бориб турибди*);

3) Ҳозирги — келаси замон формаси (*боради, ишлайди*) каби.

Ҳаракатнинг бажарилиш вақти махсус феъл формалари ёрдамида ифодаланади. Сўзлар ёрдамида ҳаракатнинг аниқ бажарилиш вақти кўрсатилади. Феъл формаларида эса ҳаракатнинг бажарилиш вақти нутқ моментига нисбатан белгиланади: *Er ist gestern gekommen.* — У кеча келди. *Er arbeitet.* — У ишляпти.

Аниқлик майли (индикатив) даги феълларда иккала тилда ҳаракатнинг нутқ моментига муносабати бевосита ифодаланади. Бу майл формаси билдирган замон ҳар икки тилда абсолют замон ҳисобланади. Айрим феъл формалари, масалан, ўзбек тилида сифатдош ва равишдош формалари, ҳаракатнинг нутқ моментига муносабатини бевосита кўрсата олмайди. Шунинг учун булардаги замон нисбий замон бўлади.

Синтактик формаларнинг тусланиш жадвали

(Konjugationstabellen der synthetischen Formen)

Präsens Aktiv Indikativ				
Singular				
I. P.	ich	lerne,	rede,	trage, nenne
II. P.	du	lernst,	redest,	tragst, nennest
III. P.	er sie es	lernt,	redet,	trägt, nennet
Plural				
I. P.	wir	lernen,	reden	tragen, nennen
II. P.	ihr	lernt,	redet,	tragt, nennet
III. P.	sie	lernen,	reden,	tragen, nennen

Präteritum Aktiv Indikativ					
Singular					
I.P.	ich	lernte,	redete	trug,	nannte
II.P.	du	lerntest,	redetest,	trugst,	nanntest
III.P.	er	lernte	redete,	trug,	nannte
	sie				
	es				
Plural					
I.P.	wir	lernten,	redeten,	trugen,	nannten
II.P.	ihr	lerntet,	redetet,	trugt	nanntet
III.P.	sie	lernten,	redeten,	trugen,	nannten

ҲОЗИРГИ ЗАМОН (ПРЕЗЕНС)НИНГ ЯСАЛИШИ (BILDUNG DES PRÄSENS)

Немис тилида презент битта формага эга: *ich arbeite, du arbeitest, er arbeitet* каби.

Ўзбек тилида эса ҳозирги замон феъли икки турга эга: 1) ҳозирги — келаси замон феъли: *мен бораман, сен борасан, у боради*; 2) ҳозирги замон давом феъли: *мен боряман, сен борясан, у боряпти*. Юқорида ўзбек тилига хос бўлган ҳозирги замоннинг икки тури ҳам немис тилига презент замон формаси орқали ифода этилади.

Презент феълнинг инфинитив формаси негизига шахс ва сон қўшимчасини қўшиш йўли билан ясалади. Шахс-сон қўшимчалари: I шахс бирлик учун -e. II шахс бирлик учун -(e)st. III шахс бирлик ва II шахс кўплик учун -e(t), I ва III шахс кўплик учун -en га эга.

Немис тилида претерито-презентиа ва нотўғри тусланадиган *sein, werden* феълларидан бошқа феъллар бир хил системада бўлган шахс қўшимчалари ёрдамида ясалади, масалан:

	Singular		Plural
I.P.	ich schreib-e, bad-e	I.P.	wir schreib-en, bad-en
II.P.	du schreib-st, bad-est	II.P.	ihr schreib-t, bad-et
III.P.	er, sie, es schreib-t, bad-et	III.P.	sie schreib-ten, bad-en

Немис тилида ҳозирги замон формасининг ясалишида қуйидаги ҳолатлар юз беради:

1. Кучли феъллар иккинчи ва учинчи шахс бирликда ўзагидаги унлисини ўзгартиради. Феъл ўзагидаги **а, о, и** унлилари ва **au** дифтонги умлаут қабул қилади. Масалан: *ich fahre — du fährst — er fährt; ich stoße — du stößt — er stößt; ich laufe — du läufst — er läuft.*

Бирликнинг иккинчи ва учинчи шахсларида **е** унлиси чўзиқ *ie* ёки *i* унлисига ўзгаради: *ich gebe — du gibst — er gibt.*

Баъзи кучли феъллар, қоидадан ташқари, II ва III шахс бирликда ўзакдаги унлисини ўзгартирмайди. Қўш формага эга бўлган (кучли ва кучсиз) феълларда: *bewegen, weben, pflegen, scheren, schaffen, saugen, schnauben, bauen*; инфинитив формасида умлаутга эга бўлган феъллар: *gären, erwägen, gebären; kommen, rufen, stehen, gehen, genesen, heben* феъллари ҳам, *gebären* феъли ҳам қўш формага эга: *du gebierst, sie gebiert; du gebärst, sie gebärt* ва *treten* феълларининг иккинчи ва учинчи шахс бирлигидаги чўзиқ унлилари қисқа унлига кўчади: *du nimmst, er nimmt; tritt, tritt.*

2. Феъл ўзаги **-t, -d, -tm, dm, -chn, -ffn, -gn** ундошларига ёки ундош ва бурун товушидан ясалган бирикмага тугаса, у вақтда бирликнинг иккинчи ва учинчи, кўпликнинг иккинчи шахсларида феъл **-est** ва **-et** шахс қўшимчаларига эга бўлади, масалан: *du arbeit-est, bad-est, zeichen-est, atm-est; er, ihr arbeit-et, bad-et, zeichn-et, atm-et.*

atmen, widmen, öffnen, begegnen феъллари ҳам бирликнинг иккинчи ва учинчи, кўпликнинг иккинчи шахсларида **-est** ва **-et** шахс қўшимчаларини олади. Агар кучли феъл ўзаги **d, t** ундошларига тугаб, ўзагини ўзгартирса, у вақтда бирлик шахсларида **-e** қўлланмайди. Масалан:

du rätst, hältst, trittst; er rät, hält, tritt, аммо *ihr ratet, haltet, tretet.*

Ўзаги **а** унлисига эга бўлган (*schaffen* феълидан бошқа) *blasen, fahren, fallen, jagen, graben, halten, lassen, raten, schlafen, tragen, wachsen* каби кучли феъллар бирликнинг иккинчи ва учинчи шахсларида умлаут қабул қилади. Бундан ташқари *laufen, saufen, stoßen* феъллари ҳам умлаут қабул қилади. Масалан: *ich trage, laufe, stoße; du trägst, läufst, stößt; er trägt, läuft, stößt* в. б.

Агар феъл ўзаги **z, ß, ss, s, tz** га тугаса, бирлик иккинчи шахс қўш формага эга бўлиши мумкин: *du reizest, hassest, bläsest* ёки *du reizt, haßt, bläst*. Бундай феълларнинг II шахс бирлиги III шахс бирлигига мос тушади: *du ißt, heißt; er ißt, heißt.*

-ern, -eln га тугаган кучсиз феъллар бирликнинг биринчи шахсида қўш (тўла) формага — *ich zweifele* ва кўпроқ қўлланиладиган қисқа форма — *ich zweifle* га эга бўлади. Қолган бошқа шахсларда тўла форма ишлатилади: *du zweifelst, er zweifelt.*

Werden, sein ва *haben* феъллари тусланишда ўзларига хос бўлган бир қанча хусусиятларга эга:

werden: *ich werde, du wirst, er wird; wir werden, ihr werdet, sie werden.* Тусланган мисолдан кўришиб турибдики, иккинчи шахснинг бирлигида ўзакдаги **d** ундоши тушиб қолади, учинчи шахсда

эса шахс қўшимчаси ҳисобланган -t умуман иштирок этмайди. Бу ҳолат *werden* феълининг ҳозирги замон феълларининг тусланиш системаси нормасидан узоқлашган хусусиятларидандир.

sein феъли ҳозирги замонда тусланганда турли ўзаклардан ясалган (супплетив) формаларга эга бўлади. Бундан бошқа бирликнинг биринчи шахси, кўпликнинг учала шахси ҳам махсус қўшимчаларга эгадир. Бу хусусиятларни *sein* феълининг тусланишидан тушуниб олиш қийин эмас. *sein: ich bin, du bist, er ist; wir sind, ihr seid, sie sind.*

Haben феълининг тусланиши шуни кўрсатадики, у баъзи шахсларда (бирликнинг биринчи ва кўпликнинг ҳамма шахсларида) тўла формага эга бўлса, бирликнинг иккинчи ва учинчи шахсларида *b* ундоши тушиб қолган қисқа формага эга:

haben: Ich habe, du hast, er hat; wir haben, ihr habt, sie haben.

Претерито — презентиа феълларининг ҳозирги замон формаси тарихан кучли претерит формасига тегишлидир. Уларнинг ҳозирги замон формасида тусланишини қўйидаги берилган мисоллардан аниқ кўриш мумкин:

	Singular						
I. P.	ich will	soll,	kann,	mag,	darf,	muß,	weiß
II. P.	du willst	sollst,	kannst,	magst,	darfst,	mußt,	weißt
III. P.	er will,	soll,	kann,	mag	darf,	muß,	weiß
	Plural						
I. P.	wir wollen,	sollen,	können,	mögen,	dürfen,	müssen,	wissen
II. P.	ihr wollt,	sollt,	könnt,	mögt,	dürft,	mußt,	wißt
III. P.	sie wollen,	sollen,	können,	mögen,	dürfen,	müssen,	wissen

Бу претерито — презентиа феълларининг ҳозирги замон формаси ҳақиқатан ҳам тарихан претерит формасига тегишли бўлганлигини биринчидан, *sollen* дан бошқа ҳамма феълларда бирликнинг биринчи ва учинчи шахсларининг шахс қўшимчасига эга бўлмаслигидан, иккинчидан, ўзак унлисининг ўзгариш хусусиятларидан билиш мумкин.

Претерито — презентиа феълларининг бошқа ҳамма феъллардан фарқи шундан иборатки, бошқа феълларнинг презенс формаси инфинитив ўзагидан ясалса, претерито — презентиа феълларининг презенс формаси қадимги кучли феълларнинг претерит ўзаги билан мос тушади. Қийёсланг: *ich weiß, du weißt, er weiß.*

Презенс замон формасининг маъноси ва қўлланиши

(Bedeutung und Gebrauch des Präsens)

1. Презенс замон формаси иш-ҳаракатнинг айнан нутқ сўзлаб турилган пайтда бажарилишини англатади:

Was machst du da? Ich schreibe einen Brief. Wo studierst du? An der Moskauer Universität.

Презенснинг бу турида, албатта, ҳаракатнинг бошланиши, давом этиши ва тугаши нутқ momentiда ижро этилиши кўзда тутилмайди, аксинча, агар сўз узоқ процесс ҳақида бораётган бўлса, у вақтда нутқ momenti ҳаракатнинг бажарилиб боришининг бир нуқтасига мос келади, масалан:

«Welch ein Land ist das», rief sie aus, «wo man sich wie ein Verbrecher verbergen muß, nur weil man nichts Schlechtes tun will».

«Du weißt, daß wir für die Freiheit und eine bessere Zukunft kämpfen»: ermutigte er sie. (*B. Kellermann.*)

Ich suche, antwortete er mit einem tiefen Seufzer, Blumen und finde keine.

— Гул ахтаряпман,— жавоб берди у чуқур уҳ тортиб,— бироқ топа олмаяпман.

Ihre Gegenwart, ihr Schicksal, ihre Teilnahme an dem meingen Preßt noch die letzten Tränen aus meinem versengten Gehirn.

— Унинг борлиги, унинг тақдири, менинг қисматим учун қайғуриши — кўзларимдан охириги ёшларни булоқдек оқизмоқда.

Мисоллардан англашиладики, немис тилида презенснинг нутқ momentига қадар иш-ҳаракатнинг бажарилишини бошланганлиги ва унинг ҳозирда давом этаётганлиги маъноси ўзбек тилида *-яп, -моқда* каби формантларга эга бўлган ҳозирги замон феъли билан берилади.

Презенснинг қолган маъно турлари иккинчи даражадаги маъно ҳисобланади.

2. Презенс доимий характерга эга бўлган ҳаракатни ҳам англатади. Масалан:

Die Fische leben im Wasser. Die Sonne scheint am Tage und der Mond in der Nacht. Im Winter schneit es oft.

3. Презенс кўпинча келаси замон (das futurische Präsens) маъносида ишлатилади:

Also höre, Junge, ich gehe! Vielleicht bin ich in einer Stunde zurück, vielleicht auch schon früher. (*W. Bredel.*)

Ein junges Herz hängt ganz an einem Mädchen, bringt alle Stunden seines Tages bei ihr zu, verschwendet alle seine Kräfte, all sein Vermögen, um ihr jeden Augenblick aus zudrücken, daß er sich ganz ihr hingibt.

Тасаввур қил, ёшгина йигит бир қизга шунчалик боғланиб қолганки, у кун бўйи вақтини шу қиз ёнида ўтказди ва унга чексиз садоқатини ҳар лаҳзада исботлаш учун ўзининг бор кучини, қўлидан келган имкониятини ишга солади.

Демак, немис тилида презенснинг келаси замон маъносида қўлланган ҳолати, ўзбек тилида ҳозирги — келаси замон формаси билан берилади.

4. Презенс ўтган замонда содир бўлган ҳодиса — воқеани тасвирлаш учун ҳам ишлатилади. Шунинг учун буни тарихий ҳозирги (das historische Präsens) замон формаси деб юритилади. Оғзаки ва ёзма нутқда ишлатиладиган стилистик услублардан бири ҳисобланган бу услубларни қўллашда тасвир этилаётган воқеага образ (қийёфа) бериб кўрсатиш кўзда тутилади. Тасвир қилинаётган воқеага автор алоҳида образ бериб кўрсатмоқчи бўлган жойларда ўтган замон формаси ўрнида ҳозирги замон формаси ишлатилади. Буни Ф. Шиллернинг «Кўлқоп» номли шеърдан келтирилган қуйидаги текстда очиқ кўриш мумкин.

Vor seinem Löwengarten,
Das Kampfspiel zu erwarten,
Saß König Franz.
Und um ihn die Großen der Krone,
Und rings auf hohem Balkone,
Die Damen in schönem Kranz.
Und wie er winkt mit dem Finger,
Auf tut sich der weite Zwinger,
Und hinein mit bedächtigem Schrift,
Ein Löwe tritt.
Und sieht sich stumm,
Rings um
Mit langem Gähnen,
Und schüttelt die Mähnen.
Und streckt die Glieder,
Und legt sich nieder.

5. Презенс буйруқ мазмунидаги гапларда (das imperativische Präsens) ҳам қўлланади. Масалан:

Jetzt gehst du nach Hause!

Кўп маротаба қайтариладиган ва чегараланмаган ҳаракат маъноси (die sich wiederholenden Handlungen) ҳам презенсда ифода этилади: Er arbeitet in der Fabrik. Er tritt mit Vorlesungen auf.

6. Немис тилида презенснинг яна бир тури *sein* ёрдамчи феълнинг ҳозирги замон формасига от қўшиш йўли билан ясалиб, генерал презенс (das generelle Präsens) деб юритилади. Презенснинг бу тури иш-ҳаракатнинг бирор замон формасига тегишли эканлиги маъносини кўрсатмай, балки унинг умумий ҳолатини ифода этади:

Heute ist die Deutsche Demokratische Republik ein stabiler, international, anerkannter, sozialistischer Staat.

— Бугун Германия Демократик Республикаси барқарор, халқаро миқёсида дунё халқлари томонидан танилган социалистик давлатдир.

Die Erde **bewegt sich** um die Sonne. — Ер қуёш атрофида айланади.

Die Biene **gehört** zu den Insekten. — Асаларилар ҳашаротларга мансубдир.

7. Презенс қайтариладиган иш-ҳаракатни ифода этади: Sie **bewachen** die Universität. Die Studenten **turnen** täglich am Morgen im Studentenheim.

Ўзбек тилида ҳозирги замон феълнинг *ём, тур, юр, ўтир* каби кўмакчи феъллар ёрдами билан ясаладиган тасвирий формаларининг ҳар бир тури ўзига хос қўшимча маънолари ва бошқа хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қилади. Масалан, *ём* кўмакчи феъли ёрдамида ясалувчи форма ҳаракат-ҳолатни кучайтириб ифодалайди: *ёзиб ётибди, ишлаб ётибди, ёғиб ётибди; юр кўмакчи феъли билан ясалувчи форма ҳаракатнинг узоқ давомини билдиради: ишлаб юрибди.*

Ўзбек тилининг *ём, тур, юр, ўтир* кўмакчи феъллари ёрдамида ясалувчи ҳозирги замон феълнинг тасвирий формаларига мос келадиган форма йўқ.

Бу формалар немис тилига презенс — равиш (Präsens — Adverb) формаси орқали берилади, қиёсланг:

ёзиб ётибди — *er schreibt immer* (stets, fortwährend, dauernd);

ишлаб ётибди — *er arbeitet längst*;

ёғиб ётибди — *er regnet (schneit) längst* (seit langer Zeit).

Претеритум (аниқ ўтган замон) нинг ясалиши

(Bildung des Präteritums)

Кучли феъллар претеритумда тусланганда I ва III шахс бирликда шахс қўшимча олмайди, қолган шахслар эса презенснинг шахс-сон қўшимчаларини олади.

	Singular	Plural
I.P.	ich schrieb-	wir schrieb -en
II.P.	du schrieb -st	ihr schrieb -t
III.P.	er schrieb -	sie schrieb -en

Негизи *d* га тугайдиган кучли феълларнинг иккинчи шахс бирлик ва кўплик формаларида *-st* шахс қўшимчаси олдидан е унлиси қўлланади, масалан: *du fandest, ihr fandet; du bandest, ihr bandet.*

Лекин баъзи феълларнинг иккинчи шахс бирлигида е унлиси бўлмаслиги ҳам мумкин, масалан: *du lud(e)st, ihr ludet.*

Негизи *t* га тугайдиган кучли феълларнинг бирлигида кўпинча е унлиси бўлмаслиги ҳам мумкин, лекин у кўплик формада сақланади: *du trat(e)st, du ritt(e)st*; аммо *ihr tratet, ihr rittet.*

Немис тилининг претеритум замон формасига яқин маъно ўзбек тилида аниқ ўтган замон формасида берилади, қиёсланг:

ich kam — мен келдим wir kamen — биз келдик
 du kamst — сен келдинг ihr kamt — сиз келдингиз(лар)
 er kam — у келди sie kamen — улар келди(лар)
 sie kamen — сиз келдингиз (ҳурмат формаси)

Немис тилида кучли феълларнинг претеритум замон формасида негизидаги унли товушлар ўзгаради (алмашади); *fahren* — *fuhr* (a — u); *trinken* — *trank* (i — a); *lesen* — *las* (e — a); *schreiben* — *schrrieb* (ei — ie).

Кучсиз феълларнинг претеритум замон формаси ҳозирги замон феъл негизига **-(e)te** дентал суффиксини қўшиш йўли билан ясалди. Масалан: *lernen* — *lernte*, *lern-ten*; *sag-te*, *sag-ten*.

Ўзаги **t, d, chn, dn, ffn, gn, tn** ундошларига тугаган кучсиз феълларнинг претеритум формаси **-ete** суффикси ёрдамида ясалди: *wart-en* — *wart-ete*, *red-en* — *red-ete*, *zeichn-en* — *zeichn-ete*.

Кучсиз феълларнинг аниқ ўтган замон (претеритум) да тусланиши
 (Die Konjugationstabelle der schwachen Verben im Präteritum)

	Singular	Plural
I.P.	ich frag-te	wir frag-te - n
II.P.	du frag-te - st	ihr frag-te - t
III.P.	er	sie frag-te - n
	sie	sie frag-te - n
	es	

I.P.	ich wart-e - te	wir wart-e - te - n
II.P.	du wart-e - st	ihr wart -e te - t
III.P.	er	sie wart-e - te - n
	sie	sie wart-e - te - n
	es	

Претерито-презентиа феъллари аниқ ўтган замон (претеритум) да кучсиз феъллар каби тусланиб, феъл ўзагидаги умлаут тушиб қолади.

	Singular	Plural
I.P.	ich kann- t- e singen	wir kann-te - n singen
II.P.	du kann- te- st singen	ihr kann- te- t singen
III.P.	er	sie kann- te- n singen
	sie	Sie kann- te- n singen
	es	

1. Претеритум ўтган замонда бўлиб ўтган воқеа-ҳодисаларни тасвирлаб бериш учун қўлланади, масалан:

Den andern Morgen mußte ich meinem Ranzen nochmals erleichtern, das eingepackte Paar Stiefel warf ich über Bord, und ich hob auf meine Füße und ging nach Goslar. Ich kam dahin, ohne zu wissen, wie. Nur so viel kann ich mich erinnern; ich schlenderte wieder bergauf; bergab; schaute hinunter in manches hübsche Wiesental. (H. Heine).

2. Претеритумнинг фақат аниқ ўтган замонда қўлланишига абсолют маънода қўлланиши дейилади:

Dörfes Großvater, der Zigarrenmacher Gotthold Prien, ist gestorben. Nachmittags saß er noch vor seinen Zigarren, plötzlich wurde ihm übel und schwach; er setzte sich ins Wohnzimmer, klagte über Brechzeit; Wasser lief ihm im Munde zusammen. Er schlief denn still in seinem alten Sessel ein und erwachte nicht wieder (W. Bredel.)

3. Иш-ҳаракат ўтган замонда бажарилганлигини тарихий нуқтаи назардан тасвирлашда ҳам ўтган замон феълининг претерит формаси қўлланади. Буни қуйидаги текст парчасидан кўриш мумкин:

Herbert blätterte in dem Album, betrachtete einen Jungen, forsch aussehenden Mann, der mit Siegerminne in die Welt blickte: «Ja, mein Junge, so sah mein Bruder, dein Onkel Otto aus, als er ungefähr dreißig Jahre alt war . . . «Herbert lächelte. Der Onkel auf dem Photo sah einen Kellner ähnlich . . . , mit seinem bubihaften ausdruckslosen Gesicht. Aber er wagte das seiner Tante nicht zu sagen; er wollte sie nicht betrüben. (W. Bredel.)

4. Претерит н и с б и й замон (*relativ*) маъносида ҳам қўлланади.

Немис тилида бир вақтда икки ўтган замон формаси қўлланганда, улардан иш-ҳаракатнинг илгари бажарилгани плюсквам-перфект билан, ундан кейин бажарилгани претерит билан ифодаланади. Претеритнинг бундай қўлланишига н и с б и й қ ў л л а н и ш дейилади. Қиёсланг:

Vor wenigen Tagen, als der Arzt ihr das Leben abgesprochen hatte, ließ sie ihren Mann kommen.

Бундан бир неча кун олдин доктор уни тузалиши гумон деб ҳисоблагач, у эрини ёнига чақирипти.

Werther machte sich auf den Weg, nachdem ihm der Amtmann einige — mal gesagt hatte.

Бошлиқ (раҳбар) бир неча марта «уни қутқазиб бўлмайди!» деб такрорлагач, Вертер қаттиқ изтиробда уйига кетиб қолди.

Мисоллардан англашиладики, немис тилининг претерит замон формаси ўзбек тилида аниқ ўтган замон формаси билан плюсквам-перфектда ифодаланган пайт эргаш гап кесими эса -гач аффикси билан ясалувчи форма орқали ифода этилади.

Ўзбек тилидаги **-ди** аффикси ёрдамида ясалувчи ўтган замон феъл формаси немис тили претеритум формаси каби ҳаракатнинг нутқ моментигача бажарилганини аниқ, қатъий тарзда ифодалайди. Бу ҳаракат, одатда, сўзловчи ўзи кўрган, билган ҳаракат бўлади, **-ди** аффикси ёрдамида ясалувчи форма билдирган ҳаракат сўзловчи ва тингловчининг бевосита кўз олдида бажарилиши ҳам мумкин: *Ана, келди.*

-ди аффикси билан ясалган форма ифодалаган ҳаракат бир неча ой ёки йил илгари бажарилган бўлиши мумкин. Лекин бу ҳаракат ўтмишга (узоқ ўтмишга) оид ҳаракат бўлмайди. Шу хусусиятига кўра, ҳаракатни ўзи кузатган ҳаракат сифатида хронологик тарзда ифодалашда бу формада кенг қўлланади: Барно йўқ экан, бир оз кутди, келавермагач, ўтиришга сабри чидамай, идорадан чиқди. (*О. Ёқубов.*)

Претерит формасидаги феъл ифода этган ҳаракат узоқ ўтмишга оид ҳаракат бўлмаганлиги учун ҳам у ўзбек тили ўтган замон феълнинг **-ди** формаси маъноси билан мос тушади.

Перфектнинг ясалиши (Bildung des Perfekts)

Перфект феълнинг ўтган замон қўшма формаси бўлиб, у *haben*, ёки *sein* ёрдамчи феълларининг презенс замон формасига мустақил маънога эга бўлган феълнинг *сифатдош* II формасининг қўшилишидан ясалади: *Ich habe gelernt, gelesen. Ich bin gekommen, gegangen.*

Ҳада ёрдамчи феъл тусланиб, 2 ўринда келади, мустақил маънога эга бўлган феъл эса сифатдош II формасида гап охирида келиб ўзгармайди ва тусланмайди.

Кучли ва кучсиз феълларнинг перфектда тусланиши

(Konjugationstabelle der starken und schwachen Verben im Perfekt)

	Singular		Plural
I.P.	ich habe gelernt	I.P.	wir haben gelernt
II.P.	du hast gelernt	II.P.	ihr habt gelernt
III.P.	er hat gelernt	III.P.	sie haben gelernt

	Singular		Plural
I.P.	ich bin gekommen	I.P.	wir sind gekommen
II.P.	du bist gekommen	II.P.	ihr seid gekommen
III.P.	er ist gekommen	III.P.	sie sind gekommen

Перфектда *haben* ва *sein* ёрдамчи феълларининг қўлланиши
(Gebrauch der Hilfsverben *haben* und *sein* im Perfekt)

Перфектда *haben* ёки *sein* кўмакчи феълларидан қайси бирини қўллаш мустақил феълнинг англаган маъносига ва улар қайси феъллар билан қўлланишига боғлиқ.

1) Қуйидаги феъллар *haben* феъли билан қўлланади:

а) ҳамма ўтимли (transitive Verben) феъллар: Er hat einen Roman gelesen. Ich habe einen Brief geschrieben.

б) ҳамма шахссиз феъллар: Es hat geregnet (geschneit, geblitzt);

в) *sich* юклагани билан қўлланадиган ҳамма феъллар:

Ich habe mich gut erholt.

г) модал феъллар: *können, dürfen, mögen, wollen, sollen, müssen*.

Ich habe immer gut mit ihm gekonnt. Du hast es ja gar nicht gesollt. Er hat nicht gewollt. Er hat es nicht tun wollen.

д) ўтимсиз объектив феълларнинг кўпи: *helfen, entsprechen, beistehen, beistimmen, antworten, gehorchen, gehören, warten, gratulieren, träumen*. Масалан:

Ich habe nichts gehört. Kein Wort! (H. Mann.). Hat sie gehorcht, fragte Robert, «Oder woher weiß sie, was sie schreiben soll?» (H. Kant).

е) ҳолат билдирувчи ўтимсиз субъектив феъллар: *wohnen, leben, baden, spielen, arbeiten, lachen, schlafen, liegen, sitzen, stehen*. Масалан:

Hoffentlich haben Sie gut geschlafen? Schon hatte Warren sein Waschbecken erreicht. (B. Kellermann.)

2) Қуйидаги феъллар *sein* кўмакчи феъли билан қўлланади:

а) иш-ҳаракатни, ўрин ўзгаришини англадиган ўтимсиз феъллар: *sein, werden, bleiben, gehen, fahren, laufen, kommen, fallen, sinken, landen*;

б) бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш ҳаракатини ифода этадиган ўтимсиз феъллар: *einschlafen, erwachsen, zerfallen*. Масалан:

Der Schnee ist getant. Das Wachs ist geschmolzen. Das Kind ist eingeschlafen. Er ist wieder erwacht.

в) силжиш маъносини ифода этадиган ўтимсиз феъллар: *abreisen, ausfliegen*. Масалан:

Ich bin bis zur Stadt geritten. Du bist über den Bach gesprungen. Er ist über den Fluß gesprungen. Er ist abgereist. Das Flugzeug ist schon ausgeflogen.

М а х с у с у с у л л а р. *Reiten, springen, schwimmen* феъллари, ҳаракатнинг жой ёки силжиш маъносини ифода этиши кўзда тутилмаган бўлса, *haben* ёрдамчи феъли билан ҳам тусланиши мумкин:

Ich habe eine Stunde geritten, geschwommen. Das Kind hat gesprungen.

Ўтган замон формасининг ўзбек тилига мос келадиган вариантларидан бири -ган аффикси ёрдамида ясалувчи (*ўқиганман, ўқигансан, ўқиган; ўқиганмиз, ўқигансиз, ўқиганлар*) ўтган замон формасидир.

Бу форма қуйидаги хусусиятларга эга: 1) -ган аффикси ёрдамида ясалган формада қўлланган феъл билдирган ҳаракат ҳеч вақт сўзловчи ва тингловчи ўзаро суҳбатлашиб турган вақтда бажарилган ҳаракат бўлмайди. Шу сабабли *ҳозиргина айтди, янги кетди* каби гаплардаги *айтди, кетди* формаси ўрнида *айтган, кетган* формасини қўллаб бўлмайди.

2) Ҳаракатнинг бажарилганлиги ва унинг натижаси ҳозирда ҳам мавжуд эканини билдиради. Бунда, ҳатто, ҳаракатнинг бажарилгани эмас, ҳолатнинг ҳозир мавжудлиги асосий ўринда бўлади: *Йўлнинг икки томонига чўзилган қир ёнбағирларини эндигина ёриб чиқаётган ўтлар қоплаган. (П. Турсун.)* Ўринда ҳам гаплашаверамиз, сен жуда *чарчагансан. (И. Раҳим.)*

3) -ди ва -ган аффикслари ёрдамида ясалган форманинг иккаласида ҳам ҳаракатнинг бажарилганлиги аниқ тарзда ифодаланади. Лекин -ган аффиксли формада сўзловчи ҳаракатнинг бажарилганини бевосита кузатган, унга ишончи жуда қатъий бўлиши шарт эмас. Ҳаракатни ўзгача эшитган ёки ҳеч кимдан эшитмай, унинг бажарилганини ўзича аниқ деб айтиши ҳам мумкин, қиёсланг:

а) Бормадим. — Бординг (аниқ биламан, ўзим кўрдим).

б) Бормадим. — Боргансан (бўлмаса кечикмас эдинг).

-ган аффиксли ўтган замон феъли ифодалайдиган ҳаракатнинг бажарилганлиги ва унинг натижаси ҳозир ҳам мавжуд эканлиги немис тилида перфект формаси ёрдамида ифода этилмади, масалан: *Барглар кўм-кўк бўлган. — Die Blätter sind grün geworden. Олмалар пишган. — Die Äpfel sind gereift.*

Ўзбек тилидаги -(и)б аффикси ёрдамида ясалувчи равишдошни шахс-сон билан тушласи орқали ҳосил бўлувчи ўтган замон формаси қуйидагиларни билдиради:

1. Ҳаракатни бевосита кузатмаганлик, ундан кейин хабардор бўлганлик маъносини: Эшитишимизга қараганда, Қўчқор — туман марказга кетганича қайтиб келмабди. (*С. Анорбоев.*) Уларнинг пароходлари Олтиқудуқда ҳукуматга ўтиб кетибди, энди бизнинг давлатга сотган балиғимизни таширмиш. (*А. Мухтор.*)

2. Ҳаракатни ўзгача эшитмай, ундан ўзи кейин хабардор бўлганлигини: Кечирасиз, ўртоқ, Зуннунов, ёшларнинг можароси билан бўлиб сизни маҳтал қилиб қўйибман. (*И. Раҳим.*) Ўзим кўрдим, тош чап елкасига тушибди. (*М. Исмоилий.*)

Бу форманинг иккала маъноси ҳам немис тилида перфект формаси ёрдамида ифода этилади:

У уйга қайтибди. — Er ist nach Hause zurückgekommen.

У Ленинградга жўнаб кетибди. — Er ist nach Leningrad fortgefahren.

Перфектнинг маъноси ва қўлланиши (Bedeutung und Gebrauch des Perfekts)

Перфект ҳам ўтган замонда содир бўлган иш-ҳаракатни ифода этади. Перфект давомли дарак маъносини англатиш учун қўлланмай, балки ўтган замонда бўлган иш-ҳаракатнинг диалог ёки қисқа оғзаки нутқ формалари орқали ифода этишда қўлланади. Бунда сўзловчининг эътибори фақат иш-ҳаракатнинг ўтган замонда бажарилганига эмас, балки унинг натижасини ифода этишга ҳам қаратилган бўлади:

Hast du deine Diplomarbeit schon beendet? Ja, ich habe meine Diplomarbeit gestern beendet. Wie lange hast du sie geschrieben? Ich habe sie im Laufe 2 Monate geschrieben.

1. Гапда тасдиқ маъносини англатадиган ва ўтган замонда бўлган иш-ҳаракатни ифода этишда ҳам перфект қўлланади:

Im Jahre 1970 hat mein Bruder die Taschkenter Staatliche Universität absolviert.

2. Перфектнинг махсус хусусияти шундан иборатки, у презенс замон формаси билан бирга қўлланиб, иш-ҳаракатнинг ҳозирги ва ўтган замонда содир бўлаётганини ифода этади. Бунда икки замон формасида ифода этилаётган иш-ҳаракат бир-бири билан боғланган бўлади. Перфектнинг бундай қўлланиши презенсга нисбатан абсолют бўлмай, балки нисбий ҳисобланади. Масалан:

Georg lachte auf. «Komm, komm!» sagte Röger. «Ich wundere mich jetzt wirklich, wieso ich dich erkannt habe, im Treppenhaus!» (A. Seghers.)

3. Немис тилида бирор парча перфектда ифода этилган гап билан бошланиб келса, буни бошланувчи перфект (das Eröffnungperfekt) дейилади:

Wie hast du das gemacht? Es ist ganz leicht, Mutter; So und so und so; Henriette versuchte es aufs neuse, den Handgriffen des Sohnes folgend; nach einer Weile hielten sie beide eine Aster in der Hand. (B. Apitz.)

4. Бирор парчадаги гаплар асосан претерит формасида ифода этилиб, перфект билан тугалланиши мумкин. Бундай перфект тугатувчи перфект (das Schlußperfekt) дейилади.

Der Lehrer rief ihn zu sich; ich muß dir was Wichtiges sagen, mein Junge; er sah, den Lehrer aufmerksam an mit seinen grauen, mißtranischen Augen, er zog den Arm zurück, als ihn der Lehrer berührte; er konnte Berührungen nicht leiden; dein Vater ist tot; man hat ihn in Erbach tot aufgefunden.

5. Бирор парчада жойлашган гапларнинг биринчи ва охириги перфект билан ифода этилган бўлса, рамкали перфект (Rahmenperfekt) дейилади:

Ich hab aber dringesteckt. Die ganze Armee von Stalingrad ist futsch. Ich weiß, was das heißt: ein Armeekorps verloren. Es stirbt sich so einfach nicht in Massen. Da liegen noch immer ein Paar mit zerknackten Rippen, mit zerschlossenen Beinen in allen möglichen Erd-

löchern. Da **sind** ein Paar rechtzeitig auf die andere Seite hinübergeglitscht. (A. Seghers.)

Бундан ташқари, перфект иш-ҳаракатнинг ўтган замонда тўли тугалланганлигини кўрсатади: Regnet es noch? Nein, es hat **geregnet**. Перфект тугалланган иш-ҳаракатнинг бажарилишига онд гўмон, шубҳа маъноларини ҳам англатади: Du **hast** es sicher schon **erfahren**. Du **bist** Wohl gar nicht dort gewesen?

Плюсквамперфектнинг ясалиши (Bildung des Plusquamperfekts)

Плюсквамперфект ҳам феълнинг ўтган замон қўшма феъли бўлиб, у *haben* ёки *sein* ёрдамчи феълнинг претеритум формасига мустақил маънога эга бўлган феълнинг *сифатдош II* формаси қўшилишидан ясалади. Бу формада ҳам ёрдамчи феъл тусланади, мустақил маънога эга бўлган феъл эса тусланмайди:

	Singular		Plural
I.P.	ich hatte gelernt	I.P.	wir hatten gelernt
II.P.	du hattest gelernt	II.P.	ihr hattet gelernt
III.P.	er hatte gelernt	III.P.	sie hatten gelernt

	Singular		Plural
I.P.	ich war gegangen	I.P.	wir waren gegangen
II.P.	du warst gegangen	II.P.	ihr wart gegangen
III.P.	er war gegangen	III.P.	sie waren gegangen

Немис тилидаги плюсквамперфект формаси ўзбек тилига ўтган замон феълнинг -ган эди ёрдамида ясалувчи формаси билан ифода этилади. Қиёсланг:

Ich **hatte** gelesen — ўқиган эдим, du **hattest** gelesen — ўқиган эдинг, er **hatte** gelesen — ўқиган эди, wir **hatten** gelesen — ўқиган эдик, ihr **hattet** gelesen — ўқиган эдингиз, sie **hatten** gelesen — ўқиган эдилар. Sie **hatten** gelesen — ўқиган эдингиз (ҳурмат формаси — Höflichkeitsform). Мисоллар:

Er **hatte** uns das Gedicht **vorgelesen**. — У бизга шеър ўқиб берган эди. Alle **hatten** sich **versammelt** — Ҳамма йиғилган эди.

Плюсквамперфектнинг маъноси ва қўлланиши (Bedeutung und Gebrauch des Plusquamperfekts)

1. Немис тилида ўтган замонда бўлган икки иш-ҳаракатни ифода этишда илгари рўй берган иш-ҳаракат плюсквамперфект билан, ундан кейин содир бўлган иш-ҳаракат эса претерит билан ифода

этилади. Бунда плюсквамперфект претеритга кўра нисбий замон формаси ҳисобланади. *Nachdem mein Sohn das polytechnische Institut beendet hatte, fuhr er nach Kiew.* Wenn Bochow etwas als richtig erkannt hatte, dann setzte er es in stiller Beharrlichkeit durch . . . (*B. Apitz.*) Auch die Puschkin Grotte kannten sie, in der, wie es hieß, der Dichter in den Tagen seiner Verbannung gern gewohnt hatte (*W. Bredel.*) Da kam man an, aber ganz anders, als die Gatten es erträumt hatten. (*H. Mann.*)

2. Плюсквамперфект мустақил ва қўшма гап составида қўлланади:

Sie hatte das aller in ihrer Wirtschaft gelernt. (*A. Seghers.*)

Zwei Männer waren hereingekommen. Mehrmals hatte die Glocke durchs ganze Haus gegellt. (*Th. Mann.*) Er erriet, woher es kam, obwohl er es nie selbst gehört hatte. (*A. Seghers.*)

3. Плюсквамперфект формаси претеритли гапларда қўлланганда претерит билдирган ҳаракатдан олдин юз берган ҳаракатни ифода этади:

Man hatte zwar längst in Ungarn Schluß mit den Roten gemacht, doch rote Fahnen wehten bedrohlich auf zahllosen aufmärschen in zahllosen Städten, und selbst in Paris und London kratzten die Arbeiterkinder das neue Zeichen Hammer und Sichel in die gefrorenen Fensterscheiben.

— Тўғри, Венгрияда аллақачонлароқ қизилларни бартараф қилишди; лекин кўпчилик шаҳарлардаги беҳисоб намоишлар вақтида қизил байроқлар хилпираб турибди; ҳатто Париж ва Лондонда ишчиларнинг болалари музлаб қолган деразаларга ўроқ ва болға расмини чиздилар.

4. Кўпинча плюсквамперфект эпизодни ҳикоя қилишда, уни ўтган замонда бўлганлигини эсга олишда ҳам қўлланади:

Sie hatte einmal mit Luise in «Anker» Bier und Well fleisch ausgegeben. Der Weihnachtsbaum hatte schon glanzend und ruppig in der Ecke gestanden. Zwei Männer waren herein gekommen. Der eine war jung und fest und hell; der andere war auch jung gewesen, doch seine Jugend war ihr nicht aufgefallen, sondern seine beinahe zusammen gewachsenen Brauen. Er war auch nicht hoch und fest gewesen, sondern gedrungen und klein. Er hatte die Mütze abgenommen von einem Kahl geschorenen-veselförmigen Kopf. Dem Jungen war das helle Haar in einzelnen Strähnen vom Wirbel gehangen. Sie hatte die Nadeln von dem Tisch unter dem Weihnachtsbaum weggekehrt, an den die zwei sich setzten. (*A. Seghers.*)

5. Плюсквамперфект, юқорида қайд қилиб ўтилганидек, эргаш гап, бош гап ва мустақил гапларда қўлланади.

Плюсквамперфектда ифода этилган иш-ҳаракат, иккинчи иш-ҳаракатга нисбатан илгари бажарилган бўлиб, уни немис тилида *die Vorzeitigkeit* дейилади.

Плюсквамперфект кўпинча *nachdem, als* боғловчилари билан бошланиб келадиган пайт эргаш гап билан қўлланади.

6. Плюсquamперфект аниқловчи эргаш гап (Attributsatz) да ҳам қўлланади:

Mitunter wurde jedoch zu wenig zwischen tatsächlichen Feinden und solchen Bürgern unterschieden, die aus anderen Gründen die Gesetze verletzt hatten (*Klassenkampf Tradition Sozialismus*).

7. Берилган мисоллардан англашиладики, претерит кўпинча плюсквамперфект билан бирга қўлланади. Лекин бу икки замон формасининг м о с л а ш у в и (Kongruenz) бошқа замон формаси билан алмашинуви мумкин. Претерит ўрнида перфект ёки презенс қўллана олади:

Ich rechnete vielleicht unbewußt damit, eines Tages allein zu bleiben mit dieser grimmigen, unverkürzbaren Zeit, und zugleich rechnete ich mit dem Wunder, Maria Luisa könnte plötzlich mein Zimmer betreten. Sie sei heimlich hergefahren, sie sei zu mir gekommen, und ich, ich hätte es unterdessen weit gebraucht.

Als ich mich einließ auf diese Reise, hatte mir etwas Unheilvolles bevorgestanden. Ich hatte mir gedacht, bei der Landung erwartet mich etwas, was nicht mehr gutzumachen ist. (*A. Seghers.*)

8. Плюсquamперфект гап олдида, охирида ва ўртасида қўлланаверади:

Andrytzki spürte, daß der Alte die Nacht über wenig geschlafen hatte. Alle hatten sich an ihre Arbeitsplätze getrottelt. Achre sah als Fahle gegangen war, wie sich vor einem Ofendeckel eine Gruppe bildete (*E. Gladius.*) Nachdem Hanisch gegangen war, sah Henriette lange auf den Zittel. (*B. Apitz.*)

9. Агар илгари бўлган иш-ҳаракат претерит билан ифода этилган бўлса, кейинги иш-ҳаракат плюсквамперфект билан ифодаланади.

Sie atmete tief aus und war Sekunden später eingeschlafen. (*G. Frank.*)

Плюсквамперфектнинг бу тури *bis, bevor, ehe* боғловчилари билан боғланиб келади:

Der war neunzehnhundertachtzehn noch in den letzten Kriegstagen, ehe der Junge geboren war, in den Gräben des Argonnerwaldes geblieben. (*O. Gotsche.*) Er sprach den Urteilsspruch, bevor er die Zeugen vernommen hatte. (*Th. Mann.*)

Демак, юқорида қайд қилиб ўтилган ҳодаларга кўра плюсквамперфектнинг н и с б и й (relativ) қўлланишини қуйидаги схема билан кўрсатиш мумкин. Уларнинг ҳар бири қўш замон форма (das Zeitformenpaar) ҳисобланади:

- | | |
|-----------|----------|
| 1. Plusq. | Präterit |
| 2. Plusq. | Perfekt |
| 3. Plusq. | Präsens |

ФУТУРУМ I НИНГ ЯСАЛИШИ

(BINDUNG DES FUTURS I.)

Немис тилида келаси замон формаси и к к и т у р г а *футурум I* ва *футурум II* га бўлинади.

Футурум I (келаси замон) *werden* ёрдамчи феълининг презенси ва мустақил феълининг *инфинитив* формасидан ясалади, масалан:

Tony **wird** sich bemühen eine kluge und tüchtige Frau zu werden. (*Th. Mann.*)

Die Studenten **werden** im Kolchos arbeiten. Die Pioniere werden im Sommer nach Moskau fahren.

bekommen феълининг футурум I да тусланиши

(Konjugation des Verbs bekommen im Futur I)

Singular		Plural	
ich werde	} bekommen	wir werden	} bekommen
du wirst		ihr werdet	
er wird		sie werden	
	Sie werden		

Футурум I нинг маъноси ва қўлланиши

(Bedeutung und Gebrauch des Futurs I.)

1. Футурум I келаси замонда содир бўладиган иш-ҳаракатни ифодалашда қўлланади: Ich werde im Sommer nach Samarkand fahren.

2. Футурум I модал маъно (modale Futur) ни ҳам ифода этади. Бундай конструкцияда модал маъно *wohl, vielleicht, doch, hoffentlich, sicherlich* ва бошқа модал сўзлар билан ифода этилади. Мисоллар:

Wurm: Ein väterlicher Rat vermag bei der Tochter viel, und hoffentlich werden Sie mich kennen, Herr Miller. (*F. Schiller.*)

Ich werde ihm schon mit der Zeit alles ausreden. Zwischen dir und mir ist so lange Schluß. Was brabbelst du denn? Ich muß jetzt Ordnung auf dem Hof haben, sonst kommen mir noch die Kinder an den Bettelstab. Der Wilhelm ist der Herr, der muß heim, da werde ich ihn doch nicht Kopfscheu machen.

— Мен албатта, секин-аста бунди билиб оламан. Ҳозирча орамизда ҳеч қанақа гап бўлиши мумкин эмас. Нима деб тўнғиллаяпсан? Энди хўжаликни тартибга солишим керак, бўлмаса болалар тиланчи бўлиб кетишади. Бу ернинг хўжайини Вильгельм, у қайтиб келиши керак. Мен уни чуқитмаслигим керак, ахир.

3. Футурум I буйруқ маъносини ифода этишда ҳам қўлланади:

Du wirst den Apfel schießen von dem Kopf des Knaben — ich begehre's und will's. (*F. Schiller.*) Du wirst sofort deine Siebensachen packen. (*B. Kellermann.*)

Футурум I қуйидаги ҳолатларда ҳам қўлланади: 1) кутилган иш-ҳаракатни англатишда: Und morgen werde ich reisen. 2) презенсга қарши маънони англатишда: Was du bist, bin, ich gewesen; was ich bin, wirst du sein. (*Garossa.*) 3) қатъий ишонч маъносини англатишда: Und solltest du je hier Spiegeleier bestellen, und sollte ich

gerade in der Küche sein, wenn die Bestellung durchkommt, dann werde ich mir eine Ehre daraus machen, dir höchst Persönlich in die Pfanne zu spucken. (Bäll.)

4) футурум пассив (мажҳул нисбат) маъносини ифода этишда: Franz war längst über das Alter hinaus, da Vater und Mutter noch von dem Schulbesuch der Kinder **beunruhigt** werden.

— Франц улғайиб қолганди, шунинг учун унинг мактабдаги ишлари ота-онасини қизиқтирмай қўйганди.

Футурум I формасида ифодаланган маъно ўзбек тилида ҳозирги — келаси замон феъли ёрдамида берилади: Ich werde schreiben.
— Мен ёзаман.

Ўзбек тилининг келаси замон гумон феъли эса немис тилига футурум I нинг модал маъносини ифодаловчи конструкция ёрдамида берилади: У балки бугун келар — Er wird vielleicht heute kommen.

Немис тилида футурум I нинг пассив маъносини ифода этиши ўзбек тилида феълнинг нисбат формалари орқали берилади.

Немис тилида футурум I буйруқ гап маъносини ифода этганда, ўзбек тилида ҳам буйруқ гап формаси билан берилади.

Ф у т у р у м I тахмин, гумон маъноларини англиз тилига келса, у келаси замонга эмас, балки ҳозирги замонга тегишли бўлади.

Юқорида берилган мисолларни таққосланг.

Ф у т у р у м II werden ёрдамчи феълнинг презенци ва мустақил феълнинг инфинитив II формасидан ясалади:

	Singular	Plural
I.P.	ich werde gelesen haben	wir werden gelesen haben
II.P.	du wirst gelesen haben	ihr werdet gelesen haben
III.P.	er wird gelesen haben	sie werden gelesen haben

ФУТУРУМ II НИНГ МАЪНОСИ ВА ҚЎЛЛАНИШИ

(Bedeutung und Gebrauch des Futur II)

1. Ф у т у р у м II футурум I каби келаси замонда бўладиган иш-ҳаракатнинг бажарилиши ёки бажарилмаслигини ифода этади. Бунда футурум II футурум I ва презенсга кўра нисбий замон формаси ҳисобланади. Масалан:

«Du wirst es schaffen!» sagte sie leise. «Aber wenn du es geschafft haben wirst, werde ich nicht mehr bei dir sein». (H. Fallada.)

2. Ф у т у р у м II ёки Futurum exactum келаси замонда содир бўладиган иш-ҳаракатнинг тугалланган деб тахмин, гумон қилинишини ифода этади:

Vielleicht wird es lange dauern, aber eines Tages werden wir es überwunden haben. (Jens.)

3. Ҳозирги немис тилида футурум II одатда модал маънода қўлланади:

lassen ^ !^ - :

komm, laß!

) 1^ - 1^

^ ^ , , ^ , :

<i>fahre</i>	<i>fahr!</i>	<i>schreibe</i>	<i>schreib!</i>
<i>stoße</i>	<i>stoß!</i>	<i>s:eige</i>	<i>steig!</i>
<i>laufe</i>	<i>lauf!</i>	<i>fliehe</i>	<i>flieM</i>

b) *wandern, wandeln, lächeln, verändern* ^

wandre, wandle lächle, verändere

3) *haben, sein, werden,* !^ *habe, 'sei, seid, seien Sie: Seid ruhig! Seidruhig! Seien Sie ruhig!*

4) - 1^ *wissen* (,)'

(^ : *wisse.*

Wollen lassen -

^ ,

«Nun aber wollen wir nicht länger von diesen alten Dingen sprechen, Frank!» (*B. Kellermann.*) Teil: Hier ist nicht gut zu sein. Last uns weitergehen (*F. Schiller.*)

(Bildung des Imperativs von starken und schwachen Verben):

1. starke und schwache Verben

<i>j^apanam</i> (Infinitiv)	(Singular)	(Plural)	fahr-en wir!	(Höflichkeitsform)
fahr-en	fahr-(e)!	fahr-t!	mach-en wir!	fahr-en Sie!
mach-en	mach-(e)	mach-t!		mach-en Sie!

2. Starke Verben mit dem Stammvokale

<infinitiv)	(Singular)	(Plural)		(Höflichkeitsform)
les-en	lies!	les-t!	les-en wir!	les-en Sie!
geb-en	gib!	geb-t!	geb-en wir!	geb-en Sie!

3. Besondere Fälle (}^)

(Infinitiv)	(Singular)	(Plural)		(Höflichkeitsform)
lass-	laß!	laß-t!	lass-en wir!	lass-en Sie!
sei-n	sei!	sei-d!	sei-en wir!	sei-en Sie!
werd-	werd-et!	werd-et!	werd-en wir!	werd-en Sie!

, 1 ^ -

, 1^ -

- ()

- ()

1^, -

1^

^ : , -

^ : , -

(. (.)

Демак, жадвалда курсатилган мисоллар шуни курсатадики, немис тилида буйруқ майлида бирликнинг биринчи ва учинчи шахси, купликнинг учинчи шахси умуман йўқ. Ўзбек тилида эса бирлик ва купликнинг ҳамма шахс формасига эга.

Буйруқ майли (императив)нинг маъноси ва қулланиши
(Bedeutung und Gebrauch des Imperativs)

Императив қўйидаги маъноларда қулланади:

1) Б у й р у маъносида:

«**Bringe ein paar Tassen Kaffee und Zigarren in den Billardsaal**», sagte er zu dem Folgmädchen, das über den Vorplatz ging. (Th. Mann.)

«**Mach dich fertig, mein Kind**», sagte er, als Tony erschien. Er ging mit ihr in den Salon hinüber. «**Wach dich in aller Eile bereit und trage Sorge, daß auch Erika bald reisefertig ist**» . . . Wir fahren zur Stadt . . . (Th. Mann.)

2) И л т и м о с маъносида:

«**Thomas, mein Sohn, sei mal so gut**», sprach Johann Buddenbrook und zog sein großes Schlüsselbund aus der Beinkleidtasche (Th. Mann.)

3) Т а л а б қйлиш маъносида:

Er packte Diederich an den Schultern, drehte ihn herum und schob ihn vor sich her. Für jeden Versuch, sich loszumachen, bekam Diederich einen mächtigen Knuff.

«**Ich fordere Genugthuung**», schrie er. «**Sie müssen sich mit mir schlagen!**» (H. Mann.)

4) М а н қйлиш маъносида:

Betreten Sie nicht dieses Haus!

5) Ч а қ и р и қ маъносида:

Bleibe hart und stark, gutes Volk! (W. Brecht.)

«**Proletarier aller Länder, vereinigt euch!**» (K. Marx.)

5) И е т а к маъносида: **Gib (mir) doch mal das Buch her!**

6) Шахера алоҳида эътибор этилганда императив кишилик олмошлари билан бирга қулланади: **kümmere du dich um deine Angelegenheiten!** (W. Brecht.)

Императивнинг юқорида берилган асосий маъноларидан ташқари у партицип II, инфинитив формаларида ҳам қулланади:

Endlich trat Reineboth ans Stativmikrophon. «**Fertig— stillgestanden**»

Weil militärische Exaktheit hier zur Komik ausartete, hatte sich Reineboth angewöhnt, durchs Mikrophon zu rufen: «**Korrigieren!**» (B. Apitz)

КОНЬЮНКТИВ
(DER KONJUNKTIV, DIE MÖGLICHKEITSFORM)

Конъюнктив асосан иш-ҳаракатнинг бажарилишидаги *истак* (*орун*), *мумкинлик* (*эҳтимоллик*), *тахмин*, *ишубхис* (*еумон*) каби маъноларни ифодалаш учун қулланади.

Конъюнктивнинг замон формалари англатадиган маъноларига кўра презенс формалари (Präsensformen des Konjunktivs) ва претеритал формалари (Präteritalformen des Konjunktivs) га бўлинади.

Презенс формаларига презенсдан ташқари перфект, футурум I ва футурум II формалари киради, чунки бу замон формаларининг ҳаммасида ёрдамчи феъллар презенс замон формасида қўлланади.

Претеритал формаларига претеритдан ташқари плюсквамперфект, кондиционалис I ва кондиционалис II замон формалари киради, чунки бу замон формаларида ёрдамчи феъллар претеритум замон формасида қўлланади. Феъллар конъюнктивда ҳам худди индикативдагидек асосан олти замон формасига эга. Лекин улар конъюнктивда бундан ташқари яна кондиционалис I ва кондиционалис II формаларига ҳам эга.

Лекин конъюнктив замон формаларига қўшилган кондиционалис I ва кондиционалис II формаларининг ясалиши, маъноси ва қўлланиши олти замон формаларига нисбатан улардан фарқ қилади.

КОНЪЮНКТИВНИНГ ЯСАЛИШИ (BILDUNG DES KONJUNKTIVS)

Презенс конъюнктив (Präsens Konjunktiv)

Презенс конъюнктив феъл негизига -е суффикси ва шахс-сон қўшимчаларини қўшиш билан ясалади. Бунда феъл негизигаги унли товуш ўзгармайди. Презенс конъюнктивда тусланадиган кучли феъллар презенс индикативда тусланишидан шу билан фарқ қиладики, улар: а) презенс конъюнктивда умлаутга ва брехунгга¹ (е — і) эга эмас;

б) бирликнинг биринчи ва учинчи шахслари шахс қўшимчаларини олмайди;

в) кўпликнинг биринчи ва учинчи шахсларида эса суффикс билан шахс қўшимчаси қўшилади:

Претерито-презентиа феъллари презенс конъюнктивда тусланганда негизигаги унли ўзгармайди.

		Singular
I.P.	-e-	ich lern-e, fahr-e
II.P.	-e-st	du lern-e-st, fahr-e-st
III.P.	-e-	er lern-e, fahr-e

¹ Герман тилларида товуш алмашиниши, яъни маълум унлининг ёқи унли олдида келган ундошнинг алмашинишига die Brechung деб юритилади.

	Plural	
I.P.	-e -n	wir lern-e -n, fahr-e -n
II.P.	-e -t	ihr lern-e -t, fahr-e -t
III.P.	-e -n	sie lern-e -n, lahr-e -n

Претерито-презентиа феъллари презенс конъюнктивда тусланганда негиздаги унли ўзгармайди.

	Singular	
I.P.	ich solle, wolle, könne, dürfe, möge, müsse, wisse	
II.P.	du sollest, wollest, könntest, dürfest, mögest, müssest, wissest	
III.P.	er solle, wolle, könne, dürfe, möge, müsse, wisse	
	Plural	
I.P.	wir sollen, wollen, können, dürfen, mögen, müssen, wissen	
II.P.	ihr sollet, wollet, könnet, dürfet, möget, müsset, wisset	
III.P.	sie sollen, wollen, können, dürfen, mögen, müssen, wissen	

Презенс конъюнктивда *haben*, *sein*, *werden* феъллари индикатив майлининг презенс формасида бўладиган ўзгаришларга эга эмас. Булар презенс конъюнктивда асосий феъллар каби тусланади.

Sein феъли презенс бирлигининг ҳамма шахсларида -e суффиксига эга эмас:

	Singular	Plural
I.P.	ich habe, sei, werde	I.P. wir haben, seien, werden
II.P.	du habest, seist, werdest	II.P. ihr habet, seiet, werdet
III.P.	er habe, sei, werde	III.P. sie haben, seien, werden

Конъюнктив замон формаларининг маъноси ва қўлланиши (Bedeutung und Gebrauch der Zeitformen des Konjunktivs)

Феълнинг аниқлик майли (der Indikativ) ва шарт майлининг (der Konjunktiv) презенс замон формасида тусланиши (Die Konjugationstabelle des Indikativs und des Konjunktivs im Präsens).

ҲОЗИРГИ ЗАМОН (Präsens)

	Аниқлик майли (Der Indikativ)		Шарт майли (Der Konjunktiv)	
	Singular	Plural	Singular	Plural
I.P.	ich lern-e fahr-e	wir lern-en fahr-en	ich lern-e fahr-e	wir lern-en fahr-en
II.P.	du lern-st fähr-st	ihr lern-t fahr-t	du lern-e-st fahr-e-st	ihr lern-e -t fahr-e -t
III.P.	er } lern-t sie } fähr-t es }	sie lern-en fahr-en	er } lern-e sie } fahr-e es }	sie lern-en fahr-en

Аниқлик ва шарт майлининг презенс замон формасида тусланган феъллар бир-биридан қуйидагича фарқ қилади:

бирликнинг биринчи шахсида ҳар икки майлда ҳам тусланиши бир хил, лекин шарт майлининг иккинчи шахсида шахс қўшимчаси олдида е унли орттирилади, учинчи шахсда эса t шахс қўшимчаси ўрнида ҳам е унли қўлланади. Бундан ташқари, аниқлик майлининг презенсиди II ва III шахс бирлигида умлаут қабул қиладиган феъллар конъюнктивда тусланганда шу шахсларда умлаут олмайди.

Кўпликнинг I ва II шахсларида феълнинг тусланиши икки майлда ҳам бир хилдир. Фақат кўпликнинг II шахсида шарт майлида е унли орттирилади.

Презенс конъюнктивнинг қўлланиши (Bedeutung und Gebrauch des Präsens Konjunktivs)

Презенс конъюнктив қуйидаги маъноларни англатишда қўлланади:

1) Бажарилиши мумкин бўлган истакни ифодалашда: *Möge unsere Heimat gedeihen! Möge die Freundschaft zwischen der DDR und der UdSSR sich festigen und vertiefen!*

Er bat mich, ich möge ihm helfen; er bat mich, daß ich ihm helfen möge; möge dein Wunsch bald in Erfüllung gehen! (W. BredeL.)

2) Реал мумкинлик маъносини ифода этадиган эргаш гапларда:

Diederich verlangte einen sauren Hering; und dann beklagte er sich zornig, wie schwer es sei, in Netzig den neuen Geist einzuführen. Diederich versicherte, daß er einen ehrenvollen Frieden wünsche. (H. Mann.)

3) Бўйруқ маъносини ифодалашда:

Man halte Abstand! Man schreibe alle Substantive aus!

Man stelle sich einen rechtwinkligen Felsblock vor, etwa achtzig Meter lang, zehn Meter hoch, fünf Meter breit. (Kisch).

Бундай гапларда *man* гумон олмоши қўлланади. Бундан ташқари *man* презенс конъюнктивда қўлланганда турли қўлланиш ва ҳар хил ёзма ҳужжатлар ҳақидаги маънони англатиш учун ишлатилади.

Баъзан конъюнктив презенс буйруқ гап формасида *man* гумон олмошисиз ҳам қўлланиши мумкин:

Wery dazu stimmt, erhebe seine Hände. (*Schiller*)

4) презенс тўсиқсиз маънони ифода этадиган тўсиқсиз эргаш гапларда (Einräumungssatz — Konzessivsatz).

Jeder Autor, und sei er noch so groß, wünscht, daß sein Werk gelobt werde. (*H. Heine.*)

5) презенс мақсад маъносини билдирадиган мақсад эргаш гапта (Finalsatz):

Damit er wenigstens einigen Komfort für diese Fälle habe, richtete sie ihm ein Schlafzimmer mit Bad und ein Speisezimmer im Syndikatgebäude ein . . . (*B. Kellermann.*)

Ўзбек тилида шарт майлининг ҳозирги-келаси замон формаси *бўлмоқ* боғламаси ёрдамида ясалади: *ўқиётган бўлсам, ўқиётган бўлсанг, ўқиётган бўлса, ўқиётган бўлсак, ўқиётган бўлсангиз, ўқиётган бўлсалар.*

Ўзбек тили шарт майлининг бу формаси немис тили конъюнктивининг презенсга хос маъно ва вазибаларида қўллана олмайди. Немис тили конъюнктивининг презенс формасига хос маъно ўзбек тилида шарт майлининг замон кўрсаткичига эга бўлмаган форма орқали ифодаланади: *ўқисам, ўқисанг, ўқиса, ўқисак, ўқисангиз, ўқисалар.*

Претеритум конъюнктивнинг ясалиши (Bildung des Präteritums im Konjunktiv)

Кучсиз феълларнинг претерит замон формаси аниқлик майли (индикатив)да ва конъюнктивда бир хил бўлади. Қиёсланг:

Аниқлик майли (Der Indikativ)		Шарт майли (Der Konjunktiv)		
	Singular	Plural	Singular	Plural
I. P.	ich sag-te	wir sag-ten	ich sag-te	wir sag-t-en
II. P.	du sag-te -st	ihr sag-te -t	du sag-te -st	ihr sag-t-et
III. P.	er sag-te	sie sag-t-en	er sag-te	sie sag-t-en

Нотўғри тусланадиган феъллар конъюнктив претеритумда *er nenn-te, kenn-te, brenn-te, däch-te, send-te, wend-te, renn-te* формаларига эга.

Кучли феъллардан претеритум конъюнктив ясалганда, индикативнинг претеритум замон формасидаги феъл негизига -е суффикси

на унга яна шахс-сон қўшимчаси қўшилади. Бунда феъл негизидани а, о унлилари умлаут қабул қилади.

Singular					
I. P.	-e	ich stieg-e,	gäb-e	böt-e,	lüd-e
II. P.	-et	du stieg-e -st,	gäb-e-st,	böt-e-st	lüd-e-st
III. P.	-e	er stieg-e,	gäb-e,	böt-e	lüd-e

Plural					
I. P.		wir stieg-e, -n,	gäb-e-n	böt-e-n,	lüd-e-n
II. P.		ihr stieg-e-t,	gäb-e-t,	böt-e-t,	lüd-e-t
III. P.		sie stieg-e-n,	gäb-e-n,	böt-e-n,	lüd-e-n

Феълнинг аниқлик майли ва шарт майлининг претеритум замон формасида тусланиши

(Die Konjugationstabelle des Indikativs und des Konjunktivs im Präteritum)

Аниқлик майли (Der Indikativ)			Шарт майли (Der Konjunktiv)	
P.	Singular	Plural	Singular	Plural
I.	ich stieg gab	wir stieg-en gab-en	ich stieg-e gäb-e	wir stieg-en gäb-en
II.	du stieg-st gab-st	ihr stieg-t gab-t	du stieg-e-st gäb-e-st	ihr stieg-e-t gäb-e-t
III.	er stieg sie gab es gab	sie stieg-en gab-en	er stieg-e sie gäb-e	sie stieg-en gäb-en

Жадвалдаги *steigen* ва *geben* феълларининг икки майлда тусланишидан ўзагида а, о, и унлилари бўлмаган кучли феъллар претеритумда тусланганда, шарт майлининг бирлигида учала шахсда ҳам -е унли орттирилиши, кўпликда фақат II шахсда -е унлиси орттирилишини кўрамиз.

Ўзагида а, о, и унлилари бўлган кучли феъллар бирликда шарт майли претеритумда аниқлик майлига нисбатан I, II, III шахсларда умлаут ва -е унлисини қабул қилади.

Кўпликда биринчи ва учинчи шахслардагина фақат умлаут олади. Иккинчи шахсда ҳам умлаут, ҳам е унли орттирилади.

Баъзи кучли феъллар конъюнктивнинг претерит замон формасида бир неча формага эга:

Infinitiv	Präteritum Konjunktiv
befehlen	befähle — beföhle
beginnen	begänne — begönne
bergen	bärge — bürge
bersten	bärste — börste
gelten	gälte — gölte
gewinnen	gewänne — gewönne
heben	höbe — hübe
helfen	hälfe — hülfe
rinnen	ränne — rönne
schelten	schälte — schölte
spinnen	spänne — spönne
sinnen	sänne — sönne
stehlen	stähle — stöhle

Нотўғри тусланидиган *sein, tun, gehen, stehen* феъллари конъюнктивнинг претеритум замон формасида кучли феъллар каби тусланади: *er ginge, täte, stände (stünde), wäre.*

Haben, werden ва *bringen* нотўғри тусланидиган феъллар конъюнктивнинг претеритум замон формасида умлаут қабул қилади: *er hätte, würde, brächte.*

Sollen ва *wollen* феълларидан бошқа претерито-презентиа феъллари конъюнктивнинг претерит замон формасида умлаут қабул қилади:

КОНЪЮНКТИВ АНАЛИТИК ФОРМАЛАРИНИНГ ЯСАЛИШИ (DIE ANALYTISCHEN FORMEN DES KONJUNKTIVS)

Перфект конъюнктивнинг ясалиши (Bildung des Perfekts im Konjunktiv)

	Singular	Plural
I. P. II. P. III. P.	ich habe gefragt du habest gefragt er habe gefragt	wir haben gefragt ihr habet gefragt sie haben gefragt
I. P. II. P. III. P.	ich sei gekommen du seiest gekommen er sei gekommen	wir seien gekommen ihr seiet gekommen sie seien gekommen

Феълнинг аниқлик ва шарт майли перфект замон
формасида тусланиши

(Die Konjugationstabelle des Perfekts im Indikativ und Konjunktiv)

Аниқлик майли (Der Indikativ)		Шарт майли (Der Konjunktiv)		
	Singular	Plural	Singular	Plural
I. P.	ich habe ge- fragt	wir haben ge- fragt	ich habe ge- fragt	wir haben ge- fragt
II. P.	du hast ge- fragt	ihr habt ge- fragt	du hab-e-st ge-fragt	ihr hab-e-t ge- fragt
III. P.	er } sie } hat ge- es } fragt	sie haben ge- fragt	er } sie } hab-e ge- es } fragt	sie haben ge- fragt.

I. P.	ich bin ge- kommen	wir sind ge- kommen	ich sei ge- kommen	wir seien gekom- men
II. P.	du bist ge- kommen	ihr seid ge- kommen	du seist ge- kommen	ihr seiet gekom- men
III. P.	er } sie } ist ge- es } kommen	sie sind ge- kommen	er } sie } sei ge- es } kommen	sie seien gekom- men

fragen ва *kommen* феълларининг перфект шарт майлида тусланиши аниқлик майлида тусланишидан қуйидаги белгилар билан фарқ қилади:

haben билан тусланадиган феъллар бирликнинг биринчи шахсида бир хил тусланади. Шарт майлининг иккинчи ва учинчи шахсларида **в** ундоши сақланиб, **е** унли орттирилади. Қўпликда эса биринчи ва учинчи шахсларда икки майлда ҳам бир хил тусланади, ammo иккинчи шахсда **е** унли орттирилади.

sein феъли билан тусланадиган феъллар шарт майлида феълнинг тусланувчи қисми (*sein* феъли) ни аниқлик майлидаги формасига қараганда бутунлай ўзгартириб юборади, масалан: *bin* ўрнига *sei*, *bist* ўрнига *seiest* в.б. Лекин феълнинг ўзгармайдиган қисми, яъни партицип II ҳар икки майлда ўзгармай ўз формасида қолади.

Плюсквамперфект конъюнктивнинг ясалиши (Bildung des Plusquamperfekt im Konjunktiv)

Плюсквамперфект конъюнктив *haben* ва *sein* кўмакчи феълларининг имперфект конъюнктиви ва мустақил феълнинг сифатдош II формасидан ясалади:

Singular	Plural
I. P. ich hätte gefragt II. P. du hättest gefragt III. P. er hätte gefragt	wir hätten gefragt ihr hättet gefragt sie hätten gefragt
Singular	Plural
I. P. ich wäre gekommen II. P. du wärest gekommen III. P. er wäre gekommen	wir wären gekommen ihr wäret gekommen sie wären gekommen

**Феълнинг аниқлик майли ва шарт майлининг плюсквамперфект
замон формасида тусланиши**

(Die Konjugationstabelle des Plusquamperfekts im Indikativ
und Konjunktiv).

	Аниқлик майли (Der Indikativ)		Шарт майли (Der Konjunktiv)	
	Singular	Plural	Singular	Plural
I. P. II. P. III. P.	ich hatte ge- fragt du hattest ge- fragt er } hatte gefra- sie } gte	wir hatten gefragt ihr hattet ge- fragt sie hatten ge- fragt	ich hätte ge- fragt du hättest ge- fragt er } hätte ge- sie } gte	wir hätten gefragt ihr hättet ge- fragt sie hätten ge- fragt
I. P. II. P. III. P.	ich war gekom- men du warst ge- kommen er } war gekom- sie } men	wir waren ge- kommen ihr wart ge- kommen sie waren gekommen	ich wäre ge- kommen du wärest ge- kommen er } wäre ge- sie } kommen	wir wären gekommen ihr wär-et gekommen sie wären ge- kommen

haben ёрдамчи феъли шарт майлида тусланганда бирлик ва кўпликнинг барча шахсларида умлаут олади ва шу аниқлик майлидан фарқ қилади.

sein билан тусланадиган феъллар шарт майлида бирликнинг барча шахсларида биринчидан умлаут олса, иккинчидан е унли орттиради. Кўпликда эса биринчи ва учинчи шахсда фақат умлаут олади, иккинчи шахсда эса ҳам умлаут, ҳам е унли орттиради.

Конъюнктивнинг футурум I ва II формаларининг ясалиши (Bildung des Futurs I, II im Konjunktiv)

Футурум I конъюнктив *werden* кўмакчи феълнинг презенс конъюнктиви ва мустақил феълнинг инфинитив I идан ясалади.

Futurum I	
(Singular)	(Plural)
ich werde erzählen du werdest erzählen er werde erzählen	wir werden erzählen ihr werdet erzählen sie werden erzählen

Футурум II эса *werden* ёрдамчи феълнинг презенс конъюнктиви ва мустақил феълнинг инфинитив II сидан ясалади:

Futurum II	
Singular	Plural
ich werde erzählt haben du werdest erzählt haben er werde erzählt haben	wir werden erzählt haben ihr werdet erzählt haben sie werden erzählt haben

I. P.	ich werde gekommen sein	wir werden gekommen sein
II. P.	du werdest gekommen sein	ihr werdet — » — » —
III. P.	er werde gekommen sein	sie werden — » — » — »

Аниқлик майли ва шарт майлининг футурум I ва футурум II
 замон формаларида феълнинг тусланиши
 (Die Konjugationstabelle des Futurum I und II im Indikativ und
 Konjunktiv)

Аниқлик майли (Der Indikativ)		Шарт майли (Der Konjunktiv)	
Futurum I			
Singular	Plural	Singular	Plural
I. ich werde II. du wirst III. er sie es	wir werden ihr werdet sie werden	ich werde du werdest er werde	wir werden ihr werdet sie werden
erzählen werden	erzählen kommen	erzählen kommen	erzählen kommen
Аниқлик майли (Der Indikativ)		Шарт майли (Der Konjunktiv)	
Futurum II			
Singular	Plural	Singular	Plural
I. ich werde II. du wirst er- zählt haben, ge- kommen sein III. er sie es	wir werden ihr werdet er- zählt haben, ge- kommen sein sie werden	ich werde du werdest er- zählt haben, ge- kommen sein er werde	wir werden ihr werdet er- zählt haben, ge- kommen sein sie werden
wird			

Кондиционалис I ва II формаларининг ясалиши
 (Bildung des Konditionalis I, II)

Кондиционалис I формаси *werden* ёрдамчи феълнинг претеритум конъюнктив формаси ва мустақил феълнинг инфинитив I формасидан ясалади:

	Singular	Plural
I. P. II. P. III. P.	ich würde fragen du würdest fragen er würde fragen	wir würden fragen ihr würdet fragen sie würden fragen

Кондиционалис II формаси эса *werden* феълининг претеритум конъюнктив формаси ва мустақил феълнинг инфинитив II формасидан ясалади:

	Singular	Plural
I. P.	ich würde gefragt haben	wir würden gefragt haben
II. P.	du würdest gefragt haben	ihr würdet gefragt haben
III. P.	er würde gefragt haben	sie würden gefragt haben

	Singular	Plural
I. P.	ich würde gekommen sein	wir würden gekommen sein
II. P.	du würdest gekommen sein	ihr würdet gekommen sein
III. P.	er würde gekommen sein	sie würden gekommen sein.

Конъюнктивнинг претеритал замон формаларининг маъноси ва қўлланиши

(Bedeutung und Gebrauch der Präteritalformen des Konjunktivs)

Бажарилиши мумкин бўлмаган орзу-истак ёки реал бўлмаган иш-ҳаракатни ифода этиш учун претерит, плюсквамперфект, кондиционалис I ва кондиционалис II замон формалари қўлланади. Конъюнктив претеритал замон формаларининг маънолари турлича бўлиб, улардан кўп қўлландигани қуйидагилар:

1) Бажарилиши мумкин бўлмайдиган ёки амалга ошмайдиган орзу-истак маъносини ифода этади:

Hätte er Zeit, so **käme** er bestimmt. **Käme**st, (so) **wäre** ich froh. Wenn er Sport triebe, **wäre** er nicht so ein schwächtiger Junge (Präteritum Kür).

Бундай гаплар *Wenn* боғловчиси билан қўлланиши мумкин.

Wenn er doch hier **wäre**! (Präteritum K — v)

Oft liege ich stundenlang hier und denke, wie der Wind über die Wiese streicht, und die Wiese gibt sanft nach. Wie schön wäre es, larfüßig im Grase zu gehen! (B. *Kellermann.*)

— Кўпинча соатлаб бу ерда ётиб ўйлайман, шамол водийдан қандай гўзаллик билан эсиб ўтади ва водийдан эса ҳидли ислар бурқиб туради. Қандай яхши — бўлар эдики, ўт устидан яланг оёқ юриш.

Mir **käme** es besser vor, alles auf einmal abzuschicken statt in Raten. (A. *Seghers.*)

— Маслаҳат ўрнига менга ҳаммасини унга бирдан юбориш керак деган фикр келса эди.

Демак, немис тилининг конъюнктив претерит замон формаси ўзбек тилига 1) -(а)р аффикси билан ясалувчи ҳозирги — келаси замон гумон феълига *эмоқ* кўмакчи феълининг ўтган замон формаси *эдини* қўшиш йўли билан; 2) -са аффикси билан ясалувчи шарт феъли формасига *эмоқ* кўмакчи феълининг ўтган замон формаси *эдини* қўшиш билан берилади.

Претерит нисбий замон маъносида қўлланганда бош ва эргаш гапдаги иш-ҳаракатнинг бажарилиши бир пайтда амалга ошиши фараз этилиб эргаш гап презенс ёки претерит замон формасида ифода этилади.

In diesem Augenblick betrat Emmi, sie hatte es, so meinte Derich, schon mehrmals betreten — ging zum Fenster, streckte den Kopf hinaus, seufzte, als sei sie allein, und begab sich auf den Rückweg. (H. Mann.)

Плюсквамперфектга мисоллар:

Ich bin doch schon dreizehn Jahre. Wozu willst du sie fragen, uns sagt man ja doch nur Lügen . . . — Aber ich hätte es so gern gewußt».

— Ёшим ўн учга тўлибдиямки, бари бир улардан сўраб нима қилардик? Бари бир бизга ёлғон гапиришади . . . — Шунақаям билгим келяптики.

Wenn ihr Mann heimkäme, rasch eine Schusterei zulegen, er hätte ja das Handwerk gelernt.

— Агар Вильгельм бутунлай — қайтиб келгундай бўлса, Християн дарров этикдўзлик устахонасини очиши мумкин, ахир у этикдўзликни ўрганиб олган-ку.

Мисоллардан, конъюнктив плюсквамперфект замон формасининг маъноси ўзбек тилига турли усуллар билан берилиши англашилади, чунончи: 1) асосий феъл — эгалик қўшимчаси — асосий феълнинг ҳозирги замон формаси *-ки* боғловчиси; 2) асосий феълнинг *-(и)б* аффикси ёрдамида ясалувчи равишдош формаси — иккинчи феълнинг ўтган замон сифатдош формаси *-ку* юкламаси билан берилади.

Бош ёки эргаш гапдаги иш-ҳаракатнинг қайси бири илгари бажарилган бўлса, шу гап перфект ёки плюсквамперфект конъюнктив билан ифода этилади; иккинчи иш-ҳаракат эса претерит билан берилади. Бунда плюсквамперфект претеритга кўра нисбий замон маъносида қўлланган бўлади. Буни *Vorzeitigkeit* дейилади. Мисоллар:

Fabian fuhr zusammen, als habe er einen Stoß vor die Brust bekommen, und blickte das Mädchen mit offenem Munde an . . . (Kellerman.) Das Kind rannte mit ihm weg, als ob alles sofort verstanden hätte. (A. Seghers.)

Бош ёки эргаш гапдаги иш-ҳаракатнинг қайси бирини бажарилиши келаси замонда фараз этилса, шу гап конъюнктивнинг футрум I ёки кондиционалис замон формаси билан ифода этилади.

Бунда футурум I ёки кондиционалис I иккинчи замонга кўра нисбий замон маъносида қўлланган бўлади. Буни *Nachzeitigkeit* дейилди. Масалан:

Zuerst hatte es den Anschein, als ob seine Beziehungen zu den Damen Lerche — Schellhammer wieder neue aufleben würden, aber diese Hoffnung, die Fabian beglückte, war bald wieder in nichts zerfallen. (*Kellermann.*)

2) Бажарилиши мумкин бўлмаган ёки бажарилмаган имконият маъносини ифода этади:

Wenn jetzt ein jüngstigeres Wetter wäre, könnten wir schneller fliegen. (Präteritum K—v).

Wenn das Wetter heiter wäre, (so) könnte man eine Kahnfahrt unternehmen. (Präteritum K—v).

Реал бўлмаган имкониятни ифода этиш учун конъюнктивнинг илосквамперфект замон формаси *fast, beinahe, um, ein Haar* (сал бўлмаса) равишлари билан бирга қўлланади:

Das Mädchen wäre beinahe gefallen (Plus—K—v).

Fast hätte er die Zeitschrift verloren. (Plusq. K—v).

Im Eingang kam ihm unvermutet der Schwarzbärtige Maschinenmeister entgegen. Diederich zuckte zusammen, fast hätte er dem Arbeiter Platz gemacht (*H. Mann.*) (Plusq. Konj.)

Er öffnete den Mund, schnappste und schloß ihn wieder, stark errötet. Um ein Haar hätte er verraten, was seine Schwestern ihm über Wolfgang Buck erzählt hatten. (*H. Mann.*) (Plusq. Konj.)

3) Реал бўлмаган иш-ҳаракатнинг қиёс маъносини англатади. Бунда конъюнктив *als, als, ob, als wenn* боғловчилари билан келадиган эргаш гаплар ёрдамида ифода этилади:

Sie ging langsam über die Brücke, als sehe sie ihn nicht (*D. Noll.*) (Präsens K—v).

Es sah einen Augenblick so aus, als wollte er darauf eingehen (*E. M. Remarque.*) (Präteritum K—v)

Er tat, als ob er nichts gehört hätte. (Plusq. K—v).

Sie tanzten, als ob sie schon oft miteinander getanzt hätten (*E. M. Remarque.*). (Plusq. K—v).

4) *fürchten, glauben, denken, hoffen, meinen, vermuten, wünschen, zweifeln* каби субъект феъллардан кейин эргаш гаплар шубҳа, тахмин, иккиланиш маъноларини ифода этади:

Er zweifelt daran, daß sie ihre Arbeit schon geschrieben habe. (Perf. K—v)

Sie glaubte nicht, daß er gestern gekommen wäre (Plusq. K—v).

5) Конъюнктив бирор факт ҳақидаги шубҳа, ҳайрон қолиш маъносини ифода этади:

Dieser wäre Ihr Sohn? (Prät. K—v).

Du wärest so fleißig gewesen? (Plusq. K—v).

6) Конъюнктив инкор маъносига эга бўлган эргаш гаплар билан қўлланади. Бунда *K o n j u n k t i v* иш-ҳаракатнинг амалда бўлмаганлигини ифода этади, масалан:

аниқловчи эргаш гапта:

Ich kenne niemand, *der dir helfen könnte*. (Präteritum K—v).
модал эргаш гапларда:

Der Sommer kam, *ohne daß wir es gemerkt hätten*. (Plusq. K—v).

Der Arzt schnitt das Geschwür auf, *ohne daß der Kranke es merkte* (Prät. K—v).

Er las den Brief, ohne daß sich eine Miene seines Gesichtes verändert hätte (Plusq. K—v).

Plusquamperfekt Konjunktiv эргаш гапта *ohne daß* боғловчиси билан қўлланганда, модал маънони ифода этади:

Nun, am nächsten Morgen trat Tony in die Allee hinaus und wartete fünf Minuten, ohne daß Julchen gekommen wäre (*Th. Mann.*) (Plusq. K—v).

Конъюнктив замон формаларининг қўлланиш тартиби бир хил эмас: презенс билан претерит замон формалари бир вақтда қўлланиши мумкин бўлса, перфект билан плюсквамперфект замон формалари кетма-кет қўлланади. Кондиционалис I эса нисбий келаси замон маъносини англатади:

Der Autor gewöhnt sich am Ende an sein Publikum, als wäre es ein vernünftiges Wesen (*H. Heine*). (Prät. K—v).

Er hat die letzte Prüfung besser abgelegt, als wir es erwartet haben. (Перфект K—v).

Er hat die letzte Prüfung so abgelegt als ob er sich auf die Prüfung gar nicht vorbereitet hätte. (Plusq. K—v).

Претерит синоним ҳисобланган кондиционалис I келаси замонга оид истакни ифодалайди:

Ob es ein Mädchen ist oder ein Bub? Wer kann das wissen. Was glaubst du . . . wenn ich einmal fragen würde . . . ganz, ganz vorsichtig.

— Сенингча, ўғилми, қизми?

— Қаёқдан билай?

— Агар борди-ю, ўзидан сўрасам-чи . . . эҳтиёт бўлиб.

Конъюнктивнинг кондиционалис I формаси ўзбек тилига: 1) шарт феъли -чи юкламаси; 2) биргалик даражадаги шарт феъли—*керак* сўзи формаси билан берилади.

Немис тилида конъюнктивнинг кондиционалис II формаси плюсквамперфектга синоним бўлгани учун у плюсквамперфект ўрнида ҳам қўлланиши мумкин:

An deiner Stelle würde ich ihn gefragt haben (oder: An deiner Stelle hätte ich ihn gefragt).

— Сенинг ўрнингда бўлганимда, уни сўраган бўлар эдим.

Er würde sie auf der Straße getroffen haben (oder: Er habe sie auf der Straße getroffen).

Мисоллардан англашиладики, конъюнктивнинг кондиционалис II формаси ўзбек тилига асосий феълнинг ўтган замон сифатдоши — *бўлар* — *эди* формаси билан ифода этилади.

Конъюнктивнинг замон формалари нисбий маънога эга бўлиб, бири иккинчиси ўрнида қўллана олади:

1) презенс ўрнига претеритум (Präsens, Präteritum). Бу икки шимон формасининг ҳар бири қўлланганда бир пайтда амалга ошадиган икки иш-ҳаракат ифода этилади. Шунинг учун бу замон формаси *Gleichzeitigkeit* деб юритилади:

Reifenberg schüttelte den Kopf, als suche (suchte) er noch heute vergeblich nach einer Erklärung.

2) перфект ўрнига плюсквамперфект (Perfekt, Plusquamperfekt). Бу замон формаларининг ҳар бири икки ўтган замонда бўлган иш-ҳаракатнинг аввал бўлганини ифода этиш учун қўлланади ва бу замон формаси *Vorzeitigkeit* деб юритилади:

Eine Stimme fragte, ob es erlaubt sei (wäre), einzutreten.

3) кондиционалис I ўрнига футурум I (Konditionalis I, Futur I) Бу формаларнинг ҳар бири келаси замон маъносини англатгани учун *Nachzeitigkeit* деб юритилади:

Er würde (werde) Reifenberg Vertrauen keineswegs mißbrauchen. (B. Kellermann.)

Конъюнктивнинг ўзлаштира гапда қўлланиши (Gebrauch des Konjunktivs in der indirekten Rede)

Конъюнктив модал маънони ифода этишдан ташқари ўзлаштира гапда ҳам қўлланади. Бунда конъюнктивнинг ҳамма замон формалари иштирок этади.

Ўзлаштира гапда конъюнктив ўзга шахснинг фикрини ифода этиш учун қўлланади. Шу сабабдан конъюнктивнинг ўзлаштира гапда қўлланадиган замон формалари нисбий бўлиб, бош гапдаги ва эргаш гапдаги кесим англатган иш-ҳаракатни билдиради:

1. Иш-ҳаракатнинг бажарилиши ўзлаштира гапда презенс (претерит) конъюнктив билан ифода этилганда иш-ҳаракатнинг бажарилиши — ўзга сўзининг нутқ momenti билан бир пайтда бўлиши ифода этилади:

Er sagt: «*Ich lese einen Roman*» (Кўчирма гап) (directe Rede)

Er sagt, daß er einen Roman lese. (Ўзлаштира гап)

Er sagt, er lese einen Roman.

2. Конъюнктив перфект ва плюсквамперфект ўзлаштира гапдаги кесим англатган иш-ҳаракат бош гапдаги кесим билдирган иш-ҳаракатдан олдин бўлганини ифода этади:

Er sagt: «*Ich habe diesen Roman gelesen*». (Кўчирма гап) (direkte Rede)

Er sagt, daß er diesen Roman gelesen habe. (Ўзлаштира гап)

Er sagt, er habe diesen Roman gelesen.

3. Конъюнктив футурум I ва кондиционалис I бош гапнинг кесими англатган ҳаракатдан кейин содир бўладиган иш-ҳаракатни ифода этади.

Er sagt: «*Ich werde diesen Roman lesen*». (Кўчирма гап) (Rede)

Er sagt, daß er diesen Roman lesen werde. (Ўзлаштира гап)

Er sagt, *er werde diesen Roman lesen.*

4. Агар конъюнктив замон формалари индикатив замон формалари билан бир хил бўлса (I шахснинг бирлик ва кўплиги ва III шахснинг кўплиги), у вақтда ўзлаштира гапда презенс ўрнига претеритум, перфект ўрнига плюсквамперфект ва ниҳоят, футурум I ўрнига кондиционалис I қўлланади:

Er sagt: «*Wir gehen ins Kino.*» (Кўчирма гап)

Er sagt: *Sie gingen ins Kino.* (Ўзлаштира гап)

Er sagt: «*Wir haben dieses Museum besucht.*» (Кўчирма гап) (ind. R.)

Er sagt: *Sie hätten dieses Museum besucht.* (Ўзлаштира гап) (ind. R.)

Er sagt: «*Wir werden ins Museum gehen.*» (Кўчирма гап) (Zir. R.)

Er sagt, *sie würden ins Museum gehen.* (Ўзлаштира гап) (ind. R.)

Агар ўзлаштира гапда келган тўлдирувчи эргаш гап боғловчи билан ишлатилган бўлса, индикатив қўлланиши мумкин, масалан:

Er sagt, *daß er krank ist (sei).*

Боғловчисиз эргаш гапда эса асосан конъюнктив ишлатилади:

Er sagte, *er sei krank.*

5. Конъюнктив асосан иш-ҳаракатнинг *реал, нореал, тахмин, гумон, истак, орзу* каби маъноларини ифода этса, ўзлаштира гапда *ўзга* сўзини ифода этишда у иш-ҳаракатнинг реал эканлигини англатади. Шу билан конъюнктивнинг ўзлаштира гапдаги (in der indirekten Rede) функцияси унинг 8 замон формалари билан бажариладиган вазифасидан кескин фарқ қилади.

6. Конъюнктив ўзлаштира гапда қўлланганда воқеа-ҳодисалар ҳақида тўпланган фактларни англатади:

Genau zwei Wochen, nachdem Fabian seinen Auftrag erhalten hatte, meldete er Taubenhause, daß sein Entwurf fertig sei. (*B. Kellermann.*)

Die Ordonnanz war gegangen, den Serganten zu holen, und nun stellte Samt—Just seinem Kollegen Fragen . . .

Die Ordonnanz kam zurück und meldete, der Sergeant warte draußen (*W. Bredel.*)

7. Ўзлаштира гап (indirekte Rede) ҳақиқатга мос келмайдиган фикр ва мулоҳазаларни ифода этиш учун ҳам қўлланади:

Sie hatten einmal einen ungarischen Roten aufgeladen, der geglaubt hatte, sie brächten ihn auf tschechischen Boden; da hatten sie eine vergnügte Schleife gefahren, um ihn den weißen Ungarn zu übergeben. (*A. Seghers.*)

Ўзбек тилида шарт майли мавжуд бўлиб, у немис тилининг конъюнктив замон формаларига тўла мос келмайди. Немис тилининг конъюнктив замон формалари ўзбек тили шарт майлига нисбатан турли ва кўп маъноларда қўллана олади.

Немис тилининг кондиционалис I формаси ўзбек тилининг шарт майли маъносига яқин маънони ифода эта олади.

Ўзбек тилида шарт майли бирор ҳаракатнинг амалга ошиши учун шарт бўлган бошқа бирор ҳаракат маъносини англатади.

Ўзбек тилида шарт майли *-са* аффикси ёрдамида ясалади: *борса, келса*.

Бу аффикс вазифасида баъзан *-ганда* форманти ишлатилиши мумкин: Қор ёрмаганда, қишлоққа кетар эдик.

Шахс-сон қўшимчалари феъл таркибида *-са* аффиксидан кейин келади: *шилласак, борсангиз*.

Немис тилидаги конъюнктивнинг кондиционалис I, II формаларини ўзбек тилининг шарт майли формаси билан қиёсланг:

Wenn ich Zeit hätte, so würde ich kommen (Konditionalis I).

— Агар вақтим бўлса эди, мен келар эдим.

Wenn ich Zeit gehabt hätte, so würde ich gekommen sein. (Konditionalis II)

— Агар вақтим бўлганда эди, мен келган бўлар эдим.

Wenn du mehr Zeit in der frischen Luft verbrächtest, würdest du nicht so bloß sein (Konditionalis I).

— Агар сен кўп вақтни очиқ ҳавода ўтказсанг, бундай рангсиз бўлмас эдинг.

Нисбат категорияси

(Die Kategorie des Genus, der Handlungsart)

Иш-ҳаракатнинг бажарувчиси (субъекти) билан объекти орасидаги ёки бир неча бажарувчи (субъект)лар орасидаги муносабатнинг ифодаланиши феъл нисбати деб юритилади.

Немис тилида феъллар уч нисбатга эга, яъни, аниқ нисбат (das Aktiv, die Tätigkeitsform), мажул нисбат (das Passiv, die Leideform) ва ҳолат нисбат (das Stativ)¹

Немис тилида уч тур феъл нисбатининг фарқини, уларнинг ҳаммасида маълум бир феълнинг қўлланиши ва унинг ўзгаришидан англаб олиш мумкин:

Man öffnet die Tür (Aktiv)

Die Tür wird (von Jemand) geöffnet (Passiv).

Die Tür ist geöffnet (Stativ).

Ўзбек тилида эса феълнинг беш нисбати бор: *аниқлик нисбати, ўзлик нисбати, мажхуллик нисбати, биргалик нисбати ва орттирма нисбат*.

Аниқ нисбат

(Das Aktiv)

Феълнинг аниқ нисбат (актив) формаси (lat. *ogere* — handeln) ҳар икки тилда ҳам ҳаракатнинг эга билан ифодаланган шахс ёки предмет томонидан бажарилишини, тўлдирувчи эса ҳаракатнинг объектини билдиради. Қиёсланг: *Der Arbeiter hat seinen Plan vorfristig erfüllt.* — Ишчи ўз планини муддатидан олдин бажарди. *Flugzeug fliegt sehr schnell* — Самолёт жуда тез учаяпти.

¹. (das Stativ — das Zustandspassiv — die Fügung sein — Partizip II — das sein — Passiv).

Немис тилида мажхул нисбат формаси асосан объект-ли, яъни объект талаб қиладиган (tr. Verben) феъллардан ясалади. Объект-ли феъллардан ясалганда, асосий эътибор бажарувчиги эмас, балки объект билан ҳаракатнинг ўзига қаратилган бўлади.

Немис тилида мажхул нисбат аниқ нисбат каби олти замон формасига эга. Бундан ташқари, пассив инфинитив I ва инфинитив II формаларига ҳам эга бўлиб, улар қуйидагича ясалади:

1) презенс пассив *werden* ёрдамчи феълнинг презенс замон формасига мустақил феълнинг партицип II (сифатдош) формасининг қўшилиши билан ясалади: **Er wird gefragt. Es wird gebaut.**

2) претеритум пассив *werden* ёрдамчи феълнинг претеритум формасига мустақил феълнинг партицип II (сифатдош) формасининг қўшилиши йўли билан ясалади: **Er wurde gefragt.**

3) перфект пассив *werden* ёрдамчи феълнинг перфект формасига мустақил феълнинг партицип II (сифатдош) формасининг қўшилишидан ясалади. **Er ist gefragt worden.**

4) плюсквамперфект пассив *werden* ёрдамчи феълнинг шу замон формасига мустақил феълнинг партицип II (сифатдош) формасининг қўшилишидан ясалади: **Er war gefragt worden.**

5) футурум I пассив *werden* ёрдамчи феълнинг футурум I формасига мустақил феълнинг партицип II (сифатдош) формасининг қўшилишидан ясалади: **Er wird gefragt werden.**

6) футурум II пассив *werden* ёрдамчи феълнинг футурум II формасига мустақил феълнинг партицип II (сифатдош) формасининг қўшилишидан ҳосил бўлади: **Er wird gefragt werden sein.**

Werden нинг инфинитив формасига мустақил феълнинг партицип II (сифатдош) формаси қўшилишидан пассивнинг инфинитив формаси ҳосил бўлади: **gefragt werden.**

Пассивнинг инфинитив II формаси *werden* феълнинг активдаги инфинитив II ҳамда мустақил феълнинг партицип II (сифатдош) формасининг қўшилишидан ясалади: **gefragt worden sein.**

Феълнинг пассив замон формаларига кўра тусланиши

(Die Konjugationstabelle der Verben in Zeitformen des Passivs)

1) Präteritum Passiv (мажхул нисбатнинг аниқ ўтган замон формаси):

Singular	Plural
ich wurde gefragt du wurdest gefragt er wurde gefragt	wir wurden gefragt ihr wurdet gefragt sie wurden gefragt

2) Perfekt Passiv (Мажхул нисбатнинг ўтган замон суҳбат формаси):

Singular	Plural
ich bin gefragt worden du bist gefragt worden er ist gefragt worden	wir sind gefragt worden ihr seid gefragt worden sie sind gefragt worden

3) Plusquamperfekt Passiv (Мажхул нисбатнинг узоқ ўтган замон формаси):

Singular	Plural
ich war gefragt worden du warst gefragt worden er war gefragt worden	wir waren gefragt worden ihr wart gefragt worden sie waren gefragt worden

4) Präsens Passiv (Мажхул нисбатнинг ҳозирги-келаси замон формаси):

Singular	Plural
ich werde } du wirst } gefragt er wird }	wir werden } ihr werdet } gefragt sie werden }

5) Futurum I Passiv (Мажхул нисбатнинг келаси замон формаси):

Singular	Plural
ich werde } du wirst } gefragt werden er wird }	wir werden } ihr werdet } gefragt werden sie werden }

6) Futurum II Passiv (Мажхул нисбатнинг келаси замон II формаси):

Singular	Plural
ich werde } du wirst } gefragt worden sein er wird }	wir werden } ihr werdet } gefragt worden sein sie werden }

7) Infinitiv I Passiv: *gebeten werden, gefragt werden, gebaut werden.*

8) Infinitiv II Passiv: *gebeten worden sein, gefragt worden sein, gebaut worden sein.*

Актив ва-passив нисбатлар ўртасидаги фарқни чуқурроқ тушуниш ва яхши ўзлаштириш мақсадида қуйидаги гапларни қиёслаш:

Аниқ нисбат
(Aktiv)

Мажҳул нисбат
(Passiv)

Аниқ ўтган замон (Präteritum):

1) Er schrieb diesen Artikel.— Dieser Artikel wurde von ihm geschrieben.

Ўтган замон суҳбат формаси (Perfekt):

2) Er hat diesen Artikel ge- — Dieser Artikel ist von ihm geschrieben worden.

Узоқ ўтган замон (Plusquamperfekt):

3) Er hatte diesen Artikel ge- — Dieser Artikel war von ihm geschrieben worden.

Ҳозирги-келаси замон: (Präsens).

4) Er schreibt diesen Artikel. — Dieser Artikel wird von ihm geschrieben.

Келаси замон I (Futurum I):

5) Er wird diesen Artikel schrei- — Dieser Artikel wird von ihm- geschrieben werden.

Немис тилидаги феълнинг-passивга оид бўлган олти замон формаларининг футурум II формасидан бошқа презенс, претеритум, перфект, плюсквамперфект ва футурум I замон формалари ўзбек тили мажҳуллик нисбати билан мос тушади. Лекин уларнинг грамматик формалари ва ифода этилиш йўллари бир-биридан фарқ қилади. Немис тилининг-passив замон формаларида қўлланадиган *werden* ёрдамчи феъли ҳамма замон формаларида ўзгариб боради: *wird gebaut, wurde gebaut, ist gebaut worden, war gebaut worden, wird gebaut werden.*

Замон ҳам асосан шу кўмакчи феъл формаси билан белгиланади. Мустақил феълнинг сифатдош формаси (*gebaut, gelesen, geschrieben*) ўзгармай қолаверади.

Ўзбек тилида мажҳуллик нисбатида ҳаракат тўлдирувчи англатган предмет томонидан бажарилиб, эгага ўтади ёки ҳақиқий бажарувчи номаълум бўлади. Феъл негизига *-л, -ил, -н, -ин* қўшиш билан, яъни *борилди, олинди* каби ясалади.

Ўзбек тилида мажҳуллик нисбатининг ясовчи аффикс *-(u)л, -(u)н* ҳамма замон формаларида ўзгармайди, қиёсланг:

1) Präteritum Passiv (мажҳул нисбатнинг аниқ ўтган замон формаси):

Dieser Artikel wurde von ihm geschrieben. — Бу мақола унинг томонидач **ёзилди**.

2) Perfekt Passiv (мажҳул нисбатнинг ўтган замон суҳбат формаси):

Dieser Artikel ist von ihm geschrieben worden — Бу мақола унинг томонидан **ёзилган**.

3) Plusquamperfekt Passiv (мажҳул нисбатнинг узоқ ўтган замон формаси):

Dieser Artikel war ihm geschrieben worden. — Бу мақола унинг томонидан **ёзилган эди**.

4) Präsens Passiv (мажҳул нисбатнинг ҳозирги-келаси замон формаси):

Dieser Artikel wird von ihm geschrieben. — Бу мақола у томонидан **ёзилмоқда**.

5) Futurum I Passiv (мажҳул нисбатнинг келаси замон формаси):

Dieser Artikel wird von ihm geschrieben werden. — Бу мақола у томонидан **ёзилади каби**.

Немис тилида нисбат категорияси ҳамма феълларга хосдир. Шу сабабдан ҳар қандай феълни ҳам машҳул нисбатда қўллай олмаймиз. Немис тилида ўтимли феъллар ҳам аниқ нисбатда (Aktiv), ҳам мажҳул нисбатда (Passiv) қўллана олади. Қиёсланг:

Konjugationstabelle des Verbs in sechs Zeitformen des Aktivs und des Passivs

Aktiv: — аниқ нисбат	Passiv: — мажҳул нисбат
Präs.: er fragt	er wird gefragt
Prät.: er fragte	er wurde gefragt
Perf.: er hat gefragt	er ist gefragt worden
Plusq.: er hatte gefragt	er war gefragt worden
Fut I: er wird fragen	er wird gefragt werden
Fut II: er wird gefragt haben	er wird gefragt worden sein

Лекин *haben, besitzen, bekommen, wissen, erfahren, kosten, interessieren, enthalten* каби ўтимли феъллардан пассив форма ясалмайди.

Мажҳул нисбатнинг ҳар икки тилдаги маъно хусусияти шундан иборатки, бу нисбат ёрдамида ўтимли феълларда ҳақиқий объект вазифасидаги сўз грамматик жиҳатдан эга вазифасини ўз зиммасига олгани кўрсатилади:

Der Brief wurde geschrieben. — Хат **ёзилди**.

Бу мисолда субъект маъноси ифодаланмай, яширин ҳолати кўрсатилган. Бундай вазият ўзбек тилига хос бўлиб, немис тилида мажҳул нисбат доим бундай қўлланавермайди.

Немис тилида уч бўлакли пассивда кўпинча *von* предлоги ишлатилади. Аниқ нисбатдаги субъект мажҳул нисбатга кўчганда кишилиқ олмошлари *von* предлогидан сўнг чиқиш келишигида келиб, грамматик объект, логик субъект ҳисобланади, қиёслани:

Ich lese einen Roman. — Der Roman wurde von mir gelesen. Sie liest eine Zeitung. — Die Zeitung wird von ihr gelesen.

Пассивдаги гап конструкциясининг қўлланиш доираси турли функционал нутқ стилида бир хил эмас: проза ва публицистикада пассивдаги гап конструкцияси *man* билан қўлланадиган ноаниқ шахс гапларига нисбатан кўпроқ ишлатилади. Шу жиҳатдан немис тили грамматикаларида— и к к и б ў л а к л и (*das zweigliedrige Passiv* ва у ч б ў л а к л и п а с с и в (*das dreigliedrige Passiv*) деган термин қўлланади.

Икки бўлакли пассив конструкциясида ҳаракат объекти билан ҳаракат ўртасидаги алоқа (боғланиш) ифода этилади. Пассивнинг бундай конструкциясида иш-ҳаракатнинг ижрочиси кўрсатилмаган бўлади, масалан:

Eine Anzahl von Häusern wurde zerstört.

Бу гапдаги *eine Anzahl von Häusern* ҳаракат объекти ҳисобланиб, гапнинг бир бўлаги бўлса, *wurde zerstört* ҳаракатни ифода этиб, гапнинг иккинчи бўлаги саналади. Шунинг учун ҳам немис тилида бундай конструкция и к к и б ў л а к л и к о н с т р у к ц и я дейилади.

Немис тилида икки бўлакли пассив қуйидаги ҳолларда қўлланади:

1) Man — Aktiv:

Die Bibliothek wird um 8 geschlossen. —
Man schließt die Bibliothek um 8.

Булардан биринчи гап мажҳул нисбатда, иккинчи гап эса аниқ нисбатда ифода этилган. Гапнинг бундай структураси бир-бирига ўхшайди. Мажҳул нисбатда ифода этилган гапда иш-ҳаракат ижрочиси умуман маълум эмас. Аниқ нисбатда ифода этилган гапда иш-ҳаракат ижрочиси аниқ бўлмаса-да, лекин у ҳақдаги умумлашган маъно сезилиб туради.

2) Verb + Reflexivpronomen sich:

Die Uhr wurde gefunden. — Die Uhr fand sich.

Бу гап структурасида иш-ҳаракатнинг ижрочиси номаълум бўлиб, иш-ҳаракат у сиз бажарилади.

3) lassen + sich + Infinitiv:

Das Fenster kann geschlossen werden.

Das Fenster läßt sich schliessen.

Бундай гап структураси эга жонсиз предмет билан ифода этилганда қўлланади. Эга жонли предмет билан ифода этилганда маъно ўзгаради:

Die Mutter kann getragen werden (sie ist nicht schwer) — Die Mutter läßt es zu, daß man sie trägt.

4) sein + zu + Infinitiv:

Die Hausaufgabe kann (soll, muß) ohne Wörterbuch übersetzt werden. — Diese Hausaufgabe ist ohne Wörterbuch zu übersetzen.

Бундай структурадаги гап мажхул нисбат маъносини ифода этишдан ташқари мумкинлик ёки заруриятликнинг модал маъносини ҳам ифода этади.

5) deverbative Adjektive (фёълдан ясалган сифатлар) mit den Suffixen **-bar, -lich**:

Deine Kontrollarbeit kann nicht gelesen werden. — Deine Kontrollarbeit ist unleserlich.

Diese Weintrauben können gegessen werden. — Diese Weintrauben sind eßbar.

Немис тилида **-bar** ва **-lich** суффиксига эга бўлган кўп сифатлар пассив маъносини ифода этиш хусусиятига ва имкониятнинг модал маъносини англатиш хусусиятига эга: *konjugierbar, deklinierbar, austauschbar, tragbar, a; beweglich, erträglich, verkäuflich* и.а.

Немис тилидаги шу икки бўлаккли конструкция ўзбек тилига мажхул нисбат билан ифода этилади, қиёсланг: Eine Anzahl von Häusern wurde zerstört. — Маълум миқдордаги уйлар бузилди.

Уч бўлаккли пассивда (конструкцияда) ҳам ҳаракат ижрочиси, ҳам ҳаракат объекти ифода этилиб, унинг олдидан *von* предлоги ишлатилади, масалан:

Die neuen Häusern wurden *von den Arbeitern* gebaut гапида wurden gebaut ҳаракатнинг бир томондан *die neuen Häuser* субъекти билан, иккинчи томондан эса *von den Arbeitern* объекти — ижрочиси билан бўлган алоқа ҳам ифода этилмоқда.

Немис тилида уч бўлаккли (dreigliedrige) пассивда иш-ҳаракатни амалга оширувчи шахс ифодаланган бўлиб, унинг олдида *von* ва *durch* предлоглари қўлланади.

Von предлоги қуйидаги ҳолатларда ишлатилади:

1) шахс маъноси ифода этилганда: Die Studenten werden von dem Lehrer genau beobachtet. Ich werde von meinem Freund durch einen Brief verständigt.

2) ҳайвонлар маъноси англатилганда:

Milch werde von der Katze getrunken.

3) ҳис-ҳаяжон, ички сезги маъноси ифодаланганда:

Sie werde von einer tiefen Unruhe ergriffen.

4) табиат кучлари англатилганда:

Die Nacht werde vom Mond hell beleuchtet.

Durch предлоги тўлдирувчи олдида қўлланиб, иш-ҳаракатнинг бажарилиш сабабини ифодалайди ва қуйидаги ҳолатларда қўлланади:

1) шахс маъноси ифодаланганда:

Er werde durch den Präsidenten ausgezeichnet.

2) ҳайвонлар маъноси англитилганда:

Er werde **durch** ein Hund aus seinem Grubeln gerissen.

3) жонсиз предмет ифодаланганда:

Die Stadt wurde **durch** ein Erdbeben fast fällig zerstört. Die Fabrik wurde **durch** einen Brand vernichtet.

Ўзбек тилида уч бўлаккли пассив формаси ҳам мажҳул нисбат билан ифода этилаверади, қиёсланг:

Die neuen Häuser wurden von den Arbeitern gebaut.— Янги уйлар ишчилар томонидан қурилди.

Немис тилида уч бўлаккли пассив конструкцияси баъзан мазмун жиҳатдан аниқ нисбат формасидаги гап мазмунига мос келса, бошқа ҳолатларда ундан фарқ қилади. Шунга кўра Die Arbeiter bauen das Haus.— Das Haus wird von den Arbeitern gebaut эмас, балки Die Arbeiter bauen ein Haus — Das Haus wird von den Arbeitern gebaut тарзида ифодалаш тўғри бўлади.

Шундай қилиб, юқорида кўрсатилган икки ҳолатни ҳисобга олган ҳолда гапнинг аниқ нисбати билан мажҳул нисбат конструкциясини таққослаш мумкин.

Немис тилида икки бўлаккли ва уч бўлаккли пассив конструкцияларидан ташқари бир бўлаккли пассив (das eingliedrige Passiv) ҳам мавжуд.

Шахсиз пассив

(Das unpersönliche Passiv)

Пассивнинг бу структурасида энг биринчи ўринда кўпинча *es* олмоши қўлланиб, у биргина феъдан ва қўшимча сифатида тўлдирувчи, ҳол (Objekt, Adverbials) дан ифода этилган бўлади. Шунинг учун пассивнинг бундай структурасини эгасиз ёки шахсиз пассив конструкцияси (die subjektlose Passivstruktur oder das unpersönliche Passiv) дейилади:

Es wird zwei Tagen vermißt.

Es wurde im Saal getanzt (Dürrenmatt).

Бир бўлаккли пассивнинг ўзига хос белгиларидан бири шундан иборатки, у фақат ўтимли феъллардангина эмас, балки ўтимсиз феъллардан ҳам тузилади. Бундай гапларда эга вазифасида *es* шахсиз олмоши қўлланади. Тескари сўз тартибли гапларда у тўшиб қолади.

Drei Tage und drei Nächte wurde gekämpft. (W. Bredel.)

Пассивнинг бу тури аниқлик майлида *man* билан ифода этиладиган ноаниқ шахсли гапга ўхшайди. Бунда пассивда *es* олмоши қўлланмайди. Қиёсланг:

Man raucht hier nicht — Hier wird nicht geraucht.

Man baut viel in Taschkent — In Taschkent wird viel gebaut.

Немис тилида бир бўлаккли пассив иш-ҳаракатнинг ижрочисини ва тўлдирувчисини кўрсатмайди, аксинча иш-ҳаракат ҳақидаги маълумотни ифодалайди ва шу билан у икки ва уч бўлаккли пассив конструкцияларидан фарқ қилади.

Ҳолат нисбатининг ясалиши

(Bildung des Stativs)

Немис тилида ҳолат нисбати ҳам худди пассив каби аналитик формага эга. Ҳолат нисбати олти замон формасига эга бўлиб, у ёрдамчи феъл *sein* билан асосий феълнинг сифатдош II формасининг қўшилишидан ясалади:

Präsens: Das Warenhaus ist geschlossen.

Präterit: Das Warenhaus war geschlossen.

Perfekt: Das Warenhaus ist geschlossen gewesen.

Plusquamperfekt: Das Warenhaus war geschlossen gewesen.

Futur I: Das Warenhaus wird geschlossen sein.

Futur II: Das Warenhaus wird geschlossen gewesen sein.

Пассивнинг бу тури иш-ҳаракатнинг натижасини англатиб, эганинг ҳолатини ифода этади. Одатда икки бўлакли ҳолат нисбати презенс ёки претеритумда ифода этилади.

Ҳолат нисбатининг маъноси ва қўлланиши

(Bedeutung und Gebrauch des Stativs)

Ҳолат нисбатининг маъноси аниқ нисбат ва мажҳул нисбат маъносидан фарқ қилади. Бу нисбат иш-ҳаракатнинг натижасида ифода этади:

Er hat sich gewaschen.

Er wurde gewaschen.

Nun ist er gewaschen?

Ҳолат нисбати ҳолатнинг икки турини: 1) давомли ҳолатни (Das durative Stativ) ва натижали ҳолатни (Das Perfektive Stativ) ифода этади.

Давомли ҳолат нисбати пайт ҳоли ёрдамида ифода этилади: *längere Zeit, stunden-, tage-, jahrelang u. a.:*

Die kulturelle Entwicklung beim umfassenden Aufbau des Sozialismus war seit Beginn der sechziger Jahre vor allem durch die weitere Herausbildung der sozialistischen nationalkultur der DDR gekennzeichnet (*Klassenkampf Tradition Sozialismus*). Die Blume ist schon stundenlang verblicht. Wir sind den ganzen Tag gewandert.

Натижали ҳолат нисбати (Das perfektive Stativ) қўлланганда давомни ифода этадиган пайт ҳоли қўлланмай, балки унинг ўрнига иш-ҳаракатнинг натижаси ифода этилади:

Sie sind im Urlaub an der Ostsee gewesen.

Er war mit seiner Mutter aus Köln nach.

München übergesiegt. (J. R. Becher).

Ҳолат нисбати пайт эргаш гапда *nachdem, als* боғловчилари билан қўлланиб, нисбий пайт маъносини ифода этади:

Als der letzte Ton verklungen war, brach der Beifall los. Er fuhr erst auf Urlaub, als seine Arbeit beendet war. Nachdem die Kinder zu Bett gebracht sind, erortern Frau Wolfsohn und Frau Ehrenreich Dinge des Haushalts (L. Feuchtwanger.)

Уч бўлаккли ҳолат нисбати уч бўлаккли пассивга нисбатан кам-роқ қўлланади. Бунда ҳолат нисбати уч бўлаккли пассив каби *von*, *durch* предлоглари ёрдамида ифода этилади:

Sie war von einem sonderbaren, erregen den Fluidum eingehüllt. Aber sonst? Nun, die Tiere blieben einfach liegen, und aus diesem Grunde war er auf diesen Einfall von der Rache des Schwarzen Erdteils gekommen. (*B. Kellermann.*) Der Eingang ist durch eine besondere Betonmauer geschützt. (*E. M. Remarque.*)

Бир бўлаккли ҳолат нисбати (das eingliedrige Stativ) кам қўлланади:

Man nimmt ja nicht gerne Veränderungen vor ... «Sonst war in der elterlichen Wohnung alles beim alten geblieben». (*J. R. Becher.*)

Es ist alles schon einmal dagewesen. (*S. Lenz.*)

Феълнинг ҳолат нисбати билан пассив ўртасидаги фарқни таққосланг:

Die Sperre ist aufgehoben. (Парда кўтарилди.) — Die Sperre wird aufgehoben. (Парда кўтарилмоқда.) ёки: ist aufgehoben; Die Tür war geöffnet. (Эшик очик экан.) — Die Tür war geöffnet worden — (Эшик очилган.) Das Schloß ist auf Granit gebaut, — (Қалъа гранит (тоши) билан қурилди.) — Das Schloß ist auf Granit gebaut worden — (Қалъа гранит тошидан қурилган.) каби.

Аниқ ва ҳолат нисбатларининг перфектлари фақатгина маъно жиҳатидан мос келмай, балки форма жиҳатидан ҳам мос келиши мумкин. Масалан:

Perfekt Aktiv: Die Frucht ist gereift (— reif).

Perfekt Zustandspassiv: Das Fenster ist geöffnet (— offen).

Бу икки форманинг бир-биридан фарқи қуйидагича белгиланади:

1) Пассивнинг ҳолат нисбат формасига *worden* сўзини қўшиши мумкин, чунки кўрсатилган мисолдаги форма қисқартирилган бир кўринишдан иборат. Аниқ нисбатнинг перфект формасига *worden* сўзини қўшиб бўлмайди. Масалан:

Das Fenster ist geöffnet ўрнига Das Fenster ist geöffnet worden дейиш тўғри бўлса, Die Frucht ist gereift ўрнига Die Frucht ist gereift worden формасини қўллаш нотўғри бўлади.

2) Кўмакчи феълларни алмаштириб қўллаш йўли билан. Бу эса фақат пассивнинг ҳолат нисбат формасига хос:

Es wird geöffnet. Es hat geöffnet.

Аниқ нисбатнинг перфект формасига бу хусусият хос эмас. Масалан:

Sie wird gereift — Sie hat gereift.

3) Ўтган замон формалари *sein* феъли ёрдами билан ясаладиган феъллардан пассивнинг ҳолат нисбат формаси ясалмайди. Пассивга эга бўлган ҳамма феъллар ҳам ҳолат нисбат билан мос кела-

нермайди, аксинча, барча ҳолат нисбатга эга бўлган феъллар пассивга мос келади¹.

Феълнинг пассив формаси перфект ва плюсквамперфект замон формаларида кўпинча *werden* ёрдамчи феълнинг сифатдош II формаси *geworden* ўрнига *worden* (қадимги форма) сўзи қўлланади:

Als es aber völlig hell geworden war (worden war), schlug er die Augen auf und sah mit einem großen, schmerzlichen Blick um sich. (Th. Mann.)

Ҳолат нисбатининг синтактик вазифалари (Funktionale Betrachtungsweise des Stativs)

Немис тилида ҳолат нисбати гапда қуйидаги синтактик вази-
фаларни бажаради:

1) от кесим вазифасида (als nominales Prädikat) келади:

Ich bin abgefallen. (G. Büchner.) Das Kind ist eingeschlafen. Er ist über den See gerudert. (Th Mann.)

2) аниқлик майлининг перфект ва плюсквамперфект формаларига параллел бўлиб қўллана олади:

Die Anzüge sind verkauft. — Die Anzüge sind verkauft worden. Das Theater ist geschlossen. — Das Theater ist geschlossen worden.

Ўзбек тилида мажҳуллик нисбати формаси асосан ўтимли феъллардан ва баъзан ўтимсиз феъллардан ясалади. Ўтимли феъллардан ясалганда, асосий эътибор бажарувчига эмас, балки объект билан ҳаракатнинг ўзига қаратилган бўлиб, грамматик объектни билдирган сўз эга вазифасида бўлади:

Терак учларига гўё олтин суви юритилган, осмон марвариддан ясалгандай тиниқ. (X. Шамс.) Бу ерда четан билан ўралган мол кўраси бор эди. (П. Қодиров.)

Мажҳуллик нисбати формаси ўтимли феъллардан ясалганда, асосий эътибор ҳаракатни кам бажарганлигига қаратилмаслиги ва бажарувчини кўрсатувчи сўзнинг қўлланмаслигидан қатъи назар, ҳаракат бажарувчиси борлиги юқоридаги мисоллардан мантиқан сезилиб туради. Лекин баъзи ҳолларда ҳаракат бажарувчисининг борлиги ва унга эътибор унчалик сезилмайди.

Уларнинг олдиларида эса жингалак сочли, уч-тўрт яшар сап-сариқ қизча пўсти артилган сабзи кемириб туриб, и. (П. Турсун.)

Гап таркибида ҳаракат бажарувчисини кўрсатувчи сўз иштирок этганда ҳам у эга вазифасида бўлмай, балки грамматик объектни билдиради. Бу сўз *томон* ёки *тараф* сўзи билан бирга қўлланади:

Отабек тарафидан кутилмаган бу савол уни шоширди ва нима

¹ G. Helbig «Zum Problem der Genera des Verbs in der deutschen Gegenwartssprache». Zeitschrift: «Deutsch als Fremdsprache», N3, 1968, Leipzig, S. 129—146.

деб жавоб беришини билмай қолди. (А. Қодирий.) Дирекция томонидан чиқарилган буйруқ жуда муҳим эди.

Ўзбек тилидаги бу маъно немис тилида ҳам худди шундай берилди, қиёсланг:

Der Fünfjahrplan wurde von den Arbeitern unserer Fabrik erfüllt. — Беш йиллик план бизнинг фабрика ишчилари томонидан бажарилди.

Айрим ўтимли феъллар мажҳуллик нисбати формасида қўлланганда шахссизлик ифодаланиб, шахссиз феъл ҳосил бўлади:

Бу кўча билан икки-уч юз одим юрилгач, қишлоқ гузарига етилади. (Х. Шамс.)

Немис ва ўзбек тилларидаги ўтимли феъллардан ясалган мажҳул нисбат формаси маъно ва бошқа хусусияти жиҳатдан кўпинча бир-бирига мос келади, қиёсланг:

Хат унинг томонидан ёзилмоқда — Der Brief wird von ihm geschrieben каби.

Ўзбек тилининг немис тилида бўлмаган ўзлик, орттирма, биргалик феъл нисбатлари қўйидаги хусусиятларга эга:

Ўзлик нисбати асосан феъл ўзак-негизига -(и)н, -(и)л аффиксини қўшиш билан ясалади: *ташланмоқ*, *мақтанмоқ*, *суянмоқ*, *қўйшлмоқ*.

Яйра, *қичқир*, *ухла*, *бор* каби ўтимсиз феъллардан ўзлик нисбати формаси ясалмайди.

Феълнинг ўзлик нисбати ўтимли феълни ўтимсиз феълга айлантиради: *кийди* — *ўтимли*, *кийинди* — *ўтимсиз*.

Ўзлик нисбат формасига хос маъно немис тилида ўзлик феъллари ёрдамида ифода этилади, қиёсланг:

ташланмоқ — *sich werfen*, *sich stürzen*; *суянмоқ* — *sich stützen auf*; *қўйшлмоқ* — *sich anschließen*.

Ўзлик нисбат формаси объектли феъллардан ҳосил қилинса-да, орттирма нисбат орқали ҳосил қилинган ўтимли феъллардан ясалмайди. Бу ҳам ўзлик нисбат формасининг айтиб ўтилган хусусияти ва орттирма нисбат формасининг хусусияти билан изоҳланади. *Қувонди*, *сесканди*, *фаҳрланди*, *шодланди*, *товланади* каби феъллар ўзлик нисбатдаги феъллар ҳисобланади.

Орттирма нисбат

Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида феълнинг орттирма нисбат формаси феъл ўзак-негизига *-т*, *-тир*, *-дир*, *-ир*, *-ар*, *-из*, *-гиз*, *-киз*, *-ғиз*, *-қиз* ва бошқа аффиксларини қўшиш билан ҳосил бўлади:

-дир (*-тир*) аффикси:

ёздир, *кулдир*, *келтир*, *чоптир*.

-газ, *-гиз*, *-ғаз*, *-ғиз*, *-каз*, *қиз*, *-қаз*, *-қиз* аффикслари:

кўрғаз, *киргиз*, *турғаз*, *юрғиз*, *кетгаз*, *кеткиз*, *ўтқаз*, *тутқиз*;

-т ва *-ш* аффикси:

ўқиш, чўқиш, қуриш, ишлат;:

-из, -ғиз, -киз, -қиз аффикси:

оқиш, томиз, эмиз;

-ир аффикси:

битир, учир, пишир, қочир, очир;

-ар аффикси:

чиқар, қайтар;

-сат аффикси фақат *кўр* феълидан орттирма нисбат формаси исайди: *кўрсат*.

Айрим феълларнинг орттирма нисбат формасининг ясалишида кўриб ўтилган аффикслардан фақат биттасини қўллаш мумкин бўлгани ҳолда, бошқа бир феълларнинг орттирма нисбатини ясашда уларнинг икки-учтасидан фойдаланиш мумкин бўлади:

кўн — *кўндир*, *тўл* — *тўлат*, *тўлди*, *тўлғаз*. Орттирма нисбат формасида ҳам ҳаракат бажарувчиси эга ёки жўналиш келишигидан бошқа келишикдаги сўз орқали ифодаланган шахснинг ўзи бўлади. Масалан:

Сочини *қирқтириб*, пионер кийимини кийиб олганини кўрган амакисининг жони чиқади. (*П. Турсун*.)

Бу гапдаги *қирқтирмоқ* феълида ҳаракатнинг реал бажарувчиси ёки асосий субъект *қирққиш* ҳаракатини бажарган шахс (айтайлик, саргарош) эмас, балки қирқтириш ҳаракатини бажарган шахснинг ўзидир.

Демак, орттирма нисбат формаси қўлланганда, ҳаракат бажарувчиси шу форма орқали ифодаланган шахснинг ўзи бўлади. Бунда аниқ нисбат формаси билдирган ҳаракатнинг ким бажариши назарда тутилмайди. Шунинг учун ҳам жуда кўп ҳолларда бу шахс ифодаланмайди.

Айрим феълларда орттирма нисбат ясовчи аффике аниқ кўришиб турса-да, лекин ўзбек тили нуқтаи назаридан уларни *тузатмоқ*, *суриштирмоқ*, *узатмоқ*, *солиштирмоқ*, *яратмоқ* каби морфемаларга ажратиб бўлмайди. Ҳатто, айрим феълларда орттирма нисбат кўрсаткичини бошқа нисбат кўрсаткичи билан алмаштириш мумкин бўлади: *уйғот* — *уйғон*, *юпат* — *юпан*. Лекин бу феъллар ҳам ҳозирги тил нуқтаи назаридан морфемаларга бўлинмайди.

Баъзи феълларнинг орттирма нисбат формаси янги лексик маъно касб этади, аниқ нисбат формаси эса бутунлай бошқа маъно билдиради. Масалан:

Бу қараш аввал қўрқувни, сўнг чексиз бир ғазабни билдиради. (*П. Қодиров*.)

Айрим ўтимли феълларга орттирма нисбат ясовчи аффике қўшилганда, ҳаракатнинг объект ва субъектга бўлган муносабатида ўзгариш бўлмайди. Бундай ҳолларда ҳам орттирма нисбат формаси янги маъно касб этганлиги сабабли унинг ўрнида аниқ нисбат формасини қўллаб бўлмайди: *эркаламоқ* — *эркалатмоқ*.

Ўзбек тилида орттирма нисбатда қўлланган феъллар немис тилига мустақил феъл билан *lassen* (мажбур, қилмоқ, буюрмоқ, толаштирмоқ) модал феълнинг бирга қўлланиши орқали ифода этилади.

Бунда биринчи ўринда мустақил феъл турса, иккинчи ўринда *lassen* модал феъли ишлатилади, қиёсланг: *ўтқазмоқ — sitzen lassen, ўқитмоқ — lesen lassen, der Lehrer ließ den Studenten laut lesen, ишлатмоқ — arbeiten lassen, — чақиртирмоқ — kommen lassen — ёздирмоқ — schreiben lassen, қолдирмоқ — bleiben lassen, қочирмоқ — fliehen lassen.*

Баъзан орттирма нисбатдаги феъл немис тилида мустақил маъноли феълнинг ўзи билан ҳам ифодаланиши мумкин. Масалан: *кўргазмоқ — zeigen, aufweisen; қайтармоқ — zurückschicken.*

Ўзбек тилида орттирма нисбат формаси ўтимли феъллардан ҳам, ўтимсиз феъллардан ҳам ясала олади; *ухла — ухлат; ўқи — ўқит.*

Орттирма нисбат формаси ўтимсиз феъллардан ясалганда, ўтимли феъл юзага келади: *кўкар — кўкартир, уч — учир, қичқир — қичқиртир, юр — юргиз, қури — қурир.*

Ўзлик нисбат формаси ўтимли феълни ўтимсиз феълга айлан-тирган бўлса, ўзлик нисбатдан орттирма нисбат ясалганда яна ўтимли феъл юзага келади; *юв — ювин — ювинтир.*

Биргалик нисбати

Биргалик нисбат формаси **-(и)ш** аффикси ёрдамида ясалади ва ҳаракатнинг бирдан ортиқ шахс томонидан бажарилишини билдиради: *ёзишда, суғоришда, ишлашда.* Бу нисбат формасини «биргалик» деб аташга сабаб ҳаракатнинг бажарилишида бирдан ортиқ шахснинг иштирок этиши, бирга бажариш маъносини ифодалашидир. Биргалик нисбати қуйидаги маъноларни билдиради;

1) Бирга бажариш, ҳаракатни бажаришда бирга иштирок этишни: Мен ҳам бирга қувишдим. (*Ғайратий.*)

2) Бошқа бир шахснинг ҳаракатига ёрдам тарзидаги ҳаракат эканини: Ер ҳайдашди, экин экишди.

3) Умуман кўплик маъносини, ҳаракатнинг бирдан ортиқ шахс томонидан бажарилишини: Катталар ўша ерда. Арз қил, ёрдам беришди, йўл-йўриқ кўрсатишди. (*II. Турсун.*)

Баъзи феълларнинг таркибида биргалик нисбат кўрсаткичи бўлади. Улардан биргалик нисбат формасига хос маъно сезилиб турса-да, лекин улар ҳозирги тилда морфологик жиҳатдан ажралмас ҳолга келган бўлиб, бош нисбат формаси ҳисобланади: *тўқнашди, боқишди, қарашди (ёрдамлашди маъносиди), айтишди, тортишди («баҳслашди» маъносиди).*

Ўзбек тилидаги биргалик нисбат формасига хос бўлган маъно немис тилида аниқ нисбат (Aktiv) **-mit** олд қўшимчали феъл, бирга — *zusammen*, шахс олмоши, баъзан эса шахс олмоши — *mit* предлогини қўшилган формасини қўллаш йўли билан ифода этилади, қиёсланг:

Биз ишладик — Wir haben das mitgemacht.

Мен ҳам бирга ишладим — Ich habe auch zusammen gearbeitet.

У ёрдамлашди — Er hat (uns) geholfen:

У ишлашди — Er hat mitgeholfen.

Лекин биргалик нисбатнинг учинчи ҳолати немис тилига тап ноаниқ олмоши билан қўлланадиган шахсиз гап конструкцияси билан ҳам ифода этилади, қиёсланг:

ишлашади — man arbeitet, гапиршади — man spricht, кулишади — man lacht, ўйинга тушишади — man tanzt.

Ўзбек тилида баъзи феълларнинг таркибида биргалик нисбат кўрсаткичи бўлса-да, аниқ нисбат формаси ҳисобланадиган феъллар немис тилига ҳам аниқ нисбат ёрдамида ифода этилади, қиёсланг:

қарашиди — Er hat uns geholfen; топшиди — Er hat gestritten.

Пассив замон формаларининг маъноси ва қўлланиши

(Bedeutung und Gebrauch der Zeitformen des Passivs)

Презенс пассив иш-ҳаракатнинг нутқ сўзланаётган пайтгача бошланганлиги ва унинг ҳозирги давом этаётганлигини ифода этади. Мисоллар:

Das Buch wird gelesen. Dem Schüler wird geholfen. Der Globus auf dem Schreibtisch glänzt wie ein Apfel der Briefbeschwerer, ein goldener Merkur auf einer Kleinen Erdkugel, die ganze Schreibstischgarnitur hatte den Glanz eines ärztlichen Besteckes, das nicht mit Staubtüchern, sondern mit Alkohol behandelt wird.

— Ҳақиқатан ҳам ёзув столидаги глобус, кичкина ер шарига олтин Меркурийлик пресспапъедан тортиб ҳамма ёзув асбобларигача латта билан эмас, балки спирт билан тозаланадиган медицина асбобларига ўхшаб ярқираб турар эди.

Geschka hatte weder Zeit noch Anlaß, die Lehrer der Söhne anzusehen. Franz war längst über das Alter hinaus, da Vater und Mutter noch von dem Schulbesuch der Kinder beunruhigt werden.

— Гешканинг болалари ўқитувчиларини бир-бирига таққослашга на вақт ва хоҳиши бор эди. Франц улғайиб қолганди, шунинг учун унинг мактабдаги ишлари ота-онасини қизиқтирмай қолганди.

Юқорида таққос қилинган мисоллар шуни кўрсатадики, немис тилининг презенс пассив замон формаси ўзбек тилига объектли феъллардан *-(и)н*, *-(и)л* аффикслари билан ясаладиган ўзлик, даража, *(-дир)* *-тир* аффикслари билан ясаладиган орттирма даража формалари билан берилади.

Претерит пассив иш-ҳаракатнинг нутқ моментигача бажарилганини аниқ, қатъий тарзда ифодалайди. Масалан:

Der Brief wurde durch den Boten geschickt.

Hans wurde zuerst in das Krankenhaus abgeholt.

— Биринчи бўлиб касалхонага Гансни олиб кетишди.

Немис тилининг претерит пассив замон формаси ўзбек тилига ўтган замон сифатдоши, *-(и)ш* аффикси билан ясаладиган биргалик даража формалари билан берилади.

Перфект пассив ўтган замондаги иш-ҳаракатнинг ижрочиси билан объекти ўртасидаги муносабатни ифодалайди. Перфект пассивнинг претерит пассивдан фарқи шундаки, перфект давомли дарак маъносини ифода этиш учун қўлланмай, балки ўтган замонда бўлган иш-ҳаракатнинг диалог ёки қисқа оғзаки нутқ формаларини англатишда қўлланади. Масалан:

Das Kind ist verzogen worden. Der Student ist informiert worden. Das Mädchen ist verliebt worden.

Nationale und internationale Organisationen sind mit dem Zill gebildet worden, sich den Fragen der Rationalisierung des Lesens zu widmen und die Anstrengungen auf diesem Gebiet zu koordinieren.

— Миллий ва интернационал ташкилотлари олдига шундай мақсад қўйилганки, ўқишга тегишли бўлган барча масалаларни рационализация қилишни ёритиш ва шу билан бирга шу соҳада координация қилиш учун барча кучни сафарбар қилиш.

Перфект пассив замон формаси ўзбек тилига *-(u)л, -(u)н* аффикслари билан ясаладиган ўзлик даражадаги феълга *-ган* аффиксини қўшиш билан ифода этилади.

Плюсквамперфект пассив иш-ҳаракатнинг нутқ моментига нисбатан илгари бажарилганлигини ифода этади. У нисбий замон формаси вазифасида қўлланиб, кўпинча қўшма гапларда ишлатилади. Чунончи плюсквамперфект претерит билан қўлланганда у унга кўра *н и с б и й* (relativ) замон ҳисобланади. Масалан:

Der Brief war geschrieben worden. Die Frucht war gereift worden. Das Kind war gewachsen worden.

Man war noch Oberschönsweide gefahren, weil dort ein großes Treffen überraschend angesetzt worden war.

— Улар Обершеневейдега жўнашди, бу ерда тўсатдан барча қисмларнинг йиғини тайинланган эди.

Демак, немис тилининг плюсквамперфект пассив замон формаси ўзбек тилига *-(u)н, -(u)л* аффикси билан объектли феъллардан ясаладиган ўзлик даража формаси *-ган* аффикси *-эди* тўлиқсиз феъли формаларининг қўшилиши билан берилади.

Футурум I пассив иш-ҳаракатнинг келаси замонда бажарилишини ифода этишидан ташқари, иш-ҳаракатнинг субъект ва объектга бўлган муносабатини ҳам англатади. Масалан:

Er wird gefragt werden. Die Frage wird in der Sitzung besprochen werden.

Немис тилининг футурум I пассив замон формаси ўзбек тилига ҳозирги — келаси замон феълининг ўзлик даража формаси билан ифода этилади.

Футурум II пассив актив каби келажакдаги иш-ҳаракатнинг бажарилиши гумон, тахмин деб фараз қилинганда қўлланади:

Die Zeitung wird herausgegeben werden sein. Der Berg wird vom Wanderer bestiegen werden sein.

Bis zum nächsten Sommer wird er wohl längst operiert worden sein.

— Қелгуси ёзгача операция бўлган бўлади.

Демак, футурум II пассив маъноси ўзбек тилига ўтган замон сифатдошига *бўлмоқ* феълнинг ҳозирги — келаси замон формасини қўшиш билан ифода этилади.

МАЪНОСИ ЧЕГАРАЛАНГАН ВА МАЪНОСИ ЧЕГАРАЛАНМАГАН ФЕЪЛЛАР (TERMINATIVE UND KURSIVE VERBEN)

Маъноси чегараланган феъллар ҳаракатнинг маълум бир натижага ёки мақсадга эришганлигини, яъни ўзидан англашилган маънони чегараланганлигини ифода этади. Бу чегараланганлик ҳаракат эгасининг ёки ҳаракат тўлдирувчисининг маълум хулосага келганлигини англатади: *kommen, erwachen, sterben, finden, bringen, aufstehen, verblühen, bleiben*.

Маъноси чегараланмаган феъллар бу хусусиятга эга эмас. Бу феъллар бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш ёки ҳаракатни шу билан давом этмаслиги маъносини англатмайди, аксинча, бу феълларда ҳаракатнинг чегараси аниқ бўлмай, унинг чексиз давом этиши маъноси ифодаланади: *leben, wohnen, regnen, aussehen, stehen, wachen, sitzen*.

Немис тилида яна шундай феъллар ҳам борки, улар маъно жиҳатдан чегараланган ёки чегараланмаган феълларнинг қайси турига тегишли эканлиги очиқ-ойдин бўлмаганлиги учун уларни **н е й т р а л ф е ъ л л а р** деб ҳам юритилади: *essen, trinken, sich erinnern* каби.

Ўзбек тилида ҳам маъноси чегараланган ва чегараланмаган феъллар бор. Аммо ўзбек тили грамматикасига оид дарслик, қўлланма ва бошқа асарларда феъллар бундай турларга ажратилмаган.

БЎЛИШЛИ-БЎЛИШСИЗЛИК КАТЕГОРИЯСИ (DIE KATEGORIE DER BEJAHUNG UND DER VERNEINUNG)

Бўлишли-бўлишсизлик категорияси ўзбек тилига хос бўлиб, немис тилида феълнинг бундай категорияси йўқ. Ўзбек тилида бўлишли маъносини ифодалайдиган махсус воситалар йўқ. Бўлишсизлик кўрсаткичи қатнашмаган *бор, ол, тур, ўқиди* каби феъллар бўлишидир. Ўзбек тилида феълнинг инкор формаси махсус аффикс ва ёрдамчи элементлар ёрдамига ясалади: *келмади, келган эмас*.

Немис тилида инкор маъноси *nicht*, *kein* каби махсус сўзлар ёрдамида ифодаланса, ўзбек тилида бўлишсизлик қуйидагича ифодаланади:

-ма аффикси билан: *келмади, келмаган, келмайди*.

Бу аффикс феълнинг барча формаларида инкор маънони ифодалаш учун қўллана олади: *сўрамади, сўрамаган, сўрамайпти, сўрамай*.

эмас сўзи билан отлар сифатдош, равишдошнинг бўлишсиз формасини ясаши мумкин: *дарахт эмас, баланд эмас, келган эмас*.

йўқ сўзи билан иш-ҳаракатнинг мавжуд эмаслигини билдирувчи сифатдошнинг бўлишсиз формаси ясалади: *келгани йўқ, келаятгани йўқ*.

на сўзи ёрдамида уюшиқ бўлаклар англатган иш-ҳаракатни инкор қилиш орқали, инкор маъноси алоҳида таъкид билан ифода этилади: *Унинг эсига на севги, на истироҳат келди. (Ойбек.)*

Бўлишсиз форма *-ма* орқали ясалса, *-на* сўзи бўлишсизликни кучайтиради: *на ўқимади, на ёзмади*. Немис тилидаги *nicht* ва *kein* сўзлари инкор маънони англатади. Қиёсланг:

У келмади. — *Er ist nicht gekommen. У келмайди — Er kommt nicht. — У ишлаган эмас. — Er hat nicht gearbeitet. У гапирган эмас. — Er hat nicht gesprochen.*

Ўзбек тилида *эмас* сўзи феъл ва бошқа ҳамма сўз туркумлари билан қўлланаверади: *дарахт эмас* (от билан), *катта эмас* (сифат билан), *учта эмас* (сон билан), *мен эмас* (олмош билан) в. б. Немис тилида эса *kein* инкор сўзи фақат отларга хос маънонинг инкорини ифодалашда қўлланиб, қолган ҳамма сўз туркумлари доирасида инкорни ифодалашда *nicht* инкор сўзи ишлатилади:

Das ist kein Haus. Das ist nicht gut. Das geht nicht usw.

Ўзбек тилида *-на* сўзининг немис тилидаги эквиваленти (на . . . на) боғловчисидир, қиёсланг: *На мени, на уни омади келди — Weder mir noch ihm ist es gelungen.*

ФЕЪЛНИНГ ОТЛАШГАН ФОРМАЛАРИ

(DIE NOMINALFORMEN DES VERBS, INFINITE FORMEN)

Немис тилида феълнинг формаларига сифатдош (Partizip) нинг I ва II формалари, аниқ нисбатнинг (Aktiv) и инфинитив I, II формалари, мажхул нисбатнинг (Passiv) инфинитив I, II формалари, ҳолат нисбатнинг (Stativ) инфинитив I, II формалари киради. Кўрсатилган инфинитив формалари фақат ўгимли (transitive Verben) феъллардан ясалади. Инфинитив формалар бир томондан феълнинг феъллик белгиларини англатса, иккинчи томондан отлик белгиларини ҳам англатади.

Инфинитив маъноси мавҳум от маъносига яқин туради. Сифатдошга баъзи сифат белгилари хос.

Немис тилида инфинитив осонлик билан отлашади. Феълга артикль қўшилиб, бош ҳарф билан ёзиллиши унинг отлашганини кўрсатади. Ҳамма отлашган инфинитивлар фақат средний родга оид.

Сифатдошдаги ҳам осонлик билан сифатга кўчади: *das Lesen, das Sprechen; die veralteten, abgetragenen Mäntel; der gebildete Mensch.*

Ўзбек тилида эса феълнинг отлик формалари учта бўлиб, улар *ҳаракат номи, сифатдош ва равишдош формаларидан* иборат.

Ўзбек тилидаги сифатдош феълнинг сифатига хос хусусиятларга эга бўлган формаси, равишдош эса равишга хос айрим хусусият-

ларга эга бўлган формаси ҳисобланади. Ҳаракат номи эса иш-ҳаракатнинг номини билдирувчи формадир.

Ўзбек тилидаги сифатдошларнинг айримлари отлар каби турланади: Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар. Бўлингани бўри ер. (Мақол.)

Инфинитив (ҳаракат номи)

(Der Infinitiv)

Инфинитив латин тилида (lat. infinitivus — unbestimmt) номаълум маъносини англатиб, феълнинг уч асосий формасидан бири бўлиб, у феълнинг а т а м а ф о р м а с и дейилади. Инфинитив феълнинг иш-ҳаракат ёки ҳолатини англатади. Лекин у ҳаракат ва ҳолатнинг замонини, шахсини ва сонини ифодаламайди. У гапда ўзгармаган ҳолда қўлланганлиги учун и н ф и н и т и в дейилади.

Немис тилида инфинитивнинг ясалиши ва унинг формалари аниқ нисбат (Der Aktiv) га оид бўлган инфинитив I содда формалар ҳисобланиб, -en, -eln ёки -ern ёки қўшимчалари ёрдамида ясалади ва ҳаракат номини билдиради: *tragen, laufen, wechseln, poltern*.

Ўзбек тилида инфинитивнинг бу формаси ҳаракат номи билан ифода этилади, қиёсланг: *lesen — ўқимоқ, kommen — келмоқ, gehen — кетмоқ, sprechen — гаплашмоқ*.

Қолган инфинитив формалари, яъни пассивга (мажҳул нисбат) оид бўлган инфинитив I ва инфинитив II, шунингдек активга (аниқ нисбатга) тегишли бўлган инфинитив II формалари қўшма ёки мураккаб формалардан ҳисобланади, чунки бу формаларда мустақил маънога эга бўлган феъллардан ташқари *haben, sein* ва *werden* ёрдамчи феъллари ҳам қўлланади.

Немис тилида инфинитив қуйидаги асосий формаларга эга:

- 1) Активнинг (аниқлик нисбатнинг) инфинитив I формаси;
- 2) Активнинг (аниқлик нисбатнинг) инфинитив II формаси;
- 3) Пассивнинг (мажҳул нисбатнинг) инфинитив I формаси;
- 4) Пассивнинг (мажҳул нисбатнинг) инфинитив I формаси.
- 5) Ҳолат нисбатнинг (das Stativ) инфинитив I формаси.
- 6) Ҳолат нисбатнинг инфинитив II формаси.

Немис тилида инфинитив ҳам феъллик, ҳам отлик хусусиятларига эга бўлган феъл формасидир. У одатда турланмайди. Инфинитив феъл нисбатларига эга: *schreiben, geschrieben werden, geschrieben worden sein*.

У феълларнинг аналитик формаларини ясайди: *Er wird schreiben, ich werde in die Stadt fahren*.

Кондиционалис I ҳам инфинитив ёрдамида ясалади: *Er würde schreiben*.

Инфинитив юкламасиз ёки юклама билан қўлланиш хусусиятига эга: *Wir lehrten sie mit Büchern umgehen. Er ging seinen Bruder zu holen*. Инфинитивнинг предлог билан бошланадиган оборотлари немис тилида кенг ишлатилиб, улар «zu» юкламаси билан қўлла-

нади: . . . **um dort zu Mittag zu speisen** und den Abend **zuzubringen** . . . ; anstatt **zu schwatzen**, arbeitet; ohne ein Wort **zu sagen**.

Инфинитив модаль феъллар билан бирга ҳам ишлатилади: **Wir dürfen hoffen**. **Er mag kommen**.

Немис тилида инфинитив формаси асосан иккита бўлса-да, лекин у феъл нисбатларига кўра олтига ҳисобланади, чунки аниқ нисбат ва мажҳул нисбатнинг ҳар бири инфинитив I ва инфинитив II формаларига, ҳолат нисбати ҳам инфинитив I ва II формаларига эга. Инфинитив маънолари унинг қайси феъл нисбатига ва қайси инфинитив формасига тегишли бўлишига кўра белгиланади: *tragen; getragen haben; getragen werden, getragen worden sein*.

Немис тилида феълларнинг шундай турлари борки, улар шахсли формада қўлланганда бир маънони, бошқа феълнинг инфинитив формаси билан бирга контекстда ишлатилганда, инфинитивнинг таъсирида бошқа бир маънони ифодалайди, масалан: *suchen* феълнинг асл маъноси «қидирмоқ». Қуйидаги шахсли формада бошқа феълнинг инфинитив формасисиз қўллангани учун ўзининг асл маъносида ишлатилган:

Unsere Geologen suchen unermüdlich nach neuen Erz — und Ölvorkommen.

Лекин қуйидаги мисолда шу феълнинг ўзи бошқа феълнинг инфинитив формаси билан қўллангани учун *suchen* феъли «уринмоқ», «интилмоқ», «тиришмоқ» каби маъноларда қўлланган.

Die kapitalistischen Staaten suchten immer die Befreiungsbewegung der asiatischen und afrikanischen Völker niederzuhalten.

Verstehen феълнинг асл маъноси «тушунмоқ»дир:

Die Studenten haben die Schaltung des neues Empfängers gut verstanden.

Аммо бу феъл ҳам контекстда бошқа феълнинг инфинитив формаси билан қўлланганда «қўлламоқ», «ишлатмоқ», «эплай олмоқ» каби маъноларни билдиради:

Unsere Kolchosbauern verstehen es jetzt, die neuesten Errungenschaften der biologischen Wissenschaft praktisch anzuwenden каби.

Аниқ ва мажҳул нисбатнинг инфинитив формаларини бир-бирига қарши қўлланишида нисбат маъноси очиқ ифода этилади:

Man mußte eigentlich in den Zeitungen darauf hinweisen (J. R. Becher.) Diese besteht darin, daß, ausgehend von einer bestimmten Problemstellung, durch die Herstellung neuer gedanklicher Verbindungen Problemlösungen geschaffen werden (F. Losser.)

Инфинитив буйруқ гапда буйруқ модалликни ифода этади: «**Halten Sie die Reihe an, mein Herr!**» (*A. Seghers*.)

Немис тилида феълларнинг кўпи икки инфинитив, яъни инфинитив I ва инфинитив II билан ҳам қўлланаверади:

Er glaubte, sie zu sehen.

Er glaubte, sie gesehen zu haben (L. Fort Papst).

Аниқ нисбатнинг инфинитив I формаси қолган ҳамма инфинитив формаларига нисбатан ўзининг лексик ва синтактик белгилари

билан кенг қўламда қўлланади. У ҳатто гап тузиш хусусиятига ҳам эга:

Nicht lärmen! Nicht schießen!

ЎЗБЕК ТИЛИДА ҲАРАКАТ НОМИ (ИНФИНТИВ) ФОРМАЛАРИНИНГ ЯСАЛИШИ ВА ҚЎЛЛАНИШИ

Иш-ҳаракатнинг номинигина билдириб, замон ва шахс-сонни кўрсатмайдиган феъл шакли ҳ а р а к а т н о м и дейилади.

Ўзбек тилида феълнинг ҳаракат номи формаси -(и)ш, -(у)в, -моқ аффикслари ёрдамида ясалади: *ёзмоқ, ёзиш, ёзув, ўқимоқ, ўқиш, ўқув.*

Ўзбек тилидаги -моқ, -(и)ш, -(у)в аффикслари ёрдамида ясалувчи феъл формаларининг ҳаракатнинг бажарилишини ва унинг билан боғлиқ бўлган бошқа маъноларни билдирмайди, балки ҳаракат-ҳолатнинг номини билдириб, ҳаракат-ҳолатнинг атамаси ҳисобланади. Шу сабабли бу феъллар отларга хос грамматик кўрсаткичларни қабул қила олади, гапда отларга хос вазифаларда кела олади.

Поезд қўзғалиши, ғилдиракларнинг тарақ-туруқи юрагига тасалли беради. «Унинг бу юришидан ўқиш ҳам чиппакка чиққанга ўхшайди» — деди орқада ерга ўтириб қолган она. (Мирмуҳсин.)

Ҳаракат номи формаларининг ҳар бири ўзига хос хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қилади.

-(и)ш аффикси билан ясалувчи форма жуда кенг қўлланиши, стилистик жиҳатдан нейтраллиги ва лексик-семантик жиҳатдан мураккаблиги билан ҳаракат номининг -(у) ва -моқ аффикслари ёрдамида ясалувчи формаларидан алоҳида ажралиб туради. -(и)ш аффикси ёрдамида ясалувчи форма қуйидаги хусусиятларга эга:

1. Ҳаракатнинг номини билдиради, унинг атамаси ҳисобланади: Ҳайдар Анорхон билан тун бўйи, тонг отгунча ҳам шу жойда, шу хилда ўтиришга тайёр эди. (И. Раҳим.)

2. Иш, машғулот маъносини билдиради: *шудгорлаш, суғориш, ўғитлаш* каби: У Мирзачўл ерларини *суғориш, шўрни ювиш*, уруғчилик масалалари билан шуғулланар, каттагина боғи ҳам бор эди. (Ҳ. Фулом.) Саратонда қовун сайли ўтказиш Катта қишлоқ деҳқонларининг одати бор. (И. Раҳим.)

3. Одатдаги от маъносида қўлланади: Ўша кунни отам билан шу жилмайишим учун жон бергандир. (А. Муҳтор.) Кейинги кетишда унинг елкасидаги милтиғига ёпишиб ёлворибди. (А. Муҳтор.) Саратоннинг яхши келиши сабзавот бригадаси учун қувончли бўлди. (И. Раҳим.)

Ҳаракат номининг -(и)ш аффикси ёрдамида ясалувчи формаси-кўмакчилар билан ҳам кенг қўлланиб, турли маъноларни ифодалайди: *ўқиш, учун, ўқишдан аввал, ўқиш билан.*

Ҳаракат номининг -(у)в аффикси билан ясалувчи феъл ундошга тугаган бўлса, бир «у» орттирилади: *бор — борув.* Сўз охири

«и» билан тугаган бўлса, «и» «у» га, «а» билан тугаган бўлса, «а» — «о» га ўтади: *ўқи — ўқув, ишла — ишлов*.

Бу форма ҳаракат номи сифатида **-(и)ш** аффиксига нисбатан жуда кам қўлланади.

-(у)в аффикси билан ясалувчи форма от маъносида кўпроқ қўлланади. Лекин шундай ҳолларда ҳам унинг ўрнида **-(и)ш** аффикси ёрдамида ясалувчи формани бемалол қўллаш мумкин: У айвонга **чиқиши** билан она-бола юзидаги ҳаяжон ўрнини сиполик эгаллайди. Негадир бир оз ранги кетган, бу имтиҳонга тийёрланиш ва кўп ўйлаш изи бўлса керак. (*Мирмуҳсин.*)

-(у)в аффикси ёрамида ясалган ҳаракат номининг айримлари бутунлай отга кўчган сўз бўлади: *сайлов, чанқов, қистов, ўқув*.

-моқ аффикси билан ясалувчи форма **-(у)в** аффикси ёрдамида ясалувчи формага нисбатан ҳам кам қўлланади ва фақат иш-ҳаракатнинг атамасини (номини) ифодалашдагина қўлланади: Босмачиларнинг ваҳшийлиги ўртоқларга маълум: одамларни *кесмоқ, осмоқ, тириклай куйдирмоқ*. (*С. Айний.*)

Ҳаракат номининг юқоридаги учала формаси ҳам бўлишсизлик кўрсаткичи «ма» аффиксини қабул қилмайди. Ҳаракат номининг бўлишсиз формаси **-маслик** аффикси ёрдамида ясалади: *кетмаслик, айтмаслик*.

Демак, ўзбек тилида бир-биридан маъно ва вазифаларига кўра бутунлай фарқ қилувчи немис тилидаги каби инфинитивнинг махсус турлари йўқ.

Немис тилидаги инфинитивга хос маънолар ўзбек тилида фақат ҳаракат номи формалари ёрдамидагина ифодаланмай, балки бошқа воситалардан ҳам фойдаланилади.

Инфинитив формалари қуйидагилардир:

1) Аниқ нисбатнинг инфинитив I формаси (Infinitiv I Aktiv (*lesen — ўқимоқ*)) ҳаракат бажарувчисини кўрсатмайди: *Ich werde studieren; Er wird arbeiten*.

Инфинитив I турли кўринишларга эга, аммо уларнинг маънолари бир хил эмас: *lesen, zu lesen, das Lesen*.

Булардан биринчиси соф инфинитив, иккинчиси юкламали инфинитив бўлиб, учинчиси отлашган инфинитивдир. Буларнинг биринчи ва иккинчи кўринишидаги инфинитив формалари ўзбек тилининг ҳаракат номи формаси маъносида ишлатилади. Учинчи кўринишидаги инфинитив ўзбек тилидаги отлашган, турланадиган ҳаракат номи маъносида қўлланади. Буларнинг биринчи ва иккинчи формалари *im... zu, ohne...zu, (an) statt... zu* предлоглари ва *zu* юкламаси билан бирга қўлланадиган инфинитив формаларига қараганда камроқ қўлланади.

Инфинитив I феълнинг аналитик формасини ясайди. Инфинитив I ёрдамида футурум I формаси ясалиб, инфинитив бу составида *werden* ёрдамчи феъли билан бирликда келаси замон маъносини ифодалашга ёрдам беради. Бу ҳолат ўзбек тилига ҳозирги-келаси замон формаси ёрдамида ифода этилади, қиёсланг:

Er wird morgen fortfahren. — У эртага жўнаб кетади. Er wird arbeiten — У ишлайди.

2) Аниқ нисбатнинг инфинитив II формаси (Infinitiv II des Aktivs) *werden* ёрдамчи феъли билан қўшилиб, келаси замон II формасини ясайди. Инфинитив II ўзбек тилида эгалик ва келишик қўшимчаларини қабул қилган ўтган замон сифатдоши ёрдамида ифода этилади, мисолларни қиёсланг:

Er ist traurig, den neuen Bekannten so schnell wieder verloren zu haben. (*W. Bredel.*) — У янги ошнасини яна бундай тез йўқотганидан гамгин (хафа). «Ich bin wirklich glücklich, sie zu Hause getroffen zu haben», sagte Chariotte. (*B. Kellermann.*) — «Мен сизни уйда учратганимдан ўзимни бахтли ҳисоблайман», — деди Шарлотта.

3) Пассивнинг (мажҳул нисбатнинг) инфинитив I формаси шу нисбатнинг футурум I формасини ясайди: Der Artikel wird übersetzt werden.

Шу форма ёрдамида пассив кондиционалис I формаси ҳам ясалади. Немис тилидаги пассив ўзбек тилига мажҳул нисбат ёрдамида, немис тилидаги кондиционалис формаси эса ўзбек тилига шарт майли орқали ифода этилади. Масалан: Der Artikel wird übersetzt werden (футурум I пассив формаси). — Мақола таржима қилинади. Der Artikel würde übersetzt werden (кондиционалис I пассив формаси). Мақола таржима қилинса.

Таржимада инфинитивнинг бу формаси модал феъллар билан ҳам ишлатилади, қиёсланг:

Der Roman soll übersetzt werden. — Роман таржима қилиниши керак.

4) Пассивнинг футурум II формаси немис тилида жуда кам ишлатилади. Унинг маъноси ўзбек тилида ўтган замон сифатдоши + бўлмақ феълнинг ҳозирги-келаси замон формаси ёрдамида ифода этилади, қиёсланг:

Das Buch wird übersetzt werden sein. — Қитоб таржима қилинган бўлади.

Die Arbeit wird beendet worden sein. — Иш тугаган бўлади.

Немис тили инфинитив формаси билан ўзбек тили ҳаракат номи ўргасида қуйидаги ўхшашлик ва яқинлик белгилари бор:

а) инфинитив ва ҳаракат номи феъллик ҳамда отлик белгиларига эга. Отлик белгилари шундан иборатки, у гапда от бажарадиган вазифаларда кела олади, қиёсланг:

Baden ist nützlich — Чўмилиш фойдали. Er hofft zu genesen — У соғайиш ниятида;

б) инфинитив ва ҳаракат номлари бошқа феълларга ўхшаш равиш билан аниқланади, қиёсланг:

schnell lesen — тез ўқиш, *langsam gehen* — секин юриш, *viel arbeiten* — кўп ишлаш.

в) инфинитив ва ҳаракат номи конкрет шахс-сонга бўлган муносабатни билдирмайди: *singen, blicken, fahren*;

г) инфинитив ва ҳаракат номи формасидаги феълнинг отга кўчиш ҳодисаси ҳар икки тилда ҳам мавжуд бўлиб, ўзбек тилидаги *илмоқ*, *чақмоқ*, *қуймоқ* каби сўзлар шундай отлардан ҳисобланади.

д) инфинитив ва ҳаракат номи тусланиш формаларига эга эмас.

Инфинитив билан ҳаракат номи формасининг асосий фарқлари қуйидагилардан иборат:

а) немис тилида инфинитив турланмайди, ўзбек тилида ҳаракат номи турланади: *қуриш*,: *қуришининг*, *қуришга* . . .

Отлашган инфинитивгина немис тилида турланади: *das Lesen, des Lesens, dem Lesen, das Lesen*;

б) немис тилида *zu* юклагани инфинитив мавжуд:

Sie beginnt zu singen; Er behauptet, gefragt zu haben.

Ўзбек тилида ҳаракат номининг бундай формаси йўқ.

Немис тилида *zu* юклагани инфинитив биринчи инфинитив формаси билан ифода этилган бўлса, ўзбек тилида ҳаракат номининг тушум келишигидаги формаси билан ифода этилади:

Sie beginnt zu singen. У ашула айтишни бошлайди;

Er beendet zu schreiben. — У ёзишни тамомлайди.

Немис тилида, юқорида кўрсатиб ўтилган инфинитивнинг олти-та асосий формаларидан ташқари, предлоглар ва «*zu*» юклагани билан қўшилиб ишлатиладиган формалари ҳам мавжуд. Бу формалар: а) *um . . . zu + инфинитив*; б) *ohne . . . zu + инфинитив*; в) *(an) statt . . . zu + инфинитив* формалари бўлиб, буларни предлогли инфинитивга тегишли сўзлар билан биргаликда *и н ф и н и т и в* *о б о р о т и* деб юритилади;

а) *um . . . zu + инфинитив* обороти *um* предлоги билан бошланиб, *zu* юклагани инфинитив билан тугайди. Инфинитивнинг *um . . . zu* предлогли обороти ҳол маъносини англатиб, ўзбек тилига мақсад ҳоли ёрдамида ифода этилади, қиёсланг: *Ich kam, um mit dir zu sprechen.* — Мен сен билан гаплашиш учун келдим. *Er kam in die Bibliothek, um die Bücher zu lesen.* — У кутубхонага китоб ўқиш учун келди.

б) *ohne . . . zu + инфинитив* обороти ҳам *ohne* предлоги билан бошланиб, *zu* юклагани инфинитив билан тугайди. Бу оборот ўзбек тилига-и/б га тугайдиган равишдошнинг инкор маъносига мос келадиган-масдан (мас-дан) га тугайдиган равишдош ёрдамида ифода этилади, қиёсланг:

Er kam heute, ohne seine Hausaufgabe vorzubereiten. — У бугун уй вазифасини тайёрламасдан келди.

Er ging fort, ohne lange Zeit zu sitzen. — У узоқ ўтирмасдан кетиб қолди.

в) *statt . . . zu* инфинитив обороти равиш ҳоли вазифасини ба-жариб, ўзбек тилига ҳаракат номи+эгаллик ва жўналиш келишиги қўшимчаларини қабул қилган *ўрнига* сўзи орқали ифода этилади, қиёсланг:

Statt zu arbeiten, legte er sich schlafen. — Ишлаш ўрнига, у

етиб олди. **Statt hier zu bleiben, ging er fort.** — Бу ерда қолиш ўр-
нича, у кетиб қолди.

Können (олмоқ, қила олмоқ) модал феъли инфинитив билан қўлланганда ўзбек тилига -й, -а аффиксли равишдош билан *олмоқ* кўмакчи феъли ёрдамида ифода этилади, қиёсланг:

Er kann studieren. — У ўқий олади. Du kannst arbeiten. — Сен ишлай оласан. Ich kann Dutar spielen. — Мен дугтор чала оламан.

Dürfen (мумкин, мумкин бўлмоқ, рухсатга эга бўлмоқ) модал феъли ҳам инфинитив билан бирга қўлланиб, ўзбек тилига мумкин, инкор маъносида — *мумкин эмас* формаларида берилиб, инфинитив эса эгалик қўшимчаларини олган ҳаракат номи ёрдамида ифода этилади, қиёсланг:

Der Kranke darf gehen. — Беморнинг юриши мумкин.

Der Kranke darf nicht gehen. — Беморнинг юриши мумкин эмас.

Müssen ва **sollen** модал феъллари инфинитив билан бирга ишлатилганда, ўзбек тилига эгалик қўшимчаларини қабул қилган ҳаракат номи ва *керак (бўлмоқ)* ёки *зарур (бўлмоқ)* сўзлари орқали ифода этилади, қиёсланг:

Ich muß arbeiten. — Мен ишлашим керак. Du mußt arbeiten. — Сен ишлашинг керак. Er muß arbeiten. — У ишлаши керак.

Er soll die Prüfung ablegen. Alle Studenten sollen schon vor acht in der Aula sein.

У имтиҳон топшириши керак. Ҳамма студентлар соат саккиз бўлмасданоқ залда бўлишлари керак (зарур).

Wollen ва **mögen** модал феъллари ўзбек тилига *хоҳламоқ, истамоқ* феъллари орқали ифода этилиб, улар билан бирга қўлланилган инфинитив ҳаракат номининг тушум келишиги формасида ифода этилади, қиёсланг:

Ich will fliegen, — Мен учишни хоҳлайман. Du willst studieren. — Сен ўқишни хоҳлайсан.

Mögen модал феъли *истамоқ, хоҳламоқ* дан бошқа маъноларга ҳам эга, масалан:

Er mag Suppe nicht. — У шўрвани яхши кўрмайди.

5) Немис тилида *haben* ёки *sein* + *zu* + *инфинитив* I конструкцияси *зарур бўлмоқ, керак бўлмоқ* каби модал маъносида ишлатилади.

Ўзбек тилида *haben* ёки *sein* + *zu* + *инфинитив* конструкцияси *зарур (бўлмоқ), керак (бўлмоқ)* сўзлари ёрдамида ифода этилади, қиёсланг:

Ich habe noch zwei Seiten zu übersetzen (— Ich muß noch zwei Seiten übersetzen) — Мен яна икки бетни таржима қилишим зарур (керак). — Hast du nichts zu tun? — Сен ҳеч нарса қилишинг зарур эмасми?

Die Arbeit ist in zwei Tagen zu machen. — Die Arbeit kann (muß) in zwei Tagen gemacht werden. — Иш икки кун ичида (давомида) тугатилиши керак

б) Немис тилида инфинитивнинг **zu** юкламасисиз ёки у билан ишлатилиш ҳолатини бир-биридан фарқ қилиш керак бўлади.

Қуйидаги ҳолларда инфинитив **zu** юкламасисиз қўлланади:

а) модал феъллардан кейин тўлдирувчи бўлиб келганда. Бу ўзбек тилида тушум келишиги формасидаги ҳаракат номи билан ифодаланади, қиёсланг:

Er mag kommen. — У келишни истайди; **Wir wollen ihn einladen.** — Биз уни таклиф қилишни хоҳлаймиз;

б) *gehen, fahren, führen, reiten, schicken* каби ҳаракат маъносини англатадиган феъллардан кейин ҳам инфинитив **zu** сиз ишлатилади. Инфинитивнинг бундай тусланадиган феъллар билан бирга қўлланиши ўзбек тилига ҳаракат номининг жўналиш келишик формаси ёрдамида ифода этилади, қиёсланг:

Sie gehen baden. — Улар чўмилишга боради; **Sie gehen einkaufen.** — Улар савдо-сотик қилишга боради.

в) тушум келишикли инфинитив конструкциясида ҳам инфинитив юкламасисиз қўлланади. Инфинитивнинг бундай конструкциясида иштирок этадиган феъллар кўп бўлмай, улар *fühlen, heißen (befehlen), hören, lassen, lehren, machen, sehen* кабилардир. Бунда тушум келишигини талаб қиладиган ва шахсли ҳисобланган феъл дарак гапларда иккинчи ўринга қўйилиб, инфинитив формасидаги феъл гап охирида келади. Инфинитивнинг бу конструкцияси ўзбек тилида ҳаракат номи **!** + эгалик қўшимчаси + келишик қўшимчаси ёрдамида ифода этилади: қиёсланг:

Wir hören dich singen. Биз сенинг ашулангни эшитяпмиз.

Ich fühle deinen Puls schlagen. — Мен сенинг томирингни уришини сезяпман.

Er lehrte die Kinder schwimmen. — У болаларни сузишга ўргатди.

Wir lehrten sie mit Büchern umgehen. — Биз уларни китобдан фойдаланишга ўргатдик.

г) *helfen* феълдан кейин. Бу инфинитив ўзбек тилида ҳаракат номи + эгалик қўшимчаси + келишик қўшимчалари қўшилган форма ёрдамида англатилади, қиёсланг:

Er half ihm studieren. — У унинг ўқишига ёрдам берди.

Wir halfen ihnen arbeiten. — Биз уларнинг ишлашига ёрдам бердик.

Қуйидаги ҳолларда инфинитив **zu** юкламаси билан бирга қўлланади:

а) мустақил феъллар билан бирга ишлатилганда. Бунда инфинитив ўзбек тилида эгалик ва келишик қўшимчасини олган ҳаракат номи формаси ёрдамида ифода этилади, қиёсланг:

Ich bitte sie einzutreten. — Мен уни ичкарига киришини илтимос қиламан.

Ich verspreche Ihnen zu kommen. — Мен сизникига боришга ваъда бераман.

б) инфинитив гапда эга вазифасида келиб, гап охирида келганда. Бу ўзбек тилида ҳаракат номи формаси билан ифода этилаверади, қиёсланг:

Es ist unsere Pflicht gut zu lernen. — Бизнинг вазифамиз яхши

ўқиш.

Es ist schwer, aber nützlich, viel auswendig zu lernen — Қўп ёд олиш қийин, лекин фойдали.

в) инфинитив олдида аниқловчи вазифасида келган сўзлар бўлганда. Бу ҳолат ўзбек тилида эгалик ва жўналиш келишиқ қўшимчаларини олган ҳаракат номи формаси орқали ифода этилади, қиёсланг:

Die Mutter lehrte die Töchter, ihre Sachen selbst zu nähen. — Она қизларини ўзларининг нарсаларини ўзлари тикишга ўргатди;

г) инфинитив *brauchen* (муҳтож бўлмоқ) феъли билан бирга қўлланганда. Бу феъл *müssen* модал феълнинг (зарур бўлмоқ) маъносини англатиб, бошқа предлогли инфинитивнинг қўлланишини талаб қилади ва ўзбек тилида эгалик ва келишиқ қўшимчасини қабул қилган ҳаракат номи + *керак* сўзи қўшилган форма ёрдамида ифода этилади. Агар инкор маъноси ифода этилса, у вақтда *эмас* ёки *йўқ* сўзлари қўлланади, қиёсланг:

Wir brauchen dieses Buch zu kaufen. — Биз бу китобни сотиб олишимиз керак (зарур).

Du brauchst nicht gleich zu weinen. — Ҳозир йиғлашингни кераги йўқ.

Du brauchst noch nicht zu gehen. — Ҳозирча кетишингнинг кераги йўқ (ҳозир кетишинг керак эмас).

Инфинитивнинг ажраладиган префикслар билан қўлланиши

(Gebrauch des Infinitivs mit den trennbaren Vorsilben)

Феълларнинг ажраладиган префикслари инфинитив формасида феълдан ажралмай, у билан бирга ёзилади: *abschreiben*, *ein laden hingehen*. Лекин улар ҳозирги ва аниқ ўтган замон (im Präsens und im Präteritum) формаларида феълдан кейин ёки гап охирида қўйилади:

Ich schreibe ab, er schrieb ab, sie schrieb eine Regel ab.

Бундай префиксларнинг ҳар бири алоҳида маънога эга, масалан: *aufmachen* феълидаги *auf* очиш; *zumachen* феълидаги *zu* префикси ёпиш маъносини англатади. Бундай ажраладиган префикслар ажралса ҳам, ажралмаса ҳам ўз маъноларини сақлайди, масалан:

Die Tür aufmachen. — Эшикни очиш; Ich mache die Tür auf. — Мен эшикни очаман.

Шу сабабдан немис тилидаги ажраладиган префиксли феълларнинг ўзбек тилига ифода этилишида, қандай ҳолатда бўлишига қарамай, ўз асосий маъносида берилаверади. Инфинитив формаси эса, одатдагидек, ҳаракат номи формасида ифода этилади:

aufmachen — очмоқ, *zumachen* — ёпмоқ.

Ажраладиган префиксли феълларнинг префиксларини инфинитивда ажралмаслигини ҳозирги замон формаси билан қиёсланг:

Er lernt das Gedicht aus — ein Gedicht auslernen.

Er macht die Tür zu — die Tür zumachen.

Er macht die Tür auf — die Tür aufmachen.

Немис тилида қайд қилиб ўтилган феълларнинг префиксларига жой маъносини англатадиган равишларнинг *hin-* (*у ёққа*), *her-* (*бу ёққа*) каби турлари қўшилиб, яхлит префикс каби ишлатиладиган турлари ҳам бор. Булар ҳам ажраладиган префикс каби хусусиятларга эга. Ўзбек тилида худди немис тилидагидек, аввал равиш, кейин ҳаракат номи орқали ифода этилади, қиёсланг:

hinaufgehen — *юқорига чиқмоқ*, *herabkommen* — *пастга тушмоқ*.

Немис тилида инфинитив уч кўринишга эга:

1) с о ф и н ф и н и т и в (*der reine Infinitiv*) *lesen, schreiben*;

2) з и юкламаси билан боғланган инфинитив (*mit*) «zu» *verbunden*) *zu lesen, zu schreiben*;

3) о т л а ш г а н и н ф и н и т и в (*der Substantivierte Infinitiv*) *das Lesen, das Schießen*.

Маълумки, немис тили ўзлик феълларининг бошқа феъл турларидан фарқи, феъллар олдидан *sich* ўзлик олмошининг ишлатилишидир. Бунда *sich* инфинитив олдидан келиб, унга қўшилмай-алоҳида ёзилади. У ўзбек тилида феълнинг ўзлик нисбат формаси, ёрдамида ифода этилади, қиёсланг:

sich kämmen — *таранмоқ*, *sich waschen* — *ювинмоқ*, *sich anziehen* — *кийинмоқ*.

Немис тилида отга кўчган инфинитив предлоглар билан бирга қўлланиши ҳам мумкин. Бу ҳолат ўзбек тилида от ёки ҳаракат номи ёрдами билан ифода этилади, қиёсланг:

Es geht auf **Biegen** oder **Brechen**. — Бу масала ё ҳаёт, ё ўлим демакдир.

Das Schweigen zerbloekte den Raum. (*B. Apitz.*) Das Schreiben gab sie dem Sohn, als er aus der Schule nach Hause gekommen war (*B. Apitz.*)

Mit Zittern und Zagen — Ваҳима ва қалтираш билан.

Инфинитивнинг синтактик вазифалари

(Die syntaktische Funktionen des Infinitivs)

Немис тилида инфинитив гапда эга (*das Subjekt*), т ў л д и р у в ч и (*das Objekt*), а н и қ л о в ч и (*das Attribut*), ҳ о л (*das Adverbiale*) ва к е с и м (*das Prädikat*) вазифасида келади:

«Leugnen ist völlig **unsinnig**» (*W. Bredel*). Mein Begleiter war entzückt, einen Gleichgesinnten **gefunden zu haben** . . . (*H. Heine*.) Er fühlte die Kraft in sich, auf andere Menschen **zu wirken**. (*A. Seghers*.) Sie **müssen weiterleben**, sie **müssen sich hinkämpfen, um weiterzuleben**. (*H. Mann*.) Ein Mädchen schrie auf. Oben am Rand des Hoteldachs **hatte sie etwas gesehen oder zu sehen geglaubt** (*A. Seghers*.)

1. Қўйидаги ҳолатларда инфинитив эга (*Das Subjekt*) вазифасида келади:

1) инфинитив ёйиқ бўлмай, гап бошида келганда: **Wissen ist Macht.** (B. Apitz.)

2) буйруқ ёки истакни англатадиган бир составли гапларда: «Aufstehen». (B. Apitz.) Der Krieg kommt schon, wenn man einfach nichts gegen ihn tut. Nicht angreifen, beweist nichts. (H. Mann.)

3) инфинитив ёйиқ бўлиб, гап бошида *zu* юкламаси билан ёки кесимдан кейин қўлланганда: Es kann jetzt darauf an, irgendeinen Hinweis **zu erwischen**. Es war sehr nötig, da Klarheit **zu schaffen** (A. Zweig.) Sie waren beide froh: am Abend **zu den Bergern zu gehen**, war eine vergnügliche Aussicht (A. Seghers).

2. инфинитив кесим (Das Prädikat) бўлиб келади:

1) *beginnen, anfangen, aufhören* феъллари билан ясалган қўшма феъл кесимнинг бир қисми бўлиб келганда: Dann wanderte er, tief in Gedanken, **zu seinem Waschtisch und begann sich die Hände zu seifen**.

2) *haben, sein, brauchen, verstehen, wissen, scheinen, glauben* феълларидан кейин инфинитив қўшма феъл кесимнинг бир қисми бўлиб келганда: Sie **sind Polizist**, sie **haben die Pflicht**, geheime Dinge **zu erfahren und zu verschweigen**. Er **brauchte ihm gar nicht den Grund zu sagen**. Die ganze Stadt **schien ein weißer, poröser Kalkfelsen zu sein**. Henriette **war versucht zu sagen** (A. Zweig.)

3) *haben* ва *sein* феъллари инфинитив билан бирга қўлланганда улар зарурият ёки имконият маъноларини англатади. *Haben* феъли билан қўлланган инфинитив конструкциясида эга (das Subjekt) аниқ нисбатда (im Aktiv) қўлланса, *sein* феъли билан қўлланган инфинитив конструкциясида эга мажхул нисбатда (im Passiv) ишлатилади: Die Türkei **hat nichts in Europa zu suchen**. Er **hatte in Wien zu tun** und wollte sie auf dem Wege von Wien nach Heidelberg in Salzburg besuchen. (B. Kellermann.) Die Maschine **ist zu kaufen**.

3. Инфинитив қуйидаги ҳолатларда тўлдирувчи (das Objekt) бўлиб келади:

1) *bitten, versprechen, versuchen, beschließen, hoffen, vermuten, erlauben, raten, wünschen*, ва шу каби ўтимли феъллар (objektive Verben) дан кейин қўлланганда:

Dann war es vorbei, sie boten mir etwas zu trinken an, das ich ablehnte, und eine Zigarette, die ich nahm . . . «Ich kümmere mich darum», versprach ich, bestrebt, den Kreis aufzulösen. «Wo habt, ihr denn den Sender?» Als wäre er dennoch zu Weit gegangen, versuchte Pedro, es wieder zu verwischen. (W. Schreyer.)

2) предикатив (Prädikativ) сифатида қўлланган *stolz, glücklich, froh, überzeugt* каби сифат ва сифатдош (Adjektiv und Partizip) лардан кейин:

Er ist **glücklich**, die Prüfung bestanden zu haben.

Sie ist **froh**, dich zu schon.

4. Инфинитив *Wunsch, Gedanke, Absicht, Bitte, Möglichkeit* каби мавҳум (абстракт) маънони англатадиган отлардан кейин аниқловчи (Das Attribut) бўлиб келади:

«Na und ich hege meinerseits den Wunsch, mit meinem eigenen Hölländer groß zu werden, sagte Diederich schneidend. (H. Mann.) Er hatte den Wunsch, in die DDR zu fahren. Der Gedanke, darüber in einer Absolventenfeier zu reden, war absurd (H. Kant).

5. Инфинитив «um . . . zu», «ohne . . . zu», «statt . . . zu» инфинитив оборотлари билан қўлланганда ҳол (Die Adverbialbestimmung) вазифасида келади.

Er wählte diese Methode, um die Frage zu lösen. Sie hörte von verschiedenen Krankheiten, um sie sogleich bei sich festzustellen. Er eilte vorbei, ohne das Wort an mich zurichtet. Sie fährt ins Ausland, ohne die fremde Sprache gelernt zu haben. (Th. Mann.) Statt ihn zu fragen, schwieg er. (Klaubund.)

Ўзбек тилида ҳам ҳаракат номи гапнинг ҳар қандай бўлаги вазифасида қўллана олади: *чопиш фойдали; у ўқишдан келди; мақсад — ишлаш; у чет тилини ўрганиш учун келди.*

СИФАТДОШ

(DAS PARTIZIP — DAS MITTELWORT)

СИФАТДОШНИНГ ЯСАЛИШИ

(BILDUNG DER PARTIZIPEN)

Немис тилида феълнинг отлик формаларидан бири сифатдошдир. Сифатдош ҳам феъллик, ҳам сифатлик хусусиятларга эга. Немис тилида сифатдошнинг икки тури бўлиб, сифатдош I (das Partizip I) ва сифатдош II (das Partizip II) дан иборат. Сифатдош I деярли ҳамма феъллардан феъл ўзагига *-(e)nd* суффиксини қўшиш билан ясалади: *schreibend, singend, studierend, lernend.*

Модал феъллардан бошқа ҳамма феъллар сифатдош I формасига эга. Улардан фақат *wissen* феълнинг *wissend* сифатдош I формаси баъзан қўлланиши мумкин.

Сифатдош II формаси феъл ўзагига *ge-* префикси ва *-(e)t ёки -(e)n* суффиксини қўшиш билан ясалади. Кучсиз феъллар *-(e)t* суффиксини кучли феъллар эса ўзагидаги унли товушни ўзгартириб, *-en* суффиксини қабул қилади: *geschrieben, gekommen, gesagt, gelernt.*

Немис тилида сифатдош II аналитик форманинг бир қисми сифатида деярли ҳамма феъллардан ясалади.

Сифатдош II феъл системаси билан узвий боғланган. У феълнинг уч асосий формаларидан бири ҳисобланади. У феълнинг асосий формаси сифатида мураккаб замон формалари (*перфект, плюсквамперфект, пассив*) нинг ҳамма замон формалари ва инфинитив II нинг ясалишида қўлланади.

СИФАТДОШ ФОРМАЛАРИНИНГ МАЪНОСИ
(BEDEUTUNG UND GEBRAUCH DER PARTIZIPIEN)

Сифатдошнинг (*lat. Participare — teilhaben*) ҳам феъллик, ҳам сифатлик хусусиятларига эга. Уларнинг сифатлик хусусияти шундан иборатки, улар сифатлар каби турланади ва шунинг учун ҳам осонлик билан сифатга кўчади: *die geliebte Mutter, der laufende Student.*

Сифатдош формалари феъллик хусусияти шундан иборатки, улар ўтимли феъллардан ясалган сифатдош I ва II қиёсланганда нисбат маъносини ифода этади: *der lesende Student — der gelesene Roman.*

Ўтимли ва ўтимсиз феъллардан ясалган сифатдош I аниқ нисбат (Aktiv) маъносини англатади:

Сифатдош I нинг маъноси ва қўлланиши
(Bildung und Gebrauch des Partizip I)

Сифатдош I қайси сўз туркуми олдида келишига қараб турли синтактик вазифани бажаради. Сифатдош отлар олдида келганда аниқловчи вазифасини бажариб, тугалланмаган, давом этаётган иш-ҳаракатни ифодалайди: *das laufende Kind, das singende Mädchen, der schreibende Student.*

Сифатдош I феъл олдида қўлланса, у ҳол вазифасини бажаради: *... schweigend hörte sie ihm zu. (W. Bredel.)*

Сифатдош I **zu** юкламаси билан боғланиб келганда, фақат атрибутив функцияда ишлатилиб, пассивни ифода этади. **Zu** юкламаси ёрдамида сифатдош активдан пассивга кўчиб, зарурият маъносини ҳам англатади. Масалан: *ein zu lesendes Buch* сўз бирикмаси «ўқилиши зарур бўлган китоб» деган маънони ифода этади.

Zu юкламали сифатдош ва **zu** юкламали инфинитив маъно жиҳатидан бир-бирига мос келади, қиёсланг:

- 1) *diese schwer zu lösende Aufgabe. (zu — партицип)*
Diese Aufgabe ist schwer zu lösen. (zu — инфинитив)
- 2) *Ein nicht zu übersehender Mangel. (zu — партицип)*
Der Mangel ist nicht zu übersehen. (zu — инфинитив).

Сифатдош I актив ва пассив маъноларни ифода эта олса ҳам кўпинча актив маънода қўлланади. Масалан:

der lesende Student (der Student, der liest) — актив;

die betreffende Person (die Person, die betroffen) wird — пассив.

Сифатдош I сифатлар каби даража маъносини ҳам англатади. Масалан: *die schreiendsten (grellsten) Farben.*

Сифатдош I да от ва сифатлардаги каби «**un**» — префикси ёрдами билан инкор маъноси ифода этилади, масалан:

... unwissend, wohin sie sich werden sollte. (Kleist.) Unfüh-
lend ist die Natur. (J. Goethe.)

Лекин сифатдош I да инкор маъноси *nicht* сўзи ёрдамида ҳам ифодаланиши мумкин (соф феъллардан ясалган сифатдошларда), масалан: *die nicht arbeitenden Drohnen, die nicht getroffene Scheibe, ein nicht genau zutreffender Vergleich.*

Баъзан эса маълум бир сифатдошнинг ўзи гоҳ *un-* префикси билан, гоҳ эса *nicht* юклагаси билан инкор маъносини ифода этади, масалан:

ein *unerfüllter* — *nicht erfüllter* Wunsch
eine *unzureichende* — *nicht zureichende* Unterstützung.

Сифатдош ҳам сифатга ўхшаш ва унга хос хусусиятларга эга бўлишига кўра, у от кесим составидаги сифат ўрнида предикатив вазифасида қўллана олади: *Der Film ist spannend.*

Аниқловчи сифатида қўллана оладиган ҳамма сифатдош I отга кўчган ҳолда қўллана олади: *die Pflügenden, Gebenden, Laufenden, Schwimmenden, Ankommenden, Betreffenden.*

Сифатдош I нинг қўлланишида мавжуд бўлган ҳолатлар ўзбек тилида қуйидагича ифода этилади:

1) Немис тилида сифатдош I нинг от олдида аниқловчи вазифасини бажариб келиши ўзбек тилида ҳозирги замон сифатдоши ёрдамида ифода этилади, қиёсланг:

der lesende Student — ўқиётган студент; *der schreibende Student* — ёзаётган студент;

2) Сифатдош I нинг феъллар олдида келиб, ҳол вазифасини бажариши ўзбек тилида *(-и)б* аффикси ёрдамида ясаладиган равишдош билан ифода этилади, қиёсланг:

Siehend (туриб) *rauchte er eine Zigarette; Lachend* (кулиб) *trat er ins Zimmer ein; Sitzend* (ўтириб) *schrieb er einen Brief.*

3) сифатдош I *zu* юклагаси билан қўлланганда пассив маъносини ифодалаб, ўзбек тилида эгалик қўшимчасини олган ҳаракат номи орқали ифода этилади, қиёсланг:

eine *schwer lösende* Aufgabe — Ҳал қилиниши оғир (қийин) бўлган масала;

der zu lesende Stoff — ўқилиши зарур бўлган материал;

4) сифатдош I нинг баъзан сифатлар каби, даражани ифода этиши ўзбек тилида сифат даражалари ёрдамида ифода этилади, қиёсланг:

Sie ist das reizendste Mädchen. — У жуда чиройли келишган қиз. *Er hat jetzt noch hochfliegendere Pläne als früher.* — Уни энди илгаригига қараганда баландпарвозроқ планлари бор.

5) сифатдош I *un-* префикси билан бирга ишлатилганда инкор маъносини ифода этиб, сифат маъносида қўлланади. Бу ҳолат ўзбек тилида сифатлар ёрдамида ифода этилади, қиёсланг:

unbedeutend — бир оз кам, озгина; *unbefriedigend* — қаноатланарсиз; *unzureichend* — етарли эмас, кам.

Лекин сифатлашган сифатдош I *-un* префикси ёки *nicht* инкор юклагаси билан бирга қўлланганда, ўзбек тилига ҳозирги-келаси замон сифатдошининг бўлишсизлик формаси ёрдамида ифода этилиши ҳам мумкин, қиёсланг:

ein unterfüllter ёки *nicht erfüllter Wunsch* — бажарилмаган истак;

б) немис тилидаги отлашган сифатдош I ўзбек тилида -увчи аффикси ёрдамида ясалувчи отлашган сифатдошлар билан ифода этилади, қиёсланг:

die Laufenden — чопувчилар, *die Schwimmenden* — сузувчилар, *die Ankommenden* — келувчилар.

Сифатдош II нинг ясашиши ва қўлланиши (Bildung und Gebrauch des Partizip II). Маълумки, немис тилида феъллар ўзларининг негиз унлиларини ўзгартиши (Ablaut) ёки ўзгартмаслигига кўра кучли ва кучсиз феълларга бўлинади. Сифатдош II нинг қандай тузилиши ҳам унинг қайси феълдан (кучли ёки кучсиз) ясашишига боғлиқ.

Сифатдош (партицип) II кучсиз феъллардан феъл негизига -(e)t суффикси ва ge- префикси қўшилади: *lernen* — *gelernt*, *arbeiten* — *gearbeitet*, *lächeln* — *gelächelt*.

Кучсиз феълларнинг сифатдош II формасини яшашда ўзаги d, t, chn, dn, ffn, tm га тугаган феъллар -(e)t суффиксини олади: *geland-et*, *geleit-et*, *gerechn-et*, *geord-n-et*, *geöffn-et*, *gelengn-et*, *geleugn-et*, *geatm-et*.

Охири -ieren га тугаган ёки ажралмайдиган префиксга эга бўлган феъллардан ясалган сифатдош II формасида префикси тушиб қолади, масалан:

organisieren — *organisiert*, *ver'bessern* — *ver'bessert*, *übersetzen* — *über'setzt*.

Сифатдош II ажраладиган префиксли кучсиз феъллардан ясалганда, феълнинг ажраладиган префикси сифатдош II дан олдин, ge- префикси эса уларнинг ўртасида келади, масалан:

auslernen — *ausgelernt*, *aufmachen* — *aufgemacht*, *zumachen* — *zugemacht*.

Кучли феъллардан ясаладиган сифатдош II феъл негизига -en суффикси ва ge- префиксини қўшиш йўли билан ясалади. Бунда сифатдош II негизидagi унли ҳозирги ва ўтган замон (претерит) негизларидаги унлилардан фарқ қилиши мумкин, баъзан эса иккала замон негизидagi унлиларнинг бир-бири билан мос келиб қолиш ҳоллари ҳам учрайди, қиёсланг:

а) *binden* — *band* — *gebunden*, *ver'binden* — *ver'band* — *ver'bunden!*

б) *tragen* — *trug* — *getragen*, *ertragen* — *er'trug* — *er'tragen*;

с) *beschreiben* — *beschrieb* — *beschrieben*.

Немис тилида баъзи феъллар кучли ёки кучсиз феъллар каби тусланмай, умумий қоидадан бошқачароқ тусланади. Бундай феълларни нотўғри тусланадиган феъллар (Die unregelmäßigen Verben) деб юритилади, масалан: *haben* — *hatte* — *gehabt*; *sein* — *war* — *gewesen*.

Маълумки, немис тилида ҳар бир феъл уч асосий форма (Grundformen) га эга; *kommen* — *kam* — *gekommen*; *machen* — *machte* — *gemacht*.

Haben феълининг уч асосий формаси қуйидагича: *haben* — *hatte* — *gehabt*.

Sein феълининг уч асосий формаси турли ўзаклардан ясади. Шунинг учун унинг уч асосий формалари супплетив форма деб юритилади: *sein* — *war* — *gewesen*.

Werden, gehen, stehen, tun феъллари ҳам шундай ногўғри тусланадиган феъллардан ҳисобланиб, улар кучли феъллар қаторига қиради. Бу феъллардан сифатдош II қуйидагича ясалади:

werden — *wurde* (*ward*) — *geworden* (*worden*)

gehen — *ging* — *gegangen*

stehen — *stand* — *gestanden*

Инфинитив формасида биринчи бўғинига урғу тушмайдиган ҳамма феъллар ва биринчи сўзи урғуга эга бўлмаган қўшма сўзлардан ясаладиган сифатдош II формаси *ge-* префиксисиз ясалади, масалан:

bezwingen — *bezwungen*; *verblühen* — *verblüht*; *vollbringen* — *vollbracht*.

Немис тилида баъзи феълларнинг урғуси қатъий бўлмаганлиги учун бундай феъллардан ясаладиган сифатдош II формаси ҳам турғун бир ҳолатни сақламай, баъзан *ge-* префикси билан, баъзан эса усиз ҳам қўлланади. Префикс *ge-* нинг қўлланиш-қўлланмаслиги урғу сўзнинг қайси бўғинига тушишига боғлиқ, қиёсланг: *willfahren* — *gewillfahrt* баъзан *will fahren* — *will fährt*.

Биринчи мисолда урғу сўзнинг биринчи бўғинига тушган. Шунинг учун феълдан ясалган сифатдош II га *ge-* префикси қўшилган. Шу феъл иккинчи мисолда қўлланганда урғу унинг биринчи бўғинига эмас, балки кейинги бўғинига тушган. Қондага кўра бунда сифатдош II *ge-* префиксисиз ясалган.

durch, hinter, über, um, unter, wider, wieder, voll каби компонентлар билан қўшилиб келадиган феъллардан сифатдош II формасини яшаш ҳам шу тарзда бўлади, қиёсланг:

unterhalten: Er hat ein Gefäß untergehalten; sich unterhalten; wir haben uns unterhalten.

Немис тилида сифатдош II формаси фақат феъллардан ясалмай, отлардан ҳам ясалиши мумкин. Бунда у худди кучсиз феъллардан ясалган сифатдош II каби суффикс қабул қилади:

stern сўзидан: *gestern, hellgestirnt*; *Art* сўзидан: *so geartet*; *Nachbar* сўзидан: *benachbart*; *Laune* сўзидан: *gut gelaunt*.¹

Немис тилида ҳаракатни англатадиган феъллардан ясалган сифатдош II актив маънони ифода этиб, тушум келишигидаги сўз билан боғланиб келса, сифатдош II аниқловчи вазифасини бажаради: Бу ҳолат *Accustivus absolutes* деб юритилади, масалан: ... ein alter Mann, *gebaug*et von Gram, angebissen den Arm von wütenden Hunger (*F. Schlier*.) *Konsul Buddenbrook stand, die Hände in den Taschen seines hellen Beinkleides vergraben* ... (*Th. Mann*.)

Сифатдош II протокол формаларига оид *vorgelesen, genehmigt*,

¹ *W. Jung. Grammatik der deutschen Sprache, Leipzig, 1966, S. 210.*

unterschrieben каби сўзлар маъноларини англатишда ҳам қўлланади.

Сифатдош II ўтимли феъллардан ясалганда пассив маънони билдирса, сифатдош I актив маънони англатади, қиёсланг:

Сифатдош I

der **fragende** Mensch
der **rufende** Mensch

Сифатдош II

der **gefragte** Mensch
der **gerufene** Mensch

Маъноси чегараланмаган (*nichtgrenzbezogen*) *gegangen*, *gelaufen*, *geblüht* каби феъллардан ясалган сифатдош II формалари қўшма феъллар составининг бир қисми ҳисобланиб, ёлғиз ўзи ифода этилмай, балки фақат составли феъл билан бирга ифода этилади.

Сифатдош II соф маънони англатган актив маънони ифода этса, у ҳолда сифатдош II формалари кўпинча сифат каби қўлланади, Масалан: *bewirbt*, *belesen*, *getroren*, *getrunken*, *vergessen*.

Сифатдош II ўтимли феъллардан ясалган бўлса, одатда у аниқловчи вазифасини бажаради. Аммо сифатдош II иш-ҳаракатнинг тугаган маъносини ифода эта оладиган ўтимсиз феъллардан ясалганда ҳам аниқловчи вазифасини бажара олади. Масалан, немис тилида: «*die geschlafenen Kinder*» ёки «*die gegangenen Menschen*» деб бўлмайди, аксинча: «*die eingeschlafenen Kinder*» (ухлаган болалар) ва «*die fortgegangenen Menschen*» (кетган одамлар) дейиш тўғри бўлади, чунки *einschlafen* ва *fortgehen* феъллари ўз маъноларига кўра иш-ҳаракатнинг тўла тугалланганлигини ифода эта олади, лекин *schlafen* ва *gehen* феъллари бундай маънога эга эмас.

Ўтимли феъллардан ясалган сифатдош II гарчи тугалланган иш-ҳаракатни ифода этса ҳам, баъзан бу маънони англатмаслиги мумкин. Масалан:

Er gehört zu den am meisten **gelesenen** Schriftstellern.—У асарлари ҳаммадан кўп ўқиладиган ёзувчилардан бири ҳисобланади.

Немис тилида сифатдош II қуйидаги аналитик формаларнинг компоненти бўлиб қўлланади:

а) инфинитив II (*Infinitiv II*) составида: *gelesen haben*, *gekommen sein*;

б) футурум II составида: Er *wird gelesen haben* (индикатив), Er *werde gekommen sein* (конъюнктив);

в) кондиционалис II составида: Er *würde gelesen haben*; Er *würde gekommen sein*.

г) индикатив ва конъюнктивнинг перфектида:

Er *hat gelesen*. (индикатив)

Er *habe gelesen*. (конъюнктив)

Er *ist gekommen*. (индикатив)

Er *sei gekommen*. (конъюнктив)

д) индикатив ва конъюнктивнинг плюсквамперфектида:

Er *hatte gelesen*. (индикатив)

Er *hätte gelesen*. (конъюнктив)

Er *war gekommen*. (индикатив)

Er *wäre gekommen*. (конъюнктив)

Сифатдош II *пассивда феълнинг олти замон формаларида қўлланади*:

Das Haus *wird gebaut*. (презенс)

Das Haus *wurde gebaut*. (претеритум) ва бошқалар.

Сифатдош II *sein* феъли сифатдош II конструкцияси составида ишлатилади. Немис тилида ўтимли феъллардан тузилган сифатдош II *sein* феъли билан қўшилиб, махсус конструкция ясади ва бу конструкция гапда кесим вазифасини бажаради. Сифатдош II *sein* феъли билан ишлатилганда от кесим вазифасини бажариб, маъно жиҳатидан предикатив вазифасида келган от кесимга бир оз яқин туради. Қиёсланг:

Das Land *ist befreit* (*sein* + сифатдош II)

Das Land *ist frei* (*sein* + сифат).

Биринчи ва иккинчи гапдаги кесимнинг маъно жиҳатдан фарқи шундаки, составида сифатдош II бўлган биринчи гапнинг от кесими ҳолатни англатади, яъни илгари бўлиб ўтган иш-ҳаракатнинг натижасини кўрсатади. (қиёсланг: Das Land *ist befreit*. — Мамлакат **озод қилинди**), иккинчи гапнинг составидаги предикатив вазифасида келган от кесимнинг маъно жиҳатдан иш-ҳаракатига ҳеч қандай муносабати йўқлигини кўрсатади (қиёсланг: Das Land *ist frei* — Мамлакат — **озод**).

Сифатдош II гапда ҳол маъносини англатадиган характердаги ажратилган оборот билан ҳам қўлланиб, шу оборотнинг якунловчиси сифатида унинг охирида келади, масалан:

Den Kopf *vorgebeugt*, trat der alte Tischlermeister durch die niedrige Tür. (*W. Bredel*.) Am Fenster seines Amtszimmer stand der Rektor Hagemeister, die Hände auf dem Rücken *verschränkt*, und blickte durch die Gardine auf die Straße. (*W. Bredel*.)

Сифатдош II нинг ёйиқ аниқловчи составида қўлланиши немис тили учун жуда характерлидир, масалан:

die vor einer Woche *gekauften* Bücher (бир ҳафта илгари сотиб олинган китоблар); der von mir *übersetzte* Text (мен таржима қилган текст).

Сифатдош II ўтимли феъллар (*transitive Verben*) дан ясалганда, унинг *пассив* маъноси предлог группаси ёрдамида яна кучайиши мумкин:

In einem kleinen, von zwei schneeweißen Ponys gezogenen Wagen saß ein Bekannter, der sie heftig mit Blumen *bombardierte*. (*B. Kellermann*.)

Сифатдош II ўтимсиз феъллар (*intransitive Verben*) дан ясалганда *пассив* маънога эга бўлмай, аксинча *актив* маънони ифода этади:

Er *schwimmt* in ihr, sie *beugt* sich vor, und es ist ihr, als müsse jeden Augenblick Karls Hand nach ihrem greifen, sie *zärtlich* — *grob rütteln*, und die Vergangene Seligkeit wacht in ihr auf. (*W. Steinberg*.)

Ўтимсиз феъллардан ясалган сифатдош формалари маъно жиҳатдан бир-биридан феъл нисбатига кўра эмас, балки иш-ҳаракатга бўлган нисбатига кўра фарқланади.

Сифатдош I иш-ҳаракатнинг ҳозирги пайтда бўлаётганини, яъни унинг давомлилигини (Dauer des Vorgangs) англатса, сифатдош II иш-ҳаракатнинг тугалланганлигини (Abgeschlossenheit des Vorgangs) билдиради. Қиёсланг:

der **schreibende** Student — **ёзаётган** студент (сифатдош I)
der **geschriebene** Brief — **ёзилган** хат (сифатдош II)

Юқорида кўрсатиб ўтилган аниқловчи, ҳол каби вазифалардан ташқари сифатдош гапда қуйидаги синтактик вазифаларни ҳам бажариб келади:

1) қўшма феъл кесимнинг бир қисми бўлиб (als ein Teil des Zusammengesetzten Prädikats):

Er fühlte sich eigenartig beglückt, so, als habe er etwas **Schönes** erlebt (W. Bredel.)

2) эга бўлиб (als Subjekt). Партицип бундай вазифада жуда кам қўлланади. Бу кўпроқ мақолларда учрайди:

Gesagt — getan. **Aufgeschoben** ist nicht aufgehoben!

3) предикатив бўлиб (als Prädikativ):

Die Sache ist **erledigt**. Es ist ja nichts **geschehen**!

Kowalenko war **auffallend**. (W. Bredel.) Es ist Besuch **gekommen**. (B. Kellermann.)

4) сифатдош формалари кўчирма гапда ҳам қўлланади:

Der Unterarzt wollte ihnen ein Stück Brot hinausreichen, als ein Feldgendarm mit Brustschild und Stahlhelm auf ihn zuschoß und ihn anherrschte: «**Unterlassen Sie** das! Sie kennen wohl die Befehle nicht! (F. Ring.) Zu dem sagt sie: «Immer hast du **verlangt**, daß ich nach Hause komme, nein, nicht nur daß ich komme, sondern daß ich pünktlich da bin! (W. Steinberg.)

Сифатдош II гапда мустақил қўлланишидан ташқари қисқартирилган (эллиптик) формада (*неperfekt, passiv, ҳолат passivi* формаларида) ҳам қўлланади:

«**Also eingekauft!** Also haben Sie **eingekauft!** Also habe ich **eingekauft**. Also sind sie **eingekauft worden**». (W. Bredel.)

Сифатдош II нинг от олдида келиб сифатдош II каби аниқловчи вазифасини бажариб келиши ўзбек тилида ҳам аниқловчи вазифасини бажариб келадиган ўтган замон сифатдоши билан ифода этилади, қиёсланг:

Sein Gesicht hatte einen **düsteren** und **verschlossenen** Ausdruck angenommen.— Унинг чеҳраси **ғамгин** ва **сирли** қиёфани англатади.

Der Konsul hob mit einem **zerstreuten** Lächeln sein Glas.—

Консул **паршон бўлган** ҳолда илжайиш билан ўз стаканини кўтарди . . .

Сифатдош II баъзан тугалланмаган иш-ҳаракатни ифода этади ва ўзбек тилига ҳозирги замон сифатдош билан берилади, қиёсланг:

Er gehört zu den am meisten gelesenen Schriftstellern.— У асарлари ҳаммадан кўп ўқилаётган ёзувчилардан бири ҳисобланади.

Сифатдош II тушум келишиги (тушум келишик группаси) билан боғланиб келади ва ҳолат маъносини англатади. Бу ўзбек тилида

сифатдош — ҳолда сўзи ёки **-(и)б** га тугаган равишдош ёрдамида ифода этилади, қиёсланг:

Konsul Buddenbrook stand, die Hände in den Taschen seines hellen Beinkleides vergraben. — Консул Будденброок ўз қўлларини ранги очик шимининг чўнтагига бекитган ҳолда турар эди.

Сифатдош II индикативнинг футурум II составида қўлланади. Бу замон формаси немис тилида келажакда тугалланган иш-ҳаракат маъносини ифода этади. Бу форма футурум I га нисбатан кам ишлатилади. Футурум II маъноси ўзбек тилида: 1) **-(и)б** га тугаган равишдош - сифатдош + *бўлмоқ* феъли қўшилган аналитик форма; 2) равишдош - сифатдош + эгалик қўшимчаси, охирида *кейин* сўзи қўшилган формалар ёрдамида ифода этилади, қиёсланг:

In einer halben Stunde werde ich den Brief geschrieben haben. — Ярим соат давомида хатни ёзиб бўлган бўламан.

Wenn er diese Bedingungen erfüllt haben wird, werden wir zustimmen: — Бу шартларни бажариб бўлгандан кейин, биз уни маъқуллаймиз.

Du wirst mich bedauern, wenn du alles gehört haben wirst. (*Chr. Wieland.*) — Ҳаммасини эшитиб бўлгандан кейин менга ачинасан.

Кондиционалис II составида қўлланган сифатдош II нинг маъноси ўзбек тилида сифатдош + *бўлмоқ* феълининг шарт майли формаси + *эди* тўлиқсиз феъли қўшилган форма ёрдамида ифода этилади, қиёсланг:

Er würde gekommen sein. — У келган бўлса эди.

Er würde gelesen haben. — У ўқиган бўлса эди.

Индикатив перфектда қўлланган сифатдош II нинг маъноси ўзбек тилида аниқлик майлининг ўтган замон формаси билан англатилади:

Er hat gelesen. — У ўқиган. Er hat gearbeitet. — У ишлаган.

Сифатдош II конъюнктивнинг перфектида ҳам қўлланади ва ўзбек тилида сифатдош + *бўлмоқ* феълининг шарт майли формаси ёрдамида англатилади:

Er habe gelesen. Er habe geschrieben. Er sei gekommen.

Сифатдош II плюсквамперфектда ҳам ишлатилади. Бу замон формасининг маъноси ўзбек тилида *-ган эди* формасига ўтган замон формаси орқали ифодаланади:

Er hätte gelesen. — У ўқиган эди. Er hatte gesagt. — У айтган эди. Er war gekommen. — У келган эди.

Плюсквамперфект формаси конъюнктивда қўлланса, ўзбек тилида сифатдош + *бўлмоқ* феълининг шарт майли формаси + *эди* тўлиқсиз феъл қўшилган форма орқали берилади:

Er hätte gelesen. — У ўқиган бўлса эди.

Er wäre gekommen. — У келган бўлса эди.

Сифатдош II феълнинг пассив замон формалари составида ҳам иштирок этади. Бу замон формаларининг маънолари ўзбек тилида ҳам мажҳул нисбат ёрдамида ифода этилади:

Das Haus wird gebaut. (презент пассив) — Уй қурилмоқда. Das Haus wurde gebaut. (претеритум пассив) — Уй қурилди.

Сифатдош II *sein* феъли билан боғланиб, ҳолат маъносини англа-
тувчи махсус конструкция ясайди. Бу конструкция
ўзбек тилида равиш ёки сифатдош ёрдамида ифода этилади: *Die
Tür ist geöffnet.*— Эшик очиқ.

Сифатдош II ёйиқ аниқловчи составида ҳам қўлланиб, бу маъ-
но ўзбек тилида сифатдош ёрдамида ифода этилади:

der von mir übersetzte Text — Мен таржима қилган текст; *der
von ihm geschriebene Brief.* — У ёзган хат.

Таркибида сифатдош II бўлган бундай ёйиқ аниқловчи ўзбек
тилида мажҳул нисбатдаги сифатдош ёрдамида ифода этилиши ҳам
мумкин: Мен томонидан таржима қилинган текст; унинг томони-
дан ёзилган хат.

Сифатдош II гапда эга, кесимнинг бўлаги, кесим, аниқловчи,
равиш ҳоли вазифасида ҳам кела олади. Масалан: эга бўлиб: *Ge-
sagt — getan*; кесимнинг бўлаги бўлиб: *Fast wäre ich zu spät ge-
kommen (Th. Mann.)*; кесим бўлиб: *Mut verloren, alles verloren*;
аниқловчи бўлиб: *Seine Nerven waren gestöhlt durch die Prüfungen
der vergangenen Stunde (H. Mann.)*; равиш ҳоли бўлиб: *Noch lan-
ge saß sie aufgestützt und lauschte hinüber (H. Mann.)*; тўлдирувчи
бўлиб: *Der Kellner brachte das Bestellte. (W. Bredel.)*

Ўзбек тилида ҳам сифатдош, немис тилидагидек, эга, аниқ-
ловчи, тўлдирувчи каби вазифаларда келади. Ўзбек тилида сифат-
дош эга, тўлдирувчи ва ҳол вазифаларида келганда, немис тилига
ёғ бўлган эгалик ва келишиқ қўшимчаларини қабул қилади, маса-
лан:

Эга бўлиб: *Айтганим* рост. *Кетгани* тўғри:

Тўлдирувчи бўлиб: Уни Москвадан келганини эшитдим.

Ҳол бўлиб: Менинг бормаганимдан у хафа.

Лекин сифатдош аниқловчи ва кесим вазифаларида келганда,
немис тилидагидек, эгалик ва келишиқ қўшимчаларисиз қўлланиши
ҳам мумкин, масалан:

Аниқловчи бўлиб: *кулган қиз, очилган гул, оққан сув, ёққан қор.*

Кесим бўлиб: У бу китобни ўқиган. У бу ерда ишлаган.

Юқорида ҳар икки тилда берилган мисоллардан немис ва ўзбек
тили сифатдоши ўртасида маълум даражада умумий хусусиятлар
мавжуд, деган хулосага келиш мумкин, чунончи: сифатдошнинг от
олдида аниқловчи бўлиб келиши, унинг нисбат даража маъносини
ифода этиши, сифат даражаларига эга бўлиши, баъзи сифатдош-
ларнинг сифатга кучиб, сифатлар каби қўлланиши ва сифатдошнинг
отлашиши каби грамматик белгилари ҳар икки тилда бир-бири
билан мос тушади.

Лекин сифатдош I ва II нинг баъзи ҳолатлари ўзбек тили си-
фатдошидан фарқ қилади: 1) немис тилида сифатдош икки замон
аспектида қўлланса, ўзбек тилида уч замон аспектида ишлатилади.
2) немис тилида равиш ҳоли маъносида келган сифатдош ўзбек ти-
лида синтактик жиҳатдан мос келса-да, морфологик жиҳатдан фарқ
қилади — немис тилидаги сифатдош ўзбек тилига равишдош форма-
си орқали ифода этилади.

РАВИШДОШ

(DAS ADVERB, DAS UMSTANDSWORT)

Немис тилида феълнинг равишдош деб аталиши мумкин бўлган махсус формаси йўқ. Ўзбек тилида эса сифатдош, ҳаракат номи каби формалар билан бирга феълнинг равишдош формаси ҳам бор. Равишдош иш-ҳаракатнинг қандай ҳолда бўлганлигини, унинг мақсадини, пайтини англатадиган феъл шакли бўлиб, у қуйидаги аффикслар ёрдамида ясалади:

-(и)б аффикси: *бориб, ишлаб, кўриб, ёзиб;*

-а, -й аффикси: *кула-кула, юра-юра, ишлай-ишлай;*

-гач (-қач, -қач) аффикси: *ўқиғач, кўргач, кўрсатғач, тукқач, (туғ-гач), қоққач (қоқ-гач), соққач (соғ-гач), -гунча (-кунча, -қунча) аффикси: ёзгунча, боргунча, теккунча, еткунча, соққунча* каби;

-гани (-ганича) (-кани, -қани) аффикси: *олгани, эккани, йиққани* каби.

Феълнинг бу формасининг равишдош деб аталишига сабаб уларнинг равишлар каби ҳаракат белгисини билдириши ва гапда равишларга хос вазифаларда қўлланишидир. Масалан: Бу гап уни бир тайинсизроқ одамга ўхшатиб ҳам кўрсатади. (*Мирмуҳсин.*) Партия ва ҳукуматимиз шаҳар қурилиши ва ривожланишига тинмай ғамхўрлик қилмоқдалар. (*Сирдарё ҳақиқати.*) . . . янги лойиҳа тасдиқлангач, ишга дурустгина киришилди (*Сирдарё ҳақиқати.*) Уй эгаси дастурхонни меҳмон олдига ёзгунча Фотима ҳам баркашни олиб келди. (*С. Айний.*)

Равишдошнинг ҳар бир формаси ўзига хос маъно ва вазифаларга эга:

-(и)б аффикси ёрдамида ясалувчи форма кўп маъно ва вазифаларга эга. Бу форма:

1) ҳаракат белгисини билдириб ҳол вазифасида келади:

У оқопдан иргиб юқорига чиқди-да, қоронғида ғойиб бўлди. (*А. Убайдуллаев.*)

Бунда у, худди равиш каби -роқ, -гина, аффикслари билан ҳам қўллана олади: Бор, ўқариқлардан хабардор бўлиб тур. Сувни жилдиратиbroқ қўй. (*Ш. Саъдулла.*) Қудрат унга хатни ўқиди, сўнг тортинибгина сўради . . . (*Ҳ. Назир.*)

Ҳаракат белгисини билдириб, -(и)б аффикси ёрдамида ясалиб, ҳол вазифасида келадиган ўзбек тили равишдоши немис тилида сифатдош I билан ифода этилади, қиёсланг:

У менинг олдимга кулиб келди. — *Lächelnd kam er zu mir.*

У эшик олдига чекиб турди. — *Rauchend stand er vor der Tür.*

Klaus schritt stauend, durch die Vielen Gassen . . . (W. Breidel.)

«Клаус» кўп топ кўчалардан ажабланиб ўтди.

«Anneliese», sagte Gohrts erklärend. (B. Uhse.)

«Аннелизе» Гоортс тушунтириб айтди.

Равишдошнинг **-роқ, -гина** аффикслари билан ишлатиладиган формаси немис тилида сифатдош **1 + etwas** ёки **ein bißchen** (бир оз, озгина) равиши ёрдамида ифода этилади, қиёсланг:

Қудрат унга хатни ўқиди, сўнг тортинибгина сўради . . .

— Kudrat las ihn den Brief und fragte dann sich etwas schämend.

2) Боғловчилик вазифасида ҳам қўлланади ва бунда равишдош оборотларининг ва пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида келади. Қиёсланг:

У ўрнидан кўтарилиб, орқасига тикилиб қаради — у ўрнидан кўтарилди-да, орқасига тикилиб қаради.

Бу ҳолат немис тилига икки вариантда ифода этилиши мумкин: бири сифатдош **1** билан, иккинчиси претеритум формаси ёрдами билан. Юқоридаги ўзбек тилида берилган икки мисолни немис тили билан қиёсланг:

Von seiner Stelle aufstehend, sah er **aufmerksam** zurück an—Er stand von seiner Stelle auf und sah **aufmerksam** zurück an.

3) Шах-сон билан тусланади ва тусланадиган феъл, яъни ўтган замон феъли ҳосил бўлади:

келибман, келибсан, келибди.

-(и)б аффикси ёрдамида ясалувчи равишдошнинг қандай қўлланишига қараб гапнинг қандай бўлаги вазифасида келиши ҳам турличадир: ҳаракатнинг белгисини билдирганда ҳол вазифасида келади, боғловчилик вазифасида қўлланганда эса эргаш гапнинг, равишдош оборотларининг кесими, уюшиқ кесим ёки гапнинг иккинчи даражали бўлаклари бўлиб келади.

Гапда ҳол вазифасида келган равишдош немис тилида сифатдош **1** билан ифодаланиб, у ҳам гапда ҳол вазифасини бажаради, қиёсланг:

Туриб (турган ҳолда) у газета ўқиди. — **Stehend** las er eine Zeitung.

Ўзбек тилида равишдошнинг бўлишсиз формаси **-май, -масдан** форманглари орқали ясалади: **ўқиб-ўқимай, ўқимасдан; кўриб-кўрмай, кўрмасдан.**

«Хотиржам бўлинг, Норқўзи ака»,— деди Асалхон сув сатҳида қалқиб келаётган жийда шохидан кўзини олмай. (Ҳ. Фулом.)
Менга ҳам ичидагини очиқ равшан гапирмасдан четлаб юрибди. (Ҳ. Назир.).

Фақат тусланишли формуладагина **-(и)б** кўрсаткичининг ўзи сақланади: *келмабсан, келмабди.*

Равишдошнинг **май-масдан** форманглари билан ясаладиган бўлишсиз формаси немис тилида **ohne . . . zu** предлоги инфинитив обороти ёрдамида ифода этилади, қиёсланг:

У бугун дарсга тайёрланмасдан келди. — **Ohne sich vorzubereiten**, kam er heute zum Unterricht. Бир оз дам олмасдан, у ўз ишини давом эттирди. — **Ohne etwas zu ruhen**, setzte er seine Arbeit fort.

Баъзан немис тилининг сифатдош **1** формаси ўзбек тилига равишдошнинг бўлишсиз формаси билан берилади: *schweigend zo-*

gen dann die Drei den schweren Wagen. (B. Apitz.) Учаласи шовқин қилмай, оғир юкланган аравани тортишни давом эттиради.

4) Етакчи феъл билан кўмакчи феълни боғлаш учун хизмат қилади: *сўраб кўр, ташлаб юбор, ишлаб тур*.

Немис тилида бу мисолларда қўлланган *кўр, юбор, тур* каби кўмакчи феълларга мос кедадиган ёки худди ўзбек тилидагидек кўмакчи феъллар йўқ. Шу сабабдан равишдошнинг етакчи феъл билан кўмакчи феълни боғлашга хизмат қилиши немис тилида қуйидагича ифода этилади:

а) префиксли феъллар ёрдами билан. Немис тилида шундай феъллар борки, уларнинг префикс маъноси ўзбек тили равишдошига мос келса, кўмакчи феъл маъносини ифода этади, қиёсланг: *ўқиб чиқмоқ — durchlesen; У китобни ўқиб чиқди — Er las das Buch durch; бўлиб ўтмоқ — vergehen*.

Бу мисолдаги *gehen* феълнинг асли маъноси *бормоқ, юрмоқ*, лекин *ver-* префикси билан бирга қўшилиб *vergehen — бўлиб ўтмоқ, йўқ бўлмоқ*, маъноларини ифода этади, масалан:

Die Lust dazu ist mir vergangen. — Бу ишга бўлган ҳамма ҳафсалам *йўқолди*.

б) баъзан мустақил феъл — *können* модал феъли ёрдамида: *кўра олмоқ — sehen können; У кўра олди — Er konnte sehen; У кўра олмади — Er konnte nicht sehen*.

Лекин равишдошнинг *-(и)б* га тугаган формаси кўмакчи феъл билан ишлатилганда немис тилига префиксли феъл ёрдамида ифода этади, масалан:

ёзиб олмоқ — aufschreiben (auf префикс);

кийиниб олмоқ — sich anziehen (an префикс);

сазовор бўлмоқ, ишлаб топмоқ — verdienen (ver префикс).

-а, -й аффикси. Равишдошнинг бу тури ундош билан битган феълларга **-а**, унли билан битган феълларга **-й** аффиксининг қўшилишидан ҳосил бўлади.

1) Ҳаракатнинг белгисини билдиради ва гапда ҳол вазифасида келиб асосан такрорий ҳолда қўлланади:

Улар самолётдан тушишлари биланоқ тиззаларидан сочма қумга бота-бота ҳансираб буров томонга борадилар, (B. Қербобоев.) Тоғ оралиғидаги қалин қор эрий-эрий одам бемалол кира оладиган бўлиб қолибди. (C. Анорбоев.)

Равишдошнинг такрор ёки жуфт ҳолда қўлланиши немис тилида турли йўллар билан англатилади:

а) ибора билан ифода этилади: *in Lachen ausbrechen — Кулакула ўлмоқ*;

б) Равишдош формасида келган феълнинг отлашган формаси *sein* феъли ва *viel* (кўп) равишининг қўшилган формаси ёрдамида берилади: *У ўқий-ўқий чарчади — Er ist müde vom vielen Lesen*.

Такрорий ёки жуфт сўз ҳолида қўлланган равишдошнинг немис тилида ифода этилишида ўзбек тили равишдошнинг маъноси ўрнида немис тилида келган феъл олдида *viel* равишининг ишла-

тилиши шарт, бу эса немис тилида ўзбек тили равишдошининг такрорий маъноси йўқолишини кўрсатади.

2) Шахс-сон билан тусланиб, ҳозирги-келаси замон феъли яса-лиши учун хизмат қилади: *келаман, келасан, келади: ишлайман, ишлайсан, ишлайди; келамиз, келади (лар)*.

Равишдошининг ҳозирги-келаси замонда тусланадиган формаси немис тилига презенс билан ифода этилади, қиёсланг:

келаман — komme, келасан — kommst, келади — kommt; ишлайман — arbeite, ишлайсан — arbeitest, ишлайди — arbeitet.

3) Етакчи феъл билан кўмакчи феълни боғлаш учун хизмат қилади: *ёза олмоқ, ўқий бошламоқ.*

Равишдошининг етакчи феъл билан кўмакчи феълни боғлаши немис тилида қўш инфинитив ёрдамида ифода этилади. Бунда немис тилида ҳам ўзбек тилидаги сўз тартиби сақланади, лекин равишдош ҳам, ҳаракат номи ҳам немис тилида инфинитив орқали англантилади, қиёсланг:

ёза олмоқ — schreiben können, ўқий олмоқ — lesen können. ўқий бошламоқ — zu lesen beginnen.

-гач (-кач -қач) аффикси: *келгач, эккач, чиққач.*

Равишдошининг бу тури икки маънода қўлланади:

1) Пайт маъносини англантиб, пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида келади ва бош гапдаги ҳаракатнинг ўзи билдирган ҳаракатдан кейин бажарилишини ифодалайди. Бу ҳолат немис тилига пайт эргаш гап орқали берилади. Пайт эргаш гап плюсквам-перфект формасида қўлланиб, ундаги ўзбек тили равишдоши ўрнига ишлатилган феъл пайт эргаш гапнинг кесими бўлиб келади, қиёсланг:

У имтиҳонларни **топишгач**, ўқитувчи бўлиб ишлади.—

Nachdem er die Prüfungen abgelegt hatte, arbeitete er als Lehrer;

Ўқитувчи синфга киргач, шогирдлари уни ўраб олишди — Sobald der Lehrer die Klasse betrat (betreten hatte), umringten ihn seine Schüler.

Демак, ўзбек тилида пайт маъносини англантиб келадиган (-гач-га тугайдиган) ва пайт эргаш гапда қўлланадиган равишдош немис тилида (кўпинча *nachdem*, *sobald* боғловчилар билан бошланиб келадиган) пайт эргаш гап орқали ифода этилади: *Nachdem man dem Nuß alles erklärt hatte, wurde die Nachsicht auch gerechtfertigt. (A. Seghers.) Nachdem er alle Zeitungen durchblättert hatte, begann er sich Notizen zu einem Prozeß zu machen . . . Er ging, sobald er die Arbeit beendet hatte. Ich werde es ihm sagen, sobald ich ihn sehe. (B. Kellermann.)*

2) Сабаб маъносини билдиради ва сабаб эргаш гапнинг кесими вазифасида келади. Бу ҳолат немис тилига ҳам сабаб эргаш гап билан ифода этилади. Немис тилида сабаб эргаш гап *da, weil* боғловчилари билан боғланади. Масалан:

Вақт кеч бўлиб қолгач, улар тезда ухлагани кетди — Da es spät geworden war, gingen sie sofort schlafen.

Кеча у касал бўлгани учун, дарсга кела олмади — Er konnte die Stunden nicht besuchen, weil er gestern krank war.

-гунча (-кунча, -қунча) аффикси *келгунча, чеккунча, чиққунча* Бу аффикс ёрдамида ясалувчи равишдош ҳам ҳозирги ўзбек тилида жуда кенг қўлланади ва қуйидаги маъноларни билдиради:

1) ўзи боғланиб келган феъл билдирган ҳаракатнинг бажарилиш вақтини аниқлайди.

2) бирор ҳаракатнинг -гунча аффиксли феъл билдирган ҳаракатга қадар бажарилиб бўлиши билан ифодаланади. Масалан:

Юринглар, машина кампирни ташлаб келгунча қирга чиқиб тушамиз. (*И. Раҳим.*)

-гунча аффиксли форманинг бу маъноси немис тилига *bis, bevor, ehe* боғловчилари билан бошланадиган эргаш гап орқали ифода этилади, қиёсланг:

☞ Мен келмагунча, кутиб тур. — *Warte, bis ich komme.* У келгунча, мен шу ерда бўламан. — *Bis er kommt, bleibe ich hier.*

То у ўз ишини тугатмагунча, мен унинг ҳузурида бўламан. *Bis er seine Arbeit nicht beendet, bleibe ich bei ihm. Sie hatten lange gewartet, bevor die Tür geöffnet wurde. Er kam, ehe ich ihn erwartet hatte.*

б) бирор ҳаракатнинг -гунча аффиксли феъл билдирган ҳаракат содир бўлгунча давом этиши ифодаланади. Масалан:

Алексей Иванович Элмурод ўрнига ётгунча деразадан қоронғи ҳовлига қараб хаёл сурди. (*П. Турсун.*) Бу ҳолат ҳам немис тилига *bis* боғловчили эргаш гап ёрдамида англатилаверади, қиёсланг:

У мақолани ўқиб бўлгунча, мен чироқни ўчирганим йўқ. *Bis er den Artikel nicht gelesen hat, schaltete ich das Licht nicht aus.*

2) Қўшма гапларда эргаш гапнинг кесими вазифасида келиб, чоғиштириш маъносини билдиради ва равишдош билдирган ҳаракатдан кўра бош гапдаги ҳаракатнинг бажарилиши маъқул экани ифодаланади. -гунча аффикси билан ясалган равишдошнинг маъноси чиқиш келишигидаги -ган аффикси сифатдош билан «кўра» сўзининг маънолари йиғиндисига тўғри келади:

Ўғлимни зиндонга солгунча, ўзимни ўлдирсанг бўлмасмиди, хон! (*Ис. Шарипов.*)

Бу ҳолат немис тилида *als* боғловчиси билан бошланиб келадиган эргаш гап ёрдамида ифода этилади, қиёсланг:

Бахтсизлик ҳолига тушгунча (тушгандан кўра), ўлган яхшироқ — *Als Unglück geraten, besser sterben.*

-гани, (-кани, -қани) аффикси: *олгани, эккани, йиққани.* Бу аффикс ёрдамида мақсад билдирувчи равишдош ясалди:

Эртага қайиғи йўқларни, қамиш ўргани юбориш керак. (*А. Мухтор.*)

-гани аффикси ёрдамида ясалган равишдошга хос маъно немис тилига *im ... zu* обороти (яъни *im* предлоги ва *zu* юкламаси билан + инфинитив) ёрдамида ифода этилади, қиёсланг:

Мен сизга янги хабар айтгани келдим — Ich kam zu Ihnen, um eine neue Nachricht zu erteilen.

У кутубхонага китоблар олгани келди — Er kam in die Bibliothek, um die Bücher zu bekommen.

РАВИШ

(DAS ADVERB, DAS UMSTANDSWORT)

Равиш (das Adverb, lat. adv. verbum zum Verb tretend) ҳар иккала тилда ҳам иш-ҳаракатнинг қай ҳолда бажарилишини, пайғини, сабабини, ўрнини ва баъзан предметнинг белгисини ифодалайди: Er geht **schnell**. — У **тез** юради; Wir freuen uns **sehr**. Биз **жуда** хурсанд бўламиз; Das Brett ist **groß genug**. — Тахта етарли даражада **катта**; Ein **sehr glücklicher** Mensch. — **Жуда** бахтли одам.

Белги билдириш жиҳатдан равиш сифатга яқин туради. Сифат предметнинг белгисини англатиб, аниқловчи ва предикатив вазифасида келса, равиш ҳаракат (феъл) нинг белгисини ифодалаб, ҳол вазифасида келади.

Немис тилида сон маъносини англатадиган *viel* ва *wenig* равишлари ва *bald* равиши сифат даражаларига эга.

Ўзбек тилида ҳам айрим равишлар сифат каби даражага эга бўлади, қиёсланг:

<i>viel</i> — <i>mehr</i> — <i>meist</i>	<i>kўп</i> — <i>кўпроқ</i> — <i>жуда кўп</i>
<i>wenig</i> — <i>minder</i> (<i>weniger</i>) — <i>wenigst</i>	<i>кам</i> — <i>камроқ</i> — <i>жуда кам</i>
<i>bald</i> — <i>eher</i> — <i>ehestens</i>	<i>тез</i> — <i>тезроқ</i> — <i>жуда тез</i>

Немис тилида равиш даражалари ҳам сифат даражаларидек ясалиб, қиёсий даража **-er** суффиксини қўшиш билан, орттирма даража **-(e) sten** суффиксини қўшиш билан ясалади. Орттирма даражада равиш олдидан **am** юкламаси ишлатилади: *schnell*—*schneller*—*am schnellsten*.

Ўзбек тилида сифатда бўлганидек, равишда ҳам белгини даражалаб ифодалаш ҳодисаси бор. Белгини даражалаб ифодалаш, асосан, ҳолат равишларига хос бўлиб, даража маъноси сифат даражаларидаги воситаларнинг ўзи билан ифодаланadi:

(оддий даража — қиёсий даража — орттирма даража):

Тез — *тезроқ* — *энг тез*, *секин* — *секинроқ*, *жуда секин*

Равишларнинг ясалиши. (Bildung der Adverbien)

Равишлар немис тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам асосан икки усул билан ясалади: 1. **Аффиксация усули** (морфологик усул) (Die Methode der Affigierung). 2. **Композиция** (синтактик усул) **усули** (Die Methode der Komposition).

1. **Аффиксация усули.** Немис тилида равишлар қуйидаги суффикс ва ярим суффикслар ёрдамида ясалади:

-s суффикси кўпинча равишларда учрайди, чунки уларнинг кўпи турғун ҳолатга келиб қолган қаратқич келишигидан иборат, масалан: *tags*, *abends*, *rechts*, *morgens*. Бу аффикс предлогли груп-

па ва сўз бирикмаларига қўшилиб, барқарор сўз бирикмалари ҳосил қилади:

unterwegs, abseits, diesseits, jenseits, allerdings, schlechterdings,

-lings суффиксли равишларнинг сони ҳозирги немис тилида кўп эмас: *blindlings, rittlings, rücklings, jählings.*

-wärts суффикси тараф, томон маъносини англатадиган равишларнинг ясалишида қўлланади: *aufwärts, rückwärts, seitwärts, südwärts.* **-lich** суффикси от, сифат ва феълларга қўшилиб равишлар ясади: *menschlich, bildlich, gesellschaftlich* (отга); *schwerlich, bläulich, blutähnlich* (сифатга); *ausschließlich, bräuchlich* (феълга).

-sam суффикси ҳам от, сифат ва феълларга қўшилиб равишлар ясади: *gehorsam* (отга), *gleichsam* (сифатга), *unaufhaltsam, behutsam* (феълга).

-weise ярим суффикси ёрдами билан ясалган равишлар ҳолат маъносини англатади:

Wie Glück oder Pech selten einzeln über den Menschen kommt, sondern immer **stöhnenweise**, hatte Lieven in diesem Jahr mehrfach Glück. (*A. Seghers.*)

Stumm blickt sie ihn an, lange, **stoßweise** geht ihr Atem (*W. Breidel.*)

-maßen ярим суффикси **-weise** ярим суффиксига синоним бўлиб стилистик қўлланиши жиҳатидан ундан фарқ қилади.

-maßen ярим суффикси билан ясалувчи равишлар кўпроқ жонли тил ва илмий прозаларга хос. Қиёсланг: *gewissermaßen, folgendermaßen, einigermäßen.*

-dings ярим суффикси ҳолат равишини ясади, масалан: *schlechterdings, neuerdings, allerdings.*

-seits ярим суффикси тарафнинг келиб чиқиш нуқтаси маъносини англатади: *meinerseits, deinerseits, fremderseits.*

-wegen ярим суффикси ҳам кўпроқ олмошларга қўшилиб равишлар ясади: *meinetwegen, ihretwegen, deswegen, weswegen.*

-willen ярим суффикси ҳам кўпроқ олмошларга қўшилиб равишлар ясади: *meinetwillen, deinetwillen, unsretwillen.*

-halben, -willen ва **-wegen** ярим суффикслари от ва олмошларга қўшилиб, сабаб ёки мақсад равишларини ясади: *meinethalben, deinetwegen.*

Немис тилида юқорида кўрсатиб ўтилган равиш ясайдиган суффикслардан бошқа **-allzu** мураккаб ярим префикс: **-ens, -halb, -lei, -erlei, -st** суффикслари; **halber, -mal, mals, -weg** ярим суффикслари ва **höchst** — ярим префикси ёрдамида ҳам равишлар ясалади. Масалан: *vielmals, wenigstens, bestens*¹ usw.

Ўзбек тилида морфологик усул билан равиш яшаш, негизга ясовчи аффикс қўшиш билан ҳосил қилинади. Бу аффикслар **-ча, -ларча, -дай, -дек, -лаб, -она, -ан, -лай** (-лайн), **-лигича, -(и)нча, -н(ин), -ига, (-сига), -гача, -часига, -сиз, -симон** кабилардир. **-ча-**

¹ М. С. Степанова и др. Словарь словообразовательных элементов немецкого языка. Москва «Русский язык» 1979, стр. 513.

аффикси от, сифат, олмош каби туркумга оид сўзлардан равиш ясайди: *Ўзбекча, аввалгича*. Бундай равишлар ҳаракатнинг ижро этилиш процесси пайтини, қандай бажарилишини англатади. Масалан:

Ҳозирча бу ошхонада ишлаб боқсин.

-**ча** аффиксини олган от предметнинг белгисини англатиб, сифат бўлиб келиши ҳам мумкин: *инглизча* китоб.

-**ларча** аффикси от ва отлашган сўзларга қўшилиб ўхшатиш пайт маъносини ифодаловчи равиш ясайди: *дўстларча* муомалада бўлиш, *йилларча* сўзлашиш.

-**дай, -дек** аффикси от, сифат, олмош, сифатдошга қўшилиб, белги, ҳаракат-ҳолатнинг ўхшашлиини ифодаловчи равиш ясайди:

Баҳор қуёшининг заррин шуъласи аксини симобдек йилтиллаб, ойнадай ярқираб оқмоқда. (*И. Раҳим.*)

-**лаб** аффикси от ёки равишларга қўшилиб ҳолат, пайт, миқдор маъноли равишлар ясайди:

Тонналаб ҳосил олиш, **кечалаб** юк ташиш.

-**она** аффикси отларга қўшилиб ҳолат ва ўхшатиш маъносидаги равишлар ясайди. Феълдан англашилган ҳаракатнинг хусусияти

-**она** аффикси қўшилган ўзакдан англашилган маънога қиёсланади: **Дўстона** суҳбатлашдик.

-**ан** аффикси отлардан равиш ясаб, феълдан англашилган ҳаракатнинг бажарилиш усулини, ҳолатини ифодалайди:

Бу тупроқшунос олимлар билан Ўктам район марказида **тасодифан** учрашган эди. (*Ойбек.*)

Умарали — **бутунлай** бошқача одам. (*И. Раҳим.*)

-**намо** аффикси сифатларга қўшилиб, иш-ҳаракатнинг ҳолатини ўхшатиш орқали ифодаладиган равиш ясайди: *олимнамо, ҳазилнамо*.

-**симон** аффикси ёрдами билан ясалган равишлар ҳам асосан ўхшатиш маъносини билдиради: *ҳазилсимон, хафасимон, аразсимон,*

-**лигича** аффикси **-лай (-лайин)** аффиксига синоним бўлиб, сифатлардан ҳаракатнинг ҳолатини англатувчи равишлар ясайди:

Ўрдак майда балиқларни **тириклигича** ютиб юборади.

-**(и)нча** аффикси уч-тўртта сўздангина равиш ясайди:

Хотинларнинг баъзилари қизиққанларидан чачвонларини қия очиб, Йўлчига яширинча мўралашди. (*Ойбек.*)

-**н (-ин)** аффикси ҳозирги ўзбек тилида *эрта, кеч, ёз, қиш, оч, тўқ* сўзларидан ҳосил бўлган жуфт сўзлар таркибида келиб, равиш вазифасини бажаради: *эрта-кечин, ёзин-қишин, очин-тўқин*. Бу аффикс равиш ясовчи **-лай** билан бирлашиб, **-лайин** аффиксини вужудга келтиради: *бутунлайин, тириклайин*.

-**ига, -(сига)** аффикси ёрдамида ясалган равишлар ҳаракатнинг қай тарзда вужудга келишини билдиради: *узунасига, ялпи-сига, бараварига*.

-**гача** аффикси билан келган сўзлар ҳам равиш функциясини бажаради: *алламаҳалгача, яқингача, тушгача*. Бу типдаги равишлар жуфт ҳолда келса, биринчи компонент албатта чиқиш келишик формасида бўлади: Эртадан **кечгача**, бугундан **эртагача**.

-часига аффикси учта ажралмас морфема (-ча -си -га) дан иборат бўлиб, от ва сифатлардан ўхшашликни ифодаловчи равишлар ясади: *фронтчасига, тошкентчасига, қаҳрамонларчасига*.

-сиз аффикси билан келган сўзлар ҳам равиш вазифасини бажаради: *тўхтовсиз, қониқарсиз*.

Ўзбек ва немис тилидаги равиш ясовчиларнинг айримлари маъно жиҳатдан маълум даражада мос келса-да, лекин баъзилари бутунлай мос келмайди, масалан *-lings, -lich* суффикслари ёрдамида ясалувчи равишлар маъноси Ўзбек тилининг *-ларча, -дай, -дек* аффикси билан ясалувчи равишларнинг маъноларига яқин келади: *blindlings — кўрларча — menschlich — одамларча — одамлардек*.

Лекин *solchermaßen — шундай қилиб, meinerseits — мен томонимдан, unmeinetwillen — мен деб — мени деб* мисолларидаги *-maßen, -heits* ва *-willen* равиш ясовчи суффикслар маъно жиҳатдан ўзбек тили равиш ясовчи аффиксларига ҳеч мос келмайди.

Ўзбек тилидаги айрим равиш турлари немис тилидаги равишларга мос келмайди. Бу равишларнинг баъзилари немис тилига сифат билан берилса, бошқалари эса сўз бирикмалари орқали ифода этилади, масалан, ўзбек тилидаги *дўстона* равишига хос маъно немис тилига *freundlich* ёки *freundschaftlich* сифати ёрдамида ифода этилади. Ўзбек тилидаги *ҳазилсимон (ҳазилнамо)* равиши немис тилига *ähnlich zum Spaß* сўз бирикмаси ёрдамида берилади.

Немис тилидаги баъзи равишлар ўзбек тилига равишларнинг такрорланиш йўли билан ясаладиган равиш ёрдамида ифода этилиши ҳам мумкин: *blindlings — кўр — кўрона*.

2. Композиция (синтактик) усули. Сўзларнинг ўзаро қўшилиши натижасида қўшма равишлар ясаш композиция усулида амалга оширилади. Немис тилида композиция усули билан равишларнинг ясалиши қуйидагича:

1) икки қадимги равишлар (ёки предлоглар — равишлар) нинг қўшилишидан, масалан: *dennoch, alsbald, durchaus, jedoch, alsdann, dorthin, da(r)-, wo(r)-, hin-, her-* равишларнинг предлоглар — равишлар (олмош равишлари) билан қўшилишидан ҳам равишлар ясалади: *darauf, damit, worauf, herüber, heraus, hinüber, hinaus*.

2) қадимги равишлар (*bislang, vorgestern, übermorgen, jahraus, jahrein*) нинг бошқа туркумга оид сўзлар билан қўшилишидан ёки отнинг сифат, олмош ва сон билан қўшилишидан қўшма равишлар ясалади: *jederzeit, derweilen, allerorten; deinetwillen, meinetwillen*.

Немис тилининг қадимги даврида равиш ҳисобланиб, ҳозирги даврга келиб предлогга кўчиб, турғун ҳолатга келган предлогли равишлар деб аталадиган равишлар қўшма равишларнинг махсус группасини ташкил қилади. Улар *zuteil, zuhause, seitdem, insbesondere* равишларидан иборат.

Ўзбек тилида композиция усули билан қўшма, мураккаб ва жуфт равишлар ясалади. Бундай равишлар компонентларининг

бирикиш формаси ва қандай туркумга оид сўзлардан ташкил топишига кўра бир неча турга бўлинади:

1) Кўрсатиш олмошларига жўналиш, ўрин-пайт ёки чиқиш келишигида келган *ер, ёқ* сўзларидан бири қўшилиши орқали равиш ясалади: *у ерда, бу ёққа, у ердан*.

2) Белгилаш олмоши *ҳар* билан бош, жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш келишигидаги от, равишларнинг қўшилуви орқали равиш ясалади: *ҳар дам (да), ҳар он(да), ҳар гал, ҳар қачон, ҳар вақт, ҳар замонда, ҳар ер (-да, -дан, -га) ҳар тараф, (-дан, -га, -да)*.

3) Бош, чиқиш, ўрин-пайт келишигидаги от ва равишларнинг бир сўзи билан қўшилиши орқали равиш ясалади: *бир бошдан, бир кун, бир кунда, бир пас, бир пасда, бир оз, бир талай, бир нав*.

4) *Ҳамма, ҳеч* ва *алла* сўзларидан от ёки равишга қўшилиши билан равиш ясалади: *ҳамма вақт, ҳеч вақт, алламаҳал, ҳамма ёққа (да, -дан), ҳеч маҳал (-да)*.

5) Сўзларнинг такроридан ҳам равишлар ясалади. Бундай равишлардан унинг компонентлари айнан бир формада ёки турлича формада бўлиши мумкин: *кундан-кун, кетма-кет, зўрма-зўр, оз-оз, ҳали-ҳали* ва бошқалар.

6) Антонимларнинг ўзаро бирикишидан жуфт равишлар ясади: *наридан-бери, олдинма-кетин, ҳуда-беҳуда* ва шу кабилар.

РАВИШЛАРНИНГ МАЪНОГА КўРА ТУРЛАРИ

(SEMANTISCHE EINTEILUNG DER ADVERBIEN)

Немис тилида равишлар англатган маъносига кўра қуйидаги группаларга бўлинади:

1) ўрин равиши (Adverbien des Ortes — Lokaladverbien).

2) пайт равиши (Adverbien der Zeit — Temporaladverbien).

3) ҳолат равиши (Modaladverbien — Adverbien der Art und Weise, der Qualität).

4) сабаб равиши (Adverbien des Grundes — Kausaladverbien).

5) мақсад равиши (Adverbien des Zieles — Finaladverbien).

6) миқдор-даража равиши (Adverbien der Intensität des Grades).

7) сўроқ равишлари (Frageadverbien).

Ўзбек тилида равишлар маъно ва грамматик жиҳатдан қуйидаги группаларга бўлинади:

1) *Ҳолат равиши*, 2) *миқдор ва даража равиши*, 3) *пайт равиши*, 4) *ўрин равиши*, 5) *сабаб равиши*, 6) *мақсад равиши*.

Ўрин равиши

(Adverbien des Ortes)

Немис тилида ўрин равиши иш-ҳаракатнинг юзага чиқиш ўрни, жойини, йўналишини кўрсатади. Ўрин равиши *wohin?* — қаерга?, *wo?* — қаерда?, *woher?*, — қаердан? сўроқларига жавоб бўлиб келади; ўрин равишига: *hier* — шу ерда, *dort* — у ерда, *oben* — юқорида, *hin* — у ёққа, *hinauf* — юқорига, *dort-her* — у ёқдан, *von oben* — юқоридан, *von unten* — пастдан, *hinter* — орқасида кабилар киради. Масалан:

«Sie sind **hier**, damit Sie keine Verschwörerbande aufziehen können, keine Geheimorganisationen, wie Sie es **hier** im Lager machen!» (H. Mann.) «Dort wollen wir frühstücken!» (B. Apitz.) Diese Form der sozialistischen Demokratie gewährleistet die Wirklichkeitsnähe der zu Verabschiedenden Gesetze, durch die Einbeziehung des ganzen Volkes in die Zeitung des Staates **von unten** bis oben bewirkt sie zugleich eine optimal möglich Übereinstimmung von gesellschaftlichen und persönlichen Interessen (Die DDR). Diederich nahm ihn mit **hinauf**, er fand so schnell keinen Vorwand, um ihn zu entfernen, und drinnen saß Agnes! (H. Mann.) Hinter seinem Schreibtisch Ring eine große Karte. Bertha wälzte sich hin und her und fand keine Ruhe. (B. Apitz.)

Баъзи равишлар от билан ҳам бирикади, масалан:

Die erste Tür **rechts** war verschlossen (Renn).

Баъзи бир қадимги ўрин равишлари ҳозирги замон немис тилида предлогга кўчиб, шу билан бирга улар феъл префикслари вазифасини ҳам бажаради: Булар: *ab*, *an*, *auf*, *aus*, *bei*, *von*, *durch*, *hinter*, *unter*, *vor*, *über* в. б.

Баъзи қадимги ўрин равишлари ўзининг равишлик хусусиятини сақлаб, феъллар билан қўшилган ҳолда ишлатилади, масалан: *fort*, *weg*, *zurück*.

Қуйидаги мисолларни қиёсланг:

Er ist schon **zurück**. Kommen sie **zurück**. Er ist schon **zurückgekommen**. Ўрин равиши гапда ўрин ҳоли вазифасини бажаради. Er arbeitet **hier**. — У шу ерда ишлайди. Ich arbeite **dort**. — Мен у ерда ишлайман.

Ўзбек тилида ҳам ўрин равиши иш-ҳаракатнинг бажарилиш ўрнини англатади. Ўрин равишларига *нари-бери*, *унда-бунда*, *аллақаерда*, *аллақаерга*, *аллақаердан*, *қуйида* каби сўзлар киради.

Ўзбек тилида ҳам ўрин равиши, асосан, ҳол вазифасини бажаради: **Илгарига** интил, **олдинга** бос деб, шонли партиямиз беради сабоқ («*Ёш ленинчи*»).

Пайт равиши

(Adverbien der Zeit — Temporaladverbien)

Пайт равиши иш-ҳаракатнинг юзага келиш вақтини, пайтини, билдириб, *wann?* (қачон?), *wie lange?* *seit wann?* (қачонгача?), *wie*

oft (қанча? қанча вақтда?) сўроқларидан бирига жавоб бўлиб келади. Пайт равишига *bald, immer, oft, heute, gestern, morgen, abends, jetzt, schon, längst, spät, nachts, täglich, jährlich, früh, erst, damals* кабилар киради.

Пайт равиши гапда пайт ҳоли вазифасида келади. Масалан:

Komm bald wieder. Bald getan — ist wohl getan. Das habe ich schon immer gesagt. Er ist immer nicht zu Hause.

Das zog heute nicht. Dr. Gluskinos erblaßte, wie Irmin es schon lange nicht mehr gesehen. (A. Zweig.)

Ўзбек тилида ҳам пайт равиши иш-ҳаракатнинг бажарилиш пайтини англатади. Пайт равишларига: *эрта, энди, эрталаб, сўнг, иллага, сўнгра, кейин, ҳануз, ҳали, ҳамиша, кеча, бугун, аввал, аллақачон, бултур, қадим, олдин, ҳамон, кечаси, индин(га), йиллига, тездан, яқинда, ҳеч қачон, дастлаб, кундузи, ҳар куни, йилдан-йилга, эрта-индин, қишин-ёзин, ҳозир(да)* каби сўзлар киради. Пайт равиши ҳол ёки кесим вазифасини бажаради:

Гўёки, мен Тошкентда *кечагина* тургандек ва *кечагина* сизнинг ҳовлингизда меҳмон бўлгандекман.— Шамайга бормасдан *илгари* ўз ҳукуматдорлигимизни кўриб, бошқалар ҳам шундай-дир, деб ўйлар эдим, . . . (А. Қодирий.) Аммо бугун негадир ҳокимнинг қизи арава пардаларини кўтармас, аравакаш эса отларни тез йўрттириб борарди.—Энди сен орқангга қайтиб, ўша икки киши билан борасан,— деди Ҳайзурон Фирузга қараб. (Ж. Зайдон.)

Ҳолат равиши

(Modaladverbien, Adverbien der Art und Weise, der Qualität)

Ҳолат равиши иш-ҳаракатнинг бажарилиш усули, унинг қай тарзда юзага келиши каби маъноларни билдиради ва *wie* (қандай?) сўроғига жавоб бўлади. Ҳолат равишига *gut, schön, schlecht, richtig, falsch, rasch, langsam, leise, ausgezeichnet, fleißig, still, ruhig, paarweise* ва бошқалар киради. Масалан:

Der Puls geht schnell. Mach schnell! Die Uhr geht zu langsam. Langsam kommt man auch ans Ziel. (Мақол.)

Немис тилида ҳолат равиши кўпинча от ва сифатдошлар билан алоқадордир. *-weise* ва *-lings* суффикслари ёрдами билан тузилган ясама равишлар отлар билан алоқадордир: *paarweise, probeweise, teilweise, stoßweise*; *-lings: blindlings, rücklings*. Масалан:

So enthält *beispielsweise* das neue Russischlehrbuch für die Klasse 7 Lektionstexte, die entweder der mündlichen Sprachausübung oder dem (stillen) Lesen zugeordnet sind. In der Schwierigkeit *schrittweise* gesteigerte Aufgaben befähigen den Lernenden, einen kurzen Bericht über seine Einkäufe zu geben. (Deutsch als Fremdsprache N 4, 1970, S. 240, 243).

Немис тилида сифатдош I ва II кўпинча ҳолат равиши вазифасини бажариб келади: *lachen, singend, gebückt, gelangweilt*. Масалан:

Was überall besitzlos harrend liegt.
Der Bauer, der die Früchte pflügt,
Hebt einen Goldtopf mit der Schalle.

(J. W. Goethe.)

Blumen sehet ruhig sprießen,
Reizend euer Haupt umzieren;
Früchte wollen nicht verführen,
Kostend mag man sie genießen.

(J. W. Goethe)

Бу ҳолат ўзбек тилига **-(и)б** — га тугаган равишдош формаси ёрдами билан берилади. Демак, немис тилида ҳолат равиши маъносида қўлланган сифатдош ўзбек тилида равишдош формасида қўлланиб, у ҳам шу маънони ифода этади. Масалан:

Sitzend sprach er mit mir. — У ўтириб мен билан гаплашди.

Höfel und Kropinski standen reglos lauschend, wie erschreckte Tiere. (B. Apitz.)

Aber auch das war ebenso gespenstisch und schemenhaft und suchte sich verloren irrend einen Weg. (B. Apitz.)

Ўзбек тилида ҳам ҳолат равиши иш-ҳаракатнинг қандай ҳолатда ёки қай тарзда бажарилганлигини билдиради.

Ҳолат равишига *аста, секин, жим, яёв, чиндан, аранг, пиёда, очин-туқин, хомлиғича, дарров, дарҳол, бирдан, қўққисдан, мажбуран, тасодифан, астойдил, яққол, лип этиб*, каби сўзлар киради. Ҳолат равишлари асосан уч вазифада: ҳол, аниқловчи ва кесим (als Adverbiale, Attribut, Prädikat) вазифасида келади. Масалан:

— Кўнглингизни тўқ қилаверинг, ойижон, — деди Зирғон.

— У мени астойдил яхши кўради, у ўзини катта олишни хаёлига ҳам келтирмайди. Зирғоннинг гапини қувватлайдиган эски ишлардан хабардор кишидек Офтоб секин кулиб қўйди. Халифа ёнида Зирғон шернинг шу ачинарли аҳволига раҳми келиб тикилиб тураркан, у бирдан қафаснинг бир чеккасини боши билан қаттиқ уриб, иккита панжарани синдирди ва у ердан бошини ташқарига чиқариб олди. (Ж. Зайдон.) Малика ҳар сафар кўчадан ўтаркан, пардани оҳиста кўтариб, кўзи тушган кишилар билан саломлашарди. Шундан кейин Жаҳон лип этиб ўзининг қашқа отига миниб олди. (Ж. Зайдон.)

Сабаб равиши

(Adverbien des Grundes, Kausaladverbien)

С а б а б р а в и ш и иш-ҳаракатнинг бажарилиш сабабини билдиради ва *warum? weshalb?* (нима учун?, нима сабабдан?) сўроқларига жавоб бўлади. Сабаб равишларига *deshalb, deswegen, darum* каби равишлар киради. Масалан:

Deshalb wollten sie heute mit der Apfelernte fertig werden. (A. Seghers.)

Kühlemann saß, ein Freund desberüchtigten Eugen Richten, **darum** stockte hier das Geschäft, und niemand kriegte Geld. «**Deswegen** soll er zaus», erwiderte Diederich (*H. Mann.*)

Ўзбек тилида ҳам сабаб равиши немис тилидагидек иш-ҳаракатнинг бажарилиш сабабини англатади. Сабаб равишларига *ноиллож, чорасиз, қўрққанидан* каби сўзлар киради. Масалан: У қўрққанидан, ранги оқариб кетди. Қундузойнинг қисташи билан, *ноиллож* биринчи қаторга бориб ўтирди. (*Ойдин.*)

Мақсад равиши

(Adverbien des Zieles Finaladverbien)

Мақсад равиши иш-ҳаракатнинг бажарилиши мақсадини билдириб, *wozu? zu welchem Zweck?* (*нима мақсадда? қандай ниятда?*) сўроқларига жавоб беради. Мақсад равишларига *dazu, meinethwegen, deinetwegen, seinethwegen, meinethwillen, deinetwillen, seinethalben, ihretwegen* каби равишлар киради. Масалан:

Die Mutter hielt für Kinder **dazu an**, untereinander abwechselnd russisch, deutsch und französisch zu sprechen. Daß er es **ihretwegen** kaufen wollte, darüber bestand für sie kein Zweifel (*B. Kellermann.*) Er denkt, sie nimmt ihn **seinethwegen**. (*H. Fallada.*)

Ўзбек тилида мақсад равиши иш-ҳаракатнинг бажарилишидаги мақсадни англатади. Мақсад равиши *қандай?, қандай мақсадда? нима учун?* каби сўроқларга жавоб бўлиб келади. Мақсад равишларига *атайи(н), атайлаб, жўрттага, қасддан* сўзлар киради.

Масалан: Адолат уни **жўрттага** эрмак қилди. (*Саид Аҳмад.*) Эрталаб **атайин** спорт костюмини кийдим. (*О. Ё.*) Мақсад равиши ҳол вазифасини бажаради: Унсин бу ишларни **тезда** ўрганиб олди. (*Ойбек.*)

Миқдор-даража равиши

(Adverbien der Intensität, Adverbien des Grades)

Миқдор-даража равишлари иш-ҳаракат ёки белгининг миқдорини, кучини, даражасини кўрсатиб, *wie? wie sehr? wie stark?* сўроқларига жавоб бўлади. Миқдор-даража равишларига *viel — кўп, wenig — оз, ein bischen — қаттиқ, einmal — бир марта, zweimal — икки марта, mehr, mehrmal — кўп марта, zweifach — икки қарра, vielfach — кўп қарра; sehr — жуда, ganz — бутунлай, genug — етарли, besonders — айниқса, kaum — сал, zu — жуда; so — қандай, ziemlich — деярли, . . . sal қолди; höchst — энг, жуда* каби равишлари киради. Масалан:

Viel zu denken, **viel** zu sinnen, gibts beim zarten Lebensfaden. Doch auch ich, im Jugendwalten, Irrte mich schon hundertmal! Könnt ich **einmal** mich vergessen. Wår es um die Welt mir bang. (*J. W. Goethe.*)

Eines Tages sagte Lenin zu mir, daß er **etwas** nach Rußland schicken möchte. Das war damals der Zensur **sehr** schwer.

Er sah also ganz gelb aus.

«Ich kann gar nicht sagen, wie gern ich im Theater bin!»
(Th. Mann.)

«Nein», sagte Klaus, «weit darf ich ja gar nicht gehen. Um diese Zeit gehe ich immer ein bißchen hinunter, durchs Dorf und bis Platz, wenn ich «Zeit habe». (Th. Mann.)

Немис тилида миқдор-даража равишларини бошқа тур равишлардан фарқи шундан иборатки, улар кўп вақтда феъллар билан қўшилиб келмай, балки сифатлар билан (ein sehr kluger Student), бошқа равишлари билан (zu früh), сонлар билан (sehr viel) қўшилиб келади. Масалан:

... und etwas wie ein ganz leise angedeutetes Öpflein fiel auf den breiten Kragen seines mausgrauen Rockes hinab (Th. Mann).

Ўзбек тилида ҳам миқдор-даража равишлари иш-ҳаракатнинг даража-миқдорини, белгининг даражасини, предметнинг ноаниқ миқдорини билдиради. Миқдор равишига ҳаракат ёки предметнинг ноаниқ миқдорини англатадиган *кўп, оз, кам, бир оз, сал, пича* каби сўзлар киради.

Даража равишига иш-ҳаракат ё белги маъносини кўпайтирадиган *жуда, ғоят, ниҳоятда, ҳар қанча, озмунча, асло, сира, ҳеч* каби сўзлар киради.

Миқдор-даража равишлари гапда ҳар икки тилда ҳам кўпинча ҳол вазифасини бажариб келади, қиёсланг:

Er arbeitet viel. — У кўп ишлайди.

Du arbeitest wenig. — Сен кам ишлайсан.

Миқдор-даража равишлари ҳар икки тилда ҳам от ва ҳаракат номлари билан боғлиқ, унинг аниқловчиси бўлиб келиш хусусиятига эга, қиёсланг:

Vieles Sitzen schadet. — Кўп ўтириш зиён. Du mußt viel Milch trinken. — Сен кўп сут ичишинг керак. Ein bißchen Brot. — Озгина нон.

Сўроқ равишлари

(Frageadverbien)

Немис тилида сўроқ равишларига *wo, warum, wann, wie, wo-durch, wozu* каби сўзлар киради. Улар ўрин-жой, пайт, сабаб каби маъноларга нисбатан бўлган муносабатни ифода этади. Эргаш гапда улар сўроқ сўзлар ёки етакчи сўзлар сифатида қўлланади. Мисоллар:

«Noch eins», sagt Franz. «Jeder müßte sich nach einer Möglichkeit umsehen, wo er im Notfall einige Nächte schlafen kann (J. Petersen). Ich weiß, warum er das getan hat. Wann wird deine Arbeit beendet sein? Ich weiß nicht, wann der Zug eintrifft. Ich sehe, wie er den Kopf dreht. (J. Petersen). Man erkannte schon früh, wodurch sie sich von ihren Mitschülerinnen unterschied (W. Rudolph). Wozu die Aufmerksamkeit, mit der er unseren Gesprächen folgte—so angestranzt, daß ihm die Lippen zitterten. (A. Seghers.)

МОДАЛ СЎЗЛАР (DAS MODALWÖRTER)

Модал сўзлар сўзловчининг борлиққа бўлган ишонч, гумон, тасдиқ, инкор каби муносабатларини англатади. Модал сўзлар асосан равишдан келиб чиққан бўлиб, улар орасида ўхшашлик кўп. Модал сўзлар бир составли гап ҳолида қўлланиши ҳам мумкин. Масалан:

«Mach dir keine Sorgen, du kriegst deine Jacke wieder!»

«Ja, meinst du? sagte der Junge. «Sicher». Sie werden ihn ganz bestimmt fangen, eher heut als morgen». (A. Seghers.)

Немис тилида модал сўзлар маъноларига кўра бир қанча турларга бўлинади:

1) аслий модал сўзлар (Die eigentlichen Modalwörter, die zwei verschiedene semantische Gruppen bilden): *vielleicht*

а) борлиқ модаллигини кучайтирувчи модал сўзлар (die Modalwörter, die die Modalität der Wirklichkeit verstärken): *sicher, sicherlich, natürlich, gewiß, bestimmt, zweifellos* в. б.

б) инкор маъносидаги борлиқни ифода этувчи модал сўзлар (Die Modalwörter, die die Modalität der Nichtwirklichkeit zum Ausdruck bringen): *vielleicht, wahrscheinlich, möglich, möglicherweise* в. б.

2) сўзловчи фикрини субъектив аниқлайдиган модал сўзлар (Die Modalwörter der Bewertung): *hoffentlich, leider, glücklicherweise, törichterweise* в. б.

3) фикрнинг баён қилиш усулини асослайдиган модал сўзлар (Die Modalwörter, die einzelne Teile der Aussage betonen, begründen, summieren, anschließen oder einschränken): *überhaupt, folglich, eigentlich, jedenfalls, übrigens, überdies, vielmehr, allerdings, freilich, immerhin* в. б.

4) тасдиқ ва инкор маъноларини ифода этувчи модал сўзлар (Die Modalwörter der Bejahung und Verneinung): *ja, jawohl, nein, keineswegs, doch.*

Ўзбек тилида ҳам модал сўзлар ўз маъноларига кўра икки муҳим турга бўлинади: 1) фикрнинг чинлиги, реаллигини англатувчи модал сўзлар: *албатта, шубҳасиз, ҳақиқатан, дарҳақиқат, ростдан, ўз-уздан, сўзсиз* каби; 2) фикрнинг гумонлигини, чамалаш, тахмин қилиш, шубҳаланиш каби маъноларни ифодаловчи модал сўзлар: *эҳтимол, шекилли, балли, афтидан, хойнаҳой, чоғи, чамаси.*

Юқорида кўрсатилган немис ва ўзбек тилларидаги модал сўзлар турларининг қиёси қуйидагича бўлади:

1) Немис тилидаги аслий модал сўзлар қуйидагича ифода этилади:

а) имконият белгисига эга бўлган тури ўзбек тилига фикрнинг гумонлиги каби маъно оттенкаларини англатувчи модал сўзлар ёрдамида ифода этилади, қиёсланг:

Er sah also ganz gelb aus.

«Ich kann gar nicht sagen, wie gern ich im Theater bin!»
(Th. Mann.)

«Nein», sagte Klaus, «weit darf ich ja gar nicht gehen. Um diese Zeit gehe ich immer ein bißchen hinunter, durchs Dorf und bis Platz, wenn ich «Zeit habe». (Th. Mann.)

Немис тилида миқдор-даража равишларини бошқа тур равишлардан фарқи шундан иборатки, улар кўп вақтда феъллар билан қўшилиб келмай, балки сифатлар билан (ein sehr kluger Student), бошқа равишлари билан (zu früh), сонлар билан (sehr viel) қўшилиб келади. Масалан:

... und etwas wie ein ganz leise angedeutetes Öpflein fiel auf den breiten Kragen seines mausgrauen Rockes hinab (Th. Mann).

Ўзбек тилида ҳам миқдор-даража равишлари иш-ҳаракатнинг даража-миқдорини, белгининг даражасини, предметнинг ноаниқ миқдорини билдиради. Миқдор равишига ҳаракат ёки предметнинг ноаниқ миқдорини англатадиган *кўп, оз, кам, бир оз, сал, нича* каби сўзлар киради.

Даража равишига иш-ҳаракат ё белги маъносини кўпайтирадиган *жуда, ғоят, ниҳоятда, ҳар қанча, озмунча, асло, сира, ҳеч* каби сўзлар киради.

Миқдор-даража равишлари гапда ҳар икки тилда ҳам кўпинча ҳол вазифасини бажариб келади, қиёсланг:

Er arbeitet viel. — У кўп ишлайди.

Du arbeitest wenig. — Сен кам ишлайсан.

Миқдор-даража равишлари ҳар икки тилда ҳам от ва ҳаракат номлари билан боғлиниб, унинг аниқловчиси бўлиб келиш хусусиятига эга, қиёсланг:

Vieles Sitzen schadet. — Кўп ўтириш зиён. Du mußt viel Milch trinken. — Сен кўп сут ичишинг керак. Ein bißchen Brot. — Озгина нон.

Сўроқ равишлари

(Frageadverbien)

Немис тилида сўроқ равишларига *wo, warum, wann, wie, wodurch, wozu* каби сўзлар киради. Улар ўрин-жой, пайт, сабаб каби маъноларга нисбатан бўлган муносабатни ифода этади. Эргаш гапда улар сўроқ сўзлар ёки етакчи сўзлар сифатида қўлланади. Мисоллар:

«Noch eins», sagt Franz. «Jeder müßte sich nach einer Möglichkeit umsehen, wo er im Notfalle einige Nächte schlafen kann (J. Petersen). Ich weiß, warum er das getan hat. Wann wird deine Arbeit beendet sein? Ich weiß nicht, wann der Zug eintrifft. Ich sehe, wie er den Kopf dreht. (J. Petersen). Man erkannte schon früh, wodurch sie sich von ihren Mitschülerinnen unterschied (W. Rudolph). Wozu die Aufmerksamkeit, mit der er unseren Gesprächen folgte—so angestranzt, daß ihm die Lippen zitterten. (A. Seghers.)

МОДАЛ СЎЗЛАР (DAS MODALWÖRTER)

Модал сўзлар сўзловчининг борлиққа бўлган ишонч, гумон, тасдиқ, инкор каби муносабатларини англатади. Модал сўзлар асосан равишдан келиб чиққан бўлиб, улар орасида ўхшашлик кўп. Модал сўзлар бир составли гап ҳолида қўлланиши ҳам мумкин. Масалан:

«Mach dir keine Sorgen, du kriegst deine Jacke wieder!»

«Ja, meinst du? sagte der Junge. «Sicher». Sie werden ihn ganz bestimmt fangen, eher heute als morgen». (A. Seghers.)

Немис тилида модал сўзлар маъноларига кўра бир қанча турларга бўлинади:

1) аслий модал сўзлар (Die eigentlichen Modalwörter, die zwei verschiedene semantische Gruppen bilden): *vielleicht*

а) борлиқ модаллигини кучайтирувчи модал сўзлар (die Modalwörter, die die Modalität der Wirklichkeit verstärken): *sicher, sicherlich, natürlich, gewiß, bestimmt, zweifellos* в. б.

б) инкор маъносидаги борлиқни ифода этувчи модал сўзлар (Die Modalwörter, die die Modalität der Nichtwirklichkeit zum Ausdruck bringen): *vielleicht, wahrscheinlich, möglich, möglicherweise* в. б.

2) сўзловчи фикрини субъектив аниқлайдиган модал сўзлар (Die Modalwörter der Bewertung): *hoffentlich, leider, glücklicherweise, törichterweise* в. б.

3) фикрнинг баён қилиш усулини асослайдиган модал сўзлар (Die Modalwörter, die einzelne Teile der Aussage betonen, begründen, summieren, anschließen oder einschränken): *überhaupt, folglich, eigentlich, jedenfalls, übrigens, überdies, vielmehr, allerdings, freilich, immerhin* в. б.

4) тасдиқ ва инкор маъноларини ифода этувчи модал сўзлар (Die Modalwörter der Bejahung und Verneinung): *ja, jawohl, nein, keineswegs, doch*.

Ўзбек тилида ҳам модал сўзлар ўз маъноларига кўра икки муҳим турга бўлинади: 1) фикрнинг чинлиги, реаллигини англатувчи модал сўзлар: *албатта, шубҳасиз, ҳақиқатан, дарҳақиқат, ростдан, ўз-уздан, сўзсиз* каби; 2) фикрнинг гумонлигини, чамалаш, тахмин қилиш, шубҳаланиш каби маъноларни ифодаловчи модал сўзлар: *эҳтимол, шекилли, балли, афтидан, хойнаҳой, чоғи, чамаси*.

Юқорида кўрсатилган немис ва ўзбек тилларидаги модал сўзлар турларининг қиёси қуйидагича бўлади:

1) Немис тилидаги аслий модал сўзлар қуйидагича ифода этилади:

а) имконият белгисига эга бўлган тури ўзбек тилига фикрнинг гумонлиги каби маъно оттенкаларини англатувчи модал сўзлар ёрдамида ифода этилади, қиёсланг:

vielleicht — балки, *kaum* — аранг, *зўга*; *wahrscheinlich* — эҳтимол, *wohl* — балки, эҳтимол. Масалан:

Wahrscheinlich ist niemand zu Hause. **Vielleicht** trinken Sie eine Tasse Tee? Er wird es **wohl** tun. Was wird es **wohl** sagen? Ich kann es **kaum** erwarten. Er kann **kaum** gehen usw.

б) кучайтирув модал сўзлари ўзбек тилига фикрининг реаллигини англатувчи модал сўзлар ёрдамида ифода этилади, қиёсланг:

bestimmt — қатъий, *zweifellos* — шубҳасиз, *unbedingt* — сўзсиз, *natürlich* — албатта, *sicher* — албатта, қатъий каби. Мисоллар:

Ganz **bestimmt**. Das ist **bestimmt** so. Er kommt **sicher**. Das hat er **sicher** nicht ernst gemeint. «Dienste» — er schob Diederich selbst den Sessel zurecht, «die wollen Sie doch **natürlich** nicht mir leisten, sondern Ihren Mitbürgern — die es Ihnen danken werden «Zweifellos», sagte Diederich. (*H. Mann.*)

2) Немис тилидаги сўзловчи фикрини субъектив аниқлайдиган модал сўзларга хос маъно ўзбек тилида кесим маъносидаги шахсиз сўз, равиш, баъзан эса феъллар ёрдамида ифода этилади, қиёсланг:

leider — афсуски, *бахтга қариш*; *hoffentlich* — умид қилиш, умидвор бўлиш; *lieber* — маъқулроғи, яхшироғи; *glücklicherweise* — яхшиямки. Мисоллар:

«Das geht **leider** wirklich nicht», sagte die Frau böse, aber entschieden «es ist schon spät, ich hab» ein Krankes im Haus». (*A. Seghers.*) «Das alte Fräulein ist **hoffentlich** gar nicht zu Hause» (*A. Seghers.*)

3) Фикрининг баён қилиш усулини асослайдиган модал сўзлар ўзбек тилига равиш, кириш сўзи, боғловчи ва юкламалар орқали ифода этилади, қиёсланг:

eigentlich — аслини айтганда; *kurz* — қисқаси, хуллас; *sozusagen* — чунончи, айтайлик. Мисоллар:

Kurz und bündig. **Eigentlich** hat er recht. Wo sind wir **eigentlich**?

4) Тасдиқ ва инкор маъносини англатадиган модал сўзлар ўзбек тилига модал сўз, юклама ёки равишлар ёрдамида ифода этилади, қиёсланг:

ja — ҳа, *ҳа шундай*; *jawohl* — албатта; *doch* — бўлмасачи; *keinesfalls*, *keineswegs* — ҳеч, асло, ҳеч вақтда. Масалан:

Jawohl werde ich das tun; «Tom?» fragte sie, «Bist du mir böse? Er hielt den ovalen Türgriff in der einen und machte eine müde Bewegung der Abwehr mit der anderen Hand. «Ach nein. **Keineswegs**» (*Th. Mann.*) Fahle nickte, «**Doch**, ich weiß es, wie alle Welt es weiß» (*B. Kellermann.*)

Немис тилида равишлар билан модал сўзлар ўртасида маълум ўхшашлик ва фарқ бор:

1) модал сўзлар равишлар каби ўзгармайди: масалан: *vielleicht*, *leider*, *wohl*, *angeblich* ва б.

2) модал сўзлар билан равишлар умумий сўз яшаш моделига эга, масалан: *paarweise* — равиш, *möglicherweise* — модал сўзи, *planlos* — равиш, *zweifellos* — модал сўзи.

Рабиш ва модал сўзлар бир-бирига нисбатан омонимлик хусусиятига эга, масалан:

Er wird kaum kommen.	(kaum — модал сўзи).
Er atmete kaum .	(kaum — равиши).
Er ist wohl zu spät.	(wohl — модал сўзи).
Er fühlt sich hier sehr wohl .	(wohl — равиш).

3) равиш билан модал сўзнинг фарқи шундан иборатки, равиш гапда гап бўлаги бўлиб кела олади. Модал сўз эса бундай хусусиятга эга эмас. У сўзловчи нуқтаи назардан бўлган дарак борлик ўртасидаги муносабатни ифода этади.

Модал сўзларнинг гапда қўлланиши қуйидагича (Die Modalwörter erscheinen im Satz):

1) модал ҳоли бўлиб (als modals Adverbialien):

Vielleicht hat er sich doch geirrt. (Th. Mann.)

2) гапнинг ажратилган қисми бўлиб (als isolierte Satzteile):
«Jawohl», sagte Felix und ging.

3) бир сўздан тузилган гап бўлиб (als Einwortsätze):

«Ja», sagte Karl. (*J. Brezan.*)

Gewiß, es geschieht zum wohlthätigen Zweck der deutschen Künstlerhilfe, aber . . . (*K. Kraus.*)

ЁРДАМЧИ СЎЗЛАР

FUNKTIONSWÖRTER—DIENSTWÖRTER—FÜGEWÖRTER

Немис тилида ёрдамчи сўзларга предлоглар (Präpositionen), боғловчилар (Konjunktionen) ва юкламалар (Partikeln) киради. Ёрдамчи сўзлар гап бўлаги вазифасида қўлланмайди. Улар гап бўлақларига ёки гапга ёрдамчи сўз сифатида қўлланади. Юкламалар эса дарак маъносига ранг-баранглик бериш вазифасини бажаради.

ПРЕДЛОГЛАР

(DIE PRÄPOSITIONEN, DIE VERHÄLTNISWÖRTER)

Немис тилида предлоглар ёрдамчи сўзлардан ҳисобланиб, гапда мустақил ҳолда қўлланмайди ва гапнинг мустақил бўлаги бўлиб келмайди. Улар боғланишининг характерини аниқлайди ва конкретлаштиради. Предлоглар воситали келишик формасидаги от ёки бирор отлашган бошқа сўз туркумини от, феъл, сифат, олмош, равишлар билан бўлган алоқа характерини аниқлайди.

Предлогларнинг кўпи кўп маънолидир. Масалан: *vor* предлогининг маъноси қуйидагича, қиёсланг: *vor dem Haus* (ўрин маъноси); *vor dem Beginn* (замон маъноси); *vor Freude* (сабаб маъноси) ва бошқалар. Предлогларнинг баъзилари эса бир маънога эга. Масалан: *seit, während, jenseits, diesseits, wegen.*

Ҳозирги замон немис тилида предлог маъносининг келишик маъноси билан мос келишини замон маъносини англатувчи *wäh-*

rend предлогиди кўриш мумкин. Предлогсиз ишлатиладиган *Genitiv* ҳам ҳол вазифасида қўлланганда худди шундай маънога эга бўлади, қиёсланг: *des Tages, des Morgens, während des Tages, während des Morgens*.

Предлогларнинг маъноси. Предлоглар от, сифат ёки равишлар билан боғланиб, ўрин-жой, пайт, сабаб, модал, восита каби аниқ муносабатларни ифода этади:

1) Ўрин-жой маъносини ифода этадиган предлоглар *wo?* — қаерда? *wohin?* — қаерга? *woher?* — қаердан? деган сўроқлардан бирига жавоб бўлиб келади.

Қуйидаги предлоглар ўрин-жой маъносини англатади (Präpositionen mit räumlicher — lokaler Bedeutung):

ab — дан; *abseits* — тарафда, тарафга; *auf* — да, -га (устиди, устига); *aus* — дан (-ичидан); *außer, außerhalb* — ташқари, ташқарида; *bei* — ёнида, олдида, яқинида; *bis* — га, -гача; -га қадар; *diesseits* — бу тарафга; *durch* — устига, устидан, орқали; *entlang* — бўйича, бўйлаб, узунасига; *gegen* — қарши, қаршисида, яқинида; *gegenüber* — қаршисида, рўпарада; *hinter* — орқа; орқасида; *in* — да (ичида); *innerhalb* — да, ичида; *jenseits* — у тарафга, у тарафда; *mit* — билан; *nach* — га; *neben* — ёнида, ёнига; *oberhalb* — устида (тегмасдан), юқорида *über* — устида (тегмасдан); *um* — атрофида; *unter, unterhalb* — тағида, тағига; *ostida*; *unweit* — яқин; *von* — дан; *vor* — олдида; *zu* — га, - да; *zwischen* — ўртасида, ўртасига, орасида; *an* ...га, ..да; *zu* — атрофида, ..га; *längs* — бўйлаб; *unweit* — яқинида, яқинига. Масалан:

Hans arbeitet im Hause, auf dem Dach, vor dem Hause.

Er geht ins Haus. Er kommt aus dem Hause.

Er ging, trat ein wenig abseits. Auf dem Parkettfußboden liegt ein Teppich. Die Wäsche wird außer dem Hause gewaschen (B. Keller). Potsdam liegt bei Berlin. Die Blumenbank steht beim Fenster (Fallada). Der Zug fährt nicht bis Rom, sondern nur bis München. (Storm.)

2) Пайт муносабатини англатадиган (Präpositionen mit zeitlicher temporaler Bedeutung) предлоглар *wann?* (қачон?), *seit wann?* (қачондан бери?), *bis wann?* (қачонгача?), *wie lange?* (қанча вақт давомида?) каби сўроқлардан бирига жавоб бўлиб келади.

Пайт муносабатини англатадиган предлоглар қуйидагилар: *auf* — ... -га, муддатга; *aus* — дан; *bei* — да; *binnen* — дан кейин; вақтдан кейин; *bis* — гача, довуру, -га қадар; *für* — га, ... муддатга; *gegen* — га яқин — тахминан, чамаси; *in, innerhalb* — да давомида; *mit* — ча, га яқин, — дек, қарийб; *nach* — кейин ... — дан бошлаб; *über* — ... дан. ... муддатида; *um* — да, чамаси, қарийб; *vor* — дан, олдидан, — га қадар; *während* — вақтида; *zu* — да, -га; *zwischen* — орасида, ўртасида; *ab* — дан, бошлаб; *an* — да. Мисоллар:

Hans arbeitet am Abend, verreist im Sommer, besucht mich auf eine Halbestunde. Er kam vor 3 Uhr und ging nach 5 Uhr. Масалан:

Wir warteten Stunde auf Stunde (mehrere Stunden hintereinander) (*Brecht Rundköpfe*). Er reiste **bei** Nacht. **Von** daran haben wir alle geglaubt, daß wir noch **bei** diesen unseren Zeiten . . . den Antichrist erwarten mußten (*Le Fort Papst*). Der Zug fährt um 9.23 Uhr ab. Wir wollten uns **um** 4 Uhr treffen (*Musil Mann*). Wohl bangte sie **um** ihn wie immer, aber es war nicht mehr wie vor Jahren (*B. Apitz*). **Während** des Krieges (in der gesamten Zeit, die der Krieg dauerte) herrschte Lebensmittel knappheit (*Kästner Lottchen*). Wird man mich noch **zur** rechten Zeit abfertigen? Mein Freund will ja weg, rasch weg (*A. Seghers*).

3) Сабаб муносабатини (Kausalverhältnis) билдирадиган предлоглар *warum?* (нима учун?), *weshalb?* (нимага?), *weswegen?* (нима сабабдан?) сўроқларидан бирига жавоб бўлиб келади. Буларга қуйидаги предлоглар киради:

an, aus — дан; halber — учун, . . . гани сабабли; ob — учун, сабабли, сабабидан; über — дан; учун; vor — дан, weshalb, wegen . . . деб сабабли, кўра; auf, dank, durch, für, infolga, kraft, laut mangels, mit, nach, um, unter, von, wider; angesichts, anlässlich, unbeschadet, zufolge.

Масалан:

Es war ja schließlich keine Angst, zu erraten, **weshalb** er überhaupt diesen Hauserwerb erwähnte. (*K. Mann.*)

Er konnte vor Müdigkeit nicht arbeiten.

Über dem Lärm, Geschrei wachte er auf. Sie waren erstaunt, verwundert, verblüfft über die Lösung (*Renn*). Mein Herz stand still, stockte vor Schreck. Sie weinte **vor** Wut, war wie gelähmt **vor** Entsetzen (*J. R. Becher*). Wegen des schlechten Wetters, des schlechten Wetters wegen blieben wir zu Hause (*Brecht*). **Durch** angestrengte Arbeit ist er krank geworden (*Th. Mann*). Er ist bekannt **für** seine Schnelligkeit. Er hat **für** seine Überzeugung sein Leben gelassen (*Remarque*). **Infolge** Nebels konnte das Flugzeug nicht starten. **Infolge** von Krankheit mußte ich die letzten Lektionen versäumen (*Kazack*). So erwuchs Angela kraft einer edeln Natur zu einem widerstandsfähigen . . . Mädchen (*C. F. Meyer*). Laut den erhobenen polizeilichen Nachforschungen kamen sie **aus** Schwaben (*G. Keller*). Er kam **mit** seinen geringen Kenntnissen nicht voran. Er lag **mit** Angina, Diphtherie im Bett (*Doderer*). Es ist schade **um** die Zeit, Mühe, die ich **darauf** verwendet habe (*O. M. Graf*). Er erwachte **von** dem Lärm, **vom** Gewitter (*Th. Mann*).

bei, trotz, ungeachtet предлоглари тўсиқ, сабаб муносабатини ифодалайди:

Er kam **trotz** schlechten Wetters. **Bei** allen guten Willen schaffte er es nicht.

4) Модал муносабатини англатадиган предлоглар (Modalverhältnis) *auf, außer, bei, in, mit, unter, zu, an, aus, einschließlich, für, gegen, gemäß, nach, ohne, sonder, über, von, wider, wie?* сўроғига жавоб бўлиб келади.

Es **auf** diese Weise tun, alles **auf** einmal tun, **außer** Gefahr sein, unter schwierigen Bedingungen arbeiten.

5) Восита, қурол муносабатини ифода этадиган предлоглар *wodurch? womit?* — *нима воситасида? нима билан? сўроқларидан бирига жавоб бўлиб келади.*

durch einen Boten benachrichtigen, mit oder durch Fleiß etwas erreichen, mit dem Hammer klopfen usw.

Баъзан аксинча турли предлоглар бир маънони англатади. Масалан: *der Kampf für den Frieden; um den Frieden; freundlich mit den Kindern; zu den Kindern.*

Қўшалоқ предлоглар (Gepaart Präpositionen). Немис тилида икки мустақил предлоглардан иборат бўлган предлогларнинг бирга қўлланиш ҳоллари учрайди. Бунда иккинчи предлог биринчисининг маъносини тўлдиради, кучайтиради, аниқлайди. Қўшалоқ предлогларнинг гапда ёки от олдида қатор келиши шарт эмас, баъзилари от бошида ва отдан кейин ҳам қўлланаверади: *von . . . an, von . . . aus, von . . . auf, von . . . ab, um . . . willen.*

Масалан: *bis an die Wand, bis ans Ende der Welt; etw. von zu Hause mitnehmen, von Anfang an, nach der Stadt zu.*

Предлогларнинг ўрни. (Die Stellung der Präpositionen). Предлоглар бир ёки кўп бўлакли бўла олади:

1) Предлогларнинг кўпи бир сўздан иборат бўлиб, тегишли бўлган от олдида келади: *in der Stadt, auf der Straße, an der Wand, zur Stunde.*

2) Предлог икки бўлакли бўлиб, улардан бири тегишли бўлган отнинг олдида келса, иккинчиси ўша отдан кейин келади: *um der Mutter willen, von Kindheit an, von Jugend auf, an der Tribüne vorbei, von Rechts wegen.*

Бирин-кетин келадиган икки предлог қўшилиб яхлит биргаликни ташкил қилса, кейин келган предлог отга тегишли бўлади. Масалан:

bis zu zwei Seiten; eine Summe von über 1000 Mark. Bücher von vor hundert Jahren.

3) Предлоглар маъноси равишлар ёрдами билан кучайтирилган бўлиши мумкин. Бунда равишлар турланадиган от олдида ёки унинг кетида келади, масалан:

zusammen mit dem Freunde, mit dem Freunde zusammen; oben auf dem Berge, auf dem Berge oben; draußen vor dem Tor, vor dem Tor draußen; durch den Wald hindurch.

Предлогларнинг бошқаруви

(Die Rektion der Präpositionen)

Предлоглар маълум бир келишикдаги сўз билан бирикishi предлогларнинг бошқаруви деб юритилади. Бошқача қилиб айтганда, предлоглар ўздан кейин келган от, олмош каби сўзларни маълум келишикда қўлланишини талаб қилади.

Немис тилида предлоглар қайси келишикни бошқаришига кўра тўрт асосий гурппага бўлинади:

1) Предлогларнинг айримлари қаратқич, тушум ёки жўналиш (Genitiv, Akkusativ oder Dativ) келишикларидан бирини бошқариб келса, баъзилари тушум ва жўналиш келишикларини бошқариб кела олади. Бундай предлоглар икки келишикни бошқарувчи предлоглар (Präpositionen mit doppelter Rektion) деб юритилади.

2) Қаратқич келишигини бошқарадиган предлоглар (Präpositionen, die den Genitiv regieren): *unweit, mittels, während, laut, ungeachtet, oberhalb und unterhalb, innerhalb und außerhalb, diesseits, jenseits, halber, wegen, (an) statt, längs, zufolge, trotz, vermöge, abseits, anstelle, aufgrund, mangels, neben, hinsichtlich*.

Бу предлоглардан *längs, zufolge* ва *trotz* предлоглари баъзан Dativ билан ҳам қўлланади: *Trotz dem Nebel wimmelten Platz und Gäßchen (F. Ring)*.

Булардан ташқари қуйидаги предлог ва предлог бирикмалари ҳам қаратқич келишиги билан ишлатилади: *abseits, abzüglich, anfangs, angesichts, an Hand, anlässlich, an Stelle, auf Grund (auf grund), ausschließlich, beiderseits, bezüglich, hinsichtlich, infolge, inmitten, namens, seitens, unwillen, zugunsten, zwecks*. Масалан: *abseits des Weges, abzüglich der Unkosten, anlässlich des Festes*.

Das Haus liegt **unweit** des Flusses (*Hutzelmännlein*). Während des Krieges herrschte Lebensmittelknappheit (*Le Fort papst*). Sie stiegen an den Bahnhöfen mit längerem Aufenthalt **aus** und zogen **ungeachtet** bestehender Verbote in nahe gelegene Hütten... (*F. Ring*). **Über** die Fahrstraße unterhalb des Geländers kam ein dicker, fast kahler Schiffer (*A. Seghers*).

3) Жўналиш келишиги (Dativ) ни бошқарадиган предлоглар (Präpositionen, die den Dativ regieren). *mit, nach, aus, zu, von, bei, seit, außer, entgegen, gegenüber, nächst, nebst, samt, dank, gemäß, zuwider, zufolge, trotz*.

Er arbeitet **mit** mir. Die Straße führt **nach** dem Karl-Marx-Platz, **nächst** dem Hause, das schloß **samt** dem Schlüssel, der Stall verbrannte **samt** dem Vieh.

Масалан:

Hier ist sie **zum** ersten Mal, aber sie weiß gleich wieder, was **mit** ihr, heute und vorher, geschehen ist. Rites Mutter, **von** ihrem Dorf herbeigerufen und hilflos **vor** dem fremden Zustand der Tochter, kann keine Auskunft geben (*Ch. Wolf*). Jetzt aber, nach so langer Zeit, war endlich wieder ein kaum **zwischen** ihm und ihnen. Gruschek merkte **aus** ihren Mienen und ihrem Flüstern, was geschehen war. Einen Augenblick lang **über** dem Feuer entstand ein Leben, jung und verlockend, das reinste Räuberleben, kühn und glücklich. (*A. Seghers*.)

4) Тушум келишиги (Akkusativ) ни бошқарадиган предлоглар (Präpositionen, die den Akkusativ regieren): *durch, für, ohne, um, entlang, gegen, wider*: *durch das Zimmer: für die Schüler; er liest*

noch ohne Brille; die Erde dreht sich um die Sonne; wider den Strom, wider meinen Wunsch, wer nicht mit mir ist, der ist gegen mich.

Масалан:

Durch diese Entwicklung wurde die Lagerstätten Nutzung erleichtert (*Autorenkollektiv der DDR*). Sie stand an der Spitze großer Massenaktionen gegen den deutschen Imperialismus und Militarismus, für die Verteidigung der jungen Sowjetrepublik gegen die ausländische imperialistische Intervention (*Die DDR stellt sich vor*). Nie wären die Schätze der Natur nutzbar geworden ohne den Fleiß des Menschen, ohne seine Geschicklichkeit, seinen Ideen und Erfindungsreichtum, der ihn trotz vieler Rückschläge nie ermüden ließ (*F. Lossler*).

Dativ va *Akkusativ* ни бошқарадиган предлоглар (Präpositionen, die den Dativ und den Akkusativ regieren): *in, an, auf, hinter, neben, zwischen, über, unter, vor*. Буларнинг қайси вақтда қайси келишикни талаб қилиши ёки қайси келишик билан қўлланиши сўроқ орқали белгиланади. Агар предлог *во?* қаредда? сўроғига жавоб бўлиб келса, *Dativ* ни талаб қилади: Wo liegt das Buch? Das Buch liegt **auf dem Tisch** (*Dativ*). Агар у *wohin?* қаредга? сўроғига жавоб бўлиб келса, у вақтда предлог *Akkusativ* билан ишлатилади:

Wohin legst du das Buch? Ich lege das Buch **auf den Tisch**. (*Akkusativ*). Масалан:

Sie beteiligte sich regelmäßig **an der Gymnastik** eines Westenders und hielt sich gerade wie ein Stock. Dann hängte er seinen Mantel **an den Haken** und hatte auf einmal viel Zeit (*Ch. Wolf*). Das Hotel war still, die Spanier waren vielleicht schon **auf dem Meer**. Sie pflegten sich rasch und entschieden **auf den einzelnen Menschen** zu richten in helster Aufmerksamkeit, um etwas in ihm zu suchen und auch zu finden. (*A. Seghers*). Sie setzt sich **neben das Kind**. Er stellte sich **neben ihn**. Ich habe sie öfters herumschleichen sehen **unten zwischen den Mannschaftskabinen**. Ich drückte mich **zwischen die Mülleimer** und weinte, und weinte (*A. Seghers*). **Über der Stadt** liegt dichter Nebel. Sie rinnt weiter **über den Hals**, rinnt in das seidene Hemdchen, das ganz vollgesogen ist (*W. Steinberg*). Inzwischen hat die DDR einen Platz **unter den führenden zehn Industriestaaten** der Welt erlangt (DDR). Die Scheune ist bis **unter das Dach** gefüllt. Karl tritt **vor seine Fräsmaschine** und sieht mehrere Kollegen am Eingang vor der schwarzen Tafel sehen. (*W. Bredel*.)

Маълумки ўзбек тилида немис тилидаги каби предлоглар йўқ. Лекин ўзбек тилида сўзлардан кейин ишлатиладиган кўмакчи сўзлар бор. Немис тилининг предлоглари ўзбек тилида қисман *mit-билан, für* — *учун, bis* — *қадар, nach* — *кейин* каби кўмакчи сўзлар ёрдамида ифода этилади.

Ўзбек тилига предлоглар кўмакчи от + эгалик қўшимчаси + келишик қўшимчаси ёки от + келишик қўшимчаси ёрдамида берилди: *auf* — *устида* (*уст-и-да*), *in* — *ичида* (*ич-и-да*), *hinter* —

орқасида (орқа-си-да), über — менасида (мена-си-да); ins Institut — институтга, in die Bibliothek — кутубхонага.

Уларнинг айримлари турли сўз туркумлари ёрдамида ифода этилади: von — тўғрисида, ҳақида; gegen — қарши, қаршисида; gegenüber — рўпарамма- рўпара, рўпарасида.

Ҳозирги замон ўзбек тилида кўмакчилар икки гурпуага бўлинади: 1) соф кўмакчилар; 2) функционал кўмакчилар.

Соф кўмакчиларга билан, сари, сайин, каби, туфайли, сингари, қадар каби сўзлар киради.

Функционал кўмакчиларга устида, юзидан, ёнига, олдида ташқари, тўғрисида, одатда, аввал, бери, нари каби сўзлар киради.

Соф кўмакчилар ва функционал кўмакчилар ўзаро қуйидагича фарқланади:

1) Соф кўмакчилар морфологик белги олмайди ва ҳозирги тилда морфемаларга бўлинмайди. Функционал кўмакчиларнинг ҳаммаси устида, тўғрисида, олдидан, устидан каби морфологик белгини олиш хусусиятига эга.

Функционал кўмакчиларнинг баъзилари морфологик жиҳатдан таркибий қисмларга бўлинади: қараб (қара-б), ичида (ич-и-да), қошида (қош-и-да).

2) Функционал кўмакчиларнинг мустақил урғуси бўлади: Стол устида қалам бор. Кўча бошида машина бор.

Соф кўмакчилар эса иккинчи даражали урғу олади: Коммунизм сари олға!

3) Функционал кўмакчилар лексик маънога эга. Соф кўмакчиларнинг лексик маъноси бўлмайди. Улар грамматик маъно англатиш хусусиятига эга.

4) Баъзи функционал кўмакчилардан сўз ясаши мумкин. Соф кўмакчиларда бундай хусусият йўқ.

Соф кўмакчилар. Бошқариш хусусиятига кўра соф кўмакчилар икки гурпуа: 1) бир хил келишидаги сўз билан келувчи кўмакчилар ва 2) турли келишидаги сўзлар билан келувчи кўмакчиларга бўлинади.

Бир хил келишидаги сўзлар билан келувчи соф кўмакчилар бош келишидаги сўзлар билан келади: сайин, узра, орқали ва бошқалар.

Сайин кўмакчиси пайт маъносини англатувчи отлар, сифатдошлар билан келади:

Узоқдан эшитилган олағовур борган сайин кучайди. (В. Ян.)

Бунда ҳаракатнинг такрорланиши, давом этиши каби маънолар (кун сайин келади, соат сайин сўрайди тарзида), икки ҳаракатнинг бир вақтда юз бериши каби маънолар (шлаган сайин завқланади тарзида) ифодаланиши мумкин.

Узра (архаик) кўмакчиси ҳозирги тилда асосан поэзияда учрайди: Кун сочар олқишлаб боши узра зар. (Уйғун.)

Орқали кўмакчиси восита маъносини англатади: Телевизорни стабилизатор **орқали** электр тармоғига улаш лозим. («Қизил Ўзбекистон».)

Туфайли кўмакчиси сабаб маъносини англатади: Турғун тоғаси **туфайли** заводга ишга кирди.

Янглиғ кўмакчиси чоғиштириш маъносини англатади: Ироданинг қилич янглиғ ўткирдир дами. (*Ойбек.*)

Сари ўрин, пайт ва йўналиш каби маъноларни ифодалайди: Коммунизм **сари** олға!

Айрим соф кўмакчилар жўналиш келишигидаги сўзлар билан келади: *доир, довур, яраша.*

Доир кўмакчиси қаршилик маъносини англатади: у бу шаҳарнинг тарихига қизиқиб, унинг эски бинолари, майдонлари бозорларига, кўприкларига **доир** маълумотларни эски қўл ёзмалардан васиқалардан . . . тўпламоққа бошлаганди. (*Ойбек.*)

Довур кўмакчиси асосан сўзлашув тилида учрайди ва ўрин, пайт маъноларини англатади: Бўлмаса, кечга довур ўша ёқдан денг? (*М. Исмоилий.*)

Яраша жўналиш, қиёслаш ва тенглик маъносини ифодалайди: Ҳозир Қаландаровнинг бу сўзларига **яраша** сўз айтиш бефойда. (*А. Қаҳҳор.*)

Биноан сабаб маъносини ифодалайди; СССР Кишлоқ хўжалиги министрлигининг таклифига **биноан** Совет Иттифоқига Болгария деҳқончилик халқ союзи делегацияси меҳмон бўлиб келди. («Қизил Ўзбекистон».)

Турли келишикдаги отлар каби келувчи **соф кўмакчилар**. Бундай кўмакчилар бош, қаратқич ё жўналиш келишигидаги сўзлар билан кела олади.

Каб, **сингари** кўмакчилари бош келишикдаги от ёки қаратқич келишигидаги кишилик, кўрсатиш олмошлари билан келиб, чоғиштириш, ўхшатиш маъносини англатади:

Баҳор **каби** тўлиб боради,

Ҳар кун гулдай бўлиб боради. (*Ҳ. Олимжон.*)

Ер ушалиб, тош парчалари **сингари** атрофга сачрайди. (*Ойбек.*)

Билан кўмакчиси бош келишикдаги отлар ёки қаратқич келишигидаги кишилик, кўрсатиш олмошлари билан келади. **Билан** асосан қуйидаги маъноларни ифодалайди:

Восита маъносини: Гап **билан** ваъда берса, иш **билан** ваъда бер. (*Мақол.*)

Сабаб маъносини: . . . баҳонаси **билан** хотин-халажни чувиллатганингиз, раисга қарши қўйганингиз ҳам мишмишми? (*А. Қаҳҳор.*)

Аҳмаджон душманга омонлик бермаслик учун, тинимсиз ўқ узди. (*А. Қаҳҳор.*)

Мақсад маъносини ифодалайди: Тилак билан келган экан («Ўзб. х. д.»)

Уни шу фазилатлари **учун** кўп одам ҳурмат қиларди. (*М. Исмоилий.*)

Пайт маъносини англатади: Захро эрта билан одимлайди (Ойбек.)

Қадар кўмакчиси бош ёки жўналиш келишигидаги отлар билан келади ва чоғиштириш, масофа маъноларини, вақтга, ўринга муносабатни билдиради:

Унинг бу қадар чўчиганидан Анорхон ичида кулиб ҳам қўйди. (Ойбек). Бир четда девор тагида бир бўйра қадар жойда гул ўсиб ётади. (Ойбек).

Функционал кўмакчилар. Функционал кўмакчилар айрим сўз-туркумларида кўмакчиларга кўчган бўлиб, ҳозирги тилда мустақил сўз ва кўмакчи вазифасида қўлланади.

Функционал кўмакчилар морфологик шакли ва маъно хусусиятига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

1) Сифат — кўмакчилар: *бошқа, қариш, ташқари*:

2) Феъл кўмакчилар: *кўра, қараб, қараганда, бўйлаб, бошлаб, тортиб*;

3) Равиш кўмакчилар: *бурун, аввал, нисбатан, бери, сўнг, кейин, илгари*;

4) От — кўмакчилар: *томон, олд, ён, таг-ост, орқа, ўрта, ора, уст, юза, тўғрисида, ҳақида, хусусида, соясида, ўрнида, учиди, ёнида*.

Сифат — кўмакчилар. Булар сифатлардан кўмакчига кўчган сўзлар бўлиб, чиқиш, жўналиш келишигидаги от ва от маъносидаги сўзлар билан келади.

1) Чиқиш келишигидаги отлар билан келадиган функционал кўмакчилар: *бошқа, ташқари* ва шу кабилар.

Бошқа сўзи бир предметнинг бошқа предметдан фарқланиб туришини ифодалайди:

Сиздан бошқа ҳеч кимга ҳаддим сиғиб гапира олмайман. (А. Қаҳҳор.)

Ташқари кўмакчиси диққат-эътиборни бир предметдан бошқа бир предметга, бу предмет билан боғлиқ бўлган бошқа бир ҳаракатга тортиш, шу предметни ажратиш кўрсатиш функциясини бажаради:

Диққатчиликни ёзиш, ваъдага вафо қилишдан *ташқари* . . . , ҳол сўраш учун ҳам бориш зарур бўлиб қолди. (А. Қаҳҳор.)

2) Жўналиш келишигидаги отлар билан келадиган функционал кўмакчилар: *қариш, яқин* ва шу кабилар.

Қариш кўмакчиси зидлик маъносини англатади: Ҳусайн Бойқарога қариш исён кўтарди. (А. Навоий, биографиясидан).

Яқин кўмакчиси ҳаракатнинг ижро этилишидаги тахминий пайтини ё ҳаракатнинг бирорта предметга яқин йўналганини ифодалайди: Йўқ, мен . . . шуларнинг от-уловини кузга яқин қайтар-сакмикан — дейман-да. (А. Қаҳҳор.)

Феъл — кўмакчилар. Бу хил кўмакчилар феълнинг равишдош, сифатдош формаларидан ташкил топган бўлиб, бош, жўналиш, чиқиш келишигидаги сўзлар билан келади:

1) Бош келишикдаги сўзлар билан келувчи *бўйлаб* кўмакчиси ҳаракатнинг йўналиш маъносини ёки маълум пайтда ижро этилганини ифодалайди: Бутун дунё *бўйлаб* кўтарилган тинчлик учун кураш ҳаракати.

2) Жўналиш келишигидаги сўзлар билан келувчи *қараганда* кўмакчиси бирор фикрнинг асосини кўрсатади: Бир маслаҳатга *қараганда* гапингиз тўғри. (*М. Исмоилӣ.*)

3) Чиқиш келишигидаги сўзлар билан келувчи *тортиб* кўмакчиси ўрин маъносини ифодалайди: Аммо Фарҳод тоғидан *тортиб* Ширин яйловига қадар Сирдарё *бўйлаб* чўзилиб кетган 70 минг халқ бу совуқларни писанд қилмайди. (*Ойдин.*)

Бошлаб кўмакчиси ҳаракатнинг бошланиш пайти маъносини ифодалайди: Кечадан *бошлаб* китобимни ёзишга киришдим.

Равиш-кўмакчилар. Бу хил кўмакчилар чиқиш, жўналиш, бош келишикдаги отлар билан, баъзилари фақат бир хил келишикдаги сўзлар билан келади:

1) Чиқиш келишигидаги отлар билан келувчи *равиш-кўмакчилар:*

Буён кўмакчиси ҳаракатнинг қанча вақт давом этишини англатади: Мана, саккиз йилдан *буён* бир қора чақа кўргани йўқ. (*Ойбек.*)

Кейин кўмакчиси бир ҳаракатдан сўнг бошқа бир ҳаракат юз беришини ифодалайди:

Бир ҳафтадан *кейин* соғайиб яна ишга тушиб кетди. (*П. Турсун.*)

Бери кўмакчиси ҳаракатнинг рўёбга келиш — бошланиш пайтини англатади: Шундан *бери* тилимда номинг, шундан *бери* дилимда номинг. (*Ҳ. Олимжон.*)

Сўнг кўмакчиси *кейин* кўмакчиси каби бир ҳаракатдан *кейин* иккинчи ҳаракат бўлишини ёки ҳаракатнинг бошланиш пайтини ифодалайди: Орадан бир неча кун ўтгандан *сўнг* Тўғон жим-жит бир тепаликда тўхтади. (*В. Ян.*)

2) Жўналиш келишигидаги отлар билан келувчи *нисбатан* кўмакчиси қиёслаш маъносини англатади: Ҳозирги кураш у буюк ишларга *нисбатан* бир томчи эди. (*Ойбек'*)

3) Бош келишикдаги сўзлар билан келувчи *бўйича* кўмакчиси ҳаракатнинг қандай, нима асосда ижро этилишини ифодалайди: Ишлар график *бўйича* олиб борилмоқда.

Равиш — кўмакчиларнинг баъзилари турли келишикдаги сўзлар билан келади. *Бурун, аввал, илгари* кўмакчилари чиқиш ва бош келишикдаги сўзлар билан келиб, ҳаракатнинг бошланиш пайтини, бир ҳаракатдан олдин бошқа ҳаракат ижро этилганини ифодалайди: Ўн йил *бурун* наъра *тортиб* чиққандинг, вулқон каби қонга тўлган ерлардан. (*Ҳ. Олимжон.*) Бу ишга қадам қўймасдан *илгари* бир карра сизнинг олдингиздан ўтиш, раъйингизни билишга тўғри келади. (*Ойбек.*)

От — кўмакчилар. Бу хил кўмакчилар отлардан кўмакчиларга кўчган сўзлар бўлиб, учинчи шахс эгалик қўшимчасини, ўрин-

пайт, чиқиш, жўналиш келишикларидан бирининг аффиксини қабул қилади: *устида (-дан, -га)*, *ичида (-га, -дан)*, *юзасидан (-га да)*.

От — кўмакчилар келишик қўшимчалари орқали ифодаланган маънони яна ҳам бўрттириш учун хизмат қилади: Столда китоб бор. — Стол *устида* китоб бор.

Ҳозирги ўзбек тилида қўлланадиган асосий от — кўмакчилар қуйидагилар:

Устида (-дан, -га) кўмакчиси ҳаракат йўналган, келиб чиққан ижро этилган ўринни кўрсатади: Чимкент устида уларнинг қўй, йилқиси кўп экан. (*Ойбек.*)

Бундан ташқари, *устида* кўмакчиси қуйидаги маъноларни ифодалаши мумкин:

1) Муҳокамага асос бўлган объект: Бу мавзу *устида* одамлар бир-бирлари билан қизиқиб музокара қилдилар. (*Ойбек.*)

2) Ҳаракатнинг ижро этилиш пайти: Дастурхон *устида* улар сўзлаша бошладилар. (*Ойбек.*)

Ҳаракатнинг ижро этилишидаги ҳолат: Оёқ *устида* нонушта қилиб, кейин идорага келди. (*Ойбек.*)

Орасида (-дан, -га) кўмакчиси ҳаракатнинг ижро этилиши ўринини, маълум бир предметнинг бошқа предметлар ўртасидаги ўринини кўрсатади: Ҳамма гўзал мисралар *орасида* унга кўпроқ маъқул бўлган бир байт хотирага келди. (*Ойбек.*)

Орқасида (-га, -дан) кўмакчиси қуйидаги грамматик маъноларни ифодалайди:

1) Ҳаракат ижро этилган ўринни кўрсатади: Қиз дарров чекиниб, кўрган эшиги *орқасига* ўзини олди. (*Ойбек.*)

2) Ҳаракатнинг рўй бериш сабабини англатади: Бу ёрдам *орқасида* биз бу йил тўрт юз ўттиз гектар пахта экдик. (*Ойбек.*)

Ёнида, ичида (-га, -дан) кўмакчилари ҳаракат ижро этилган ўринни кўрсатади: Меҳмонлар гулзор *ёнидан* ўтиб кетди. Чарми тошдай эски этик *ичида* оёқлари жонсизланди. (*Ойбек.*)

Олдида (-га, -дан) кўмакчиси ҳаракатнинг ижро этилган ўринини ё пайтини англатади: . . . Олимжон билан бирга кецирилган чоғлар . . . Ўктамнинг кўз *олдидан* бир-бир ўтди. (*Ойбек.*) Ёрмат чойнак-пиёланни кўгарди, кетар *олдида* қичқирди. (*Ойбек.*)

Томонда (-га, -дан) кўмакчиси ҳам ҳаракатнинг ижро этилган ўринини англатади: У Боймат томон юрмоқчи. (*Ойбек.*)

Тагида, остида (-га, -дан) кўмакчилари ҳаракатнинг йўналган, келиб чиққан, ижро этилган ўринини англатади: Эргаш югуриб бориб, буйруқни етказди ва қайтиб келиб, яна айвон устунини *тагига* ўтирди. (*П. Турсун.*) Дохунданинг сўзи гулдурос қарсақлар *остида* тугади. (*С. Айний.*)

Тўғрисида (тўғрида), ҳақида (ҳақда), хусусида (хусусда) кўмакчилари ҳаракатнинг ижро этилишида асос бўлган нарсани ёки ҳаракат қандай предметга қаратилганини ифодалайди: . . . Бу *хусусда* унга оғиз очмаган эди. (*Ойбек.*) У Гулнор *тўғрисида*

ҳам ғариблигининг биринчи оқшомидаги каби умидсиз эмас эди . . . (Ойбек.)

Юзасидан кўмакчиси таркибидаги морфемалар «қотган» бўлиб, бу кўмакчи кўчган маънода қўлланади, ҳаракатнинг ижро этилишидаги мақсад, муҳокамага асос бўлган предмет, ҳолат каби маъноларни англатади: Саида мажлисга тайёрлик юзасидан бир неча коммунист билан суҳбатлашди. (А. Қаҳҳор.)

Соясида кўмакчи вазифасида бош келишикдаги отлар билан келади ва ҳаракатнинг ижро этилишида асос, манба бўлган нарса маъносини ифодалайди: Подшоҳи аъзам ҳазратларини давлатлари ва адолатлари соясида навкарларнинг маошлари . . . юқори бўлиши лозим эди. (Ойбек.)

БОҒЛОВЧИЛАР

(DIE KONJUNKTIONEN, DIE BINDEWÖRTER, DIE FÜGEWÖRTER)

Немис тилида боғловчилар, предлог каби ўзгармайдиган сўзлардир. Мустақил гап бўлаги вазифасида келмай, балки гапда боғловчилик вазифасини бажаради. Боғловчилар ўзининг лексик маъносига кўра гапдаги боғланиш характери аниқлайди.

Боғловчилар фақат алоҳида сўзларнинг бир-бири билан гапдаги боғланиш характери белгиламай, балки сўз бирикмалари, қўшма гаплар компонентларининг боғланиш характери ҳам аниқлайди.

Боғловчилар тузилишига кўра содда, қўшма ва составли боғловчиларга бўлинади:

1) Содда боғловчилар (Die einfache Konjunktionen). Бунга мустақил маънога эга бўлган сўзларнинг бевосита боғловчиларга кўчган қисми киради. Содда боғловчилар туб ёки ясама бўлади:

а) Туб боғловчилар: *und, auch, aber, doch, oder, als, bis, ob* ва бошқалар. Масалан:

Vater und Mutter; er und sie; Die Verwandten und alle alten Freunde des Jubilars;

Wir haben unsere Wohnung nach und nach eingerichtet. Aus diese weise sorgt Bläker auch für unsere Mittagsrast. (E. Strittmater.) Er kommt, aber sein Vater ist verhindert (Th. Mann.) Das Zimmer hat nur ein Fenster oder vielmehr eine Glastür. (K. Lotchen.) Als er die Wohnung verläßt, klingelt das Telephon. Bis es ins Ausland fährt, will er sein Studium beendet haben. (Musil Mann.) Ich weiß nicht, ob er krank ist (Th. Mann.)

Баҳорда кўм-кўк либос кийиб олган боғлар энди сариқ, қизғиш ва кўкимтир барглари ичида товланади. (С. Зуннунова.) Рўпарадаги тоғ бағридан тутун кўтарилган ва у ердан йўталган сингари товуш эшитилди. (Ойбек.)

б) Ясама боғловчилар: *falls, nämlich, erstens, zweitens drittens:*

Falls es schlecht ist, so bleiben wir zu Hause und lesen ein Kapitel aus dem neuen Roman. Das Jahr hat vier Jahreszeiten, nämlich: Frühling, Sommer, Herbst und Winter. (W. Bredel.)

Агар астойдил меҳнат қилинса, мўлжалдаги ҳосил етиштирилиши мумкин.

2) **Қўшма боғловчилар** (Die Zusammengesetzte Konjunktionen). Бунга бирдан ортиқ сўзлардан қўшилган ва ҳозирги немис тилида қўшма сўз формаларига эга бўлган боғловчилар киради: *zudem, nachdem, seitdem, außerdem, dagegen, vielemehr, solange, sobald*. Масалан: Nachdem der Kaiser Unterhandlungen . . . fruchtlos erschöpft hatte . . . , finden die Feindselichkeiten an. (F. Schiller.) Seitdem ich ihn kenne, ist er mein Freund.

Er hatte grundsätzlich keine Lust spazierenzugehen, *zudem*, war das Wetter so schlecht, daß auch wir darauf verzichteten. (L. Frank.) Letzten Sonntag unten am Hafen, *nachdem* der ärgste Schreck überwunden war, hatte Arnold sich endgültig vorgenommen, mit dem Alten zu sprechen. (W. Bredel.) Wir waren am Sonntag zusammen im Theater, ich habe sie *seitdem* nicht wieder gesehen (Lessing).

3) **Составли боғловчилар** (Die zweigliedrigen Konjunktionen). Бунга ҳозирги немис тилидаги бирдан ортиқ боғловчиларнинг қўшилишидан тузилган боғловчилар: *so daß, als ob, als wenn, ohne daß, wie auch, als daß, anstatt daß* киради. Масалан:

Er tut ja so, *als ob* nichts geschehen wäre.

Er sprach sehr leise, *so daß* ich ihn kaum verstehen konnte.

Er hat mich besucht, *ohne daß* ich ihn aufgefordert hatte.

Боғловчилар қўлланилишидаги хусусиятига кўра яна қуйдагича фарқланади:

а) **якка боғловчилар** (Die einfachen Konjunktionen): *und, auch, aber, weil, als, oder, denn*.

б) **такрорий боғловчилар** (Die wiederholte Konjunktionen): *bald — bald, teils—teils*;

в) **жуфт боғловчилар** (Die mehrteilen Konjunktionen): *sowohl—als auch, weder—noch, entweder — oder, nicht nur—sondern auch, je—desto*.

Боғловчилар ифодалайдиган синтактик алоқаларнинг хусусиятига кўра икки катта группа: 1) **тенг боғловчилар** (*beordnete — koordinierende Konjunktionen*) ва 2) **эргаштирувчи боғловчилар** (*unterordnende — subordinierende Konjunktionen*) га бўлинади.

Тенг боғловчилар маъно муносабатига кўра тўрт хилдир:

1) **Бириктирувчи боғловчилар** (*kopulative oder anreichende Konjunktionen*): *und, auch, sowie, zudem, außerdem, desgleichen, sowohl — als auch, nicht nur — sondern auch, weder — noch, bald — bald, erst — dann, ferner, ja, weiter, hernach, zuletzt, endlich, erstens—zweitens—drittens usw; teils — teils, einerseits—anderseits*.

Масалан:

Franzchen sprang irgendwo auf, **auch** ich fand Platz auf einem Camion. Jetzt hielten zwei hinter dem Zaun, jeder hatte zwei Leute im Beisitz, **und** sie trugen die grüngrauen Uniformen. (A. Seghers).

Woynok kletterte noch ein Stück abwärts, **dann** waren seine Kräfte plötzlich zu Ende. (*A. Seghers.*) Weder ihm noch mir ist es gelungen, sie zu überzeugen. Alles schien ihnen ziemlich in Ordnung, **sowie** es war (*Ch. Wolf*).

2) **Зидловчи боғловчилар** (adversative oder entgegenstellende Konjunktionen): *aber, oder, allein, doch, jedoch, dennoch, indes(sen), gleichwohl, vielmehr, sondern, trotzdem, entweder — oder.*

Die wissenschaftliche Nutzung des Schöpfertums unserer Menschen die Steigerung der geistigen Arbeits — Produktivität ist nicht nur für die sozialistische Gesellschaft, **sondern** auch für die persönliche Entwicklung jedes Einzelnen von großer Bedeutung. Man hält dem Leser einen Spiegel vor die Augen, **aber** Augenbewegungen eines Auges (nicht beider) beobachtet werden können. (*F. Losser.*) Wir fahren dieses Jahr **entweder** an die See **oder** in den Harz. Er kam zu spät, **trotzdem** war sie nicht ungehalten. Es regnete oft, **trotzdem** war der Urlaub schön. Es war ein unheimliches Leben in diesen kleinen Figuren, das gleichwohl meine Augen wie magnetisch auf sich zog. (*Storm.*)

3) **Айирувчи боғловчилар** (partitive Konjunktionen) *bald — bald, teils — teils, halb — halb.*

Sie wurde bald rot, bald blaß. Wir haben teils schönes, teils schlechtes Wetter gehabt. **Halb** sitzend, **halb** stehend fuhren wir in dem überfüllten Zug. (*Goethe.*)

4) **Сабаб-натижа боғловчилари** (kausal — konsekutive Konjunktionen): *denn, nämlich, ja, doch, folglich, also, daher, darum, deshalb, deswegen, somit, sonach, infolgedessen, demnach.*

Noch nicht elf **Uhr** ist es, **doch** die ganze Straße scheint schon zu schlafen. Es ärgerte ihn nicht einmal, **denn** es mochte ihn Popular und erhöhte seine Autorität bei den Parteigenossen. (*W. BredeL.*) Die wenigsten Lesen entscheiden bewußt, **also** unter Beachtung einer Reihe von wissenschaftlichen Kriterien, welcher Text für sie den größten Nutzen bringt. Die bisherigen Untersuchungsergebnisse reichen nicht aus, **und** die Frage muß daher fürs erste unbeantwortet bleiben. Er war krank, **deshalb** konnte er nicht zum Dienst kommen. Wir empfinden die plötzliche Wärme **deswegen** so angenehm, weil es gestern noch so kühl war. (*W. BredeL.*)

Эргаштирувчи боғловчиларнинг асосий қисми эргашган қўшма гаплар компонентларининг боғланиш муносабатини ифодалаш учун қўлланади, фақат қиёслашни ифодаловчи *als, wie* ва мақсадни ифодаловчи им боғловчилари гап бўлаклари ўртасидаги боғланиш учун хизмат қилади.

Эргаштирувчи боғловчилар маъно муносабатларига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

1) **Аниқлаш боғловчилари** (Konjunktionen der Aussage): *daß, ob.*

2) **Пайт боғловчилари** (temporale oder zeitliche Konjunktionen): *als, wenn, ehe, bevor, nachdem, seitdem, während, solange, sobald, so oft, bis.*

3) Сабаб боғловчилари (kausale Konjunktionen): *weil, da.*

4) Натижа боғловчилари (konsekutive Konjunktionen): *so, daß, als daß, daß.*

5) Мақсад боғловчилари (finale Konjunktionen): *damit, daß, aus daß.*

6) Шарт боғловчилари (konditionale Konjunktionen) *wenn, falls, wofern, im Falle daß, sofern.*

7) Чоғиштирув боғловчилари (komparative oder vergleichende Konjunktionen): *als wie* (содда ва эргашган қўшма гапларда ҳам) *als ob, als wenn, wie wenn, je — je, je — desto.*

8) Ҳолат боғловчилари (Konjunktionen der Art und Weise): *indem, ohne daß.* Масалан:

Dann aber überraschte ihn Goldmund doch eines Tages indem er plötzlich kam, um sich zu verabschieden. (*Hesse.*) Er half mir aus, ohne daß ich ihn darum gebeten hatte. (*Th. Mann.*)

9) Тўсиқсиз боғловчилар (konzessive oder einräumende Konjunktionen): *obgleich, obschon, obwohl, obauch, wie auch, wem auch trotzdem, auch wenn.*

Wir setzten weiterhin alles ein, obwohl wir wußten, daß es erfolglos war. Er kam zu spät, trotzdem war sie nicht ungehalten. (*K. Bracke.*) Wenn er auch mein Freund ist, so kann ich ihn doch in dlesem Fall nicht unterstützen. Sie aß, ob es auch nicht anschluss oder gleich um fremdes Gut jahrelang stritt, sein Begehren griff nicht nach Frieden des Gewinns. (*Musil.*)

Баъзи боғловчи сўзлар ўз вазифаларига кўра боғловчилар қаторига киради. Бундай боғловчи сўзлар қуйидагилардир:

1) Нисбий олмошлар: *wer, was, der, welcher;*

2) Нисбий равишлар: *wo, woher, wohin, wie;*

3) Олмош равишлар: *wofür, worauf, womit; deshalb, deswegen, darum, daher.*

Немис ва ўзбек тилларидаги боғловчилар тузилишига ва қўлланишига кўра (немис тилидаги қўшма боғловчиларни ҳисобга олмаганда) турлари ҳар икки тилда асосан бир хил:

1) Тузилишига кўра ҳар икки тилда боғловчилар икки турга бўлинади, қиёсланг:

а) содда боғловчилар:

Немис тилида:

und, aber, oder

Ўзбек тилида:

ва; аммо, ёки

б) составли боғловчилар:

als, ob, als, wenn, so daß — ҳамда, ёхуд, гарчи, гўёки.

2) Қўлланишига кўра ҳам боғловчилар икки турга бўлиниб, икки тилда асосан бир хилдир:

а) якка боғловчилар:

und, aber, auch, weil — ва, аммо, ҳам, чунки

б) такрорланувчи боғловчилар:

teils — teils, bald — bald, goҳ — goҳ, ё — ё

Синтактик вазифаларига кўра боғловчилар немис тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам икки турга бўлинади:

1) Тенг боғловчилар; 2) Эргаштирувчи боғловчилар.

Тенг боғловчилар маъно муносабатига кўра немис тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам тўрт турга бўлинади. Лекин буларнинг ҳамма тури икки тилда бир-бири билан мос тушмайди. Булардан иккитаси, яъни бириктирувчи боғловчилар ва зидловчи боғловчилар икки тилда бир хил, қиёсланг: бириктирувчи боғловчилар: *und — ва, auch — ҳам, ҳамда*; зидловчи боғловчилар: *aber — аммо, лекин, бироқ*; *nur — фақат, sondern — балки, ҳолбуки*.

Ўзбек тили боғловчиларининг учинчи тури ҳисобланган — айирувчи боғловчилар немис тилида қисман зидловчи боғловчилар, қисман такрорланувчи боғловчилар ёрдамида ифода этилади, қиёсланг:

oder — (зидловчи б.) — ёки, teils-teils — қисман, gox-gox, bald-bald — (такрорий б.) ё — ёки.

Ўзбек тилидаги айирувчи *ё — ё* боғловчиси немис тилида *entweder — oder* жуфт боғловчиси ёрдамида ифода этилади, қиёсланг: *entweder — oder — ё — ё*: *Wir fahren dieses Jahr entweder an die See oder in den Harz. (A. Seghers.) Ё мен борай, ё сен кел*.

Немис тилининг сабаб маъносини англатадиган учинчи тур боғловчилари ўзбек тилига *чунки, чунончи* сўзлари ва зидловчи боғловчилар ёрдамида ифода этилади, қиёсланг: *weil, denn — чунки; doch nämlich — чунончи; doch — аммо, бироқ*.

Немис тилидаги натижа маъносини англатадиган боғловчилар ўзбек тилида боғловчи ва равишлар ёрдамида ифода этилади, қиёсланг: *folglich — демак; also — демак, шундай қилиб: daher, darum, deshalb — шунинг учун, шу сабабдан; somit — шундай қилиб*.

Немис тилида эргаштирувчи боғловчилар, юқорида кўрсатилгандек маъно муносабатларига кўра тўққиз турга бўлинса, ўзбек тилида улар тўрт турга бўлинади. Уларнинг ҳаммаси немис тили эргаштирувчи боғловчиларининг шу каби турлари билан мос тушади, қиёсланг:

1) Аниқлов боғловчилари: *daß, ob; — ки, ким*;

2) Сабаб ва натижа боғловчилари: *weil, denn, nämlich, je, doch; folglich, also, darum; чунки, шунинг учун, негаки, токи*.

3) Чоғиштирув боғловчилари: *als, wie, als, ob, als wenn, wie wenn; гўё, гўёки*.

4) Шарт ва тўсиқсиз(лик) боғловчилари: *wenn, falls, wofern, агар (гар), агарда, башарти, гарчи*.

Немис тилидаги эргаштирувчи боғловчилар ўзбек тили эргаштирувчи боғловчилари билан мос келмайди.

ЮҚЛАМАЛАР (DIE PARTIKELN)

Юқламалар боғловчи ва предлогларга ўхшаш ўзгармайдиган, тўла маънога эга бўлмаган ёрдамчи сўзлар группасига киради. Улар гапда гап бўлаги бўла олмайди.

Юқламалар ҳар икки тилда ҳам гапнинг бирор бўлаги ёки бутун гап бўлақларининг маъносини кучайтириш, таъкидлаш, кўрсатиш учун хизмат қилади. Масалан:

Nichts Neues war dieser Befehl fürs Lager. Er kam **nur** wieder, wie seit Monaten oft, ein neuer Transport an. (*B. Apitz.*)

Die Blockführer, üble, prügelsüchtige SS — Leute, hatten das Anbringen der Karten geduldet und manchmal sogar eitel auf die Städte Rußlands getippt. (*B. Apitz.*)

ЮҚЛАМАЛАРНИНГ МАЪНОГА КўРА ТУРЛАРИ (DIE SEMANTISCHE EINTEILUNG DER PARTIKELN)

1) Кучайтирув юқламалари (Partikeln mit verstärkender Bedeutung): *so, zu, ja, gar, sogar, selbst, doch* юқламаларнинг ҳаммаси ҳам кучайтирув маъносини англатса-да, бироқ улардаги кучайтиришнинг даражаси турлича, масалан, **zu** юқламаси белгининг ортиқ даражада эканини ифодалаш учун *жуда* маъносида қўлланади: *zu kalt, zu schlecht, zu klein, zu groß*.

Zu кучайтирув юқламаси *zu* равишига, *zu* предлогига ва *zu* ли инфинитив формасига нисбатан омонимлик характериغا эга, қиёсланг:

Der Korb ist **zu** schwer. Die Tür ist **zu**. Er geht **zu** seinem Freund. Wir bleiben **zu** Hause. Du brauchst nicht **zu** eilen, wir haben noch Zeit.

«Sie sind **zu** streng, Papa. Warum sollte man in diesem Alter über dergleichen Dinge nicht seine eigenen wunderlichen Vorstellungen haben dürfen . . .». (*Th. Mann.*)

So юқламаси *zu* юқламасига нисбатан камроқ кучайтирув маъносини англатади, масалан:

Der Saal ist **ja so** groß! Das Wetter ist **ja so** warm!

Gar юқламаси белгининг ортиқ даражада эканини ифодалайди ва у «*мушлақо*», «*ҳеч*» маъноларида ишлатилади, масалан:

Daran ist **gar nicht** zu denken: «Hat auch **gar kein** Geld gekostet», bemerkte trocken Herr Grätjens. (*Th. Mann.*)

Gar юқламаси сифат ёки равиш, от ёки отлашган олмошлар билан ҳам бирга ишлатилади, масалан: *gar alt, so alt, sehr alt; gar selbst, sogar selbst ja, doch* юқламалари ҳам кучайтирув юқламаларидан ҳисобланади. Қиёсланг:

Er war **ja** damit einverstanden. Er war **doch** damit einverstanden. «Aber was kann ich denn machen? Wir können ihm **doch** nicht auf die Straße setzen». (*W. Bredel.*)

Ja кучайтирув юкламаси умумий тасдиқлаш маъносини англа-
тувчи ja сўзига нисбатан омоним характериға эға, қиёсланг:

Ich bin ja damit einverstanden. Bist du damit einverstanden?
— Ja.

Doch юкламаси инкор маънодаги сўроқ гапға ижобий жавоб
Бериш ёки унга эътироз билдириш керак бўлганда қўлланади.
Масалан:

«Hast du kein Telephon?» — «Doch!» Und hast du dir nichts
zum Neuen Jahr gewünscht! — «Doch!» (J. Becher.). Er hat doch
Ferien, Diederich! . . . (Th. Mann.)

Немис тилида *selbst* сўзи ҳам олмош, ҳам юклама маъносида
қўлланади. Унинг қайси маънода келганлиги *selbst* сўзининг гап-
даги ўрнига қараб белгиланади.

Агар *selbst* сўзи бирга келган сўздан кейин қўлланса, олмош
ҳисобланади, ундан олдин қўлланса, юклама вазифасида бўлади,
қиёсланг:

er selbst — у ўзи (олмош);

selbst er — ҳатто у ўзи (юклама).

Sogar юкламаси ҳам кучайтирув маъносини ифода этади. Ма-
салан:

Er hatte sogar den Kopf ein wenig auf die Seite gelegt. (Th. Mann.)

Wenn Bochow etwas als richtig erkannt hatte, dann setzte er es
in stiller Beharrlichkeit durch manchmal sogar ohne Wissen der
Genossen (B. Apitz.).

Mahimann stieß sogar höhnisch den Atem aus. (H. Mann.)

Ўзбек тилида ҳам кучайтирув юкламалари мавжуд бўлиб,
улар қуйидагилар: *-ку, -у, (-ю), -да, -оқ, -ёқ, -ки, -ахир, ҳатто,*
ҳаттоки, наҳотки. Масалан:

Боғ кўчаларида тизза бўйи қизиган тупроқ билқ-билқ, ўр-
кач паҳса деворлардан осилиб ётган сертук олтин шафтолилар,
жийда-ю олхўрилар саратон ҳароратидан баҳра олиб, унинг ҳук-
мига итоат сақлашарди. (Мирмуҳсин.)

— Ҳа, поччамни хафа қилганимиз сизга ёқмадими?

— Яхши эмас-да, бировни шунақа қилиш. (Саид Аҳмад.)

У ўз юртининг саратонидан мамнун, унинг экин-тикини-ю,
ҳатто қўю сигиригача саратондан баҳраманд экани, ёз яхши ке-
лар экан, ғўзасига гард юқмай ўсишини ҳам биларди. (Мир-
муҳсин.)

2) Чегаралов маъносини ифода этувчи юкламалар
(Partikeln mit einschränkender Bedeutung): *nur, bloß, allein, erst*
ва шу каби юкламаларидан бири от. билан боғланган бўлса, у вақт-
да юклама шу предметнинг ўзига ўхшаш предметлардан кучли
фарқ қилиши маъносини билдиради:

Ich brauche nur dieses Buch und kein anderes.

Einmal nur, in Untertertia, geschah es daß Diederich jede Rück-
sicht vergaß. (H. Mann.)

Der Mecklenbürger klopfte ihn auf die Schulter. «Recht freundlich, kleiner! Alles bloß Freundschaft!» — und überdies nahm er Diederich die letzten zehn Mark an. (*H. Mann.*)

Herr Göppel erzählte. Diederich zugewandt, daß er und seine Schwestern vorhin in der Friederichstraße auseinandergekommen seien und sich erst im Omnibus wiedergefunden hätten. (*H. Mann.*)

Erst чегаралов юкламаси ўзбек тилидаги *-гина, фақат* юкламалари маъноларида қўлланади. Бу юклама замон маъносини англатадиган иборалар билан бирга ишлатилади ва бирор иш-ҳаракатнинг ҳозирги пайдан илгари содир бўлмаганини англатади:

Ich habe es erst heute erfahren. Der Zug nach der Hauptstadt fuhr erst in einer Stunde. (*W. Bredel.*)

Чегаралов юкламалари асосан немис ва ўзбек тилларида бири-бири билан мос тушади, қиёсланг:

Nur — фақат, фақатгина; allein — ёлғиз, танҳо. Масалан: Ich habe nur Gutes von ihm gehört; was hast du bloß? Einzig und allein.

Бир соатгина уйда ўтириб, онаси билан бирга касалхонага, қон босими ошиб, мувозанатни йўқотиб қўйган ота ёнига боришди. (*Мирмуҳсин.*)

Она ўғлини севади, **фақат, фақат** севади-ю, эртак айтади. (*Ҳ. Олимжон.*)

3) **И н к о р** ю к л а м а с и (Die verneinende Partikel): *nicht, nicht einmal.*

Wir arbeiten heute nicht hier. Es ist nicht kalt. Ich schreibe nicht.

Und der alte Göbel, der nicht einmal recht weiß, um was es sich hier handelt, sagt wie immer: «Ja, ja das ist der Schrei der Gerechtigkeit.» (*P. Körner — Schrader.*)

Nicht юкламаси ўзбек тилига *эмас, -ма* — аффикси маъноларида ифода этилади: Dieses Haus ist nicht groß.— Бу уй катта эмас. Er arbeitet nicht.— У ишламайди!

4) **Б о ъ л о в ч и** ю к л а м а л а р (Die verbindende Partikel): *auch, noch, ebenfalls, gleichfalls* ва бошқалар. Масалан:

«Sie haben auch noch ihre Mutter, nicht? Dann können Sie sich freuen. Meine ist längs tot. Ich werde wohl auch nicht lange leben. Man hat so Ahnungen», — und sie lächelte wehmütig und entschuldigend. (*H. Mann.*)

Юқорида кўрсатилган юкламалар туридан ташқари яна турли маъноларни англатадиган юкламалар ҳам мавжуд.

Aber (*aber* боғловчисига омоним ҳисобланган) кучайтирув-хитоб юкламаси ҳис-ҳаяжон маъносини англатади, масалан:

Wie kannst du aber so etwas sagen? (ғазаб маъноси англатилмоқда).

Ist der aber pünktlich! (вақт маъноси ифодаланмоқда).

Denn кучайтирув - суроқ юкламаси *ҳали-я, наҳотки, шундайми* маъноларида қўлланади, қиёсланг:

Ist er denn noch nicht da? Hast du denn das Buch nicht gelesen?

etwa юкламаси тахмин, гумон маъносини англатади, масалан:

Etwa zehn Kilometer gingen wir zu Fuß. Etwa dreißig Jahre. Mal юкламаси буюриш, ундаш маъносини англатиб, буйруқ гапларда қўлланади, масалан:

Komm mal her! Sagen Sie mal!

Ja (ҳа, ҳа шундай) юкламаси тасдиқни кучайтириш учун қўлланади.

Er wollte ja gern Arzt werden.

Қуйидаги юкламалар грамматик функцияларни бажаради: *Zu* юкламаси кўпинча инфинитив билан ёки сифатдош I билан қўлланади:

Er versteht immer so klug zu antworten.

Die zu verbessernden Fehler.

Es юкламаси мустақил гапларда гап бошидаги феъл олдидан қўлланади: *Es wehten kalte Winde im Frühling.*

Es юклама вазифасида ишлатилганда бошқа юкламалар каби маълум маънога эга бўлганлиги сабабли *es* юкламаси таржима қилинмайди. Масалан: *Es lebe der Weltfrieden! Es fiel ein Schuß.*

Es юкламасининг ўзбек тилида эквиваленти йўқ.

Zu юкламаси эса юқорида кўрсатиб ўтилган кучайтирув функцияда таржима қилинса, инфинитив билан ишлатилганда таржима қилинмайди, масалан:

Er bemüht sich, mir zu helfen. Ich habe heute noch zu arbeiten.

УНДОВЛАР

(DIE INTERJEKTIONEN, DIE EMPFINDUNGSWÖRTER, DIE AUSRUFEWÖRTER)

Ундовлар ҳар икки тилда ҳам предмет ёки унинг белгисини кўрсатмайди, яъни улар аташ хусусиятига эга эмас.

Ундовлар сўзловчининг ҳис-ҳаяжони, туйғуси, буйруқ-хитоби ва эмоцияларини билдиради: *oh! ach! eil! heil! oo! au! juchel! hurra! heidi!*

Немис тилидаги ундовларнинг характерли белгилари шундан иборатки, биринчидан, улар туйғу, ҳис-ҳаяжон каби маъноларни энг қисқа йўл билан ифода этадиган сўзлардир; иккинчидан, улар гапнинг бирор бўлаги вазифасида кела олмайди, учинчидан, улар морфлогик белгиларга эга эмас.

Ундовлар маъноларига кўра қуйидаги икки асосий турга бўлинади: 1) *эмоционал* — *ҳис-ҳаяжон ундовлари*; 2) *буйруқ-хитоб ундовлари*.

Эмоционал ундовлар (*die emotionelle Interjektionen*) маъно хусусияти жиҳатдан ҳар икки тилда ҳам асосан бир-бирига мос келади. *Эмоционал ундовлар* воқеа-ҳодисанинг бевосита таъсири нати-

жасида пайдо бўладиган руҳий ҳолатни, ҳис-ҳаяжонни ва субъектнинг объектга муносабатини англатади.

1. Эмоционал ундовлар қуйидагилардир:

1) Севинччи англатадиган ундовлар (die Interjektionen der Freude): *ei!*, *juchhe!* *heise!* *оҳ!*, *эх!*, *Ура!*, *эх!* оббо в. б. Масалан:

Juchhe! Juchhe! Juchheise! heise! he! — so ging der Friedenbogen (J. W. Goethe.)

— Эҳ! — деди Эргаш шеърни Жўра ўқиб тугатганидан кейин. (О.)

2) Жисмоний оғриқни англатадиган ундовлар (die Interjektionen des Schmerzes) *au!* *о weh!* *ach!*;

Масалан:

Au, au, ich liege schon untern. (J. W. Goethe.)

Autsch! Wie tut der Fuß so weh!; Klärchen: weh! Über dich weh! weh! (J. W. Goethe.)

Ўқтам ... Зайнабнинг қўлини ... шундай қаттиқ сиқдики, «вай, ў ...» — деб қичқирди. (Ойбек.)

3) Таажжубни англатадиган ундовлар (die Interjektionen der Verwunderung): *ach!* *ei-ei!* *Oh!* *Oho!* «*Oh, oh, oh!* murmelt. Luise. (E. Kästler.) *Уҳху!* *Бай-бай!* Масалан:

Jetter: Ah! Vansen: wollt ihr eure Rippen für ihn wagen?

Soest: Eht! Vansen (Sie nachäffend): ih! oh! uh! Verwundert euch durchs ganze Alphabet! (J. W. Goethe.)

Oh ундови турли таажжуб ва ҳис-ҳаяжон маъноларини ифода этади, масалан:

«*Oh*», du quälst mich so! (H. Fallada.)

«*Oh*», wie entsetzlich!» (B. Kellermann.)

«*Oh*», wirft Ferdinand betretend. (L. Frank.)

«*Oh*», wie wunderbar das Leben sein kann!» dachte die Schwester. (L. Frank.)

Ўҳхў, қизим, бошингда кўкнори хаёл тўлиб кетганга ўхшайди. (Уйғун.)

— Б а й - б а й — Мамажон ака, — Бунча совуқ ... (Ҳ. Фулом.)

4) Қўрқинччи англатадиган ундовлар (die Interjektionen der Furcht): *Pfui!* *hui!* *hul!* *huhul!* *uh!*; *Уҳ!* *оҳ!* *дод!* Масалан:

Hu, draußen welch ein schrecklich, Grausen! (W. Busch.)

Und aus der Erd empor, *huhul!* Fährt eine schwarze Riesenfaust. (G. A. Bürger.) *Faust:* *Pfui* über dich. (J. W. Goethe.)

Уҳ! Энди бузади, кирса ўлдирмай қўймайди ... (Ҳ. Ҳакимзода.) Оҳ! Мен нима қилдим! (Ҳ. Ҳакимзода.)

5) Шубҳани англатадиган ундовлар (die Interjektionen des Zweifels): *hm, hm, hm;* *na, na, na;* *Ҳимм!* *Хоҳ!*

Масалан:

«Geben Sie mir einen Kittel, Frau Grabber, mein Zeug! Ist doch bei dem Paul — Hm?» (A. Seghers.)

Hm! Was will ich denn? Etwas Abscheuliches muß es sein, weil dieser Mensch dazu ratet (*F. Schiller*); na, na so schlimm wird es (schon) nicht sein!

Ҳимм . . . тарқатиб юборайлик дейсанми? — деди бошқа бир чол анча ўйланиб тургандан кейин. (*А. Фадеев.*)

6) А чиниш, безовталанишни англатадиган ундовлар (die Interjektionen der Schadenfreude) *ätsch! hohoh! haha! il hehehel!*; *Ҳаҳ! эҳ!* Масалан:

Die Weiber und die Mädchen werfen einen Blick auf Thyallis, als ob sie sagen wollten: *Atsch!* Er hat uns auch schön geheißert (*Chr. M. Weiland.*)

Ҳаҳ, қуриб кетгур! Жуда чатоқ бўлди-ку! (*М. Горький.*) Бари бир кечикдик, эҳ! (*Яшин.*)

7) Нафрат, жирканишни англатадиган ундовлар (die Interjektionen des Ekels): *brr, bäh, pfui, pfui äks, fi, ih, igitt, (e), äh, puh;* *Фу, Тфу!* Масалан:

Pfui, Ruprecht, pfui, o schäme dich! (*B. W. Kleist*);

Фу! Оғзинг бўлса катта, кўзларинг кичкина . . . (*А. Фадеев.*): Стёпка ҳайрон бўлиб: — Огайнилар, Васька чавоқ балиқни тиреклайин еб юборди. *Тфу,* — деб қичқирди. (*А. Чехов.*)

8) Қайғу, хафаликни англатадиган ундовлар (die Interjektionen des Kummers); *ach!, oh, o weh, o je, o jemie-ne, herr je, herr jemie;* Масалан:

Weh, weh! Du hast sie zerstört, die schöne Welt (*J. W. Goethe.*)

Achneige, du Schmerzenreiche, dein Antlitz grädigt meiner Nott (*J. W. Goethe.*) «*Ach, laß mir meine Ruh!*» — schrie der Junge. (*A. Seghers.*) Am Schlimmsten aber — oh! oh! oh! Er ging es dem guten Fidelio. (*W. Busch.*)

Уҳ — отни ҳайдади. (*Ойбек.*); — Оҳ . . . болам-а! Кошки эди туққан бўлсам, туғмай ҳасратда ўтдим-ку, болам! — деб кўзига жиқ-жиқ ёш олди кампир. (*Ойдин.*)

9) Эътироз ва истамасликни англатадиган ундовлар (die Interjektionen der Abweisung, der Ablehnung und des Unwillens); *ach (was), na; хаҳ, ҳо.* Масалан!

. . . und da standen die Bänke von damals, die gleichen Bänke, aber *ach*, wie waren sie klein und winzig geworden. (*L. Feuchtwanger.*) Na, und die Rüben? Na, und der Wein? Na, und die Wäsche? (*A. Seghers.*)

Ach, laß mich in Ruh! — *Ҳаҳ* уйқунгиз қурсин, — деди чолни туртиб, . . . (*Ойдин.*) — *Ҳо*, биринчи марта суғоряписизми? — эътироз этди Тансиқ. (*Ойдин.*)

10) Қаноатланганликни англатадиган ундовлар (die Interjektionen der Zustimmung); *aha, hm, topp; ҳай-ҳай, ҳа-а.* Масалан:

Топп, Konzier. Euren Vorschlag nehm ich ah! (*F. Grillparzer.*) *Ҳай-ҳай*, қандай бахтли одам экансиз! — *Ҳа-а*, унақа бўлса, кўндирамиз! — деди Каютин. (*А. Фадеев.*)

11) Фазабни англатадиган ундовлар (die Interjektionend er Entrüstung, des Ärgers): *ha, oho, oha, hoho, ih, na; ҳа-ҳа-а, эҳ*. Масалан:

Ohol Die Frau Gemahlin steckt doch dahinter! (*K. L. Immermann.*) **Oha!** — schrie er nochmals, als ob ihm ein Gaul durchginge. (*B. Auerbach.*)

«Хотинлар, ҳа-ҳа-а! кечгача-я!» — деб фарёд кўтаришди . . . (*М. Шолохов.*)

Ўзбек тилининг *ҳа-да* каби огоҳлантириш ундовлари немис тилига *ja* юкламаси ёрдамида ифода этилади, қиёсланг:

Das mußt du ja tun. — Ҳа-да, огайни, Қуйи Александровкада ҳаёл қилиб қолма!

2. Б у й р у қ — х и т о б у н д о в л а р и (Die Interjektionen der Aufforderung) немис тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам одамнинг ҳайвон ва паррандаларга бирор иш-ҳаракатни бажартириш ёки ҳаракатдан тўхтатиш, тинчлатиш мақсадида ишлатилади.

Бирор иш-ҳаракатни бажартириш мақсадида ишлатиладиган буйруқ-хитоб ундовлари маъноларига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

а) ч а қ и р и ш у н д о в л а р и (die Interjektionen der Aufforderung zu kommen); *put-put, pile pile, mizi mizi, biele biele; беҳ-беҳ, ту-ту-ту (товуқ учун)*;

б) ҳ а й д а ш у н д о в л а р и (die Interjektionen der Aufforderung sich zu entfernen): *hü, hottehü — vorwärts; har, wist — links; hot — rechts; huf — zurück; ҳайм!, чув! чух!*

в) ҳайвонларни ҳаракатдан тўхтатиш ёки тинчлатиш мақсадида ишлатиладиган б у й р у қ - х и т о б у н д о в л а р и (die Interjektionen der Aufforderung zum Ruhig sein); *Pat, pscht, st, sch; дурр, так, хўйш, хўйк, иш.*

Ҳар икки тилда ҳам бошқа туркумдан ўтган ундовлар ўзига хос хусусиятларга эга, масалан:

Halt!, Still!, Zum Teufel!, Donnerwetter!, Los!; — Ҳорманг бор бўлинг; — эсонмисиз — омонмисиз;

Ўзбек тилида ундовлар тузилишига кўра уч турга эга: 1) с о д д а у н д о в л а р и: *эй, оҳ, уҳ, ҳе, хо, ҳа, эҳа*, в. б.; 2) т а к р о р у н д о в л а р и: *э-э, бай-бай, ия-ия, ҳа-ҳа, а-а-а, и-и, ҳо-ҳо, вой-вой*; 3) ж у ф т у н д о в л а р: *вой-буй, вой-вуй, вой-дод, вой-бу, э-ҳа, э-воҳ*.

Немис тилида эса такрор ёки жуфт ундовлар йўқ.

Ўзбек тилида ундовларнинг айримлари отлашиб эгалик, кўплик ва келишик қўшимчаларини қабул қила олади, масалан: *оҳимни, додимни, оҳ-воҳларига*.

Немис тилида эса ундовлар отлашмаса-да, лекин улардан янги сўзлар ясаш мумкин, масалан: *ach* сўзидан *ächzen*, *juch* сўзидан *jauchzen* сўзлари ясалган¹.

1. W. Jung. Grammatik der deutschen Sprache, Leipzig, 1968, S. 388.

Немис тилида ясама ундовлар мавжуд бўлиб, улар: 1) с у б с т а н т и в — от категорияларига тегишли бўлган (*Gott, Donnerwetter, Pot*); 2) прономинал (*mein*); 3) модал (*gottlos*); 4) б у й р у қ - и м п е р а т и в (*behüte, bewahre, geh, halt, horch*); 5) с и ф а т д о ш г а т е г и ш л и (*verdamm, verflucht*), 6) ҳ о л г а т е г и ш л и (*auf, fort, noch, los, so*) ундов турларига бўлинади.

Немис тилида субстантив ундовлар турли ҳис-ҳаяжон маъноларини ифода этади, масалан:

«*Gott, was für ein herrlicher Pferdeschwanz*». (*A. Zweig*.)

«*Gott, ihr seid scheußlich*» (*Th. Mann*.)

«*Gott, wie rührend!*» — spottete der Kommissar. (*H. Fallada*.)

Немис тилида ундалма сўз бўлиб келган отлар (*Junge, Kind, Mensch*) атоқли отлар, олмошлар (*du, was, wie, wo* буйруқ-императив формалари (*erlaube, komm, warte*) равишлар (*herzlich, schön, prima, genug*) ва модал сўзлари (*ja, nein, doch*) ундов-хитоб сўзлари сифатида қўлланади, масалан:

«*Mensch, siehst du aus*;» — sagte Gustav. (*E. M. Remarque*.)

«*Prima, gnädige Frau. Wirklich ausgezeichnet!*» (*J. R. Becher*.)

«*Jai ja*», flüstert der Leutnant zerstreut. (*H. Fallada*.)

ТАҚЛИД СЎЗЛАР

(DIE LAUTNACHAHMUNG)

Тақлид сўзларнинг тилдаги шакл ва оҳанги тақлид қилинаётган товуш ёки ҳаракатнинг характери билан белгиланади. Тақлид қилинаётган товушнинг физик хоссаси, ҳолати ва тузилиши тасвирий сўзнинг шаклланишини белгиловчи омилдир.

Тақлид сўзлар немис тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам асосан қуйидагилардир:

1. Жонли табиат ва инсонлар товушларига тақлид қилинган сўзлар;

2. Жонсиз табиат товушларига тақлидни билдирадиган сўзлар;

3. Қуш ва паррандалар овозига тақлидни билдирадиган сўзлар;

4. Ҳайвон ва майда жониворлар овозига ҳамда уларнинг ҳаракати билан боғлиқ товушларга тақлидни билдирадиган сўзлар.

Тақлид сўзларнинг немис ва ўзбек тилларида мос келишини қуйидаги мисоллардан тушуниш мумкин:

1. Жонли табиат товушларига тақлидни билдирадиган сўзлар: *trallala* — (ҳиргойи қилиб ашула айтишда), *hopp, hops, hoppa, hopsa* (сакрашда), *ush* (эснашда), *uff* (нафас олишда), *хи-хи-х-хи, ҳа-ҳа-ҳа, қаҳ-қаҳ* (кулиш), *қий-чув, шов-шув, гунгур-гунгур* (*гапла-ишиш*), *ниқ-ниқ* (*йиғлаш*) ва бошқалар. Масалан:

hops, gehen, etw. hops gehen lassen, hops sein usw; Оббо. Ҳи-ҳи ҳи-ҳи . . . (*А. Қаҳҳор*.) Кимнингдир қаҳ-қаҳ ургани эшитилди. (*А. Мухтор*.)

2. Жонсиз табиат товушларига тақлидни билдирадиган сўзлар:

tick-tack, bum-bum, tarara, tätärätätä, dideldumdei, piff, paff, tack-tack, tack, bim-bam, kling-klang, tach-tach-tach-tach, ta-tü, ruo-ruo-ruo, ritze-ratze, krach, vumm, rums, bum (s), puff usw.

Масалан:

Kling! Zuckte das nächste Bild heran . . . (J. R. Becher.)

Bumm Schluger zu und trof den Kühentisch (H. Fallada.)

Тақ-туқ, тақ, чиқ, чирт, чирт-пирт, шақ, шақ-шук, тарақ-туруқ, динг-динг дук-дук, жиринг-жиринг, тўқ-тўқ, қирс, қарс-қарс, қиср-қиср, ғийқ-ғийқ, ғижир-ғижир ва бошқалар.

Масалан:

Da brannt ich ihn auf das Fell, piff, paff (B. Uhland.)

Max und Moritz . . . sägen . . . ritze-ratze . . . in die Brücke eine Lücke. (W. Busch.) Hui, wie beide auf die Füße. fuhren! (J. Gott-helf.) Хнакс! — Da bricht der Stuhl entzwei. (W. Busch.) und humpelt also tippe-tappe, durchs Haselholz ins Tal hinab. (E. Mört-ke.)

Шербек қўйлар тузни қасир-қасир чайнаётганини ўз қулоғи билан аниқ эшитди. (Саид Аҳмад.) Ўткир тумшукли чуғурчуқлар чигирткаларнинг калласини чирт-чирт узиб ташляпти. («Ғунча».)

3. Қуш ва паррандалар овозига тақлидни билдирадиган сўзлар:

Хўрознинг қичқириши: *Kikeriki* — *ку-ка-ре-ку*; Захчанинг чағиллаши: *Krah-га-га-га* — *Чағ-чағ-чағ* ва бошқалар.

4. Ҳайвон ва майда жониворлар овозига ва ҳаракатига тақлидни билдирадиган сўзлар:

Die Kuh im Stalle ruft *muh, muh!* (F. Schiller.); «*Au, miau was uns faiert!*» (J. Grimm); wie die Hunde bellen! *Wau, wau* (J. W. Goethe.)

Ма... ма... салом овчи ота! Эм... эм... салом, салом отахон!

АДАБИЁТЛАР
(LITERATURVERZEICHNIS)

I

- Admoni W.* Der deutsche Sprachbau. Moskau — Leningrad, 1972.
Arssenjewa und andere. Grammatik der deutschen Sprache, Moskau, 1963.
Duden. Grammatik der deutschen Gegenwartssprache. Leningrad, 1962. Die deutsche Sprache. Kleine Enzyklopädie Bd. I, II. Leipzig, 1969.
Erben J. Abriss der deutschen Grammatik. Berlin, 1965.
Gebain A. Ozbekische Grammatik, Leipzig und Wien, 1945.
Helbig G. Deutsche Grammatik. VEB Verlag, 1976.
Buscha J. Enzyklopädie Leipzig, 1974.
Helbig G., Buschu J. Kurze deutsche Grammatik für Ausländer VEB Verlag Enzyklopädie Leipzig, 1976.
Шенделс Е. И. Грамматика немецкого языка. М., 1952.
Schendels E. Deutsche Grammatik Morphologie, Syntax Text. Moskau, 1979.
Jung W. Grammatik der deutschen Sprache, Leipzig, 1966.
Moskalskaja O. I. Grammatik der deutschen Gegenwartssprache. Moskau, 1971.
Schmidt W. Grundfragen der deutschen Grammatik. Berlin, 1967.
Schmidt W. Grundfragen der deutschen Grammatik. Volk und Wissen. Volkseigener Verlag Berlin, 1977.
Гульга Е. В., Натанзон М. Д. Грамматика немецкого языка. М., 1957.
Зиндер Л. Р., Строева Т. В. Современный немецкий язык. М., 1967.
Зиндер Л. Р., Строева Т. В. Пособие по теоретической грамматике и лексикологии немецкого языка. Л., 1962.
Косов В. Т. Междометия современного немецкого языка как особый разряд слов. А. к. д., М., 1963.
Крушельницкая К. Г. Очерки по сопоставительной грамматике немецкого и русского языков. М., 1961.
Лековская К. А. Немецкий язык. ч. 1, М., 1960.
Москальская О. И. Грамматика немецкого языка (теоретический курс). Морфология. М., 1956.
Степанова М. Д. Словообразование современного немецкого языка. М., 1953.
Степанова М. Д., Хельбиг Г. Части речи и проблема валентности в современном немецком языке. Москва, «Высшая школа», 1978.
Степанова М. Д. и др. — Словарь словообразовательных элементов немецкого языка, Москва «Русский язык», 1979.

II

- Азизов О., Мирзаев М., Сафаев А., Бўрибеков А.* Ўзбек ва рус тилларининг қиёсий грамматикаси. Тошкент, 1965.
Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. Ташкент, 1978.
Сулаймонов А. Ҳ., Ҳожиёв А., Жўраева Ж. М. Фейл замонлари. Тошкент, 1962.

Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили Тошкент, 1965.

Ўзбек тили грамматикаси, I том, Морфология. Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти, Тошкент, 1975.

Ҳожиев А. Ўзбек тилида қўшма, жуфт ва такрорий сўзлар, Тошкент, 1963.

Ҳожиев А. Ўзбек тилида кўмакчи феъллар, Тошкент, 1966.

Ҳожиев А. Тўлиқсиз феъл. Тошкент, 1970.

Ҳожиев А. Феъл, «Фан» нашриёти. Тошкент, 1973.

Ҳозирги замон ўзбек тили, «Фан» нашриёти, Тошкент, 1967.

Ҳозирги ўзбек адабий тили, I қисм, фонетика, лексикология, морфология, «Фан» нашриёти, Тошкент, 1966.

III

Азизов А. А. Сопоставительная грамматика русского и узбекского языков, Морфология, Тошкент, 1959.

Боровков А. К. Краткий очерк грамматики узбекского языка, в кн. «Узбекско-русский словарь», М., 1959.

Исследования по сравнительной грамматике тюркских языков, ч. II. Морфология, М., 1956.

Коклянова А. А. Послелоги и служебные имена в узбекском языке. Труды института языкознания, ч. III, М., 1954.

Коклянова А. А. Категория времени в современном узбекском языке. М., 1963.

Кононов А. Н. Послелоги в современном узбекском литературном языке, Тошкент, 1951.

Кононов А. А. Грамматика современного узбекского литературного языка М.—Л., 1960.

Поливанов Е. Д. Краткая грамматика узбекского языка, ч. I. М., 1926.

Решетов В. В. Современный узбекский язык, ч. I, Ташкент, 1946.

Решетов В. В. Основы фонетики и грамматики узбекского языка, Ташкент, 1965.

МУНДАРИЖА
(INHALTSVERZEICHNIS)

Кириш (Einleitung)	7
Сўзнинг морфологик структураси	7
Сўз ўзгартувчи аффикслар (Flexionsaffixe)	8
Сўз негизи (Stamm)	8
Флексия (Flexion — қўшимча)	8
Сўз формаси (Die Form des Wortes)	10
Ундозларнинг алмашинуви (Konsonantenwechsel)	13
Сўзнинг аналитик формалари (Analytische Formen des Wortes)	13
Супплетив формалар (suppletive Formen)	14
Сўз туркумлари	14

От (Das Substantiv)

Отларнинг ясалиши (die Bildung der Substantive)	19
Отнинг грамматик категориялари (Die grammatischen Kategorien der Substantive)	26
Отларда сон категорияси (die Kategorie der Zahl)	36
Кўплик формасининг ясалиши (Pluralbildung der Substantive)	37
Келишик категорияси (Die Kategorie des Kasus)	42
Турланишнинг биринчи тури ёки кучли турланиш (Der erste Typ der Deklination oder die starke Deklination)	43
Иккинчи тур турланиш ёки кучсиз турланиш (Der zweite Typ der Deklination oder die schwache Deklination)	43
Учинчи тур турланиш ёки женский род отларнинг турланиши	44
Отларнинг кўпликда турланиши (Deklination der Substantive im Plural)	45
Атоқли отларнинг турланиши (Deklination der Eigennamen)	45
Отнинг синтактик функциялари (Syntaktische Funktionen der Substantive)	46
Келишикларнинг қўлланиши (Gebrauch der Kasus)	47
Бош келишик (Der Nominativ, der Werfall)	48
Қаратқич келишиги (Der Genitiv, der Wesfall)	49
Жўналиш келишиги (Der Dativ, der Wemfall)	52
Тушум келишиги (der Akkusativ, der Wenfall)	55

Артикль

(Der Artikel, das Geschlechtswort)

Артикльнинг саналадиган ва саналмайдиган отлар билан қўлланиши (Gebrauch des Artikels mit den zählbaren und unzählbaren Substantiven)	66
Предлог билан артикльнинг бирикиши (Die Verschmelzung von Präpositionen und Artikel)	67

Сифат

(Das Adjektiv, das Eigenschaftswort, das Beiwort)

Сифатнинг турланиш турлари (Die Deklinationsarten des Adjektivs)	69
Сифатнинг асосий формалари ва уларнинг қўлланиши (Die Grundformen des Adjektivs)	72
Сифат даражалари, уларнинг маъноси ва қўлланиши (Die Steigerungsstufen (Vergleichsstufen, Graduierung) der Adjektive, ihre Bedeutung und Gebrauch)	73
Сифатларнинг отлашуви (Die Substantivierung der Adjektive)	77
Сифатларнинг гаптаги вазифалари (Die syntaktische Funktion des Adjektivs im Satz)	78

Олмош (Das Pronomen)

Олмошларнинг маънога кўра турлари (Die semantische Gliederung der Pronomen)	81
Кишилик олмошлари (Personalpronomen, Persönliches Fürwort)	82

Ўзлик олмоши (Reflexives Pronomen — rückbezügliches Fürwort)	85
Эгалик олмошлари (Possessivpronomen, besitzanzeigen des Fürwort)	90
Кўрсатиш олмошлари (Demonstrativpronomen, hinweisen des Fürwort)	96
Сўроқ олмошлари (Interrogativpronomen, fragendes Fürwort)	101
Нисбий олмошлар (Relativpronomen, bezügliches Fürwort)	106
Олмош — равишлар (Pronominaladverbien)	108
Шахсият олмош (Das unpersönliche Pronomen <i>es</i>)	110
Гумон олмошлари (Indefinitpronomen, unbestimmtes Fürwort)	111
Бўлишсизлик олмоши (Negativpronomen, verneinendes Fürwort)	118
Муносабат олмоши (Wechselbezügliches Fürwort)	120

Сон

(Das Numerale, das Zahlwort)

Саноқ сон (Grundzahlwörter, Grundzahlen Kardinalia)	121
Тартиб сон (Ordnungszahlwörter, Ordinalia)	122
Қаср сон (die Bruchzahlen)	123
Тақсим сон (die Verteilungszahlen)	123
Кўпайтирувчи сонлар (Vervielfältigungszahlen)	123
Саноқ сон <i>ein</i> (<i>e</i>) <i>s</i> нинг қўлланиши	124
Сонларнинг отлашуви (Substantivierung der Numeralien)	124

Феъл

(Das Verb, das Zeitwort, das Tätigkeitswort)

Феълларнинг семантик, синтактик ва морфологик классификацияси (Die semantische, syntaktische und morphologische Klassifikation der Verben)	127
Феълларнинг синтактик классификацияси (Die syntaktische Klassifikation der Verben)	127
Феълларнинг морфологик классификацияси (Die morphologische Klassifikation der Verben)	137
Феълнинг грамматик категорияси (Die grammatischen Kategorien des Verbs)	146
Замон категорияси (Die Kategorie der Zeit, des Tempus)	147
Нисбат категорияси (Die Kategorie des Genus)	147
Майл категорияси (Die Kategorie des Modus)	147
Феълнинг замон формалари (Die Zeitformen, des Verbs)	149
Авиқлик майли замон формаларининг ясалиши ва қўлланиши	149
Презенс (ҳозирги замон) нинг ясалиши (Bildung des Präsens)	150
Презенс замон формасининг маъноси ва қўлланиши	153
Претеритнинг ясалиши (Bildung des Präteritums)	155
Претеритум замон формасининг маъноси ва қўлланиши	157
Перфектнинг ясалиши (Bildung des Perfekts)	158
Перфектнинг маъноси ва қўлланиши	161
Плюсквамперфектнинг ясалиши (Bildung des Plusquamperfekts)	162
Плюсквамперфектнинг маъноси ва қўлланиши (Bedeutung und Gebrauch des Plusquamperfekts)	162
Футурумнинг ясалиши (Bildung des Futurs I)	164
Футурум I нинг маъноси ва қўлланиши	165
Футурум II нинг ясалиши (Bildung des Futurs II)	166
Футурум II нинг маъноси ва қўлланиши	166
Буйруқ майли (Der Imperativ) Буйруқ майлининг ясалиши (Bildung des Imperativs)	167
Буйруқ майлининг маъноси ва қўлланиши (Bedeutung und Gebrauch des Imperativs)	170
Шарт майли (Der Konjunktiv, die Möglichkeitsform)	170
Конъюнктивнинг ясалиши (Bildung des Konjunktivs)	171
Презенс конъюнктив (Präsens des Konjunktivs)	173
Презенс конъюнктивнинг қўлланиши (Bedeutung und Gebrauch des Präsens Konjunktivs)	173
Претеритум конъюнктивнинг ясалиши (Bildung des Präteritums im Konjunktiv)	174

Перфект конъюктивнинг ясалиши (Bildung des Perfekts im Konjunktiv) . Фельнинг аниқлик ва шарт майлининг плюсквамперфект замон формасида тусланиши (Die Konjugationstabelle des Plusquamperfekts im Indikativ und Konjunktiv)	176
Конъюктивнинг футурум I ва II формаларининг ясалиши (Bildung des Fu- turs I, II im Konjunktiv)	179
Кондиционалис I ва II формаларининг ясалиши (Bildung des Konditionalis I, II)	180
Конъюктивнинг претеритал замон формаларининг маъноси ва қўлланиши (Bedeutung und Gebrauch der Präteritalformen des Konjunktivs)	181
Конъюктивнинг ўзлаштира гапда қўлланиши (Gebrauch des Konjunktivs in der indirekten Rede)	185
Нисбат категорияси (Die Kategorie des Genus, der Handlungsart)	187
Аниқ нисбат (Das Aktiv)	187
Мажҳул нисбат (Das Passiv) замон формаларининг ясалиши (Bildung der Zeitformen des Passivs)	188
Фельнинг пассив замон формаларига кўра тусланиши (Die Konjugations- tabelle der Verben in Zeitformen des Passivs)	188
Ҳолат нисбатининг синтактик вазибалари (Funktionale Betrachtungsweise des Stativs)	197
Пассив замон формаларининг маъноси ва қўлланиши (Bedeutung und Geb- rauch der Zeitformen des Passivs)	201
Маъноси чегараланган ва маъноси чегараланмаган фельлар (terminative und kursive Verben)	203
Булишли-булишсизлик категорияси (Die Kategorie der Bejahung und der Verneinung)	203
Фельнинг отлич формалари (Die Nominalformen des Verbs—Infinitivte For- men)	204
Ҳаракат номи (Der Infinitiv)	205
Сифатдош (Das Partizip — das Mittelwort)	216
Сифатдош формаларининг маъноси (Bedeutung und Gebrauch der Partizi- pien)	217
Равишдош	226

Равиш

(Das Adverb, das Umstandswort)

Равишларнинг маънога кўра турлари (Semantische Einteilung der Adver- bien)	235
Пайт равиши (Adverbien der Zeit — Temporaladverbien)	236
Ҳолат равиши (Modaladverbien — Adverbien der Art und Weise, der Qua- lität)	237
Сабаб равиши (Adverbien des Grundes — Kausaladverbien)	238
Мақсад равиши (Adverbien des Zieles — Finaladverbien)	239
Миқдор- даража равишлари (Adverbien der Intensität — Adverbien des Gra- des)	239
Сўроқ равишлари (Frageadverbien)	240
Модал сўзлар (Das Modalwort)	241
Ёрдамчи сўзлар (Funktionswörter — Dienstwörter — Fügewörter)	243
Предлоглар (Die Präpositionen)	243
Предлогларнинг бошқаруви (Die Rektion der Präpositionen)	246
Жўналиш келишиги (Dativ) ни бошқарадиган предлоглар	246
Тушум келишиги (Akkusativ) ни бошқарадиган предлоглар	247
Жўналиш ва тушум (Dativ und Akkusativ) келишикларини бошқарадиган предлоглар	247
Боғловчи (Die Konjunktion — Das Bindwort)	254
Юктамалар (Die Partikel)	259
Ундов (Die Interjektion — Das Emp indungswort)	262
Тақлид сўзлар (Die Lautnachahmung)	266
Адабиётлар (Literaturverzeichnis)	268

